


БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Касб-ҳунар коллежлари учун



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

Т.Эргашев

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

*Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик
сифатида тавсия этилган.*

Академик С. С. Фуломов таҳрири остида

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори,
профессор **Р.Х. Шодиев**,
иқтисод фанлари доктори,
профессор **М.Л. Турсунхўжаев**,
иқтисод фанлари номзоди **И. Собиров**.

Дарсликда бозор иқтисодиётининг тизим сифатидаги моҳияти, асосий тушунчалар, тамойиллар ва Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хосликлари, шунингдек, тадбиркорлик ва бизнес, маркетинг, менежмент, молия ва пул-кредит тизими, ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари, уни ривожлантириш омиллари каби мавзулар ёритилган. Унда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонун-қоидалари, халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кенг ўрин олган.

Дарслик касб-ҳунар коллежларининг талабаларига, бизнес мактабларининг тингловчиларига, лицей ва гимназияларнинг ўқувчиларига мўлжалланган. Ундан олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичидаги талабалар, шунингдек, ўзининг иқтисодий билимларини кенгайтиришга қизиққан раҳбарлар, мутахассислар ва тадбиркорлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарсликнинг IV, V, VI, VII ва XI боблари иқтисод фанлари номзоди, доцент Р.Исмаев билан ҳамкорликда ёзилган.

1962

Э $\frac{0601010000 - 125}{353 (04) - 2002}$ Қатъий буюрт. — 2002

ISBN 5 — 645 — 03930 — 0

© „Ўқитувчи“, Т., 2002

СЎЗ БОШИ

Иқтисодиёт илми ҳамма замонларда ҳам инсоният учун муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу илм жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оид муаммоларни ҳал этиш калити ҳисобланади. У жамият аъзоларида иқтисодий тафаккурни шакллантиради, иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни ўргатади, уларда ишбилармонлик ва ташаббускорлик хислатларини шакллантиришга кўмаклашади.

Ўтган асрнинг охириги 10 йиллигида дунё сиёсий харитасида содир бўлган туб ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиб, бозор иқтисодиёти тизимига ўтиши натижасида халқимизнинг иқтисодий билимларга бўлган қизиқиши кескин даражада ортиб кетди. Республикаимиз Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат эканини ҳар тарафлама ва илмий асослаб берди. Шу билан биргаликда буюк келажакни яқинлаштириш, авваламбор, иқтисодиётга, унинг ўсиш суръатларига боғлиқ экани юртбошимизнинг кўпдан-кўп чиқишларида ва асарларида ўз ифодасини топди.

Шу муносабат билан жамият аъзолари, айниқса ёшларга иқтисодий таълим бериш, хусусан, бозор иқтисодиёти асосларини ўргатиш ўта долзарб вазифага айланди. Бозор, пул, молия, кредит, даромад, фойда, маркетинг, менежмент каби иқтисодий тушунчалар киши онгига ёшлигидан қанчалик сингиб борса, унинг иқтисодий тафаккури шунча эрта шаклланади. Шунинг учун иқтисодий саводхонликни шакллантириш умумий ўрта таълим мактабларидан бошланиб, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар)да, шунингдек, олий ўқув юртларида юқорироқ даражада давом эттирилиши керак. Мана шундай узлуксиз иқтисодий таълим ёшларимизга давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини, мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ва иқтисодий тараққиётнинг жамият олдида турган долзарб муаммоларини ҳолисона баҳолаш учун зарур бўлган билимларни беради. Қолаверса, уларни жамиятнинг иқтисодий фаол ва ташаббускор аъзоларига айлантиради.

Ёшлар зиммасида иқтисодий билимларни ўрганиш, уларни кундалик ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси ётар экан, бу вазифани ҳал этиш кўп жиҳатдан уларнинг керакли ўқув адабиётлари билан таъминланганига боғлиқлиги ўз-ўзидан аён.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, республикада таниқли иқтисодчи олим-педагог, профессор Тоштурғун Эргашевнинг Бозор иқтисодиёти номли дарслиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими

муассасалари учун тайёрланган бўлиб, ундан олий ўқув юртлари талабалари ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин. Дарсликда бозор иқтисодиётининг асосий тушунчалари ва категориялари, унинг назарияси ва амалиёти, мазкур тизимни ҳаётга тадбиқ этишда Ўзбекистондаги ўзига хосликлар, янги шароитда тадбиркорлик, маркетинг, менежмент асослари, бозор муносабатлари механизми, иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли каби муҳим масалалар ўқувчилар учун тушунарли тилда баён этилган.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов маънавий жиҳатдан мукамал инсонни тарбиялаш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканини асослаб берган. Бу вазифанинг қўйилишидан кўзланган пировард мақсад ўзининг мустақил иқтисодий тафаккурига ва фуқаролик позициясига эга бўлган, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонларни тарбиялашдир.

Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда шиддат билан кечаётган глобаллашув (дунёвийлашув) жараёнлари, табиийки, Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортмоқда. Бинобарин, бу жараёнлардан ҳеч ким четда қолиб кетмайди. Айниқса, бугунги ёшлар.

Умид қиламизки, бугун Сиз қўлингизга олган китобда келтирилган билимлар ва маълумотлар Сизни теран иқтисодий тафаккурга эга бўлган, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалар ва муаммоларни ҳал этишда, республика иқтисодиётининг глобаллашув жараёнларида фаол қатнаша олувчи инсон сифатида шаклланишингиз учун мустақкам замин яратади.

Академик **С. С. Ғуломов**

МУҚАДДИМА

Инсоният тарихининг асосида, унинг интилишлари ва курашлари замирида одамларни ҳаракатга келтирувчи бир нарса борки, уни биз эҳтиёжлар деб атаймиз. Ана шу эҳтиёжлар айрим шахсларни ҳам, бутун оилалару хонадонларни, корхоналару фирмаларни ва ҳатто мамлакатлар ҳукуматларини ҳам ҳаракатга келтиради. Табиатан турли-туман бўлган мазкур эҳтиёжларни қондириш учун бўлган хатти-ҳаракатлар ва курашлар муайян ҳужалик фаолияти тусини олади.

Инсоният эҳтиёжлари, бир томондан, турли-туман (моддий ва маънавий) бўлса, иккинчи томондан, доимо ўсиб боради. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи ва муҳим томони шундаки, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ҳамма вақт ҳам чекланган бўлади. Демак, инсоният чекланган имкониятлар доирасида ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондириш муаммосига доим дуч келади. Ана шу муаммо иқтисодиёт илмининг объектини ташкил этади.

Муаммонинг қай даражада ҳал қилиниши кўп жиҳатдан мазкур мамлакатдаги иқтисодий тизим ва муносабатларга боғлиқ. Чунки ҳар қандай жамиятда одамларнинг ҳужалик фаолияти муайян иқтисодий тизим шароитида кечади. Инсоният ўз тараққиётида бир неча иқтисодий тизимларни кашф этган.

Азиз ўқувчи, Сизнинг қўлингиздаги дарслик „Бозор иқтисодиёти“ деб аталувчи тизимга бағишланади.

Сиз келажакда физик ёки математик, агроном ёки рассом бўлишликка жазм қилдингиз, дейлик. У ҳолда сизда „Менга иқтисодиёт илмини, умуман, бозор иқтисодиётини ўрганиш нима учун керак?“ деган савол туғилиши мумкин. Шунинг учун бу илми ўрганиш зарурлигини тасдиқловчи бир неча сабабларни айтиб ўтамиз.

Биринчидан, иқтисодиёт соҳасидаги билимлар сизга эркин, демократик жамиятда камол топаётган шахс сифатида зарур. Келажаги буюк давлат қурувчиси, авваламбор, кенг ва эркин фикрловчи, ҳар томонлама ўқимишли, саводли ва билимдон шахс бўлиши керак. Ҳозирги кунда юртбошимиз И. А. Каримов томонидан баркамол авлодни етиштириш ва тарбиялаш устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилган экан, баркамолликнинг биринчи ва энг муҳим белгилари юқорида айтиб ўтилган хислатлардир.

Иккинчидан, ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида истеъмолчи вазифасини ўтайди. У турли-туман моддий ва маънавий неъматларни истеъмол қилади, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, китоблар сотиб олади, турар жой эҳтиёжларини қондиради, турли томошагоҳларга боради, саёҳатга чиқади ва ҳоказо.

Истеъмолчи сифатида бу эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга қаратилган интилишлар, албатта, имкониятлар чекланган шароитда содир бўлади. Бундай шароитда, биринчи навбатда, нимани сотиб олиш керагу, нимани кейинги навбатда харид қилиш мақсадга мувофиқ ёки вақтинча бўш шахсий жамғармани банк депозитига қўйган маъқулми ёки акция сотиб олганми — бу ишларни оқилона ҳал қилиш учун ҳар бир киши иқтисодий жиҳатдан саводхон бўлиши керак.

Учинчидан, ҳар бир инсон ўз мамлакатининг фуқароси сифатида майдонга чиқади. Фаол фуқаро ҳеч қачон ўз юртида, минтақа ёки мамлакатида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатдан четда тура олмайди ва унга бефарқ қарай олмайди. Президент ва парламент сайловларидаги номзодларнинг иқтисодий дастурлари ва бу сайловлар компанияси учун сарфланаётган сарф-харажатларни мушоҳада қилиш ва тегишли ҳулосалар чиқариш учун ҳам иқтисодий билимлар зарур.

Тўртинчидан, ҳар қандай мамлакатнинг фуқароси айна вақтда солиқ тўловчи ҳамдир. Демак, у вақт-вақти билан солиқ идоралари ва инспекторлари билан юзма-юз бўлиб туради. Орада пайдо бўлиши мумкин бўлган ихтилофларни маданий тарзда бартараф этиш учун эса иқтисодий билимлар зарур.

Ва ниҳоят, бешинчидан, сиз келажакда физик ёки агроном бўлманг, барибир, тақдир тақозоси билан бирон-бир корхона ёки ташкилотга раҳбар бўлиш эҳтимолингиз йўқ эмас. Ҳеч қачон, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий билимларсиз самарали раҳбарликни амалга ошириш мумкин эмас.

Қолаверса, яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор муносабатлари амал қилувчи шароитда инсон турли иқтисодий хавф-хатардан, масалан, пул қадрсизланишининг кучайиб кетиши, акциялари сотиб олинган корхона (фирма)нинг банкротга учраб қолиши ва ҳоказолардан кафолатланган эмас. Иқтисодий билимларга эга бўлган киши бундай хавф-хатарлардан камроқ зиён кўради, десак хато бўлмайди.

Хуллас, сиз „Бозор иқтисодиёти“ курсини қанча чуқурроқ ва мукамалроқ ўрганиш учун сабр-тоқат қилсангиз, ундан шунча кўпроқ наф кўрасиз.

Ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топинг:

◆ *Иқтисодиёт тушунчасининг икки хил маъноси нимадан иборат?*

◆ *Инсон эҳтиёжлари нима, унинг қандай хусусиятлари ва турлари бор?*

◆ *Микроиқтисодиёт нима?*

◆ *Макроиқтисодиёт деганда нимани тушунмоқ керак?*

Бозор иқтисодиётини бошқа иқтисодий тизимлардан ажратиб турувчи фарқлар нимадан иборат?

1.1. Иқтисодиёт деганда нимани тушунамиз?

Кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учраб турадиган атамалардан бири бу — „иқтисодиёт“ тушунчасидир. У ниҳоятда кенг қамровли ва кўп маъноли тушунча бўлиб, қисқа, лўнда ёки икки оғиз сўз билан тушунтириб бериш амри маҳол вазифа ҳисобланади. Гап шундаки, бу атама билан бевосита боғлиқ бўлган ёки аниқроғи ундан келиб чиққан „иқтисод“, „иқтисод қилиш“ каби иборалар ҳам борки, уларнинг маъноси бир-бири билан жуда яқин.

„Иқтисод“, „иқтисод қилиш“ дейилганда, биз одамларнинг турли хил эҳтиёжларини қондирадиган ноз-неъматлар, моддий бойлик ва ресурслардан тежаб-терғаб фойдаланишни тушунмоғимиз керак.

Иқтисодиёт атамасининг маъноси эса ўз моҳиятига кўра уларга нисбатан анчагина кенг.

Ҳозирги кунда „иқтисодиёт“ атамаси иккита маънода ишлатилмоқда, десак хато бўлмайди.

Унинг биринчи маъноси сиз билан бизнинг, барча жамият аъзоларининг кундалик ҳаётини, турмуш шароитларини таъминловчи хўжалиқдир. Одамларнинг турли-туман моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш айнан ана шу хўжаликка боғлиқ бўлиб, унинг ривожланганлик даражаси пировард натижада одамларнинг ҳаёт тарзи ва сифатини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам хўжалиқни, яъни иқтисодиётни ривожлантириш ҳар қандай жамият (халқ) олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Хўжалик маъносидаги иқтисодиёт кўп тармоқли бўлиб, бу тармоқларни иккита катта соҳага бўлиш (ёки ажратиш) мумкин: моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва ижтимоий-маданий соҳа. (1.1-чизмага қаранг.)


„Иқтисодиёт“ атамасининг иккинчи маъноси хўжалиқни, одамларнинг хўжалик фаолиятини ўрганувчи илм (фан)дир. Кишилиқ

жамиятининг хўжалик амалиёти қанча қадимий бўлса, бу фан ҳам шунча қадимийдир. У одамларнинг хўжалик ҳаётига, аввало, уй хўжалигини юритиш санъати (илми) сифатида кириб келган бўлса, эндиликда у кенг қамровли фанга айланди. Иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, халқаро иқтисодий алоқалар, саноат ва бошқа тармоқлар иқтисодиёти каби ўнлаб фанлар мавжудки, уларни лўнда қилиб иқтисодиёт илми деб аташ мумкин.

Бу илм ҳаётда рўй берувчи иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар, қонун ва қонуниятларни ўрганади, одамларнинг хўжалик фаолиятини оқилона ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва йўллари билан шуғулланади.

Назарий билимлар қанча пухта ва мустаҳкам бўлса, уларнинг амалиёт учун тегадиган нафи ҳам шунча юқори бўлади. Бу нарса, айниқса, иқтисодий билимларга тааллуқлидир, десак муболаға бўлмас. Иқтисодий билимлар одамлар учун ҳамма замонларда ҳам муҳим аҳамият касб этган, чунки иқтисодиёт билан ҳар хил даражада бўлса-да, ҳамма шуғулланади.

Кишилар фақат бугунги кун билан эмас, балки келажак билан ҳам яшайдилар. Иқтисодиёт илми эса шу кун ҳодисаларини тушунтириш билан чекланмайди. Унинг муҳим вазифаси келажакни англаш, башорат қилиш ва иқтисодий тараққиётнинг энг мақбул ва оқилона йўлларини ишлаб чиқишдир.



1. 1- чизма. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши.

Иқтисодий билимлар одамларнинг иқтисодий тафаккурини белгилаб беради. Иқтисодий тафаккур шахснинг иқтисодий воқелик ва жараёнларга муносабатини ифодалайдиган қарашлар, ғоя ва тасаввурлар мажмуидир.

Ҳозирги ёшлардан замонавий иқтисодиёт фани категориялари билан фикрлаш ва унинг ютуқларини амалиётда самарали қўллаш талаб қилинмоқда. Улар оқилона хўжалик юритиш ва ўз ишини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг сиру синоатларини ўрганишлари зарур. Давлатнинг иқтисодий қудратини кучайтиришда фаол ва ижодий равишда иштирок этиш уларнинг ватанпарварлик бурчидир.

Иқтисодий тафаккур иқтисодий билимларга асосланади, бу билимлар эса ўз навбатида ишончли бўлиши, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳақиқий жараёнларни акс эттириши керак.

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, жамият аъзоларининг турмуш фаровонлиги ва даражаси кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодий тафаккурига боғлиқ деб айтиш мумкин. Зеро, уларнинг хўжаликни оқилона юрита олиш қобилияти ва тежамкорлик хислатлари хўжалик фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради. Жамият аъзоларининг иқтисодий саводхонлигини шакллантириш ва ошириш уларнинг доимо ортиб борувчи эҳтиёжларини қондириш зарурлигидан келиб чиқади. Иқтисодий билимларни кўпроқ ва чуқурроқ ўзлаштирган, бу билимларга таянган ҳолда фикрлай олувчи одамнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги ҳамиша юқори бўлади. Бундай одамларнинг жамият, миллат тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ҳам ҳамиша юқоридир.

Ҳаёт ва иқтисодиёт бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқки, бу боғлиқликни қуйидаги фикрдан ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий жиҳатдан бою бадавлат турмуш кечирishiга эришиш ҳар қандай жамиятнинг эзгу орзу ва мақсадидир. Бироқ бу орзунинг рўёбга чиқиши учун, авваламбор, моддий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш керак. Шунинг учун моддий неъматлар ишлаб чиқаришни энг оқилона ва самарали йўлларини амалга ошириш иқтисодиёт фанининг, иқтисодчиларнинг, қолаверса, ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифасидир.

Лўнда қилиб айтганда, иқтисодиёт илмини жамият аъзоларининг йўлини ёритувчи, эртанги кунни бугундан фаровонроқ қилишни таъминловчи фан сифатида талқин қилиш мумкин.

1.2. Ишлаб чиқариш — иқтисодиётнинг асоси

Ишлаб чиқаришнинг ўзи нима, у қачон ва нима сабабдан пайдо бўлган ва ниҳоят, нима учун у иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади, деган саволга жавоб топиш учун, авваламбор, „эҳтиёжлар“ деган тушунчани кўриб чиқишга тўғри келади.

Инсон бу дунёда яшар экан, унинг турли-туман эҳтиёжлари мавжуд. Айнан ана шу эҳтиёжлар уни ўқишга, касб ўрганишга, ўз малакасини оширишга, меҳнат қилишга ва ҳаттоки шаҳарма-шаҳар юришга, турар жойини, айрим ҳолларда ўз касбини ҳам ўзгартиришга ва бошқаларга мажбур қилади.

Кишиларнинг эҳтиёжлари бошқа биологик жонзотлардан фарқли ўлароқ, фақат озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлар билан чегараланиб қолмайди. Улар ниҳоятда хилма-хил, доимо ўзгарувчан ва юксалувчандир.

Инсон эҳтиёжларининг чеки ва поёни йўқ, деса бўлади. Шунинг учун ҳам эҳтиёжларнинг юксалиб бориши деган умумиқтисодий қонун мавжудлиги ва унинг барча ижтимоий-иқтисодий босқичларида амал қилиши аллақачон исбот қилинган.

Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги ва доимо ўзгариб туриши уларнинг биринчи хусусияти бўлса, иккинчи хусусияти уларнинг доимо ўсиб, ортиб боришидир. Ана шу ҳар икки хусусияти билан эҳтиёжлар жамият тараққиётининг асосини ташкил қилади.

Эҳтиёжларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси моддий эҳтиёжлар бўлса, иккинчиси маънавий эҳтиёжлардир.

Моддий эҳтиёжларга кишиларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, уй-рўзғор анжомлари, транспорт воситалари, дори-дармон ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжлари кирилади.

Маънавий эҳтиёжлар эса билим олиш, малака ошириш, санъат асарларидан баҳраманд бўлиш, туристик саёҳатларга чиқиш, зиёратгоҳ жойларни бориб кўриш, дам олиш, узоқ умр кўриш учун саломатликка эътибор қаратиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Моддий эҳтиёжларни ҳам, маънавий эҳтиёжларни ҳам қондириш учун кишилар меҳнат қиладилар ва ана шу меҳнат натижасида топилган даромадлар ҳисобига ўзлари учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни сотиб оладилар. Демак, одамларда яна бир хил эҳтиёж борки, уни меҳнат қилишга бўлган эҳтиёж ёки меҳнат эҳтиёжи деб айтиш мумкин.

Ижтимоий нуқтаи назардан кишиларнинг эҳтиёжлари орасида уларнинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжлари энг муҳимидир. Зеро, айнан ана шу эҳтиёжлар туфайли одамлар меҳнат қиладилар, ўз билим ва малакаларини доимо ошира боришдан манфаатдордирлар. Айнан ана шу эҳтиёжлар туфайли улар меҳнат жамоаларига бирлашадилар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бирламчи бўғинлари (корхона, фирма ва ҳ.к.) пайдо бўлади, савдо ва тижорат ривожланади.

Кишиларнинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжлари туфайли янги иш ўринлари ташкил топади, янги ерлар ўзлаштирилади, меҳнат фаолиятининг янги турлари пайдо бўлади.

Ўз ризқу насибасини меҳнатдан топишни билган ҳолда амалга оширилаётган фаолият инсонларнинг нафақат моддий ва маънавий

эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, балки ана шу фаолият туфайли улар жамиятда ўз обрў-эътиборларини топадилар, шон-шуҳрат орттирадилар.

Биз эҳтиёжлар жамият тараққиётининг асосини ташкил этади, деган фикрни юқорида билдирган эдик. Бу фикрни тасдиқлаш учун шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, одамлар хоҳ якка тартибда, хоҳ жамоага бирлашган ҳолда меҳнат қилмасин, ўз меҳнатларининг унумдорлиги ва самарадорлигини муттасил ошира боришдан манфаатдордирлар. Чунки унумли ва самарали меҳнатдан улар кўпроқ даромад оладилар ва ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондирадилар. Шу сабабли ишлаб чиқариш доимо ривожланиб, такомиллашиб боради.

Шундай қилиб, эҳтиёжлар жамият миқёсида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг ривожланишига хизмат қилувчи қудратли омилдир. Шу билан биргаликда эҳтиёжларни қондириш иқтисодиётнинг бош вазифасидир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жамият аъзоларининг у ёки бу эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир.

Жамиятнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини, одатда, талаб деб юритилади. Ана шу эҳтиёж (ёки талаб) ўз навбатида *таклифни* юзага келтиради. Таклиф муайян эҳтиёжларни қондириш мақсадида бозор учун ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Талаб билан таклифнинг учрашган жойини бозор деб юритилади. У ерда икки хил иштирокчилар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, иккинчиси эса уларни харид қилувчилар ёки истеъмолчилардир.

Истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракати бирон-бир товарга талаб шаклида намоён бўлади. Бу талабнинг асосида истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ётади, яъни эҳтиёжлар у ёки бу товарга, ёки хизматга бўлган талабни юзага келтиради.

Қайси товарга ёки хизматга талаб бор экан, бозорда шу товар (хизмат) пайдо бўлади.

Албатта, товарлар бозорда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, аввало, уларни ишлаб чиқариш керак. Бу моддий ишлаб чиқаришнинг, умуман, товар ишлаб чиқаришнинг биринчи белгисидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, товар ишлаб чиқаришнинг замирида унга бўлган талаб ётади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳеч кимга кераги йўқ, харидори бўлмаган товарни ҳеч ким ишлаб чиқармайди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг иккинчи белгиси ёки хусусияти шундан иборатки, унинг таркиби ва тараққиёт даражаси ўзгарувчандир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ишлаб чиқаришнинг таркиби бозордаги талабга қараб доимо ўзгариб, такомиллашиб боради ва унинг тараққиёт даражаси ортиб боради.

Инсоният тарихининг илк давридаги одамларнинг эҳтиёжлари ва талабларини кўз олдингизга келтириб кўринг. Уларга энг аввал емоқ учун озиқ-овқат, кейин кийим-кечак, турар жой керак бўл-

ган. Демак, товарлар бозорида ҳам, асосан, ана шу эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган товарлар мавжуд бўлган.

Инсоният жамиятининг тараққиёти натижаси ўлароқ янги-янги товарларга эҳтиёж пайдо бўла бошлаб, бозорга айнан ана шу товарлар чиқа бошлаган. Бу дегани ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари ва тармоқларининг пайдо бўлишигина эмас, балки унинг ривожланиши, тараққий этиши демакдир. Шундай қилиб, моддий ишлаб чиқариш товарларга бўлган талабга қараб ривожланиб боради.

Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши ўз навбатида буни таъминловчи ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, ер остидан кўмир ёки нефть қазиб олиш учун ўша фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудга автомобиль ёки темир йўллар, умумий овқатланиш объектлари, турар жой бинолари ва ҳоказолар қуриш керак, кўмир ёки нефтни қазиб олишга мўлжалланган технологик асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва кўпайтириш керак.

Энди табиий ҳолда бир савол туғилади. Одамларнинг товарлар ва хизматларга бўлган талабини тўла-тўқис қондириш мумкинми?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериб бўлмайди. Биринчидан, ҳамма турдаги ресурслар: ер, сув, ер ости фойдали қазилмалари ва меҳнат ресурслари чекланган. Иккинчидан, ҳар қандай давлатнинг молия ресурслари ҳам чекланган. Ва ниҳоят, учинчидан, инсон ўзининг доимо ўсиб борувчи эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириши учун ҳамма вақт ҳам етарли тўлов қобилиятига эга бўлавермайди.

Одамлар эҳтиёжларини сифат ва миқдор жиҳатдан ўсиб бориши айни вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ресурсларнинг чекланганлиги шароитида меҳнат қуролларидан унумлироқ фойдаланишга, сарф-харажатларни камайтира боришга ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириб боришга мажбур бўладилар.

Бироқ шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш замирида одамларнинг нафақат моддий эҳтиёжларини қондириш зарурияти ётади, балки уларнинг маънавий эҳтиёжлари, масалан, билим олишга бўлган эҳтиёжлари таълим муассасалари (мактаб, лицей, коллеж ва институтлар)ни ташкил қилиш ва полиграфия саноатини ривожлантиришни тақозо этса, соғлиқни сақлаш ва узоқ умр кўришга бўлган эҳтиёжлари тиббий муассасаларни ташкил қилиш, дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, одамларнинг моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжлари ҳар қандай жамиятда ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини муттасил ривожлантира боришни тақозо этади. Бу соҳалар мажмуи 1.1- чизмада келтирилган ҳўжаликни, яъни миллий иқтисодиётни ташкил этади.

Иқтисодиётнинг таркиби ва тараққиёт даражаси ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, мамлакатлараро кескин фарқ қилади.

Турли мамлакатлар иқтисодиётининг таркиби ва тараққиёт даражасидаги тафовутларнинг сабаблари, биринчидан, уларнинг турлича табиий-иқлимий шароитлари бўлса, иккинчидан, халқнинг интеллеktуал (ақлий) салоҳиятидаги фарқлардир.

Мазкур тафовутларнинг яна бир муҳим ва ҳал қилувчи сабаби борки, биз бу ҳақда кейинроқ, яъни „Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турлари“ деб номланган параграфда батафсил тўхталиб ўтамиз.

1.3. Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт

Ҳар қандай жамиятдаги кишиларнинг асосий мақсади ўзининг турмуш шароитини яхшилаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришдан иборат. Уларнинг ана шу мақсадга эришиш йўлидаги барча хатти-ҳаракатлари инсониятнинг чекланган имкониятлари доирасида амалга ошади. Кишиларнинг ақлий ва жисмоний қобилияти, у ёки бу вазифаларни бажаришга ажрата оладиган вақти, меҳнат қилиш учун зарур бўлган воситалари ҳам чеклангандир. Тўғри, илм-фан тараққиёти натижасида мавжуд имкониятлар мислсиз даражада кенгайди. Бундан юз йиллар олдин кишилар учун афсона ҳисобланган орзулар эндиликда реал ҳақиқатга айланди ва бундан кейин ҳам чекланган имкониятлар доираси кенгайиб бориши муқаррар. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳозирда ва келгусида кишиларнинг фаровон турмуш даражасини белгиловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг чекланганлиги асосий муаммо бўлиб қолаверади. Чунки ресурслар чекланмаганда эди, уларни тақсимлашга, тежашга, улардан унумли фойдаланишга зарурият бўлмас эди.

Жамият ва ундаги ҳар бир шахснинг асосий вазифаси чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган йўналишларни танлаш ва максимум натижаларга эришишдан иборат. Ана шу мақсадга эришиш учун меҳнатга лаёқатли кишилар муайян жамоалар (корхона, компания, фирма, ширкат, акциядорлик жамиятлари, кооператив ва ҳ.к.)га бирлашадилар ва ҳамкорликда фаолият юритиб, товарлар ишлаб чиқарадилар ва хизматлар кўрсатадилар. Шундай тарзда иқтисодиётнинг қуйи бўғинлари пайдо бўлади ва улар хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади. Ана шу субъектлар фаолиятини ўрганувчи фанни *микроиқтисодиёт* деб юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар чекланган имкониятлар доирасида ўз фаолиятларини бошлар эканлар, қўйидаги учта асосий вазифани ҳал қилишларига тўғри келади:

1. Нимани, яъни қандай товарлар ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш)ни ташкил қилиш керак ва қанча миқдорда?
2. Қандай технологик жиҳозлар ва усуллар ёрдамида фаолият кўрсатиш маъқул?
3. Ким учун, яъни қайси истеъмолчиларга зарур бўлган

маҳсулотлар ишлаб чиқариш керак ва уларнинг мазкур маҳсулотлар сифатига бўлган талаби қандай?

Мана шу саволларга жавоблар топиш ҳар қандай тадбиркорликнинг асосини ва микроиқтисодиёт фанининг предметини ташкил этади.

Шу билан биргаликда микроиқтисодиёт фани кенг қамровли фан бўлиб, у ҳўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, фирмалар, ширкатлар ва ҳ.к) даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишчилар, хизматчилар ва муҳандис ходимлар меҳнатини ташкил қилиш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг оқилона шакли ва тизимларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар сифатини муттасил яхшилаб бориш каби вазифаларни ҳам ўрганади.

Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этишнинг бир неча, ҳатто ўнлаб йўллари мавжуд. Лекин ана шу йўллар (ёки усуллар)дан фақат биттасигина энг мақбул бўлиб, уни иқтисодчилар, одатда, оптимал вариант деб юритишади.

Микроиқтисодиёт фанининг асосий вазифаси ҳўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйилган мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларнинг энг мақбул, оптимал ечимини топишдир, деса бўлади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар мавжуд имкониятлар доирасидан чиқиши мумкинми? Масалан, ҳозиргидан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун нима қилмоқ керак, деган саволга микроиқтисодиёт фани қуйидагича жавоб беради. Ҳа, албатта мумкин. Бунинг учун янги ресурсларни жалб қилиш ва янги технологияларни жорий этиш лозим.

Бугунги кунда корхона (фирма)да ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат ҳажмини кўпайтирган маъқулми ёки олдинги ҳажмларни сақлаб қолиш керакми? Бу саволга ҳам микроиқтисодиёт фани, аниқроғи, шу фан бўйича мутахассис-иқтисодчилар жавоб беради. Жавоб конкрет маҳсулот ёки хизматга истеъмолчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда топилади.

Бирон-бир товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун қандай моддий-техникавий, молиявий ва меҳнат ресурсларини қаердан жалб қилиш керак ва бунинг учун сарфланган маблағлар қанча вақтдан кейин ўзини қоплайди, деган савол ҳам конкрет тадқиқотлар ва ҳисоб-китоблар орқали ўз жавобини топади. Бу жавобни ҳам микроиқтисодиёт бўйича мутахассислар топа олади.

Шундай қилиб, микроиқтисодиёт мамлакат халқ ҳўжалигининг асосий бўғини бўлган, мамлакат миллий бойлигини кўпайтиришга хизмат қиладиган, халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, фирмалар, ассоциациялар ва шу каби бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётини чекланган имкониятлар доирасида, талаб ва таклиф асосида ташкил

этишнинг асосий қонуниятларини ўрганувчи фан бўлганлиги учун у жамиятдаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Макроиқтисодиёт бутун халқ хўжалиги ёки унинг тармоқларидаги иқтисодий қонуниятларни, давлат ва нодавлат секторларининг иқтисодий фаолиятини, мамлакат аҳамиятига молик бўлган миллий даромад, иқтисодий юксалиш, умумий баҳо тизими, инфляция, иш билан таъминлаш, умумий даромадлар ва харажатлар каби масалаларни ўрганса, микроиқтисодиёт алоҳида олинган корхона (фирма) фаолиятини кенг миқёсда таҳлил этиш асосида тегишли хулосалар чиқариб, энг мақбул қарорлар қабул қилишга хизмат қилади. Бунда таҳлил учун айрим корхоналар (субъектлар) олиниб, улардаги даромадлар ва харажатлар, ишчиларнинг сони ва уларнинг иш билан таъминланганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, уларнинг баҳоси ва шу каби қатор бошқа иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Образли қилиб айтадиган бўлсак, макроиқтисодиёт бирорта шаҳарнинг бутун фаолиятини, ундаги воқеа ва ҳодисаларни юқоридан туриб ўрганса, микроиқтисодиёт шу шаҳардаги ҳар бир корхона ва ташкилот фаолиятини, улардаги воқеалар ва ҳодисаларни яқиндан туриб ўрганади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат корхоналари билан бирга тadbиркорлик тамойили асосида ташкил этилган корхона (фирма) ларнинг фаолият юргизишидир. Микроиқтисодиётнинг асосий ахборот манбаи бўлиб ана шу турли корхона (фирма)лар ҳамда шахсий хўжаликлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Микроиқтисодиёт улар фаолиятини таҳлил этишда, хулосалар чиқаришда, зарур бўлган қарорлар қабул қилишда турли усуллардан фойдаланади. Бу усулларнинг энг асосийси *билишнинг диалектик методи* деб юритилувчи усулдир. Уни қисқароқ қилиб *диалектика усули* деб ҳам юритилади. Диалектика усули барча ҳодиса ва воқеаларни доимий тараққиётда ва ўзаро алоқадорликда деб ўрганиш зарурлигини билдиради. Бунда анализ, синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилади. Анализ, яъни таҳлил усулидан фойдаланишда ҳодисаларни майда бўлакларга ажратиб, уларни тadқиқ этилса, синтез усулида ҳодисаларнинг майда элементларини бирлаштириш асосида ягона хулосага келинади. Индукция усулида айрим далиллар асосида умумий хулоса қилинса, дедукция усулида умумий қоидалар асосида айрим хулосалар қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритадиган ҳар бир иқтисодчи, ҳар бир тadbиркор киши бу усуллардан фойдаланмаслиги мумкин эмас. Чунки у ўз корхонасидан ёки шахсий хўжалигидан оладиган даромадини ошириш учун доимо кузатув олиб бориши, зарур бўлган фактлар, далилларни тўплаши ва уларнинг таҳлили асосида ягона хулосага келиб, қарор қабул қилиши лозим

бўлади. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун мазкур қарорни қисмларга бўлиб, тадбирлар белгилаши ва уларни бажариш чораларини ишлаб чиқиши керак.

Юқорида кўриб ўтилган усуллардан фақатгина корхона (фирма) иқтисодчилари, тадбиркорларгина эмас, балки давлат ҳам ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда кенг фойдаланади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий таҳлиллар асосида иқтисодий концепция (ёндашувлар) вужудга келади. Улар ўз навбатида давлатнинг иқтисодий сиёсати йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, „макро“ деганда „катта“, „микро“ деганда эса „кичик“ деган маъно тушунилади. Демак, макроиқтисодиёт катта иқтисодиёт, яъни мамлакатлар иқтисодиёти, унинг айрим секторлари (давлат сектори, хусусий сектор) ва тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳ.к.) иқтисодиёти тушунилади. Микроиқтисодиёт деганда эса кичик иқтисодиёт, яъни юқорида айтиб ўтилганидек, алоҳида корхона ёки фирма, компания ёки ширкатнинг иқтисодий фаолиятини ўрганувчи фанни тушунмоқ керак.

Иқтисодий билимлар мажмуасининг икки йўналиши бўлган макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт бизга бозор муносабатларига ўтиш натижасида кириб келган тушунчалар бўлса-да, уларни мутлақо янги тушунчалар деб бўлмайди. Илгари бизда халқ хўжалиги иқтисодиёти, халқ хўжалигини режалаштириш, иқтисодиётни бошқариш деб аталувчи фанларни эндиликда замонавий тилда қисқа қилиб *макроиқтисодиёт* деб аталмоқда. Корхоналар иқтисодиёти, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш деб аталган фанлар эса ҳозирги замон талабларига биноан *микроиқтисодиёт* деб юритилмоқда.

Шу билан биргаликда макроиқтисодиёт ҳам, микроиқтисодиёт ҳам бозор иқтисодиёти тизимига хос бўлган илмий қарашлар ва ёндашувларга асосланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Авваллари, масалан, ишлаб чиқаришнинг мақсади — ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан иборат, деган мавҳум (абстракт) тушунча ҳукмронлик қилиб, корхонада нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни қайси истеъмолчига юбориш юқоридан, яъни марказдан белгилаб берилган бўлса, эндиликда аҳвол мутлақо бошқача. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойили ҳар қандай товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этишда конкрет истеъмолчиларнинг шу товар ёки хизматга бўлган талабини эътиборга олишдир. Микроиқтисодиётнинг фан сифатида ўзига хос хусусияти унинг кенг қамровлилиги ва кўп тармоқчилигидир. Масалан, корхона, фирма, ширкат ёки акциядорлик жамияти даражасида уларнинг молиявий муаммолари билан микромолия мутахассислари шуғулланади. Корхонада ишлаб чиқарилган товарнинг рекламаси ва уни сотиш билан боғлиқ масалалар маркетинг соҳасининг ваколатига киради. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш менежмент деб аталувчи соҳанинг масалаларидир. Булар ҳақида кейинги мавзуларда батафсилроқ тўхталиб ўтамыз.

1.1 Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турлари


Одамларнинг товар ва хизматларга бўлган талаби уларнинг хўжалик фаолиятлари орқали қондирилади. Мазкур талабни қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, фирмалар, ширкатлар, уй хўжалиги ва бошқалар)нинг фаолияти натижасида яратилади. Улар мавжуд бўлган табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ҳолда турли-туман товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарадилар, айирбошлайдилар ва истеъмол қиладилар. Шундай тарзда улар маълум иқтисодий муносабатларга киришадилар. Мазкур муносабатлар муайян иқтисодий тизим шароитида кечади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг иқтисодий тизими мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ва қудратини ҳамда аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи муҳим ва ҳаттоки, ҳал қилувчи омилдир. 1.2- чизмада иқтисодий тизимларнинг турлари келтирилган.

Инсоният тараққиётининг илк даврида шаклланган ва узоқ вақт ҳукмронлик қилган иқтисодий тизимни одатда *анъанавий ёки натурал тизим* деб юритилади. Бу тизим шароитида, асосан, қўл меҳнати ҳукмрон бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни натурал ҳолатда ўзаро алмаштириш иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил қилар эди.

Уни анъанавий деб юритилишининг сабаби шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (чорвачилик, балиқчилик, деҳқончилик маҳсулотлари) ва хизматлар одатдаги анъаналар бўйича ўзаро алмаштирилади ёки тақсимланади. Ишлаб чиқарувчилар хўжалик-ни аждодлари қай тарзда юритишган бўлса, худди шу тариқа юритишди.

Анъанавий иқтисодий тизимга асосланган қабилаларда одамларнинг эҳтиёжлари ниҳоятда чекланган бўлиб, уларнинг турмуш даражаси ҳам ачинарли даражада пастдир.



1.2- чизма. Иқтисодий тизимларнинг турлари.

Бу тизим инсоният томонидан пул кашф этилиши натижасида олди-сотди муносабатлари иқтисодий амалиётга кириб келгунга қадар ҳукмронлик қилган. Эндиликда эса бу тизим унсурлари инсоният

тамаддунининг домига тортилмай, уруф-аймоқчилик муносабатларини сақлаб қолган қабилалар (масалан, Африканинг айрим мамлакатлари) ҳаётида учраб туради.

Маълумки, инсоният тарихидаги кашфиётларнинг энг буюги ва муҳими пулнинг кашф этилиши бўлди. Товар, фойда, нарх-наво, олди-сотди каби тушунчаларнинг пул билан биргаликда одамлар ҳаётига кириб келгани чинакам инқилобий ўзгаришларни содир этди. Шу билан биргаликда бозор иқтисодиёти деб аталмиш иқтисодий тизимга асос солди, мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жуда катта туртки бўлди.

Бироқ, XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, шаклланган, утопик (хом хаёл) ғоядан бутун бир таълимот даражасига кўтарила олган социализм ва коммунизм ғояси кўпчилик халқларни, шу жумладан, Ўзбекистон халқини ҳам ўз домига тортди, тўғри йўлдан адаштирди. Тўғри, ўзбек халқи социалистик тараққиёт йўлига ўз ҳоҳиши билан киргани йўқ, унинг хоҳиш-иродаси у пайтда ўзининг қўлида эмас эди. Лекин шу нарса реал ҳақиқат-ки, бу халқ ҳам собиқ салтанат халқлари қаторида XX асрнинг 90- йилларига қадар социалистик ғоянинг меваси бўлмиш янги бир типдаги иқтисодий тизим — маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида кун кечиришга мажбур бўлди.

Жамият иқтисодий-хўжалик фаолиятини бошқаришнинг режали иқтисодиёт деб аталувчи бу тизими шароитида ресурслар, товарлар, хизматлар ва даромадларни айирбошлаш, тақсимлаш давлатнинг махсус органлари ваколатига кирар эди. Булар Давлат режа қўмитаси, Моддий-техника таъминоти қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат нарх қўмитаси каби ўнлаб давлат идоралари эди.

Иқтисодий муносабатларни юқоридан туриб тартибга солиш ва бошқаришга таянган бу тизимнинг асосини умумхалқ мулки деб аталмиш давлат мулки ташкил этар эди. Шунинг учун ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда (давлат томонидан) режалаштириш ва тайёрланган маҳсулотни худди шу тарзда тақсимлаш тамойили ҳукмрон эди.

Бу тизимнинг энг катта илллати хусусий мулкчиликни инкор этишдир. Ваҳоланки, хусусий мулкчилик, яъни одамларнинг мулкка эгалик қила олиш ҳуқуқи бўлмаган ерда бирон-бир жиддий тараққиёт ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиб ўтиш кифояки, 90- йилларнинг бошида ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад 20—36 минг АҚШ долларини ташкил этган ҳолда собиқ социалистик мамлакатларда 170—3400 АҚШ долларига тенг бўлди. Бинобарин, ҳар икки ижтимоий-иқтисодий тизимга асосланган мамлакатлар халқларининг турмуш даражаси ва фаровонлигида ҳам кескин тафовут пайдо бўлди.

Худди шу даврга келиб социализм ва коммунизм ғояси ўзини тўла бадном этди ва унга асосланган ўнлаб давлатлар бозор

иқтисодиёти тизимига асосланган ривожланиш йўлини танладилар. Бу инсоният тарихида катта бурилиш ясаган воқеа бўлди.

Шу нарсани алоҳида ифтихор туйғуси билан айтиш мумкин-ки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ салтанатидан биринчилар қаторида ажралиб чиқиб, ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилар экан, бозор муносабатларига асосланган тизимни ҳеч иккиланмай танлади. Чунки тарихий ҳақиқат шундан иборатки, бозор иқтисодиётига муқобил бўлган бошқа йўл йўқ. Мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва иқтисодий фаолиятда эркинликка асосланган бу тизимнинг бош афзаллиги шундан иборатки, у бутун жамиятнинг ҳам, айрим кишиларнинг ҳам бой бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб беради.

Тўртинчи турдаги иқтисодий тизим бу — аралаш иқтисодиёт тизимидир. Мазкур тизим бозор ва нобозор иқтисодий муносабатларининг қоришмасидан пайдо бўлган, десак хато бўлмайди.

АҚШ ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, реал иқтисодий тажрибда „Соф бозор“, „Соф бозор иқтисодиёти“нинг бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар қандай жамиятда ҳам давлат ҳамма нарсани бозор стихиясига тўла-тўқис ташлаб қўя олмайди. Мамлакат ҳаётининг қўплаб муаммоларини давлатнинг аралашувисиз ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун бозор кучлари билан давлат иштирокининг аралашуви натижасида аралаш иқтисодиёт тизими пайдо бўлади.

Ва ниҳоят, яна бир иқтисодий тизим мавжудки, уни, одатда, ўтиш даври иқтисодиёти деб аталади. Бироқ бир иқтисодий тизимдан, масалан, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш „ўтиш даври“га хос бўлган тизим бўлгани учун уни ўтиш даври иқтисодиёти деб аталса, тўғрироқ ва тушунарлироқ бўлади.

Ҳозирги вақтда, аниқроғи 90-йилларнинг бошидан бошлаб дунё харитасида пайдо бўлган мустақил давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини айнан ана шу ўтиш даври иқтисодиётига киритиш мумкин. Мазкур мамлакатларда режали иқтисодиёт, аниқроғи, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш содир бўлмоқда. Ўтиш даври иқтисодиёти, шунингдек, XVII аср бошлари ва XVIII аср охирида ҳозирги ривожланган мамлакатлар тарихида ҳам кузатилган эди.

Ўтиш даври иқтисодиётининг характерли белгиси шундан иборатки, унда бир вақтнинг ўзида ҳам эски, ҳам янги шаклланаётган тизимларнинг иқтисодий муносабатлари амал қилади. Бироқ вақт ўтиши билан янги тизимга хос бўлган иқтисодий муносабатлар эскиларини тобора сиқиб чиқараверади.

II БОБ | Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва тамойиллари


Ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг:

- ◆ *Бозор иқтисодиётининг моҳияти нимадан иборат?*
- ◆ *Бозор иқтисодиётининг асосий белгиларини кўрсатиб беринг.*
- ◆ *Бозор иқтисодиёти ўз тараққиётида қандай босқичлардан ўтган?*
- ◆ *Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қандай тизим ҳисобланади?*
- ◆ *Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари нима?*

2.1. Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг моҳияти

Товарлар ва хизматларга талаб узлуксиз бўлгани туфайли уларни ишлаб чиқариш ҳам узлуксиз равишда доимо такрорланиб туради. Такрор ишлаб чиқаришнинг умумий жараёнини иқтисодий ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бироқ бу айланиш турли иқтисодий тизимларда турлича кечади.

Хусусий мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти тизимида бундай доиравий айланиш корхона ва фирмалар билан уй ҳўжалиги ўртасида амалга ошади. Уй ҳўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни бозорга етказиб беради. Корхона ва фирмалар бу ресурсларни сотиб олиб, турли хил товар ва хизматларга айлантирадилар ва уларни бозорга етказиб берадилар (2.1- чизмага қаранг).



2.1- чизма. Иқтисодий ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг хусусий мулкка асосланган иқтисодий тизимдаги доиравий айланиши.

Кўриниб турибдики, ресурслар, товарлар, хизматлар ва даромадларнинг доиравий айланишида фақат икки томон: бир томонда корхона ва фирмалар, иккинчи томонда уй хўжалиги қатнашади. Барча моддий, меҳнат ва пул оқимлари ҳаракати давлат томонидан қатъий режалаштирилмайди, яъни корхона ва фирмалар иқтисодий ресурсларни қанча миқдорда, қайси баҳоларда сотиб олишни ва ишлаб чиқарган товар ва хизматларни қандай баҳоларда сотишни ўзи эркин белгилайди. Бу, яъни эркинлик, бозор иқтисодиёти тизимининг асосий ва энг муҳим белгисидир.

Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси — ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг тасарруф этилиш ихтиёрийлиги ва мулкдорларнинг мустақилликка эгалигидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади, ўз ихтиёрига кўра ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан ажраган бўлади. Чунки улар, биринчидан, мустақил мулк эгаларидир, иккинчидан, меҳнат тақсимоти асосида ихтисослашиб, ҳар хил иш билан шуғулланадилар.

Бозор иқтисодиёти тизимида хўжалик юритиш шаклларида қайси бирини танлаш, ўз мол-мулкини қандай ишлатиш ҳам кишиларнинг ўз ихтиёрига боғлиқ. Тадбиркорлик қилиш ёки ёлланиб ишлаш, ўз пулини саноатга, деҳқончиликка, тижоратга, банк ишига ёки бошқа йўналишга сарфлаш одамларнинг ўз ихтиёрида бўлади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва асосий белгиси иқтисодий хилма-хиллик, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма-ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Хўжалик юритиш усуллари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, якка тартибда, жамоага бириккан ҳолда, шерикчилик ёхуд ҳиссадорлик асосида, ўз маблағига ёки қарзга олинган маблағга таяниб хўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар.

Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар. Лекин уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин, барибир бозор орқали бир-бирига боғланади.

Бозор иқтисодиёти эркин бўлганлигидан ҳар қандай иқтисодий монополизмни, яъни корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг, умуман, иқтисодиётда ёки унинг бирор соҳасида танҳо ҳукмронлик қилишини инкор этади. Бу ҳам бозор иқтисодиётининг белгиларидан биридир.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси нархларнинг либераллашуви, яъни нарх-навонинг эркин ташкил топишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди. Нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи таъйиқи остида шаклланмайди. У бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашуви ва кели-

шувига асосан юзага келади. Шу тарзда шаклланган нархлар бозор муносабатларининг асосини ташкил қилади.

Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти ва унинг иқтисодий механизмида рақобат асосий ўрин тутаяди. Рақобат иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг ўзгаларниқидан алоҳидалашган манфаатини билдиради. Лекин бу манфаат йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисобланади. Манфаатларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли рақобатбардош ва жамият учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатиб, кўпроқ ва сифатлироқ товар ишлаб чиқаришга ундайди. Шунинг учун ҳам рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи воситадир. Шу билан биргаликда, у иқтисодиётни тартибга солувчи ва назорат қилувчи куч бўлиб ҳам ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти мулкчилик шакллари ва ҳўжалик юритиш усулларининг хилма-хиллиги, эркин иқтисодий фаолият ва соғлом рақобатга асосланган тизимдир.


Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ижтимоий адолат қоидалари бор. Иқтисодиётдаги ресурслар, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига интилиш адолат ҳисобланади. Аммо адолат тамойили ҳаммани бир хил қилиш эмас, балки жамиятни табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар ўз меҳнатига, унинг самарадорлигига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади. Шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бир хил бўлмайди. Табақаланиш бойларга ҳавас қилиб, улардай бўлишга интилишни ҳосил қилади. Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий муносабатларки, улар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирувчи кучни юзага келтиради. Бозор регуляторлари моддий, меҳнат ва молия ресурсларини керакли товар ва хизматларни ишлаб чиқариш томон буради. У беҳуда меҳнат сарфини тан олмайди, аксинча, унга йўл қўйганларни иқтисодий жиҳатдан жазолайди, яъни улар зарар кўради.

Бозор иқтисодиёти мослашувчан тизимдир. У шароит ўзгаришига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шуни дарҳол ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг муҳим томонларидан бири новация (янгилик)га мойиллигидир. У фан-техника, технология янгиликларини дарҳол қабул қилади. Янги товарларни ишлаб чиқаришни, янги технология ва бошқариш усулларини жорий этишни таъминлайди. Чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш бойлик ва обрў-эътибор орттиришнинг шартли бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган хусусиятларнинг натижаси ўлароқ бозор иқтисодиёти товарлар ва хизматлар тўқинлигини юзага келтиради.

2.2. Бозор иқтисодиётининг тараққиёт босқичлари ва турлари

Бозор иқтисодиёти XVII асрнинг бошларидан ҳозирги вақтга қадар бир қанча тараққиёт босқичларидан ўтди, десак хато бўлмайди. Бинобарин, ҳар бир босқичда ўзига хос иқтисодий муносабатлар тизими ва бозор иқтисодиётининг турлари шаклланди (2.2- чизмага қаранг).



2.2-чизма. Бозор иқтисодиётининг турлари.

Бозор иқтисодиёти тараққиётининг илк даврига хос бўлган иқтисодий муносабатлар тизимини айрим иқтисодчилар, жумладан, таниқли иқтисодчи олим, профессор А. Улмасов „асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти“ деб аташади.¹ Шу билан биргаликда бозор иқтисодиётининг бу турини „мумтоз капитализм“ деб аташ ҳам учраб туради.²

Бозор иқтисодиёти тизими мазкур турининг кейинги таърифига кўпроқ мойиллик билдирган ҳолда, унинг қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтаемиз:

— иқтисодий ресурсларга яқка тартибдаги хусусий мулкчи-ликнинг ҳукмронлиги ва уларнинг озчилик мулкдорлар тасарруфида тўпланиши;

— эркин рақобат ва сармояларни иқтисодиётнинг бир тармоғидан иккинчисига кўчиб юриши;

— иқтисодиётнинг тартибсиз (стихияли) ривожланиши;

— бозор иштирокчилари бўлган тадбиркорларнинг бир-биридан мутлақо ажралган ҳолда иш юритиши;

— нарх-навонинг стихияли шаклланиши;

— давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги;

— стихияли тараққиётнинг натижаси ўлароқ, иқтисодий танглик ва таназзулларнинг келиб чиқиши;

— аҳоли-ўртасидаги кескин табақалашув: бойларнинг ўта бой бўлиб кетиши ва камбағалларнинг ўта қашшоқлашуви.

¹ А.Улмасов. Иқтисодиёт асослари. Т., „Меҳнат“, 1997, 29-бет.

² Т.Юрьева. Социальная рыночная экономика. М., „Русская деловая литература“, 1999, 42-бет.

Юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар ичида хусусий мулкчиликнинг ҳукмронлиги ва давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги мумтоз капитализмнинг асосий белгиларидан бири бўлиб қолмай, балки унинг самарали амал қилишига тўсқинлик қилувчи камчиликлари ҳамдир. Айнан ана шу камчиликлар туфайли у тобора „ёввойлашиб“ бораверади ва пировард натижада унинг ўрнида маданийлашган бозор иқтисодиёти тизими шаклланади.


Маданийлашган (тамаддунлашган деб ҳам айтиш мумкин) бозор иқтисодиёти бозор муносабатлари ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга асосланган тизимдир. Унинг характерли белгиси иқтисодиётда давлат секторининг ҳам мавжудлиги ва жамият иқтисодий фаолиятини тартибга солишда давлатнинг фаол иштирок этишидир.

Шу ўринда жаҳонда машҳур иқтисодчи олим Адам Смитнинг 1776 йилда Англияда чоп этилган „Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот“ номли китобининг марказий ғоясига тўхталиб ўтамиз. Унинг фикрича, давлат иқтисодиётни холи қўйса, яъни унга аралашмаса, иқтисодиёт яхшироқ амал қилади. Ҳозир биз талаб ва таклиф деб юритадиган иқтисодий кучларни Адам Смит „кўринмас қўл“ деб атади ва унинг фикрича, ўша қўлнинг ўзи иқтисодиётни тартибга солиб туради.

Мазкур таълимот мумтоз маънодаги бозор иқтисодиёти учун, унинг илк даври учун асосли бўлса-да, вақт ўтиши билан эскира бошлади ва замонавий тараққиёт талабларига жавоб бера олмай қолди.

Иқтисодиётдаги бебошлик ва тартибсизликларни бартараф қилиш, рақобат курашининг ғайриинсоний усулларига барҳам бериш, мустақил тадбиркорлар ўртасида маданийлашган алоқалар ўрнатиш, иқтисодий тангликлар ва таназзулларнинг олдини олиш учун давлатнинг аралашуви зарур бўлиб қолади. Шундай қилиб, XX асрнинг ўрталарига келиб, бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда маданийлашган бозор иқтисодиёти шакллана бошлади.

Мазкур иқтисодий тизим шароитида ресурслар, товар ва даромадларнинг узлуксиз ҳаракати бозор орқали давлат аралашуви билан амалга оширилади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолиятини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорида ўзининг қатнашуви билан уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратади. 2.3- чизмага диққат-эътибор билан қарасангиз, маданийлашган бозор иқтисодиёти шароитида ресурслар, товарлар, хизмат ва даромадларни айирбошладан иборат бўлган иқтисодий жараёнлар ва уларни тартибга солишдаги давлатнинг ўрнини яққол тасаввур қиласиз.



- | | |
|-------------------------|------------------------------|
| 1. Ер, меҳнат, капитал. | 9. Истеъмол харажатлари. |
| 2. Ресурслар. | 10. Сотишдан тушган даромад. |
| 3. Товар ва хизматлар. | 11. Ресурс харажатлари. |
| 4. Товар ва хизматлар. | 12. Солиқлар. |
| 5. Ресурслар. | 13. Солиқлар. |
| 6. Товар ва хизматлар. | 14. Харажатлар. |
| 7. Товар ва хизматлар. | 15. Харажатлар. |
| 8. Пуллик даромад | 16. Харажатлар. |
- (иш ҳақи, рента фоизи, фойда).

2.3- чизма. Ресурслар, товарлар ва даромадларнинг маданийлашган бозор иқтисодиётидаги доиравий айланиши.

Маданийлашган бозор иқтисодиёти шароитида давлат макро-иқтисодий даражада талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлаш чораларини кўради ва мамлакат миқёсидаги умумдавлат ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилади.

Энди бозор иқтисодиётининг яна бир тури — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини кўриб чиқайлик. Хўш, у қандай тизим ва маданийлашган бозор иқтисодиётидан нима билан фарқ қилади?

Дастлаб шуни айтиб ўтиш лозимки, бозор иқтисодиётининг бу ҳар икки тури ўртасида катта бир умумийлик бор. Бу умумийлик уларнинг бозор тизими бўла туриб, бозор ва нобозор муносабатларнинг қоришмасидан иборат эканидир. Шунинг учун кўпинча бозор иқтисодиётининг бу икки тури ўртасидаги фарқлар кўзга ташланавермайди ва амалиётда уларга битта тизим сифатида қараш ва аралаш иқтисодиёт деб аташ кенг тарқалган.

„Ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти“ тушунчаси илк бор Германияда пайдо бўлган ва у ерда унинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Бундан мазкур тушунча шу мамлакатгагина хос деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган барча мамлакатларда

кузатилувчи ҳодиса бўлиб, унга жамият тараққиётининг табиий маҳсули деб қараш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мақсадларга йўналтирилган бўлиб, биринчидан, мамлакат иқтисодиётининг ташкилий тузилишини тартибга солиб туради. Бунинг учун давлат мулкчилик ҳуқуқи, пул ва валюта тартиботини, рақобат қоидалари ва ташқи иқтисодий фаолият тартиб-қоидаларини белгилаб беради. Иккинчидан, давлат фуқаролар ва аҳолининг алоҳида қатламлари ижтимоий аҳволини белгиловчи мезонлар қабул қилади. Шу мақсадда меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, мулкчилик ва тураржой масалалари, экология ва ҳоказоларга оид тартиб-қоидаларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг миллий хусусиятлардан келиб чиқувчи турли моделлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари немис, швед, голланд ва япон моделларидир. Кейинги йилларда жаҳон амалиётига шиддат билан кириб келган яна бир модель борки, уни „ўзбек модели“ деб юритилади. Биз бу ҳақда 3- бобда батафсил тўхталамиз.

2.3. Бозор муносабатлари ва иқтисодий рақобат

Бозор иқтисодиётига хос бўлган белгилардан бири бу иқтисодий рақобатнинг мавжудлигидир. Бозор муносабатларининг иштирокчилари — товар ишлаб чиқарувчилар¹ ва истеъмолчилар ўзларининг иқтисодий манфаатларига эгадирлар. Бу манфаатларни яхшироқ ва оқилона қондириш йўлидаги уларнинг барча хатти-ҳаракатлари ва интилишлари рақобат кураши тарзида намоён бўлади. Товар ишлаб чиқарувчилар (тадбиркорлар) ўз товарларини юқорироқ нархда сотиб, кўпроқ фойда олиш учун курашадилар, истеъмолчилар камроқ харажат қилган ҳолда ўз манфаатларини кўпроқ қондиришга интиладилар.

Бозор иқтисодиёти эркин тадбиркорликка асосланган тизим бўлгани учун энг кучли рақобат кураши товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлиши табиий ҳол. Чунки ҳар бир тадбиркор ўз маблағини кўпроқ ва тезроқ фойда олиши мумкин бўлган соҳага киритишга, ишлаб чиқарган товарини бозорда кўпроқ ва юқорироқ баҳода сотишга ҳаракат қилади. Натижада ҳам хом ашё бозорида, ҳам тайёр маҳсулотлар бозорида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кураши пайдо бўлади.

Рақобат курашининг 2 хил тури — тармоқичра ва тармоқлараро рақобат мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси бир хил товарлар ишлаб

¹ Бундан кейин „товар ишлаб чиқарувчилар“ деган иборани учратганингизда шунинг назарда тутингки, унга хизмат кўрсатувчилар ҳам киради (қулайлик учун шундай қилинди).

чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар рақобатидир. Тармоқлараро рақобат эса турли хил товарларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги курашда намоён бўлади.

Энди рақобат курашининг бу икки тури хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Тармоқичра рақобат ўз моҳиятига кўра иқтисодий тараққиётнинг жуда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бир хил эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатда „сендан мен ўтаман“ тарзида кураш кетади. Масалан, одамларнинг нонга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирувчи тадбиркор-новвой ёки „Дока-нон“ фирмаси ўз маҳсулотларини кўпроқ сотиб, кўпроқ фойда олиш учун, авваламбор, ноннинг сифатини яхшилашга ҳаракат қилади. Бироқ, ўз-ўзидан маълумки, ноннинг сифати яхши бўлиши билан унинг сотуви кўпайиб қолмайди. Унинг нархи ҳам харидор учун маъқул бўлиши керак. Шунинг учун тадбиркор ёки фирма ёпилаётган ноннинг нархини тушириш учун ўз харажатларини камайтириш йўллари излайди.

Шундай қилиб, тармоқичра рақобат тадбиркорлардан бир вақтнинг ўзида иккита муҳим вазифа билан шуғулланишни тақозо этади. Уларнинг биринчиси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлса, иккинчиси ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштира боришдир. Кам ҳажмда ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар тез орада банкротликка учрайди, яъни синади.

Тармоқлараро рақобат ҳам бозор иқтисодиёти шароитида шиддатли кечади. Сармоя эгалари ўз маблағларини бирон-бир соҳа ёки тармоққа йўналтиришдан олдин у ердаги фойда меъёри билан қизиқади. Табиийки, қайси тармоқда унинг сармояси кўпроқ фойда келтирса, у ўз маблағини айнан шу тармоққа киритади.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар ҳўжалик амалиётида шундай ҳоллар ҳам содир бўладикки, тадбиркорлар ўзи фаолият кўрсатаётган тармоқдан воз кечиб, мутлақо бошқа тармоқда иш юрита бошлайдилар. Бунинг сабаби олдин сармоя киритилган тармоқда фойда меъёрининг тушиб кетгани ва кўпроқ фойда олиш мумкин бўлган бошқа тармоқнинг мавжудлигидир. Масалан, музлатгич ишлаб чиқарувчи фирма юқорида кўрсатилган ҳолат туфайли кондиционер ишлаб чиқаришга, телевизор ишлаб чиқараётган фирма компьютерлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослашуви мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида рўй берувчи рақобат курашини мукамал, номукамал ва монополистик рақобатларга ажратиш мумкин.

Мукамал рақобат деганда бир хил товар ва хизматлар таклиф қилинадиган бозордаги рақобат тушунилади. Масалан, телевизорлар бозори, компьютерлар бозори, ун ёки сут маҳсулотлари бозори ва ҳоказо.

Рақобатнинг бу тури қуйидаги белгиларга эга:

- бозордаги тадбиркорларнинг эркинлиги, яъни истаган пайтда бозорга ўз маҳсулоти билан кира олиши ва ундан чиқиб кета олиши;
- ҳеч кимнинг бозорда ҳукмронлик қила олмаслиги ва бошқаларга тазйиқ ўтказмаслиги;
- товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳалол ва маданийлашган усуллар билан рақобатлашуви.

Номукамал рақобат эса айрим товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳукмронлик қилиши натижасида бошқаларнинг иқтисодий эркинлиги чекланган бозордаги рақобатдир. Бундай шароитда бозорга ҳамма ҳам ўз маҳсулоти билан эркин кира олмайди. Шунинг учун рақобат кураши тор доирадаги тадбиркорлар ва фирмалар ўртасида содир бўлади. Масалан, Германия Федератив Республикасининг автомобиль бозоридаги рақобатни олайлик. Бу ерда рақобат кураши „Мерседес-Бенц“, „Фолксваген“, БМВ ҳамда „Опел“ автогигантлари орасида боради.

Ўз табиатига кўра номукамал рақобатга яқин турган ва ҳатто унинг бир кўриниши бўлган рақобат ҳам борки, уни монополистик рақобат дейилади. Рақобат курашининг бу турига хос бўлган хусусият шундан иборатки, у ёки бу товарлар (хизматлар) бозорида биттагина фирма танҳо ҳукмронлик қилади. Масалан, Асака шаҳрида жойлашган Ўзбекистон-Корея автомобиль қўшма корхонаси мамлакатимиздаги энгил автомобиллар бозорида танҳо ҳукмронлик қилади ва ҳозирча у билан беллаша оладиган рақобатчи йўқ. Бироқ ушбу корхонанинг рақобатчиси йўқ экан, у ким билан рақобатлашади, деган саволнинг туғилиши табиий. Тўғри, мамлакат ичида у билан рақобатлашадиган автокорхона йўқ. Аммо, жаҳондаги 30 га яқин мамлакатда энгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи фирмалар мавжуд. Ўзбекистон автомобиллар бозорида улар ҳам қатнашиши мумкин. Шунинг учун Асакадаги завод, биринчидан, мамлакатлараро, яъни халқаро рақобатда қатнашади ва шу туфайли ишлаб чиқараётган автомобилларининг рақобатбардошлилигини ошириш учун курашади. Иккинчидан, у автомобиль тайёрлаш учун зарур бўлган бутловчи маҳсулотлар бозори ҳамда меҳнат бозоридаги рақобат курашида қатнашади.

Рақобат курашининг ўзига хос бўлган усуллари ва воситалари мавжуд.

Рақобат усулларини шартли равишда маданийлашган (яъни ҳалол) ва ёввойилашган (фирром) усулларга ажратиш мумкин.

Ҳалол рақобат кураши барча тадбиркорлар томонидан эътироф этилган ва тан олинган, умуминсоний қадриятларга таянувчи усуллар орқали кечади. Тадбиркорлик фаолиятининг асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш, уларнинг нархини тушириш ва рекламани кучайтириш орқали тобора кўпроқ истеъмолчиларни ўз томонига „оғдириб олиш“ каби воситалар ётади.

Гирром рақобат кураши, одатда, ғайриинсоний воситалар орқали амалга оширилади. Буларга бошқа тадбиркорларнинг товарларини очиқдан-очиқ ёки яширин ҳолда ёмонлаш, уларнинг технологик янгиликлари ва товар белгиларини ўғирлаш, қўпоровчилик, жосуслик, рекет ва ҳаттоки қотиллик каби воситалар киради.

Рақобат курашининг гирром усули ва воситалари кўпроқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк даврида учрайди. Аммо бу ривожланган мамлакатлар хўжалик амалиётида рақобат кураши фақат ҳалол усуллар билан олиб борилади, деган маънони билдирмайди. Рақобатнинг гирром усуллари, афсуски, ҳамма вақт ва барча мамлакатлар хўжалик ҳаётида учраб туради.

2.4. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳам, унинг самарали амал қилишининг ҳам ягона ва универсал тамойили йўқ, деб айтиш мумкин. Ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг фақат ўзига хос бўлган тарихий, ижтимоий ва миллий қадриятлари ва хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳам ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда кечади ва унинг амал қилишида муайян тафовутлар бўлиши табиий. Шу билан бирга бозор иқтисодиётини тизим сифатида белгилаб берувчи бир қатор тамойиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Хусусий мулкчиликнинг устуворлиги. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчилик муҳим аҳамият касб этади. Чунки моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш характери, асосан, мулкчилик муносабатларига боғлиқ. Мулкчиликнинг субъектлари ва объектлари мавжуд бўлиб, унинг биринчисига давлат, жисмоний ва юридик шахслар киради. Иккинчисига эса, яъни объектларига табиий ресурслар, бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари ва ақлий меҳнат натижалари киради.

Мулкчилик объектларига эгалик қилиш турли иқтисодий тизимларда турлича бўлади. Режали иқтисодиёт деб номланувчи маъмурий—буйруқбозлик тизимида мулкчилик объектларига, асосан, давлат эгалик қилади ва хусусий мулкнинг улуши жуда ҳам кам бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бунинг акси, яъни мулкчилик объектларининг аксарият қисми хусусий мулкдорлар тасарруфида бўлиб, давлат мулки иқтисодиётнинг асосини ташкил этмайди.

Хусусий мулк, асосан, индивидуал (бир шахсга тегишли) мулк, оила мулки, жамоа мулки, ширкат мулки, қўшма мулк, ҳиссадорлик мулки, диний ташкилотлар мулки шаклларида амал қилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда иқтисодиётнинг иккита бўлаги пайдо бўлади. Улар хусусий мулкчиликнинг барча шаклларини бирлаштирувчи нодавлат сектори ва давлат тасарруфидаги мулкдан иборат давлат секторидир. Бозор иқтисодиёти

тизимнинг самарали амал қилиши кўп жиҳатдан ана шу иккита секторнинг нисбатига боғлиқ деса бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, хусусий мулкчилик ҳукмрон мавқега эга бўлган ҳолда, яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, асосан, иқтисодиётнинг нодавлат секторида мужассамлашганда, иқтисодий тараққиёт суръатлари юқори бўлади. Шунинг учун хусусий мулкчиликнинг устуворлиги бозор иқтисодиётининг энг муҳим ва асосий тамойилларидан ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият эркинлиги. Одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолияти *иқтисодий фаолият* деб юритилади. Товар ва хизматларни яратиш, айирбошлаш ва уларни истеъмол этишга қаратилган иқтисодий фаолият бозор иқтисодиёти шароитида эркин кечади. Хусусий мулкчилик бу тизимнинг асосини ташкил этгани туфайли эркин хусусий тадбиркорлик бутун жамият иқтисодий фаолиятининг асосини ташкил этади.

Хўжалик юритувчи ҳар қандай субъект (алоҳида шахс, оила, одамлар гуруҳи, юридик шахслар ва ҳ.к.) иқтисодий фаолиятнинг ўзига маъқул ва манзур бўлган ҳамда давлат қонунчилиги билан тақиқланмаган турини танлайди.

Инсон ўзининг жисмоний ва ақлий лаёқатини ўзи истаган соҳа (товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, тижорат, воситачилик ва ҳоказо)га йўналтириши, ўзининг пул маблағларидан ўзи хоҳлаган мақсадларда (бирон-бир товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, банк депозитларига қўйиш, акциялар сотиб олиш ва ҳоказо) фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фаолият эркинлигининг мавжудлиги „ким нимани хоҳласа қилаверади“ дегани эмас. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар қандай давлат ҳам ўзининг шарт-шароитлари ва умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига муайян чеклашлар киритади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Иқтисодий эркинлик хўжалик юритувчи субъектларнинг фақатгина иқтисодий фаолият эркинлигида намоён бўлиб қолмай, балки давлат томонидан улар учун яратилган шарт-шароитларда ҳам ўз ифодасини топади. Солиқлар, жарималар, турли хил имтиёзлар давлат томонидан белгиланади. Агар хўжалик юритувчи субъектларнинг биридан (масалан, хусусий фирмадан) юқори фоизларда солиқ ундирилса-ю, иккинчисидан (масалан, давлат корхонасидан) камроқ фоизларда ундирилса, бу, албатта, адолатдан бўлмайди ва ижтимоий норозиликларга сабаб бўлади. Қайсидир мулкчилик шаклидаги субъектларга солиқ ёки божхона имтиёзлари берилса-ю, кимлардир бундан маҳрум этилса, бунда ҳам худди шундай адолатсизлик рўй беради.

Демак, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқлилиги бозор иқтисодиётининг муҳим тамойили ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш. Жамиятдаги иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг иккита тури мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси юқоридан бериладиган буйруқ ва кўрсатмалар асосида бошқариш бўлса, иккинчиси бозор муносабатларига таянган ҳолда ўзини ўзи бошқаришдир. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётида ўзини ўзи бошқариш муҳим тамойил ҳисобланади. Мазкур тизим шароитида иқтисодий тараққиётни давлат бошқаруви ва менежерлар тажрибаси ҳамда донолиги маълум даражада белгилаб беради. Бироқ ҳал қилувчи омил бўлиб эркин бозор муносабатлари ва эркин баҳолар хизмат қилади. Адам Смит томонидан „кўринмас қўл“ деб аталган талаб ва таклиф иқтисодиётни нафақат тартибга солиб туради, балки бошқаради ҳам. Товар ва хизматларнинг таклифи талабга нисбатан кўпайиб кетса, нарх-наво тушади, акс ҳолда улар кўтарилади. Иқтисодиётнинг қайси тармоғи ёки соҳаси кўпроқ даромад келтирса, сармоядорларнинг маблағлари ўша томонга оқиб кела бошлайди. Сифатсиз товарлар ва хизматлар яратаётган корхона ва фирмалар иқтисодий жиҳатдан синиб, ўз-ўзидан ёпилиб кетади. Юқори сифатли товар ишлаб чиқарувчиларнинг омади чопаверади, чунки, бир томондан, товарга талаб катта бўлса, иккинчи томондан, бу товар юқори баҳоларда сотилади.

Шундай қилиб, бозор механизмининг ўзи иқтисодий объектлар ва жараёнларни ўзини ўзи тартибга солувчи ва бошқарувчи қилиб қўяди, хўжалик юритишнинг энг оқилона усуллари танлаш, ишлаб чиқаришнинг энг янги технологияларини жорий этишни тадбиркорларнинг табиий эҳтиёжига айлантиради.

Ўз-ўзини молиялаштириш. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект иқтисодий фаолият кўрсатар экан, унинг олдида битта муҳим вазифа туради. Бу вазифа ўз мустақиллигини тўла-тўқис таъминлашдир. Бунинг учун у ўзининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча молиявий сарф-харажатларни қоплаши ва олган фойдаси ҳисобидан ўз тараққиётини амалга ошириши керак. Ўзбекона таъбир билан айтадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида „ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак“. Тўғри, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда банкдан кредит (қарз)лар олиши мумкин. Бироқ бу ҳам „ўз аравасини ўзи тортиш“ билан тенг нарса. Чунки банкдан олинган қарзларни қайтариш, қайтарганда ҳам фоизлари билан қайтариш керак.

Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилига амал қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлардан удабуронлик, тадбиркорлик, ҳисоб-китоб билан фаолият юритиш, узоқни кўра билиш ва бошқа бир қатор фазилатлар талаб қилинади. Иқтисодий фаолиятнинг ҳисоб-китобини жойига қўя олмаган, ўзининг товар ва хизматларига бўлган жорий

ва истиқболдаги талабни яхши ўрганиб чиқмаган тадбиркор фойда олиш у ёқда турсин, ҳатто ўз харажатларини ҳам қоплай олмайди.

Нарх-наво эркинлиги. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси ва тамойили ҳисобланган нарх-наво эркинлиги шуни билдирадики, товар ва хизматларнинг баҳоси давлат томонидан эмас, балки сотувчи билан харидорнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Мамлакатимизда ўтган асрнинг 90- йилларига қадар амал қилган марказлашган режали иқтисодиёт шароитида товар ва хизматларнинг баҳоси, қоида тариқасида, давлат томонидан белгиланиб (ёки ўрнатилиб) келинар эди. Баҳолар узоқ вақт давомида амал қилар ва шунинг учун товар ва хизматлар яратишга сарфланаётган харажатларни ҳамма вақт ҳам тўлиқ акс эттиравермас эди.

Ундан ташқари узоқ вақт амал қилувчи баҳолар товар ва хизматларга бўлган талабни ҳам, уларнинг таклифидаги ўзгаришларни ҳам акс эттириш имкониятидан маҳрум эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навони эркинлаштириш дегани, албатта, барча товар ва хизматларнинг баҳоси бозорда сотувчи билан харидор ўртасидаги келишув асосида шаклланади, деган маънони билдирмайди. Умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган товарлар (масалан, пахта толаси, олтин ва бошқа қимматбаҳо металл)нинг баҳосини давлат белгилаб беради. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида эркин бозор баҳолари етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан биргаликда ривожланган мамлакатларнинг ҳўжалик амалиётида шартномавий деб аталувчи нархлар ҳам кенг қўлланади. Улар узоқ вақт давомида шериклик алоқалари асосида иш юритувчи фирма ва корхоналарнинг ҳўжалик амалиётида кўпроқ қўлланади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритишнинг иқтисодий самарадорлигини таъминловчи, тадбиркорликни ҳаракатга келтирувчи куч бу — корхоналар, фирмалар ва барча ишбилармонлар ўртасидаги рақобатдир. Уни ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш ва яшаш учун кураш усули деб ҳам айтиш мумкин. Чунки ўз рақибдан ортда қолмасликка, ундан кўра юқорироқ обрў-эътиборга ва мавқега эга бўлишга интилиш пировард натижада кўпроқ фойда олишни, юксакроқ суръатлар билан ривожланишни таъминловчи омилдир. Тадбиркорлик рақобатида энгилиш, албатта, иқтисодий жиҳатдан синишни билдиради. Шунинг учун ҳам, табиийки, ҳеч ким рақобат курашида энгилишни, мағлубиятга учрашни истамайди. Демак, рақобат курашида барча тадбиркорлар, фирма ва корхоналар қатнашади. Бозор муносабатлари амал қилувчи ҳар қандай давлатда рақибни бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўзи йўқ.

Рақобат кураши иқтисодий фаолиятнинг барча соҳалари: ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолда мавжуд бўлиб, ҳар қандай курашда бўлгани каби бу ерда ҳам кучлилар энгиб чиқади ва кучсизлар энгилаверади. Кураш майдонига янги-янги ҳўжалик субъектлари

кириб келаверади. Рақобатнинг иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга, жамият тараққиётини тезлаштиришга бўлган ижобий таъсири мана шунда намён бўлади. Шундай қилиб, рақобатни бозор иқтисодиётининг табиатига мос тушувчи тамойил, деб айтиш мумкин.

Бироқ, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида эркин рақобатга қарама-қарши турувчи, унинг табиатига зид бўлган яқка ҳукмронлик (монополия) омили мавжуддир. Монополия — иқтисодий фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғулланиш ҳуқуқи ёки имкониятига айрим ҳужалик субъектининг эгаллик қилиши. Монополиянинг мавжудлиги бозор муносабатларининг самарали амал қилишига путур етказди, рақобатнинг иқтисодий тараққиётга ижобий таъсирини сусайтиради. Монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, ҳукмрон мавқеига таяниб, харажатларни камайтирмаган ҳолда фойда кўриши ва бозорда ўз ҳукмронлигини ўтказиши мумкин.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра бозор иқтисодиёти монополия билан чиқиша олмайди. Шунинг учун бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва ўзига хосликлари

Ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурлигини ёдингизда тутинг:

- ◆ *Бозор иқтисодиётига ўтишнинг „ўзбек модели“ моҳияти нимадан иборат?*
- ◆ *Мулкчиликнинг қандай шакллари бозор тизимига хос?*
- ◆ *Аграр сектор нима ва унда иқтисодий ислохотларни ўтказишдан қандай мақсад кўзланган?*
- ◆ *Бозор иқтисодиёти тизимида нарх-наво қандай белгиланади?*
- ◆ *Бозор инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?*

3.1. Бозор муносабатларига ўтиш ва тараққиётнинг „ўзбек модели“

Биз юқорида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ягона ва универсал, яъни ҳамма мамлакатлар учун яроқли бўлган йўли йўқ эканини таъкидлаб ўтган эдик. Энди ана шу фикрни Ўзбекистон мисолида тасдиқлашга ҳаракат қиламиз.

Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган жиҳатлари мавжуд. Булар мазкур тизимнинг моҳияти ва асосий тамойилларидан келиб чиқади.

Хусусий мулк шаклларининг ривожланиши учун давлат томонидан кенг шарт-шароитлар яратиш, хўжалик субъектларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ва уларнинг ўзаро рақобатлашув муҳитини яратиш, якка ҳукмронлик (монополизм)га қарши сиёсат ўтказилиши ва ҳоказолар — булар ҳаммаси ҳар қандай мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги умумийлик ҳисобланади.

Шу билан бирга, ривожланишнинг бозор иқтисодиёти йўлини танлаган мамлакат ўзининг тарихий тажрибаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, халқининг миллий қадриятлари ва менталитетидан келиб чиқиб, ўзига хос ва мос бўлган йўлини танлайди.

Сиз, азиз ўқувчига маълумки, Ўзбекистон XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан босиб олинган ва унинг мустамлакасига айланган эди. 1917 йилда Россияда амалга ошган давлат тўнтариши натижасида Совет Иттифоқи деб аталувчи катта бир империя пайдо бўлади ва то 1991 йилга қадар мамлакатимиз шу давлат таркибида эди. Марказлашган режали иқтисодиётга асосланган

собик Иттифоқ парчаланиб, Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгач, у ҳеч иккиланмай, бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлини танлади.

Бироқ, бозор иқтисодиётига „ҳамма дарднинг давоси“ сифатида қараш ярамайди. У кенг, текис ва равон йўл эмас. Унга ўтиш ҳеч қачон муайян талафотларсиз рўй бермайди. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий ғоя ва тамойилларини ишлаб чиқди.

Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ушбу ғоя ва тамойиллар мамлакатимизни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишининг яхлит бир дастурини ташкил этади. Бу дастурнинг ибратли томони шундаки, у фақатгина бутун мамлакатимизда яшаб турган фуқароларнинг тақдирини ўйлаб тузилган эмас, балки келажак авлодлар тақдирига ҳам бевосита алоқадор бўлиб, уларга озод ва обод ватан қолдиришни назарда тутади. Режали иқтисодиёт тизими ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлган иллатларни тезроқ бартараф қилиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, пировард натижада Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш дастурнинг бош мақсадини ташкил этади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос ва мос йўли бугунги кунда жаҳонга Юртбошимиз номи билан танилди ва бу йўл адолатли тарзда тараққиётнинг „ўзбек модели“ деб аталмоқда.

Ушбу йўлни амалга ошириш мамлакат иқтисодиётида туб ислохотлар ўтказишни тақозо этади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ислохотлар ислохотлар учун эмас, балки одамлар учун, уларнинг фаровонлигини ошириш учун ўтказилади. „Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-ажлодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақининг асоси бўлиб хизмат қилади.“¹

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиши И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бешта муҳим тамойилга таянади:

Биринчидан, иқтисодиётни мафқурадан тўла холи қилиш ва уни сиёсатдан устун турмоғи. Бу тамойилга кўра, иқтисодиёт ва уни барқарор ҳамда юқори суръатлар билан ривожлантириш давлат сиёсатининг мазмунини ташкил этади.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи вазифасини бажаради. Бунинг маъноси шундан иборатки, давлат бу даврда бутун халқ манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи ва устувор йўналишларини белгилаб беради. Ислохотлар жараёнининг ташаббусқори ролини бажаради.

¹И. А. Каримов. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. 1- жилд. Т., „Ўзбекистон“, 1996, 37- бет.

Учинчидан, барча ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш тақозо этилади. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундаки, иқтисодий ўзгаришлар ва жамиятнинг янгила-ниш жараёни мамлакатда амал қилувчи қонунларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш аҳолининг кам таъминланган қисмини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан қўшиб олиб борилади. Бунинг учун давлат кишиларни ислоҳотларга руҳан тайёрлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли ва таъсирчан сиёсат олиб боради.

Бешинчидан, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш пухта ўй-лаб, босқичма-босқич, яъни инқилобий сакрашларсиз амалга оширилади. Бундан шу маъно чиқадики, бир босқич тамомлангандан кейингина ва зарур шарт-шароитлар яратилгандан сўнг кейинги босқичга ўтилади. Иқтисодий ислоҳотлар бозор муносабатларининг механизмларини қадам-бақадам шакллантириб боради.

Ислоҳотларнинг „ўзбек модели“ ҳозирга қадар мавжуд бўлган биронта моделни такрорламайди. Ўз мазмуни ва моҳиятига кўра у куйидаги қоидаларга таянади:

— ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш;

— халқнинг бой тарихий тажрибаси, менталитети ва анъаналари ҳамда ислоҳотларнинг у ёки бу босқичдаги ўзгаришларга тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш;

— бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ривожланган давлатларнинг бой тажрибасидан мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда фойдаланиш.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг „ўзбек модели“га биноан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо қилиш ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб белгиланди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки 10 йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, янгилаш ва тараққиёт дастурида белгиланган кўпгина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлинди. Қисқа вақт ичида яратилган мустаҳкам ҳуқуқий меъёрлар негизида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб, барқарор иқтисодий тараққиётга эришилди.

Фикримизнинг далили сифатида бир неча мисоллар ва рақамларни келтирамиз. 2000 йилда корхона ва хўжаликларнинг 88 фоизини хусусий мулк, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар ва ширкат хўжаликлари ташкил этди. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76 фоизи, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг 70 фоизи, саноат бўйича 65,4 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг 99 фоизи нодавлат

секторига тўғри келди. 1997 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг 4—5 фоизлик йиллик ўсишига эришилди.

Энг муҳими мамлакатимизнинг дон ва ёқилғи мустақиллигига эришилди.

Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишини таъминловчи банк, молия, солиқ тизимлари, хом ашё биржалари, сугурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмасини ташкил этувчи бошқа янги тизимлар вужудга келтирилди.

Тарихан қисқа вақт ичида ўтказилган аграр ислоҳотлар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда эришилган ютуқлар, саноатнинг автомобилсозлик, микробиология, целлюлоза-қоғоз, қанд, фармацевтика каби тармоқларини янгидан яратилгани — булар ҳаммаси тараққиётнинг „Ўзбек модели“ меваларидир.

3.2. Мулкчилик шаклларидаги ўзгаришлар

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг амал қилиши ва иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан мулкчилик шакллари ва муносабатларига боғлиқ. Иқтисодий фаолият эркинлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг турлилиги ва тенг ҳуқуқлилиги, улар ўртасидаги рақобат, тадбиркорлик ташаббускорлиги, ўзини ўзи бошқариш ва молиялаштириш каби бозор тамойилларининг мавжудлиги ҳақида юқорида фикр юритган эдик. Бозор иқтисодиётининг мазкур тамойиллари ўз навбатида уларга мос келувчи мулкчилик шакллари ва муносабатларини шакллантиришни талаб қилади. Шунинг учун мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш дастури, биринчи навбатда, мулкчилик муносабатларига туб ўзгаришлар киритишни назарда тутгани табиий ҳолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда режали иқтисодиёт тизими даврида ҳукмрон мавқега эга бўлган ижтимоий мулк бир қатор камчиликлари туфайли ўзини тўла-тўқис бадном қилиб, иқтисодий тараққиётнинг тўсиғига айланган эди. Бунинг сабаби шундан иборат эдики, ижтимоий мулк ҳукмрон бўлган шароитда у хусусий мулкчиликнинг ривожланишига йўл қўймайди, хусусий мулкчилик ривожланмаган мамлакатда бозор иқтисодиёти тўғрисида сўз юритишнинг ўзи ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди.

Шунинг учун марказлашган режали иқтисодиёт тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш, авваламбор, хусусий мулкчилик шакллари ва муносабатлари жорий этишни ва шу мақсадда давлат мулкани хусусийлаштиришни тақозо этади.

Хусусийлаштириш деганда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, алоҳида шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар тасарруфига ўтказишни тушунмоқ керак. Бунда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар, уй-жой фонди ва ҳоказолар хусусийлаштириш объектлари бўлиб хизмат қилади.

Хусусийлаштириш ўтказилгандан кейин улар айрим фуқаролар, банклар, акциядорлик жамиятлари ва бошқаларнинг тасарруфидаги мулкка айланади.

Жаҳон амалиётида хусусийлаштиришнинг иккита шакли мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси давлат мулкни фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар тасарруфига бепул ўтказиб бериш ва иккинчиси уни сотишдир.

Давлат корхоналарини танлов ёки кимошди савдолари (аукционлар) орқали хусусий шахслар, хорижий сармоядорлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ва корхоналар акцияларини барча хоҳловчиларга сотиш хусусийлаштиришнинг энг ривожланган усуллари ҳисобланади.

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутар экан, унинг олдида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, аниқроғи, уни хусусийлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Шунинг учун хусусий мулк шакллари ва муносабатларини қарор топтириш мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг бошланғич нуқтаси сифатида белгиланди.

Мустақилликнинг дастлабки 10 йили ичида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга қаратилган 20 дан ортиқ махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга давлат бошчилик қилди. Илгари давлат ихтиёрида бўлган 1 млн. дан ортиқ квартираларнинг 98 фоизи фуқароларнинг хусусий мулкига айлантирилди, ўрта ва йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига ва ижара корхоналарига айлантирилди. Давлат мулкни сотиш бўйича кимошди савдолари ва танловлар ташкил этилди.

Агар иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида, асосан, кичик корхоналар, маиший хизмат муассасалари хусусийлаштирилган бўлса, 1994 йилдан бошлаб, бу жараён ўрта ва йирик корхоналарни ҳам қамраб олди.

Иқтисодий ислохотларни ўтказишнинг дастлабки 10 йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш қуйидаги ўзига хос йўналишлари туфайли юқори натижалар бермоқда.

Биринчидан, у ҳар томонлама пухта ва узоқни кўзлаб, мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудлари хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус дастурлар асосида амалга оширилди.

Иккинчидан, давлат мулкни хусусийлаштириш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилди. Улар, авваламбор, шундан иборатки, хусусийлаштирилаётган корхона ходимлари акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олиши назарда тутилди, янги мулкдорларга эскирган асосий воситалар бепул топширилди, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли тарзда хусусийлаштирилди. Хусусийлаштирилган корхоналар учун солиқ тўлашда ҳам айрим имтиёзлар белгиланди.

Учинчидан, давлат мулкни хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг хусусий шакллари қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширувчи муассасалар тизими, махсус органлар тузилди.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига қатъий риоя қилинди. Унинг биринчи босқичида, асосан, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди. Кичик хусусийлаштириш даври деб аталган бу босқич 1994 йилга қадар давом этди. Шу йилнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатимизда оммавий хусусийлаштириш даври деб аталувчи иккинчи босқич бошланди. Саноат, қурилиш, транспорт, аграр-саноат мажмуаси каби тармоқларда ўрта ва йирик корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулкнинг турли шакллари кенг ривож топа бошлади.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида энг устувор вазифа нимадан иборат эди? Бу вазифа, биринчидан, хусусийлаштириш жараёни билан умумдавлат аҳамиятига эга бўлган йирик корхоналарни ҳам қамраб олиш бўлса, иккинчидан, бу жараёнга аҳолини ва чет эллик сармоядорларни ҳам кенг жалб қилиш эди. Хусусийлаштириш жараёни иштирокчилари таркибининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, корхоналар акцияларининг давлат ихтиёридаги улушининг камайиб боришига олиб келди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг мамлакатимизда жорий этилган механизмнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборат эдики, у мулкчилик шакллари ўзгартириш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимини ихчамлаштириш ва яккаҳокимликка барҳам беришни ҳам назарда тутар эди.

Хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозори барпо этилди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, хусусий мулк эгаларига кредитлар бериш каби мақсадларга йўналтирилди.

Хусусийлаштиришдан кўзланган асосий мақсад бозор иқтисодиётининг таянчи бўлган тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва мамлакатимизда мулкдорлар синфини барпо этиш эди. Бугунга келиб шу нарсага ҳолисона гувоҳлик бериш мумкинки, бу мақсадга изчиллик ва собитқадамлик билан эришилмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида келтирилган қуйидаги рақамларга эътибор беринг. 2000 йилда мамлакатимиз корхона ва хўжаликларнинг 88 фоизини нодавлат секторига қарашли хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар ва ширкат хўжаликлари ташкил этди. Шу йилнинг охирига келиб, нодавлат секторининг ялпи ижтимоий маҳсулотдаги салмоғи 64 фоиздан ортиб кетди. Нодавлат секторининг энг юқори салмоғига қишлоқ хўжалигида эришилди. 2000 йилда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99,6 фоизи айнан шу секторда етиштирилди.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этган мулкдорлар синфи шаклланиб, уларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

3.3. Аграр муносабатлар ислоҳоти

Илмий адабиётлар ва кенг доираларда кўпроқ аграр сектор деб аталувчи қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. 2000 йилда унга мамлакат ялпи ички маҳсулотларининг 30 фоизи, республика аҳолисининг 63 фоизи ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг 35 фоизга яқини тўғри келди. Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришининг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги каби бир қатор тармоқларнинг иқтисодий аҳволи ва истиқболлари ҳам ҳал қилувчи даражада қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, аграр сектор мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан аграр муносабатларни тубдан ўзгартириш, яъни ислоҳ қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб тан олинган.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш ҳисобланди. Чунки Ўзбекистон халқининг фаровонлиги, турмуш даражаси ва келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатларини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизимига қай даражада мослигига боғлиқ.

Режали иқтисодиёт тизими ҳукмронлик қилган даврда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини бошқариш тизими ҳаддан ташқари марказлашиб кетган ва хўжалик юритиш усуллари замон талабларига мутлақо жавоб бера олмай қолган эди. Қишлоқ хўжалигида амалда иккита — давлат ва нодавлат секторлари мавжуд бўлиб, уларнинг биринчисига совхозлар ва иккинчисига колхозлар (жамоа хўжалиги деб аталувчи корхоналар) кирар эди. Лекин аслини олганда, нодавлат секторни бошқаришда ҳам давлатнинг иштироки талайгина эди, десак хато бўлмайди. 1991 йилда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 37 фоизи давлат секторига ва қолган қисми нодавлат секторига тўғри келар эди.

Энг ачинарли аҳвол шундан иборат эдики, халқнинг асосий бойлиги бўлган ернинг бир қисми давлат мулки ва иккинчи қисми колхоз-кооператив мулки ҳисобланар ва пировард натижада ердан бевосита фойдаланувчи деҳқонлар унинг ҳақиқий эгаси эмас эди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатлар тизимини қайта қуриш ва уларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш зарур эди.

Бунинг учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигида таркиб топган совхозлар ва колхозларни мулкчиликнинг бошқа (хусусий) шакллариغا асосланган хўжаликларга айлантириш дастури амалга оширилди. Ишлаб чиқилган тамойилларга биноан ислохотларнинг дастлабки даврида давлат хўжалиklarини жамоа (ширкат), кооператив, акциядорлик жамиятлари ва хусусий мулкчиликнинг бошқа шакллариغا ўтказиш жараёни амалга оширилди. Ислохотларнинг кейинги босқичида республика ҳукуматининг тегишли қарори асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкат ва фермер хўжаликларига айлантириш ишлари авж олдирилди. 2001 йилнинг биринчи чорагида ширкатлар сони 1800 тадан, фермер хўжалиklarининг сони 47 мингдан ошди. Шу вақтга келиб 1,8 млн. деҳқон хўжалиklари рўйхатдан ўтказилди. Деҳқон хўжалиkларига ажратилган ер майдонлари ўртача бир хўжаликка 0,16 га. ни ташкил этган бўлса, фермер хўжалиkларига ажратилган ер ўртача бир хўжаликка 20,2 гектарга тўғри келди.

Аграр секторда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар пировард натижада бу ерда ижобий силжишларга олиб келди. Энг муҳими, дон маҳсулотлари етказиш 2 баробардан ошди, шу жумладан, бугдой 6 баробар кўпайди ва натижада республиканинг дон мустақиллигига эришилди.

Ўтган йиллар тажрибаси Ўзбекистон Республикасининг „Ер кодекси“га биноан, узоқ муддатли шахсий ижарага асосланган фермер хўжалиklари қишлоқда хўжалик юритишнинг истиқболли шакли эканини тасдиқламоқда.

3.1- жадвалда келтирилган маълумотлар фермер ва деҳқон хўжалиklarининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолат беради.

3.1- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамда фермер ва деҳқон хўжалиklarининг салмоғи (% ҳисобида)

Йил	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари			Фермерлар ва деҳқон хўжалиklarининг салмоғи	
	Жами	Шу жумладан		Деҳқончилик	Чорвачилик
		Деҳқончилик-нинг салмоғи	Чорвачилик-нинг салмоғи		
1993	100	61	39	26	70
1994	100	61	39	28	72
1995	100	63	37	29	76
1996	100	63	37	33	82
1997	100	64	36	33	89
1998	100	64	36	38	89
1999	100	65	35	38	89
2000	100	65	35	45	90

1993—2000 йиллар мобайнида фермер ва деҳқон хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 102 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 23 фоизга кўтарилди. Бунга қарши ўлароқ, жамоа (ширкат) хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 67 фоизга камайди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад ерни чинакам эгасига топшириш орқали унинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш ва пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. Бу дегани камроқ сарф-харажатлар ҳисобига кўпроқ маҳсулотлар етказишдир. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, деҳқон тўқ бўлса, мамлакат бой бўлади. Ахир ривожланган мамлакатларда ишга яроқли аҳолининг 4—5 фоизигина қишлоқ хўжалигида меҳнат қилса, бизда ҳанузгача бу кўрсаткич 40 фоиздан юқорини ташкил қилади.

Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш яқин келажакда давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Биз бу ерда „яқин келажак“ иборасини ишлатдик. Шунинг учун ўқувчида „Бу ишларни келажакка қолдирмай, тезроқ ҳал қилиш мумкин эмасми?“ деган савол туғилиши табиий. Масаланинг моҳияти шундаки, иқтисодиёт учун аҳамияти ниҳоятда катта бўлган қишлоқ хўжалигида давлатнинг тутган ўрни ҳам катта. Жумладан, давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларига буюртмалар беради, шу билан бир қаторда уни моддий-техник ресурслар, яъни ўғитлар, кимёвий моддалар, уруғ, машина ва ускуналар билан таъминлаш ва сув хўжалигини молиялаштиришда ёрдам беради. Аграр секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат унга кредитлар бериш ва солиқ ундиришда турли имтиёзлар яратади.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги давлатнинг аралашуви ва ёрдамсиз бозор муносабатларига мос тарзда ривожлана олмайди. Демак, бозор муносабатларини тўла-тўқис жорий этиш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарларини ихтиёрий равишда эркин сотиши ва олинган фойдани мустақил тасарруф этишларига эришиш қишлоқ хўжалигида бирданига ва тезда ҳал қилиниши мураккаб бўлган вазифадир. Шунинг учун ҳам биз юқорида „яқин келажак“ иборасини ишлатдик.

Аграр муносабатларни янгилаш ва уларни бозор муносабатларига мослаштириш пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз мулкига хўжайинлик ҳиссини мустақамлаши лозим. Бунинг учун хўжалик юритишга оид қонунларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш, ислоҳотлар йўлидаги ижтимоий-иқтисодий тўсиқларни бартараф этиш ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бошқарувнинг барча бўғинларидаги раҳбар ходимларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш талаб қилинади.

3.4. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузилмасини яратиш

Ёдингизда бўлса, бозор иқтисодиётининг тамойилларини кўриб чиққанимизда, нарх-наво эркинлиги унинг энг муҳим белгиси ва тамойили эканини кўрсатиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, нарх-наво эркинлигисиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар қандай давлат олдида талаб ва таклиф асосида вужудга келувчи эркин бозор нархларини амал қилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш вази-фаси пайдо бўлади.

Бу вазифани ҳал этиш йўллари турлича бўлиб, ҳар бир мамлакат уни ўзининг реал шароитлари, халқнинг менталитетлари ва кадриятлари, иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси ва ҳ.к.лардан келиб чиқиб ҳал қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, нарх-наво эркинлигига эришишнинг, асосан, иккита усули мавжуд бўлиб, унинг биринчисида баҳолар бирданига қўйиб юборилади, яъни уларни ҳеч ким, ҳеч қандай давлат органи юқоридан белгиламайди. Иккинчи усулида эса нарх-наво эркинлигига босқичма-босқич эришилади, яъни ислохотларнинг илк босқичида нарх-наволарнинг бир қисмини давлат белгилайди, қолган қисми талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Нархларни бирданига эркинлаштириш нафақат халқни, балки давлатнинг ўзини ҳам эсанкиратиб қўйишини эндиликда жаҳон тажрибаси тўла тасдиқлади, десак хато бўлмайди. Товарлар ва хизматларнинг ҳамма турлари нархини бирданига эркин қўйиб юбориш натижасида истеъмол нархлари, масалан, Польшада 9 баравар, Югославияда 13 баравар ва Россияда 26 баравар ошди.

Нархларнинг бундай эркинлашувидан халқнинг қандай азият чекканини ва давлатнинг қандай аҳволга тушиб қолганини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтар экан, нарх-навони эркинлаштиришнинг ўзига хос бўлган ва ўзбекона деб айтилиши мумкин бўлган иккинчи усулини танлади. Балким „танлади“ деган сўз бу ерда мутлақо тўғри ишлатилмагандир. Чунки мамлакатимизда республика Президенти И. А. Каримовнинг раҳбарлиги ва ташаббуси билан нархларни эркинлаштиришнинг ўзига хос ёндашувлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Мазкур ёндашувлар нархларни эркинлаштиришнинг „эсанкиратувчи“ усулини қатъиян рад этган ҳолда, уларни аста-секин эркинлаштиришни назарда тутди ва бу билан хўжалик юритувчи субъектларни бозор шароитига мослаштириб боради.

1992 йилнинг январидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чораларни аввалдан белгилаб олган ҳолда нархларни эркинлаштириш бошланди. Чегараланган доирадаги озиқ-овқат ва

саноат маҳсулотлари нархларининг чегараси давлат томонидан белгилаб қўйилди. 1993 йилдан бошлаб мазкур товарлар ва хизматларнинг рўйхати анчагина қисқартирилди ва улгуржи баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тўхтатилди.

1994 йилга келиб, деярли ҳамма турдаги хом ашё ва товарларга эркин баҳо ўрнатишга ўтилди ва истеъмол нархлари устидан давлат назорати тўхтатилди. Шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, нарх-навони эркинлаштириш жараёни ижтимоий ларзаларсиз содир бўлди. Бунинг учун арзонлаштирилган давлат нархлари қўлланди, аҳолининг пул даромадлари оширилди, энг кам иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдори мунтазам равишда ошириб борилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга маҳалла қўмиталари орқали моддий ёрдам кўрсатиш тизими ва имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш ва нарх-наво эркинлигига йўл очиб бериш иқтисодиётда рақобат муҳити яратишни тақозо этади. Зеро, бозор муносабатларининг тўлақонли амал қилиши учун, авваламбор, товар ва хизматларнинг нархини белгилашдаги яккаҳокимлик (монополия)га қарши кураш чораларини амалга ошириш ва бозор инфратузилмасини яратиш вазифаларини ҳал этиш зарур эди.

Шу муносабат билан республика Молия вазирлиги тизимида монополияга қарши кураш сиёсатини олиб бориш ваколатига эга бўлган бошқарма тузилди. Унинг асосий вазифаси этиб яккаҳокимлик мавқеига эга бўлган корхоналарнинг маҳсулоти бўйича нархларни тартибга солиб туриш белгиланди. Шу билан биргалликда бозор муносабатларининг самарали амал қилишини таъминловчи тегишли инфратузилма бўлинмалари ва соҳаларини яратишга киришилди. Чунки республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, „Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз – товар, пул бозорида ва меҳнат ресурслари бозорида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфраструктурасисиз тасаввур этиб бўлмайди“.¹

Бозор инфратузилмаси деганда, бозор муносабатларини самарали амал қилишини таъминловчи савдо-воситачилик бўлинмалари, молия-банк тизими, суғурта, аудиторлик ва консалтинг фирмалари, транспорт, алоқа, ахборот тармоқлари каби тузилмаларни тушунмоқ керак.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш учун, авваламбор, корхоналарни фондлаштирилган ресурслар билан таъминлаш тартиби маҳсулотларни эркин (келишилган) нархлар асосида харид қилиш

¹И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1995, 96- бет.

билан аста-секин алмаштирилди. Бундай шароитда корхона ва фирмаларнинг ўзаро шартномавий алоқаларини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этди. Мазкур алоқаларни ўрнатиш мақсадида Республика товар-хом ашё биржаси ташкил этилди. Бу ҳол ўз навбатида брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари ҳамда воситачилик фирмаларининг пайдо бўлишига олиб келди.

1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда кредит ресурслари бозори шаклланиб, бозор муносабатларининг фаоллашувига кўмаклаша бошлади. Кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши натижаси ўлароқ, молия бозори шаклланди.

Молия бозорининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўз навбатида бозор муносабатларига мос бўлган банк-кредит тизимини яратишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Шу муносабат билан мамлакатимизда режали иқтисодиёт ҳукмронлиги даврида шакланган банк тизими қайта кўриб чиқилди ва мутлақо янги бир тизим шакллантирилди. Банк ва банк муассасалари мажмуасидан иборат бўлган мазкур тизимнинг жаҳон мамлакатлари хўжалик амалиётида икки тури мавжуд бўлиб, улар бир бўғинли ва икки бўғинли тизимлардир.

Ўзбекистонда ана шу тизимларнинг иккинчиси, яъни икки бўғинли банк тизими яратилди. Бундай тизим шароитида Марказий банк мамлакатда пул муомаласини ташкил қилувчи ва унинг устидан назорат олиб борувчи асосий бўғин вазифасини бажаради. Мустақил, бироқ Марказий банк назорати остида фаолият кўрсатувчи ихтисослашган („Пахтабанк“, „Фаллабанк“, „Уй-жой жамғарма банки“ ва ҳоказо) ва тижорат банклари ушбу тизимнинг иккинчи бўғини ҳисобланади.

Ўтган йиллар тажрибаси мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар муносабати билан яратилган банк тизимининг оқилона ва самарали эканини тўла тасдиқлади. Ихтисослашган ва тижорат банклари мамлакатимизда бозорнинг фаол иштирокчилари сифатида пул орқали бозор иштирокчиларининг фаолиятига дахлдор вазифаларни ҳал қилишда қатнашмоқдалар ва бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқдалар.

Молия бозорининг тўлақонли амал қилиши учун суғурта тизимини қайта қуриш ва уни бозор муносабатларига мослаштириш талаб қилинар эди. Шунинг учун республиканинг давлат суғуртаси қайтадан ташкил этилди ва унинг янги шароитдаги вазифалари белгилаб берилди. Вақт ўтиши билан суғурта тизими ҳам такомиллаша борди ва эндиликда мамлакатимизда давлатга қарашли бўлмаган 40 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишсизлик муаммоси бир-мунча кескинлашди. Бунинг сабаби оммавий хусусийлаштиришни амалга ошириш муносабати билан нафақат малакасиз кишиларни,

балки муайян мутахассисликка эга бўлган ходимларни ҳам вақтинча ишсизлар тоифасига ўтиб қолишидир. Мазкур ҳолат мамлакатимизда ишсизлик муаммосини енгиллаштиришга кўмаклашувчи меҳнат биржаларини пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги кунда йирик шаҳарларда ўнлаб ва ҳар бир туманда биттадан меҳнат биржалари фаолият кўрсатиб, улар ишсизларни ишга жойлаштириш ва уларнинг сонини кўпайишига йўл қўймаслик чораларини амалга оширмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бозор инфратузилмасини яратиш, бу — бир кунлик ёки бир йиллик вазифа эмас. Ўтган давр ичида мамлакатимизда бу тузилма, асосан, шаклланиб бўлгани билан уни ислоҳотларнинг янги босқичларида мунтазам тарзда ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш талаб қилинади.

IV БОБ | Бозорни ўрганиш (маркетинг)

Ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг:

- ◆ *Маркетинг тадқиқотлари нима?*
- ◆ *Нима сабабдан маркетинг бозор иқтисодиётининг муҳим унсури ҳисобланади?*
- ◆ *Маркетингнинг стратегик режалаштириш билан боғлиқлиги нимадан иборат?*
- ◆ *Халқаро маркетингнинг моҳияти ва зарурияти нимадан иборат?*

4.1. Маркетинг деганда нимани тушунамиз?

Бозор шароитлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини, ундаги рақиблар салоҳияти-ю, рақобат усулларини, муайян товар ва хизматларга бўлган талаб ва у ерда мавжуд бўлган таклифни пухта ва атрофлича ўрганиш товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун ютуқ ва барқарорлик гаровидир. Ана шу айтиб ўтилган ишларни амалга ошириш ҳозирги замон тилида *маркетинг* деб юритилади.

Бозор механизмининг асосий элементлари (товарлар таклифи, харидорлар талаби, нарх-наво) бир-бири билан шу қадар узвий боғлиқки, уларни ўрганмай туриб, бозордаги жараёнларни тўғри тушуниб етиш анчагина мушкул ишдир. Шунинг учун хўжалик амалиётининг чалкашликлари, унинг сиру асрорларини билмоқ учун ҳар қандай тадбиркор, биринчидан, махсус билимларга эга бўлмоғи ва иккинчидан, маркетинг тадқиқотларини мунга зам ўтказиб турмоғи лозим.

Маркетинг фаолияти тижорат ишларида хавф-хатарни камай-тириш, мавжуд шароиту вазиятларнинг энг мақбулини танлаб олиш, ишлаб чиқариш сотувнинг юқори фойда бериб туришини таъминлаш ва харидорлар учун тўғри келадиган баҳоларни белгилашга ёрдам беради. Маркетингнинг асосий тамойиллари бозорни билиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборатдир.

Бозорни билиш деганда, истеъмолчиларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг дид ва истакларини билиш кўзда тутилади. Демак, бозорга мослашиш муайян талабни қондирадиган маҳсулотларнигина ишлаб чиқармоқни билдиради. Нима ишлаб чиқарилган бўлса, шуни сотмаслик, балки бозорталаб молларнигина ишлаб чиқармоқ зарур. Бозорга таъсир ўтказиш талабни шакллантириш демакдир, яъни товарни яратиш билан истеъмолчини ҳам „яратмоқ“ лозим.

Маркетингнинг умумий тамойиллари ва вазифаларига қараб, фаолиятнинг аниқ йўналишлари ва мазмуни белгиланади. Уларнинг орасида энг муҳимлари: бозорни атрофлича ўрганиш, маҳсулот турларини режалаштириш, маҳсулот сифатини қиёмага етказиш, товар рекламасини ташкил қилиш, унинг энг мақбул баҳосини белгилаш ҳамда савдосини ташкил этишдир.

Маркетинг бозор иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб, мамлакатимизда хўжалик субъектлари ва тadbиркорлар уни ўзлаштириш ва ташкил қилиш соҳасида муайян натижаларга эришдилар. Корхона ва фирмаларда маркетинг хизмати бўлими ташкил этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан маркетинг хизматининг самарадорлигига боғлиқдир.

Бироқ шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, маркетинг хизматини ташкил қилиш муайян сарф-харажатлар қилиш ва сабртоқат кўрсатишни талаб этади, бунинг устига дарров самара ҳам бера олмайди. Бу иш, бир томондан, истеъмолчиларни етарлича юқори бўлган талабларига ва харид қобилиятларига, иккинчи томондан, товарлар ва хизматларни танлаш эркинлигига мос келадиган бўлиши керак.

Маркетингни жорий этиш ташкилий шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Корхоналар ишини режалаштириш ва уни бошқариш, ички ва ташқи савдо алоқалари тизимини яратиш, шунингдек, товарлар билан юқори даражада таъминланган бозор каналлари бўйича тайёрланган маҳсулотларни сотиш шулар жумласидандир.

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги аҳволи, аксарият ҳолларда талабларни қондира олмай келаётгани, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги номутаносибликлар мавжудлиги шароитида маркетингдан фойдаланишга эҳтиёж ва имконият йўқдек кўринади. Бироқ айнан маркетинг шу қийинчиликларни енгиб ўтишга, талаб билан таклиф ўртасида мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беришини ёддан чиқармаслик керак.

Маркетинг—корхоналар учун маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардошлигига қўйиладиган ўзига хос талабларни ўрганиш орқали товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аниқ талаб даражасини ҳисобга олган ҳолда товарларни бозор каналлари орқали моҳирлик билан ўтказиш имкониятидир.

Талаб билан таклиф ўртасида бир қадар номутаносиблик мавжуд бўлган шароитда товарларни эгасига бориб етадиган қилиб ишлаб чиқариш ва охирги истеъмолчига кам-кўстсиз етказиб бериш жуда ҳам муҳимдир. Маркетинг ана шунга имкон очади. Маркетинг ёрдамида кўпгина муаммоларни ҳал қилиш мумкин: талабга таъсир ўтказиш, унинг таркибини ўзгартириш, ишлаб чиқаришни бозор талабларига мослаштириш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, маркетинг хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган тизимида корхона ва фирмалар учун стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифаларни ҳал этишга кўмак-

лашади. Куйида талабнинг турли ҳолатлари ва маркетинг хизматининг уларга мос келадиган вазифаларини келтирамыз.

1. Манфий талаб. Агар харидорнинг кўпчилик қисми товарни қабул қилмаса ва ундан қочадиган бўлса, бундай бозор манфий талаб ҳолатида бўлади. Бундай шароитда маркетинг хизматининг вазифаси бозор нима сабабдан товарни ёқтирмаётганини таҳлил қилиш ва товарни қайта ишлаш, баҳоларни пасайтириш йўли билан уни сотишни бирмунча жонлантиришдан иборатдир.

2. Талабнинг йўқлиги. Истеъмолчилар товарга қизиқмаслиги ёки унга бефарқ қарашлари мумкин. Бундай ҳолларда маркетингнинг вазифаси товарга хос бўлган хусусиятларни инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва истаклари билан боғлаш йўллари топишдир.

3. Яширин талаб. Кўпгина истеъмолчиларда бозорда мавжуд бўлган товарлар ёки хизматлар ёрдамида қондириб бўлмайдиган эҳтиёжлар бўлиши мумкин. Маркетингнинг вазифаси ана шу товарлар ва хизматлар бозорининг ҳажмига баҳо бериш ва талабни қондира оладиган харидоргир товарлар ҳамда хизматлар яратишни йўлга қўйишдир.

4. Камайиб борадиган талаб. Ҳар қандай корхона (фирма) ҳам ўзининг у ёки бу товарига бўлган талаб камайиб қоладиган ҳолатга эртами-кечми дуч келади.

Бундай шароитларда маркетинг хизмати нима сабабдан талаб камайиб бораётганини таҳлил қилиб чиқиши ва янги бозорларни қидириб топиши, товар характеристикаларини ўзгартириш ёки бирмунча самарали алоқаларни ўрнатиш йўли билан товарларни ўтказишни яна жонлантириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаши керак бўлади.

5. Номунтазам талаб. Кўпгина товарлар (хизматлар)га талаб мавсум сайин, кун сайин ва ҳатто соат сайин ўзгариб туради. Масалан, авиачипталарга бўлган талаб ёзги мавсумда ортиб кетади, жамоат транспортининг кўпчилик қисми кундузги осойишталик пайтида бўш туради ва одамлар қатнаб турадиган соатларда уларни ташиб удалай олмайди. Бундай шароитда маркетингнинг вазифаси баҳоларни ўзгартириш, транспорт қатнови жадвалини такомиллаштириш ва ҳоказога қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдир.

6. Тўла қимматли талаб. Тадбиркорлар ўзларининг товарлари (хизматлари) айланмаларидан қониқадиган бўлсалар, ана шу тўла қимматли ёки тўлақонли талаб дейилади. Маркетингнинг вазифаси талабни мавжуд даражасини сақлаб қолиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифати тўғрисида тинмай қайғуриб боришдир.

Маркетинг стратегиясининг зарур элементи бозор қатнашчилари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда бозорга чиқадиган маҳсулотларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилаб олишдир.

Корхонанинг умумий стратегик мақсади белгилаб олингандан сўнг уни амалга оширишга доир зарур чоралар батафсил ишлаб чиқилади. Булар:

— бозорга қандай товарни қандай ассортиментда ва қандай баҳолар билан киритиш;

— товарни режалаштирилган миқдорда сотиш учун қандай шарт-шароитлар кераклигини аниқлаш;

— товарларни етказиб бериш қандай каналлар орқали ва қандай ҳажмларда амалга оширилишини белгилаш;

— талабга таъсир кўрсатиш ва сотувни рағбатлантириш учун қандай воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

— сотувдан кейин кўрсатиладиган хизмат қандай бўлиши ва уни ким амалга оширилишини белгилаб олиш.

Маркетинг фаолиятининг тактикасини белгилаб берувчи мана шу масалаларни бирон бўғинида узилиш бўлиб қолиши мўлжалдаги барча ишларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Маркетинг фаолиятининг тайёр йўл-йўриғи йўқ. Талабга таъсир кўрсатишнинг усул-амаллари ҳар бир корхона ва бозорга киритиладиган ҳар бир товар учун янгидан ишлаб чиқилади. Чет мамлакатларда бунинг учун махсус фирмалар ва институтлар ташкил этилган. Йирик корхоналардан биронтаси маркетинг билан шуғулланадиган махсус бўлимсиз (ёки хизматсиз) „тирикчилик“ қила олмайди.

Маркетинг фаолиятида реклама муҳим восита ҳисобланади. Рекламанинг вазифаси — мавжуд бозор сегментини мустаҳкамлаб, янги-янги харидорларни топиб бориш, янги бозорларни шакллантириш орқали истеъмолчилар доирасини кенгайтиришдир. Бироқ, харидорнинг психологияси учун фирманинг истеъмол бозоридаги обрў-эътибори ва товар маркасининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Сотувни рағбатлантириш маркетинг вазифаларидан бири бўлиб, бозорга киритиладиган товар реализациясини режалаштирилган миқдорга етказишга имкон беради. Демак, у қилинган сарф-харажатларнинг ўрнини тўлдириб, фойда олишга имкон беради. Сотувни рағбатлантириш учун ярмарка ва кўргазмалар сингари фаол шакллардан, махсус савдо агентларининг хизматларидан, шунингдек, имтиёзли баҳолар қўйиш усулларида фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, маркетинг бизнинг хўжалик ҳаётимизга бозор иқтисодиёти билан биргаликда кириб келган тушунча бўлиб, уни яхшилаб ўзлаштириш, жорий қилиш ҳар қандай корхона ёки фирма иш фаолиятининг юқори самарадорлигига хизмат қилади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маркетингни ташкил қилишнинг ягона ва тайёр схемаси йўқ. Ҳар бир корхона ёки фирма ўз хўжалик фаолиятининг характерини, ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб ва савдони ягона технологик жараёнга бирлаштириб, ўзининг маркетинг дастурини ишлаб чиқади.

Хўш, нима учун маркетинг хизматини ўз вақтида ва оқилона ташкил қилиш корхона(фирма) фаолиятини юқори иқтисодий самарадорлик билан амалга ошириш имконини беради? Умумлашган ҳолда бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

Биринчидан, маркетинг хизмати товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни бозор талабларига мослаштиради.

Иккинчидан, тайёрланган маҳсулотларни ўз вақтида ва тўла-тўқис сотилишига кўмаклашади.

Учинчидан, бозордаги талабнинг ўзгаришини олдиндан башорат қилган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш таркиби ва сифатига тегишли тузатишлар киритиб, беҳуда сарф-харажатлар қилиниши ва кераксиз товарлар ишлаб чиқарилишининг олдини олади.

Тўртинчидан, бозор жуғрофияси ва нарх-навосини ўрганиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотни қайси ҳудуд, минтақа ва мамлакатларда қандай баҳолар билан сотиш бўйича таклифлар киритади.

Ва ниҳоят, маркетинг хизматининг муҳим вазифаси — ишлаб чиқарилаётган товарлар рекламасини амалга ошириш бўлиб, бозорлар товарлар билан тобора кўпроқ тўйиниб бораётган ҳозирги даврда таъсирчан рекламанинг корхона(фирма) фаолияти учун аҳамияти жуда каттадир.

Хорижий фирмалар, хусусан, ривожланган мамлакатларда товар ва хизматлар рекламасига жуда катта аҳамият беришади ва бунинг учун ўз маблағларини аямасликлари бежиз эмас.

Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам товар ишлаб чиқарувчилар буни тобора яхшироқ англаб етмоқдалар ва реклама ишига ўз эътиборларини кучайтирмоқдалар.

4.2. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маркетингнинг роли

Мамлакатимизда ХХ асрнинг 90- йилларига қадар ҳукм сурган ва маъмурий-буйруқбозликка асосланган хўжалик юритиш тизими давридаги энг катта иллатлардан бири бу — талаб билан таклиф ўртасидаги номутаносибликлар бўлиб, унинг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг бозор талабларига мослашмагани эди. Моддий таъминотдаги етишмовчиликлар, фан-техника тараққиётининг пастлиги, рекламанинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, иқтисодиётни режалаштириш тизимининг такомиллашмаганлиги, бозорда рўй бераётган жараёнлар тўғрисидаги ахборотларнинг етарли бўлмаганлиги ва бошқа сабаблар натижаси ўлароқ, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг самарадорлиги ачинарли аҳволда эди.

Эндиликда, бозор иқтисодиётига амал қилинаётган шароитда, республикамиз иқтисодиётида вазият тубдан ўзгарди. Бозор муносабатлари талаб ва таклифга самарали таъсир ўтказиш, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, бу соҳада турли мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибани ўрганиш ва маркетинг тамойилларини тўла-тўқис ўзлаштиришни талаб қилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шу нарсдан далолат берадики, бозорга маркетинг йўли билан ёндашиш ва ишлаб чиқаришни шу ёндашув асосида ташкил қилиш ҳар қандай фирма ёки компания муваффақиятининг гарови бўлиб хизмат қилади. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти табақалашиб, эҳтиёжлар ўсиб боргани, фан-техника тараққиёти кучайиб, хизмат кўрсатиладиган соҳалар кенгайгани ва рақобат кескинлашгани сайин маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бўлган эҳтиёж ортиб боради. Чунки маркетинг бозорни ҳар томонлама таҳлил қилиш, барча ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлардан, жумладан, баҳолар сиёсати жиҳатидан уни тартибга солиш, талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда товар ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш, барча турдаги хизматларни ривожлантириш омилидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий ва энг муҳим кўрсаткичи фойда ҳисобланади. Даромадлар корхона фаолиятига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотиб боради. Режалаштириш бевосита меҳнат жамоалари қўлига ўтиб, режалар аҳолининг товар ва хизматларга, ишлаб чиқаришнинг эса машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун бир мўлжал бўлиб қолади. Шу сабабли корхоналарда маркетинг фаолияти дастурларини шакллантиришнинг асосий қоидаларидан бири ишлаб чиқариладиган ва бозорда сотиладиган маҳсулотнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини бирга қўшиб олиб боришдан иборат бўлмоғи керак.

Харидор муайян маҳсулотнинг қандай кўринишда бўлишини истайди, бу маҳсулотга қаерда ва қанча талаб пайдо бўлади? Бу саволлар пухта ўрганилиб, ҳар бир муҳандисга, конструкторга ва ишлаб чиқарувчига етказилиши лозим. Маркетинг маҳсулотни лойиҳалаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, иқтисодий таҳлил, тақсимот, сотиш ва сотилган маҳсулотга хизмат кўрсатиш каби масалаларга таъсир кўрсатиши лозим.

Корхоналар учун маркетинг маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардош бўлишига қўйиладиган ўзига хос талаб, турли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайдиган рағбат, аниқ талаб даражасини ҳисобга олиш ва товарларни бозор каналлари орқали моҳирлик билан ўтказиш имкониятидир.

Талаб ва таклиф бир қадар номуносиб бўлиб турган ҳозирги шароитларда товарларни эгасига етиб борадиган қилиб, тежамкорлик билан ишлаб чиқариш ва охириги истеъмолчига етказиб бериш жуда муҳимдир.

Маркетинг ана шунга имконият очади. Маркетинг талабга таъсир ўтказиш, унинг тузилишини ўзгартириш, ишлаб чиқаришни бозор шароитларига қараб кенгайтириш каби муаммоларни ҳал қилиш омилидир.

Бугунги кунда талаб ва таклифни мувозанатлаштиришга имкон берадиган иқтисодий омилларни топиш зарур. Мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар ҳам, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган кишилар ҳам ана шундан манфаатдор.

Маркетинг бозорни аниқ (тайин) товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиши ва шу асосда узоқ муддатли ва йиллик дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалга ошириши зарур. Шу муносабат билан бозор объектлари ва субъектлари деган тушунчаларни фарқламоқ зарур.

Бозор объектлари деганда, унга киритиладиган товарлар ва хизматлар тушунилади. Бозор субъектлари эса уларни айирбошлаш ишларида қатнашадиган товар етказиб берувчилар ва истеъмолчилардир.

Бозор субъектларига ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар (ўқув юрглари, касалхоналар ва бошқалар) ва уй хўжаликлари (оилалар ва шахсий истеъмолчилар) киради.

Шахсий истеъмолчилар бозорнинг энг муҳим субъектлари ҳисобланади. Шулар жамиятда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб оладиган охириги харидорлардир.

Корхоналар ҳам сотувчилар бўлиб, ҳам бозорга чиқариладиган товарларни яратиш учун керакли хом ашёлар, ишлаб чиқариш воситалари ва хизматларни сотиб олувчи харидорлар бўлиб майдонга чиқади.

Бозорнинг фаолият кўрсатиб бориши учун миллий иқтисодиётнинг турли соҳалари ва идораларига қарашли корхоналар ўртасида горизонтал алоқалар юзага келиши муҳим шарт ҳисобланади. Бу алоқаларни бошқариш органлари (вазирликлар, идоралар)га эга бўлган асосий хўжалик бўғинининг вертикал алоқалари тўлдириб боради. Горизонтал ва вертикал алоқалар яхши йўлга қўйилган тақдирдагина бозор самарали фаолият кўрсатади. Бу алоқаларда қинғирликлар бўлса, бозор мувозанати бузилади. Маркетинг йўли билан ёндашув бозорда қарор топган алоқаларнинг мақбуллигини аниқлашга имкон беради.

Режа асосий ўринга қўйилган даврларда ишлаб чиқариш жараёнини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва маъмурий йўл билан ҳар хил шаклда назорат олиб бориш ҳал қилувчи, бош йўналиш ҳисобланар эди. Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг стратегияси ҳам, тактикаси ҳам ўзгаради. Асосий эътибор ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментини яхшилаш, товар таклифи тузилишини такомиллаштириш, уни талабга кўпроқ мос тушадиган ҳолга келтиришга қаратилади.

Маркетингнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ижобий таъсирини кучайтириш қуйидагиларни тақозо этади:

— бозор вазиятини чуқур таҳлил қилиш ва уни қай тариқа ривожланиб боришини олдиндан билишни;

— горизонтал алоқаларни йўлга қўйишда маълум даражада эркин бўлишни;

— тижорат ишларидаги рақобатга алоқадор хавф-хатарни ҳисобга олиб, ўз мавқеига эга бўлишни;

— конъюнктурага таъсир ўтказадиган технологик ва ташкилий сиёсат олиб боришни;

— бозордаги рақиблар тўғрисида зарур ахборотни йиғиб, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишни;

— иш юзасидан музокаралар олиб бориш ва ечимларни амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали маркетинг мутахассислар ва раҳбарлар тайёрлашни.

Корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги мустақиллиги улардан ишлаб чиқариш натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни кўзда тутди. Баъзи корхоналар жавобгарликни ўз зиммаларига олишдан қўрқиб, хўжалик юритишда эркин бўлишни хоҳламайдилар. Бу уларнинг молиявий аҳволи ва бозордаги мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Маркетинг нуқтаи назаридан фикр қилиш, яъни унга таянган ҳолда иш юритиш кўнгилга тушадиган қўрқувни бартараф этади.

Истеъмолчи талабини корхона қай даражада қондира олаётгани ҳақида, албатта, фақат истеъмолчи аниқ бир фикр айта олади. Буни улар ўша корхона маҳсулотини сотиб олиши (ёки танлаши) орқали намойиш этади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилардан маркетинг хизматини яхши йўлга қўйиш орқали ўз истеъмолчилари билан узоқ муддатли алоқаларни амалга ошириш талаб қилинади.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, бозорга таклиф этилаётган товарлар ассортименти ўртача истеъмолчига мўлжалланадиган бўлса, бундан, авваламбор, товар ишлаб чиқарувчи зиён кўради, чунки истеъмолчининг ўртачаси бўлмайди. Шунинг учун маркетинг хизмати истеъмолчининг ҳамиша юқори дид ва юксак талабини назарда тутган ҳолда иш юритиши лозим.

Маркетинг истеъмолчилардан ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарига узлуксиз ахборот келиб туришини таъминлайди. Бу ўз навбатида товар ассортиментини кўпайтириш, уни сотиш шароитларига зарур ўзгаришлар киритиш, харидорга таъсир ўтказиш ва ҳоказолар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

4.3. Стратегик ва халқаро маркетинг

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона (фирма)лар ўз фаолиятини самарали олиб боришга ҳаракат қилиб, тобора узоқроқ муддат учун олдиндан стратегик режалаштириш усулидан фойдаланади. Бозордаги ўзгаришлар ва фан-техника тараққиёти йўналишларини таҳлил қилиш асосида корхона (фирма)нинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун негиз бўладиган умумий мақсадлар белгиланади. Корхона (фирма)нинг стратегияси фаолиятнинг бош дастурини, маркетинг,

молия, ташкилий фаолият, кадрлар сиёсати ва бошқа соҳалардаги режалар ҳамда ресурслар тақсироти акс эттиради.

Стратегик режалаштириш корхона (фирма) фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги барча ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ йўналишини акс эттиради. Сўнгра ҳар бир йўналиш бўйича батафсил режалар тузилади. Улар орасида товар нусхасини яратишдан бошлаб, то пировард сотишга қадар товар ҳаракати жараёнларини қамрайдиган маркетингни режалаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича маркетинг режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- асосий маълумотлар;
- жорий маркетингга оид вазият баёни;
- хавф-хатар ва имкониятлар тавсифи;
- маркетинг стратегияси;
- ҳаракатлар дастури;
- бюджет ва назорат.

Мазкур бўлимларнинг айримлари устида тўхтаб ўтамиз. Асосий маълумотларга товар характеристикаси, унга бўлган талабнинг ҳозирги ҳолати ва келажакда ўсиши, унинг рақобатбардошлиги киради.

Жорий маркетингга оид вазият ҳаракатдаги бозор, унинг ҳажми, истеъмолчилар таркиби, рақиблар, ўзига хос бошқа омилларнинг ҳолати, шунингдек фирманинг шу бозордаги мавқеини аниқлаб беради.

Хавф-хатар ва имкониятлар бўлимида товарларнинг бозорда сотилиши билан боғлиқ бўлган шароитлар кўриб чиқилади. Буларга фан ва техниканинг энг сўнги ютуқлари, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, бозордаги муҳитнинг ўзгаришлари ва умуман, фирманинг ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар ва ҳодисалар киради.

Кейинги бўлим — маркетинг стратегияси бўлиб, унда корхона (фирма) имкониятларини бозордаги ҳолатга мувофиқлаштириш ва қўйилган мақсадларга эришишнинг комплекс воситалари белгиланади. Ушбу стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида мақсадга мувофиқ бозорни танлаш, бозорда ўз сегментига эга бўлиш, бозорга чиқиш усуллари ва маркетинг воситаларини танлаш, бозорга чиқиш вақтини белгилаш, бошқаришнинг корхона (фирма) стратегик мақсадларига мос келадиган ташкилий таркибини танлаш каби ишлар амалга оширилади.

Ўзаро бир-бирини тўлдирадиган иккита маркетинг стратегияси мавжуд бўлиб, уларнинг биттаси маҳсулотга нисбатан стратегия ва иккинчиси бозорга нисбатан стратегиядир.

Маҳсулотга нисбатан стратегия маҳсулотни бозорда сотиш усуллари аниқлайди, бозор эҳтиёжларини тадқиқ этиш ва ҳисобга олишни буюмнинг сифат ва қиймат тавсифини режалаштириш негизига қўядиган тамойилга таянади. Ушбу стратегия бозор ривожини ва корхона (фирма) ишлаб чиқаришининг ўзига хос шароитларига

қараб уч вариантга бўлинади: паст харажатлар стратегияси, табақалаштириш стратегияси, тор ихтисослашув стратегияси.

Рақиблар орасида етакчи мавқени эгаллайдиган корхона (фирма)лар, одатда, табақаланган стратегиядан кенг фойдаланади. Маҳсулотни табақалаштиришнинг асосий усулларидан бири юксак сифат ва рақиб маҳсулотига қараганда алоҳида истеъмол хоссаларини таъминлашдир. Саноат маҳсулоти учун унумдорлик, хом ашё, ёрдамчи материаллар ва энергия сарфи, хизмат кўрсатиш соҳалари учун меҳнат сарфлари асосий омиллар ҳисобланади. Кенг истеъмол моллари учун технологиянинг стандартларга мувофиқлиги, қулайлиги, эстетик кўриниши ва бошқа сифат мезонлари муҳим аҳамият касб этади.

Табақалаштириш стратегиясининг муҳим томони маҳсулотнинг барча параметрларига кўра ўзига хос тарзда ажралиб туришини, бозорда фирма маркасининг кўзга ташланишини таъминлашдан иборатдир. Бунга мисол қилиб „Мерседес“, „Форд“, „Тойота“ машиналари, IBM компьютерлари, „Адилас“ спорт товарлари, „Сони“ аудио ва видео техникаси ва бошқаларни келтириш мумкин.

Паст харажатлар стратегияси рақобатда афзалликларга эришишни маҳсулотни арзонроқ ишлаб чиқариш ва сотишни таъминлаш билан боғлайди. Паст харажатлар стратегиясини амалга оширишнинг бир қанча усуллари бор. Биринчи усулда фирма бозорда ўз сифатига кўра рақибларининг маҳсулотларидан фарқ қилмайдиган маҳсулотни арзон нархда таклиф этади. Иккинчи усул — ишлаб чиқариш учун арзон тушадиган маҳсулот андозасини яратишдан иборат. Учинчиси — арзон хом ашё манбалари ва арзон ишчи кучидан танҳо фойдаланишга асосланади.

Паст харажатлар стратегиясини танлашда харажатлар бобида фирма ўз устунлигининг узоқ муддатли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шу сабабли мазкур стратегияни амалга оширишнинг асосий шarti фирманинг бозорда етакчи мавқеини таъминлашга қодир бўлган ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот сотишни узлуксиз такомиллаштиришдир.

Фирма рақиблари олдида муваффақият қозонишнинг асосий омилларидан биронтасига ҳам эга бўлмаган тақдирда ёки бир-икки омил бўйича устун келса ҳам, аммо бошқа омиллар бўйича орқада қолган шароитда тор ихтисослашув стратегиясини танлашга мажбур бўлади.

Умуман олганда, маҳсулот бўйича маркетинг стратегиясидаги бу уч вариант турли комбинацияларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, агар фирма иккала соҳада ҳам рақиблар олдида устунликка эга бўлса, табақалаштириш стратегияси паст харажатлар стратегияси билан қўшиб олиб борилиши мумкин.

Маркетинг тизими, унинг тамойиллари ва вазифалари ички бозорда ҳам, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам деярли бир хилда амал қилади. Аммо чет мамлакатлар бозорларининг фаолияти ва бу бозорларда ишлаш шароитларида муайян ўзига хосликлар ҳам

мавжуд. Халқаро маркетинг ички бозордаги маркетингга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, жаҳон иқтисодиётида ва умуман жаҳон бозорида „ноаниқлик омиллари“нинг учраб туришини ҳам айтиб ўтиш керак. Биринчидан, халқаро маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари халқаро тижорат ташкилотларининг турига қараб намоён бўлади. Бу ташкилотлар халқаро иқтисодий алоқаларни бевосита амалга ошириш билан шуғулланиши мумкин ёки товарларни сотувдан истеъмолчи (харидор)га етиб келиши билан боғлиқ бирон-бир операцияни бажариши мумкин.

Асосий тижорат операциялари қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- буюм шаклидаги товарларни айирбошлаш бўйича;
- илмий-техникавий билимларни (патент ва лицензиялар, ноу-хау савдоси шаклида) айирбошлаш;
- техникавий хизмат кўрсатишни айирбошлаш;
- ижара бўйича;
- халқаро туризм бўйича ва ҳоказо.

Халқаро товар айланмасини таъминловчи операцияларга қуйидагилар кирази:

- юк ташиш бўйича транспорт-экспедиторлик операциялари;
- юкларни суғурталаш;
- юк сақлаш;
- халқаро ҳисоб-китоблар ва ҳоказо.

Халқаро маркетингнинг иккинчи ўзига хослиги ишбилармонлик фаолияти мақсадларини аниқ белгилаш ва тараққиёт стратегиясини танлашда ҳамда мақсадларга эришиш усулларида намоён бўлади.

Халқаро маркетинг стратегиясининг бир-биридан кескин фарқ қилувчи иккита кўриниши мавжуд. Булар табақаланмаган ва табақаланган стратегиядир.

Табақаланмаган маркетинг стратегияси дастури бўйича фирма бир хил товарни ҳам ички бозорга, ҳам ташқи бозорга чиқаради. Бунда фирма бозори чаққон бўлган ўз товарларини чет элларда савдо маркаси, дизайни, таркиби ёки уларни ўраш-жойлашга ўзгартишлар киритмасдан ҳам сотилишига ишонади. Бундай ёндашувда фирма ўз маҳсулотини четга чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатлардан холи бўлади. Масалан, АҚШнинг жаҳонга машхур „Кока-кола“ компанияси ўз маҳсулотларини оммавийлиги туфайли шундай стратегиядан фойдаланади.

Табақаланган маркетинг стратегияси турли бозорлардаги талаб ва дид, ҳуқуқий нормалар, тил талаблари, маданий тафовутлар ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда товарларга муайян ўзгартиришлар киритишга асосланади.

Фирма нарх белгилашда маҳаллий, иқтисодий, масалан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) миқдори каби кўрсаткичларни ҳисобга олади. Худди шу сабабли кўпгина фирмалар суист ривожланган ва ривожланаётган мамлакатда

товарларнинг соддалаштирилган кўринишларини ёки арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиб, ўз маҳсулотларини паст нархларда сотади. Айти пайтда ривожланган давлатларда нархлар юқорироқ белгиланади, чунки нархлар кўшимча халқаро маркетинг билан боғлиқ бўлган ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Халқаро маркетингнинг энг муҳим таркибий қисми бу— маҳаллий талаблар ва миллий анъаналарни зийраклик билан пайқайдиган рекламадир. Масалан, шиналар рекламаси — Буюк Британияда хавфсизликка, АҚШда фойдаланиш тафсилотларига, Германияда ихчамликка биринчи навбатда эътибор берилади.

Табақаланган стратегия халқаро маркетингда кенг қўлланилади. Шу билан биргаликда кейинги вақтларда фирмалар халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштиришда кўпроқ аралаш ёндашувлардан фойдаланмоқда. Бу ёндашув доирасида икки стратегия мувофиқлашади, бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фирма маркасини барқарор қилиш ва айти пайтда маҳаллий талабларни қондиришга имкон беради.

Товарларни сотиш муаммоси кескинлашган ҳозирги шароитларда халқаро бозорларда лизинг — ишлаб чиқариш воситалари ижараси фаол маркетингнинг кенг тарқалган воситасига айланмоқда. Лизинг, бир томондан, саноат компанияларини кўшимча савдо йўли билан таъминлайди, натижада истеъмолчилар доираси кенгайди, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш дастурларининг пухталиги, уларни бажариш учун зарур ресурсларни сафарбар этиш имконияти анча ортади. Ҳозирги кунда халқаро молия лизинги катта истиқболга эга. У халқаро илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтириш, ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини жорий этишни тезлаштириши ва ҳамкорликдаги тадбиркорликнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида аниқ бир мамлакат бозоридаги турли товарлар маркетингини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай маркетингни амалга оширишдан кўзланган мақсад муайян мамлакат бозорининг ҳажми, аҳолиси, аҳоли ва оилалар таркиби, даромадлари ва уларнинг тақсимоти, рақобатда кутиладиган ўзгаришлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар олишдан иборат.

Ташқи бозорда самарали фаолият олиб бориш учун маркетинг усулларидан ижодий ва ўрнини билиб фойдаланиш зарур. Бу ўринда стандарт ёндашувларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

У БОБ | Тадбиркорлик ва бизнес

Шу нарсани ёдингизда тутингки, ушбу боб мавзусини ўрганишдан кўзланган мақсад — қуйидаги саволларга жавоб топишдир:

◆ *Тадабиркорлик нима учун бозор иқтисодиётининг пойдевори ҳисобланади?*

◆ *Тадабиркорлик фаолиятининг қандай турлари мавжуд?*

◆ *Кичик ва ўрта бизнес нима?*

◆ *Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мамлакатимизда қандай ҳуқуқий асослар яратилган?*

◆ *Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнини таърифлаб беринг.*

5.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти

Тадабиркорлик ўз маблағлари ёки қарзга олинган маблағларни бирон-бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасига сафарбар этиб, фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Демак, тадабиркор — бирон-бир иш билан шуғулланувчи инсон. Шунинг учун уларни бизнесменлар (инглизча „business“ — иш, машғулот, man — одам) ёки ишбилармонлар деб ҳам юритилади. Айрим туркийзабон мамлакатларда, хусусан, Туркияда уларни иш одамлари деб аташади. Тадабиркорлар, авваламбор, ўз манфаатларини кўзлаб, фойда олишга интиладилар. Аксарият ҳолларда улар хатарли ишга қўл уришга тайёр бўлган, ташаббускор, ишнинг сиру асорларини биладиган, серғайрат, тиниб-тинчимас, иқтисодий жиҳатдан саводхон ва ҳуқуқий маданиятни эгаллаган инсонлардир.

Тадабиркорлик билан бизнес нафақат бу фаолият билан шуғулланувчи шахснинг ҳаёти, моддий фаровонлиги ва маънавий камолоти учун, балки мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти ва келажаги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодиётнинг асоси ҳаммиша моддий ишлаб чиқариш, яъни моддий бойликлар яратишдан иборат бўлиб қолади. Тадабиркорлик эса одатдан ташқари, алоҳида, ўзига хос ёндашув билан амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб, иқтисодиётда янги, қўшимча иш ўринлари яратади, янги маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқаради, маҳсулот бозорида рақобатни кучайтиради, бу билан нарх-навонинг пасайишига, савдо-сотик маданиятининг кўтарилишига хизмат қилади.

Етти иқлимга донғи кетган тадабиркор аждодларимиз ўз фаолиятларини аксарият ҳолларда „Буюк ипак йўли“да жойлашган бозорлар ва карвонсаройларда олиб борганлар. Лекин у замонларда тадабиркорлик ўз табиати ва қўлами жиҳатидангина эмас, балки ташкил этилишининг усул-амаллари, воситалари жиҳатидан ҳам бошқача бўлган. Тадабиркорлар кўнгли кенг, олди-сотди ишлари ва

бошқа муомалаларда жуда ҳалол, қолаверса, ўз устиларига олган мажбуриятларини қойилмақом қилиб бажарадиган кишилар бўлган.

Ўша замонлардаги тадбиркорларнинг яна бир хусусияти шунда эдики, улар ўз бошлиқларининг мол-дунёси, сармоясини кўпайтиришга интилиш билан бирга ўзга ўлкаларни кўриб билишга, у ерлардаги одамлар билан олди-берди алоқаларини ўрнатишга ҳам кўп ҳаракат қилишар эди. Шунга кўра, ўз мол-дунёсини кўпайтиришни ўйлаш билан чекланиб қолмасдан, маданий ва маърифий ишларга ва умуман, атрофдаги дунёга қизиқиб қарайдиган ташаббускор тадбиркорлар орасидан машҳур кишилар етишиб чиқиб, кўпинча давлат раҳбарлари ва ҳокимларнинг маслаҳатчилари бўлиб қолганликлари ҳам тарихдан маълум.

Бироқ бир асрдан кўпроқ давом этган мустамлакачилик даврида халқимиз бошига тушган қулфатларнинг энг ачинарлиси қуллик психологияси ва кайфиятининг шаклланиши, одамларнинг хусусий мулкка бўлган муносабатининг ўзгариши ва ҳар қандай, айниқса, иқтисодий ташаббускорликнинг бўғилиши бўлди. Ҳаттоки, русларнинг „ҳар қандай ташаббус жазоланади“ деган мақоли ҳаётий ҳақиқат даражасига кўтарилди.

Эндиликда замон ўзгарди, замон билан бирга жамият ҳам ўзгариб бормоқда. Республика Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатимизда хусусий мулкнинг ривожланиши ва бунинг асосида одамларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришга қаратилган бир қатор фармон ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ва институционал тузилмалар ташкил этилди. Булар жумласига Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, „Мадад“ суғурта агентлиги ва бир қатор консалтинг, лизинг ва инжиниринг компаниялари ва фирмалари киради. Хусусий тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришга бизнес-инкубаторлар тармоғи ҳам муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги кунда республикаимизда тадбиркорлар янги ижтимоий қатлам ва синф сифатида шаклланмоқда. Тадбиркорлар эркин бозор иқтисодиётига таянган демократик жамиятда ўз бизнесига, мулкига эга бўлиб бормоқдалар.

Шу ўринда табиий савол туғилади: нима учун ҳозирги шароитда республикаимизда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти? Бунинг сабаби шундаки, кичик ва ўрта бизнес кам инвестиция (яъни маблағ) талаб қилиб, тез ижобий натижа бериши билан ажралиб туради. Бунда кўшимча иш жойлари яратилади, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ҳамда давлат бюджетига кўпроқ солиқлар тушиши таъминланади.

Ҳар қандай одам ҳам тадбиркор бўлиши мумкинми? деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: ўз ишига фидойилик, меҳнат-

севарлик, чуқур фикрлаш ва дунёқарашнинг кенглиги, доимо ўзгариб турадиган шароитда ишлаш учун мослашувчанлик, уздабуронлик, билимдонлик, ҳалоллик, бозор талабини яхши ўзлангириб олиш каби фазилатларга эга бўлган кишидан омадли ва яхши тadbиркор чиқади.

Тadbиркорлик ва бизнес, аввало, мамлакатнинг ўзидаги ишлаб чиқаришга, ундаги хом ашё, моддий ва бошқа ресурсларга таянмоғи лозим. Ҳар ҳолда бу қоида ҳозирги даврга қадар тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим тамойили эди. Бироқ иқтисодиёт соҳасида содир бўлаётган ҳозирги глобаллашув жараёнлари шароитида мазкур тамойил ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда, десак хато бўлмас. Зеро, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шу нарсадан далолат бермоқдаки, ўз хом ашё базасига ёки бошқа моддий ресурсларга эга бўлмаган мамлакатлар ҳам тadbиркорлик туфайли яхшигина ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, Япония, Тайван ва бошқа мамлакатлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Япония аҳолининг турмуш даражаси жиҳатидан жаҳонда 4—5- ўринларга чиқиб олди. Ўзида темир рудаси захиралари мутлақо бўлмаган Жанубий Корея Республикаси ўнлаб мамлакатлардан уни денгиз йўллари орқали импорт қилиб ва қайта ишлаб, пўлат ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллашга эришгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Тadbиркорлик ва бизнесни ривожлантириш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик ва қўшма корхоналар ташкил қилиш, фермер хўжалиklarини тараққий эттириш, йирик ва ўрта корхоналарни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш билан чамбарчас боғлиқ жараёндир.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳамма мамлакатларда тadbиркорликни ривожлантиришнинг зарур шarti хусусий мулкчиликдир. Бироқ шуни айтиб ўтиш жоизки, тadbиркор билан бизнесмен ҳамisha хусусий мулк эгаси бўлавермайди. Тadbиркорлар билан бизнесменлар орасида мулк эгалари билан бир қаторда менежерлар (ишлаб чиқариш ташкилотчилари) ва ишга астойдил берилган бошқа кишилар ҳам бор. Йирик мулк ва капитал эгалари бўлган тadbиркорлар билан замонавий билимларга эга бўлган менежерлар (бошқарувчилар)нинг ишбилармонлик фаолиятлари бирга қўшилиб, уйғунлашган шароитда, айниқса, юқори иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Тоталитар тартибот шароитларида мамлакатимизда ҳукм сурган давлат мулкчилигининг мутлақ ҳокимлиги ишбилармон, эпчил ва уздабурон одамларнинг тadbиркорлик фаолияти учун асосий тўсиқ эди.

Ҳозирги шароитда тadbиркорликнинг асоси бўлмиш хусусий мулкчиликни ривожлантириш давр талабига айланган. Зеро, фақат шу йўл билан ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, бозор муҳитини шакллантириш мумкин.

Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун бошқа шарт-шароитлар ҳам бўлиши керак. Чунончи, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг барқарорлиги, тадбиркорлик ва бизнес хусусида ижобий ижтимоий фикр юзага келган бўлиши, имтиёзли солиқ тартиби, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган ривожланган инфратузилма, ақлий мулкни ҳимоя қилувчи тизим ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Тадбиркорлар учун қулай кредит тизимини яратиш, уларга зарур ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё, бутловчи буюмларни сотиб олиш имконини бериш ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Ҳақиқий бизнеснинг асоси тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркор бўлиш деган сўзнинг тагида бирор ишни бошлаш, бажариш, уддалаш, яъни тайин иш билан шуғулланиш деган маъно ётади. Ишни кичкинадан бошлаб, кейинчалик бизнес соҳасига кириш, йирик тадбиркор бўлиб олиш мумкин.

Бироқ бизнесга „сирли таёқча“ ёки „очил дастурхон“ сифатида қараш ярамайди. Бизнес ўз-ўзидан муваффақиятга олиб боравермайди. Унинг заминиди ҳаммиша меҳнат, уддабуронлик, моҳирлик, билимдонлик ва ташаббус ётади. Шу билан бирга, ҳақиқий бизнесмен замонавий менежмент асосларини ҳам яхши билиши, ҳисоботлар тизимини, баҳо сиёсатини тушунадиган, келажакни кўра оладиган бўлиши керак. Бизнес ҳозирги кунда халқаро тус олиб бораётганлиги учун юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари бизнесмен учун чет тилларини билиш ҳам фойдадан холи эмас.

Бизнес бир кунлик, бир ойлик, ҳатто бир йиллик иш эмас. Ҳақиқий тадбиркорлар бизнесга ўзининг бутун ҳаётини бағишлайди. Бизнес — жозибадор, кишини қизиқтирадиган соҳа. Лекин унинг йўли ҳаммиша гулзорлар ичра ўтавермайди. Бизнесда муваффақиятларга эришиш билан бирга маълум қийинчиликларга ҳам дуч келинади. Шунга кўра, кўп ҳолларда таваккал қилиш талаб қилинади. Лекин шунга қарамай, бутун жаҳонда неча юз минглаб кишилар ҳар йили янги бизнесга киришиб, ўз „ишларини“ бошлайдилар ва ўз мамлакатларининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадилар.

Бизнесга киришиб, ўз оиласининг фаровонлигини таъминлаш ва мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган кишилар қуйидаги фазилатларга эга бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

— ўз соҳаси бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлишлик;

— мамлакатда амал қилаётган қонунларни билиш ва уларга итоат этиш;

— юксак маданият, ҳалоллик, ростгўйлик, ваъдага вафо қилмоқ фазилатларига эга бўлишлик;

— истиқболни, яъни эртанги кунни кўра билишлик ва янгиликка интилиш;

— таваккал қилишдан қўрқмаслик ва сабр-тоқатли бўлишлик.

Тадбиркорликнинг ахлоқий қоидаларидан энг муҳими ҳалоллик ва ҳаромдан ҳазар қилишдир. Бу, ислом таълимоти бўйича, тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланувчилар учун қўлланиши шарт бўлган қоидадир. Қуръони Каримда „ҳалол ва покиза нафақа энглар ва солиҳ ишлар бажаринглар“ деб буюрилган. Бу таълимотга кўра, меҳнатсиз қўлга киритилган луқма ҳаромдир. Тадбиркорлар ҳам ризку-насибаларини ҳалол меҳнат билан топишлари шарт.

Ҳар бир инсон бу гўзал дунёга келиб, умргузаронлик қила бошлабдими, демак, ўз ҳаётини ўзи ташкил қилиши, ўз бахтини ўзи яратиши лозим. Мана шундай ҳаётий фалсафадан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик худди ана шу бахтни яратиш омили бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда халқимиз орасида юрвчи бир фикр тўғрисида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламиз. У ҳам бўлса „тадбиркор ёки бизнесмен бўлиш учун ё ота-онадан мерос қолган мўмайгина маблағнинг бўлиши керак, ё ана шу маблағни вақтинча бўлса-да, бериб турадиган яқин одамнинг бўлиши керак“, деган фикрдир.

Тўғри, хусусий тадбиркорлик фаолиятини маблағсиз амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун мерос қолган маблағ ҳам кор келади, беминнат вақтинча фойдаланиш учун берилган маблағ ҳам „халақит бермайди“. Лекин униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса-чи? Унда нима қилиш керак? „Олма пиш, оғзимга туш“ қабилида иш тутиб, ғойибдан келадиган бахтни кутиб ўтиравериш керакми? Йўқ. Асло бундай эмас. Халқимизда „Сендан ҳаракат — мендан баракат“, деган нақл бор. Унинг замирида ҳаракат қилган одамга парвардигор, албатта, ўз баракатини беради, деган ҳақиқат мужассам. Муқаллас ҳадисларда ҳам „Аллоҳ ўз бандалари ичида ғайратлигини ёқтиради“, дейилади.

Азиз ўқувчи, ғайрат қилган, тиниб-тинчимас, шижоатли ва ташаббускор инсонларнинг пиру бадавлат, катта обрў ва эътиборли кишиларга айланганига ўзингизда ҳам мисоллар кам бўлмаса керак.

Ривожланган мамлакатларнинг машҳур тадбиркорлари ичида ўз бизнесини кўчадаги йўловчи автомашиналарни ювиш йўли билан, газета ва журналлар сотувчи киоскалардан уларни сотиб олиб, одамлар гавжум бўлган жойларда устига ўзининг хизмат ҳақини қўшиб сотиш йўли билан бойиганлар кам эмас.

Мамлакатимизда ҳам нисбатан қисқа вақт ичида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини кичик бир устахона, ошхона, музқаймоқ цехини ташкил қилишдан, 1—2 гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, деҳқончилик ёки чорвачиликдан бошлаган ва ҳозирги кунда сермуруват, донгдор тадбиркорга айланган кишилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов мустақилликнинг илк давридан бошлаб тадбиркорликни ривожлантиришга ниҳоятда катта эътибор бераётгани бугунги кунда ҳаммага маълум. Бунинг сабаблари Президентнинг куйидаги сўзларида ўзининг мужассамлашган ифодасини топган дейиш мумкин: „Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўллиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, ҳатто, айтиш мумкинки, аҳолининг анъаналари, руҳияти кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда“.¹

Шу нарсани ҳеч қачон унутмаслик керакки, мамлакатнинг обод ва халқнинг тўқ бўлиши, қолаверса, давлатимизнинг буюк келажagini яқинлаштириш кўп жиҳатдан фуқароларнинг тадбиркорлиги ва удабуронлигига боғлиқ.

5.2. Тадбиркорлик тамойиллари ва турлари

Тадбиркорлик фаолияти муайян тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилмоғи лозим, чунки у бир қарашда туюлгандек осон кечадиган ва дарҳол ўз самарасини берадиган фаолият эмас. Ўз ишини бошлаётган ҳар қандай тадбиркордан муайян билим ва фазилатларга, шарт-шароитларга эга бўлиш талаб қилинади. Бу ҳақда биз юқорида ҳам бир оз фикр юритган эдик. Энди тадбиркорлик тамойиллари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Уларни мужассамлашган ҳолда куйидагиларга ажратиш мумкин.

Мулк соҳиби бўлиш. Бу тамойил шу маънони билдирадики, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш ва амалга ошириш учун муайян миқдордаги ўзининг ёки қарзга олинган молиявий-моддий маблағларига эга бўлиши керак.

Ўз харажатларини қоплаш ва фойда билан иш юритиш. Ҳар қандай тадбиркор хўжалик юритувчи субъект сифатида қилган харажатларини олинган даромад ҳисобидан қоплаши ва маълум миқдорда фойда олиши керак. Акс ҳолда, у банкротга учрайди (синади). Шунинг учун у олинаётган фойда миқдорини муттасил ошира боришга интилади.

Тадбиркорлик эркинлиги. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг қайси соҳасини танлаш, қанча ишлаб чиқариш, қандай жиҳозлар ёрдамида, қанча ёлланма ишчи жалб қилиш, товар (ёки хизмат)ни кимларга ва қанақа баҳоларда сотиш каби масалаларни тадбиркор ўзи ҳал қилиши керак. Хусусий тадбиркор ҳақиқатда ва амалда эркин бўлишини таъминлаш учун давлат тегишли ҳуқуқий замин яратади, яъни қонунлар қабул қилади.

Иқтисодий масъулият. Тадбиркор ўз фаолиятининг натижалари

¹ **И. А. Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., „Ўзбекистон“, 1997, 197- бет.

ва самарадорлиги учун масъулиятни тўла-тўқис ўз зиммасига олади, чунки олинган фойда ҳам, кўрилган зарар ҳам уники ҳисобланади.

Иқтисодий таваккалчилик: Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи киши учун бу жуда ҳам муҳим тамойил ҳисобланади. Таваккал қилишга қодир одамгина турли хавф-хатардан кафолатланмаган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Қонун-қоидаларга риоя қилиш. Мамлакатда қабул қилинган қонун-қоидаларга таяниб иш юритиш ҳар қандай жамиятда бўлганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу нарса айниқса тадбиркор учун жуда муҳим, чунки у ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат бир қатор қонунлар, балки кўпгина меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳам бажариши керак бўлади.

Иқтисодий рақобат курашида қатнашиш. Тадбиркор шахс ўз фаолиятининг илк давридан бошлаб иқтисодий рақобат курашига киради. Бу кураш хом ашё ва ишчи кучи бозорида, тайёр маҳсулот бозорида истеъмолчилар (харидорлар) ва сотувчилар орасида содир бўлувчи рақобатдан иборатдир. Рақобат курашининг моҳир иштирокчиси бўлган тадбиркоргина ўз фаолиятининг натижаларидан мамнун бўла олиши мумкин.

Ҳалоллик билан иш юритиш. Бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш, гирромлик ва қаллоблик билан иш юритмаслик, ваъдани устидан чиқиш, шериклар билан тузилган шартнома шартларини тўла-тўқис ва ўз вақтида бажариш каби фазилатларга эга бўлган шахслар ҳақиқий тадбиркор чиқади. Қаллоблик йўли билан амалга оширилувчи фаолият ниҳоятда қалтис ва умри қисқа эканини ҳар бир тадбиркор қоида сифатида билмоғи керак.

Тадбиркорлик фаолияти мулкрий муносабатларни тақозо этади ва улар доирасида амалга оширилади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган ва тобора ривожланиб бораётган тадбиркорлик мулкчиликнинг қуйидаги шакллари асосланади:

- тадбиркорнинг ўз мол-мулки асосида;
- бошқа жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкани жалб қилиш асосида;
- давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкани ижарага олиш асосида;
- ва ниҳоят, юқорида қайд этилган усулларни қўшиб олиб бориш асосида.

Ўзбекистон Республикасининг „Тадбиркорлик тўғрисида“ги Қонунига биноан тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги турлари мавжуд:

- якка тартибдаги меҳнат фаолияти;
- хусусий тадбиркорлик фаолияти (ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади);
- ширкат тадбиркорлиги (фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади);

— аралаш тадбиркорлик (юримдик шахс ва фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан иш олиб борилади).

Юқориди санаб ўтилган шаклларнинг биринчисидан ташқари барчасида иш бошлаш учун корхоналар тузиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг „Корхоналар туғрисида“ги Қонунига биноан уларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

— республика, хорижий мамлакатлар фуқароларининг мол-мулкига асосланган корхоналар;

— жамоалар, оилалар, маҳаллалар ва кооперативларнинг ширкат мулкига асосланган корхоналар;

— давлат мулкига мансуб корхоналар;

— қатнашчиларнинг тўла ёки қисман пайига асосланган корхоналар;

— қўшма мулкка асосланган корхоналар.

Аксарият ҳолларда корхоналар юримдик шахс мақомига эга бўлиб, улар ўз номи, муҳри ва банкда ҳисоб рақамига эга бўладилар.

Мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар туфайли тадбиркорлик фаолиятининг барча турлари (шакллари) ҳам йилдан-йилга тобора ривож топмоқда. Айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш суръатлари юқори эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистонда кенг ривож топаётган кичик ва ўрта бизнес соҳиблари сифатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. *Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар.* Улар юримдик шахс мақомига эга бўлмаганлиги учун ишчилар ёллаш ҳуқуқига ҳам эга эмаслар. Бундай фаолият билан ҳар бир фуқаро шуғулланиши мумкин. Бунинг учун хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш ва бу ҳақда тегишли гувоҳнома олиш талаб қилинади.

2. *Микрофирма соҳиблари.* Бундай фирмалар ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида ташкил қилиниши мумкин. Улар қаерда жойлашувидан қатъи назар (қишлоқдами ёки шаҳардами) ёлланиб ишловчилар сони 10 кишидан ортмаслиги керак.

3. *Кичик корхона эгалари.* Ўзларининг фаолиятларини амалга ошириш учун саноатда 40 кишигача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача, илм-фан соҳасида, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача ёлланма ишчиларни жалб қилишлари мумкин.

4. *Ўрта корхона эгалари.* Хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи бундай корхоналарда ёлланма ишчилар сони:

— саноат тармоқларида 100 кишигача;

— қурилишда 50 кишигача;

— қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда улгуржи савдода 30 кишигача;

— хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача бўлади.

Юқориди айтиб ўтилган тадбиркорликнинг шакллари ёки корхона

турлари, одатда, кичик ва ўрта корхоналарга хосдир. Йирик корхоналар аксарият ҳолларда акциядорлик жамиятлари кўринишида бўлади. Бундай жамиятлар юридик ва жисмоний шахсларнинг сармояларини бирлаштириб, улар асосида акциялар чиқариш ва сотиш орқали тузиладиган корхоналардир.

Акциядорлик жамиятларининг муҳим хусусиятлари шундан иборатки, акциядорлар акциядорлик жамиятининг қарзлари бўйича қарз берувчилар олдида ўз мол-мулклари билан жавоб бермайдилар. Акциядорлик жамиятининг мол-мулки акциядорнинг мол-мулкидан тўла ажратилган бўлади. Акциядорлик жамияти банкрот бўладиган бўлса, акциядор фақат қўлидаги акцияларнинг қадрсизланиши орқали зарар кўриши мумкин.

Акциядорлик жамияти сармояларни бирлаштиришнинг энг кўп тарқалган бақувват ва барқарор шаклларида биридир. Акциядорлик жамиятининг фаолиятига оид маълумотлар матбуотда эълон қилинади ва акция сотиб олмоқчи бўлганлар ёки шу корхона (фирма) билан алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар унинг фаолияти билан танишиш имкониятига эгадирлар.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар масъулияти чекланмаган акциядорлик жамиятларига тааллуқлидир.

Шу билан бирга, тадбиркорликнинг яна бир кенг тарқалган шакли мавжудки, уни масъулияти чекланган акциядорлик жамиятлари деб юритилади. Бундай жамиятларнинг низом жамғармаси пайчилар (шериклар)нинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан шаклланади ва уларнинг номига доимо LTD, яъни „лимитед“ (яъни чекланган) сўзи қўшилади. Бундай жамиятлар ўз ҳисоботларини матбуотда эълон қилишлари шарт эмас. Асосий масалалар жамият аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинади, олинadиган фойда қўшган улушга боғлиқ бўлади.

Масъулияти чекланган жамиятларга хос бўлган белгилар:

- бундай жамиятлар доимо ёпиқ турда бўлиши;
- таъсисчиларнинг фақат мулкдор бўлиб қолмай, балки жамиятнинг ривожланишига кўмаклашиши;
- жамиятдан чиқувчиларга уларнинг улушини қайтариб берилиши.

2000 йилнинг январ ойи ҳолатига мамлакатимизда жами юридик шахсларнинг сони 178271 нафарни ташкил этди. Агар уларни 100 фоиз деб олсак, улардан 10,4 фоизини йирик корхоналар, 5 фоизини ўрта корхоналар, 13 фоизини кичик корхоналар ва 71,6 фоизини микрофирмалар ташкил этади.

5.3. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53- моддасига биноан, бозор муносабатларига асосланган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этади. Давлат

истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини эътиборга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини кенг ривожлантириш ва умуман, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини барпо этиш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинганки, улардан дастлабкиси Ўзбекистон Республикасининг „Тадбиркорлик тўғрисида“ги Қонунидир. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ушбу қонунда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик тўғрисидаги умумий ҳамда асосий қоидалар баён этилган.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу қонун тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни батафсил қамраб олмайди. Уни амалга ошириш учун зарур бўлган асосий масала фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш ва таъминлаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришдан иборатдир. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралда қабул қилинган „Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг бошланғич ҳуқуқий асосларидан бири бўлди, дейиш мумкин.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги „Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликнинг юзага келиши иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди ва бу вазифани ҳал этиш учун кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини тартибга солиш ва бу борада қонунбузарликларни олдини олиш ҳар қандай давлатнинг, аниқроғи тегишли давлат органларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қуйидагилар тақиқланади:

- сохта тадбиркорлик билан шуғулланиш;
- банкротликни сохталаштириш ва яшириш;
- солиқ ва бошқа тўловлар тўлашдан бош тортиш;

- харидорларни алдаш;
- солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибидини бузиш;

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу даврда, биринчидан, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, енгил-елпи йўллар билан пул топишга интилиш ҳоллари тез-тез содир бўлса, иккинчидан, айрим давлат хизматчилари томонидан тадбиркор ҳуқуқларини камситиш ва поймол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шунинг учун 1995 йил 21 декабрда кучга кирган „Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат рўйхатидан ўтганидан бошлаб тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоялаш, уларни молиявий маблағлар билан таъминлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро битимлар тузишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш чоралари белгилаб қўйилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун соғлом иқтисодий муҳит яратиш, хўжалик фаолияти юритаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг ички ишларига аралашмасликни таъминлаш, шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам шу қонунда ўз ифодасини топган.

Давлат сиёсатида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш қўйидаги асосий масалаларни ечиш йўли билан амалга оширилади:

- кичик бизнес субъектларини бозорга тўсқинликсиз киришига шароит яратиш;
- иқтисодиётда хусусий секторнинг ривожланишига шароит яратиш;
- тадбиркорларни давлатнинг муҳим ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ечишга жалб қилиш.

Хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши натижаси ўлароқ, бу соҳада муайян ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, ҳозирча тадбиркорлик тараққиётига тўғаноқ бўлаётган муаммолар тўла-тўқис ҳал эгилди, деб бўлмайди. Масалан, бошқарув идораларида мавжуд камчиликларни бартараф этишда ташаббускорлик мутасаддиларда масъулият ҳисси етишмаётгани, шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқийлигини таъминланмагани ва бошқалар шу муаммолар жумласига кириди.

1998 йил 9 апрелда Президентнинг „Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди. Унда кичик ва ўрта бизнес субъектлари тармоқлар бўйича одам сонига кўра табақалаштирилди. Ушбу фармонга биноан кичик ва ўрта бизнес

субъектлари ўз ишлаб чиқаришларини ташкил қилиш учун хорижий технологияларни олиб киришда божхона тўловларидан озод бўдилар. Яна шу йилнинг 28 августида „Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш имконини берди. Қонунда тадбиркорлик фаолияти бўйича тузиладиган шартномалар манфаатдорлик ва мулкый жавобгарлик каби тамойиллар асосида тузилиши ҳуқуқий кафолатланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тизими шаклланди. Масалан, тижорат банкларининг фаолияти, „Бизнесфонд“нинг кўмаги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг фаолияти, „Мадад“ сугурта агентлигининг бизнес субъектларига кўрсатаётган хизматлари бозор инфратизимининг жадал ривожланишини таъминламоқда. Бироқ ушбу ташкилотлар билан тадбиркорлар ва бизнес субъектларининг ўзаро алоқаларидаги иқтисодий муносабатларни тўла қониқарли, деб айта олмаймиз. Бу, албатта, биз юқорида айтиб ўтган ўтиш даврининг ўзига хос камчиликлари қаторига киради.

1999 йил 14 апрелда қабул қилинган „Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонунда тадбиркорлик тушунчаларидан бошлаб, турли хил фаолиятларни қонуний амалга ошириш учун ҳуқуқий имкониятлар кенгайтирилди. Бизнес субъектларини рағбатлантириш ва иқтисодий фаолият ҳуқуқларини кафолатлаш ушбу Қонуннинг асосий мақсади қилиб белгиланган, дейиш мумкин.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 1999 ва 2000 йиллардаги яқунларини хулоса ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг иқтисодиётда катта самара бериш имкониятларидан ҳали тўла фойдалана олинаётгани йўқ. Шу муносабат билан Юртбошимиз И. А. Каримов 2000 йил 1 февралда Президент ҳузуридаги Идора-лараро мувофиқлаштириш Кенгашида „Ислоҳотлар ва инвестиция“ тўғрисида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда кичик, ўрта ва хусусий бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини алоҳида таъкидлаб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш даврида кичик ва ўрта бизнес фаолиятини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 мартда „Банк тизимини такомиллаштириш ва кичик иқтисодий субъектлар фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида“ги Қарори эълон қилинди. Қарорда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик иқтисодий субъектларнинг барча турлари ва йўналишларига кенг моддий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш бериш ҳамда давлат томонидан уларни маънавий-маърифий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

2000 йил 25 майда тadbиркорларнинг фаолият доирасига шло-қадор бўлган яна бир қонун, яъни „Тadbиркорлик фаолияти эркин-лигининг кафолатлари тўғрисида“ги Қонун кучга кирди. Қонунда фуқароларнинг тadbиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек, тadbиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тadbиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми тобора такомиллашиб борапти. Бундан кўзланган мақсад ўзининг табиий ресурслари, иқлим шароитлари, ер ости ва ер усти бойликлари бўйича катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республикада тadbиркорликни кенг ривожлантириш орқали ушбу салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланишдан иборатдир.

5.4. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши

Ўзбекистонда тарихан жуда қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пухта ва изчиллигидан далолат бермоқда. Улар мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этилишида, ижтимоий тараққиётнинг ҳаётбахш кучларини ишга солинишида ўз самарасини кўрсатмоқда. Ушбу ислоҳотлар иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган бўлса-да, уларни амалга оширишдан кўзланган мақсадлар ичида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш алоҳида ўрин тутди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда барча ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида кичик ва ўрта бизнесга бўлган эътиборнинг кучайиши кўзга ташланмоқда. Тadbиркорликнинг бу соҳаси ўзининг қатор ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан, хусусан, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириши, йирик корхоналар фаолиятига ҳаракатчанлик бахш этиши, бозордаги талаб ва таклифга самарали таъсир кўрсатиши, аҳоли ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириши билан ўзининг катта салоҳиятга эга эканлигини тасдиқламоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, ялпи миллий маҳсулотнинг таркиби ва сифатини аниқлаб берувчи етакчи сектори сифатида шаклланган ва тобора ривожланмоқда. Ана шундай мамлакатларда иқтисодиётнинг ушбу сектори ҳиссасига ялпи миллий маҳсулотнинг 70 фоизи тўғри келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнес сектори бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириш, тармоқлараро ва ҳудудлараро монополияга барҳам бериш, рақобатни кучайтириш, фан ва техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, мамлакатлар экспорт салоҳиятини кенгайтириш, қишлоқ ва кичик

шаҳарларни ривожлантириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг қудратли омилидир.

Бизда ҳам чет давлатлардаги каби янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишсизликнинг кўпайишини олдини олиш, оилалар бюджетини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетга тушумларни кўпайтириш ва умуман, иқтисодиёт тараққиёти суръатларини ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда ва бунинг учун юқорида кўрсатиб ўтилганидек, зарур ҳуқуқий замин яратилди.

Бироқ шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ривожланиши юқори давлат идоралари томонидан рағбатлантирилиб, тартибга солиб турилсада, маҳаллий-худудий бошқарув идоралари томонидан улар учун муайян шарт-шароитлар яратилмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин кечади. Чунки ўз иқтисодий табиатига кўра, кичик ва ўрта бизнес, асосан, маҳаллий иқтисодиётнинг узвий қисми бўлиб, ана шу худуддаги мавжуд шарт-шароитлар замирида фаолият кўрсатишга мослашган бўлади. Унинг маҳаллий-худудий иқтисодиётга боғлиқлиги қуйидагилар орқали намоён бўлади:

биринчидан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, асосан, муайян худудлардаги мавжуд эҳтиёжлар эътиборга олинган ҳолда, турли хил талабларни қондириш учун ташкил этилади, истеъмолчилар ҳам ўз эҳтиёжларини қондириш учун биринчи галда энг яқин ишлаб чиқарувчилар билан муносабат ўрнатишга интиладилар;

иккинчидан, бу каби корхоналарнинг ташкил этилишида маҳаллий хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади;

учинчидан, кичик корхоналар маҳаллий шароитларга мослашувчанлиги, яъни, биринчи навбатда ўз харидорлари эҳтиёжларини эътиборга олиши ва аввало, маҳаллий бозорга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 70 фоизидан кўпроқ қисми қишлоқ жойларда яшашини эътиборга олсак, шу жойларда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес соҳаларининг ривожлантирилиши, айниқса, катта самарадорлик бериши табиий бир ҳолдир. Кичик ва ўрта бизнес қишлоқ жойларида қуйидаги йўналишларда ривожланиши мумкин:

— қишлоқда етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини узоқ вақт бузилишдан сақлаб турадиган совуткич омборхоналар, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи кичик цехлар ташкил этиш;

— улардан турли хил шарбатлар ишлаб чиқариш;

— сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш;

— озиқ-овқат, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари тайёрлаш;

— трикотаж-тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш;

— аҳоли эҳтиёжлари учун кир ювиш воситалари тайёрлашни йўлга қўйиш;

- миллий-бадий, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- кичик қурилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- кичик тиббий хизматларни йўлга қўйиш ва ҳоказо.

Ўтган йилларда тўпланган тажриба шундан далолат бермоқдаки, кичик ва ўрта бизнеснинг янада ривожланиши ва мамлакат иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнини топиши учун, авваламбор, давлат идоралари, мутасадди раҳбар ташкилотлар, қолаверса, барча жамият аъзоларининг унга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш талаб қилинади. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 80 — 85 фоизигина фаолият кўрсатаётгани, қолганлари эса турли сабабларга кўра фаолият кўрсата олмаётгани ёки ўз фаолиятини тўхтатиб қўяётгани юқоридаги фикримизнинг далили ҳисобланади.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатлиларнинг сони, аҳолининг умумий сонидан келиб чиқадиган бўлсак, 60 фоизини ташкил қилади. Шундан 1998 йилда аҳолининг банд қисми 35 фоизини ташкил қилган. Ана шу банд аҳолининг бор йўғи 2,5 фоизи кичик корхоналарда фаолият юритишган, улар яратган маҳсулот эса республика ЯММ-нинг 12,6 фоизини ташкил қилади.¹ Ваҳоланки, кўпгина хорижий мамлакатларда бу кўрсаткичлар анчагина юқори. (5.1- жадвал)

5.1-жадвал

Кичик ва ўрта корхоналар улуши

Мамлакатлар	Кичик ва ўрта корхоналар сони		Кичик ва ўрта корхоналар улуши, (фоиз)	
	минг	1000 аҳолига	банд аҳоли	ЯММдаги улуши
Буюк Британия	2930	46	49	50—53
Германия	2290	37	46	50—54
Италия	3920	68	73	57—60
Франция	1980	35	54	55—62
АҚШ	19300	74,2	54	50—52
Япония	6450	49,6	78	52—55
Россия	836,2	5,65	9,6	10—11
Ўзбекистон	51,8	2,1	2,5	12,6

¹ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 7—8- сон. 2001 й.

Келтирилган рақамлардан кўрииб турибдики, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг халқимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги роли ҳали жуда паст. Бу соҳада ишга солиниши керак бўлган салоҳият ва резервлар эса ниҳоятда катта ва кўп. Уларнинг энг муҳими қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришдир. Шу билан биргаликда, фермер хўжалиklarини янада ривожлантириш ва уларни ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолади.

Тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналари йирик корхоналарнинг имкони бўлмаган иқтисодий жараёнлар оралиғига ниҳоятда тез кириб бора олади. Чунки улар юқори малакали бошқарувни талаб этмайди, талабга мослашишда эпчиллик хусусиятига эга бўлиб, рақобатга ва аниқ истеъмолчилар сўровига тезда жавоб бера олади. Кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнес корхоналарига бўлган эътиборнинг асосий сабаблари ҳам шундадир. Уларнинг товар (иш ва хизмат)ларга бўлган талабни тез ўрганиш ва қондириш хусусиятига эгаллиги иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ кўрина бошлаган.

Шу боисдан ҳам республикамызда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш яқин келажакда давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Мазкур бобни ўқишдан кўзланган мақсад қуйидаги саволларга жавоб топиш эканини унутманг:

◆ *Ишлаб чиқариш харажатлари нима ва уларнинг таркиби қандай шаклланади?*

◆ *Бевосита харажатлар билан билвосита харажатлар бир-биридан нима билан фарқ қилади?*

◆ *Корхона даромадлари нима ва унинг фойдаси қандай аниқланади?*

◆ *Меҳнат унумдорлиги билан даромадлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?*

6.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти ва турлари

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, хусусан, товар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш муайян иқтисодий ресурслар (асбоб-ускуна, хом ашё, материаллар, яримфабрикатлар, ишчи кучи ва ҳоказо) сотиб олишни тақозо этади. Агар фирма янги ташкил этилаётган бўлса, у ер ҳам сотиб олади ёки уни ижарага олади. Бунга ҳам фирма муайян сарф-харажатлар қилади. Агар фирма ўзининг пул маблағлари кам бўлгани учун банкдан ссуда (қарз) олган бўлса, унинг учун фоизлар тўлайди. Бундан ташқари, у ўз фаолиятини ташкил қилиш учун электр энергияси сотиб олади, транспорт, алоқа хизматлари учун пул тўлайди. Суғурта учун тўловлар, реклама харажатлари, амортизация харажатлари, турли хил солиқлар ва ҳоказолар учун ҳам фирма муайян сарф-харажатлар қилади.

Кўриниб турибдики, хўжаликни юритиш ва бунинг натижа-сида муайян фойда олиш ўз-ўзидан бўлмайди, балки талайгина сарф-харажатлар эвазига амалга ошади. Ана шундай сарф-харажатларни, яъни ишлаб чиқариш жараёнида сарфланадиган харажатларни *ишлаб чиқариш харажатлари* деб юритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи ҳар қандай субъектнинг асосий мақсади фойда олишдир. Бироқ бу мақсадга эришиш, биринчидан, иқтисодий ресурслар сотиб олишга сарфланган харажатлар билан белгиланса, иккинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган талаб билан чегараланади. Бинобарин, ишлаб чиқариш харажатлари фойда миқдорини белгилаб берувчи омил бўлиб қолмай, таклиф ҳажмига ҳам бевосита таъсир этади. Шунинг учун бу харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва доимо таҳлил қилиб бориш фирма (корхона)ни оқилона бошқариш ва унинг молия-

хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш фирма (корхона)си олдида турадиган муҳим вазифа бу — умуман ишлаб чиқариш харажатларини камай-тириш эмас, балки маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтиришдан иборатдир.

Фирманинг бир ойда (ёки йилда) оладиган фойдасини қуйи-даги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Phi = D - X,$$

бу ерда: D — даромадлар; X — харажатлар.

Агар фирма маълум вақт ичида 10 млн. сўмлик сарф-харажатлар қилган ҳолда ишлаб чиқарган маҳсулотини 12 млн. сўмга сотган, яъни шунча даромад олган бўлса, унинг олган фойдаси 2 млн. сўмни ташкил этади. Муайян тадбирларни амалга ошириб, маҳсулот бирлигига сарфланаётган харажатларни 1 млн. сўмга камайтирса, унинг оладиган фойдаси энди 2 млн. (яъни $12 - 10$) эмас, балки 3 млн. (яъни $12 - 9$) сўмни ташкил этади. Энди шу мисолимизни бошқа-чароқ тарзда кўрамиз. Фирма ўша тадбирлар натижаси ўлароқ, 10 млн. сўмлик сарф-харажатлар қилиб, 12 млн. сўмлик эмас, балки 13 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва сотди дейлик. Бу ҳолда унинг фойдаси 3 млн. сўмни ташкил этади.

Кўришиб турибдики, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш икки йўл билан ҳал этилиши мумкин:

— муайян миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни камайтириш;

— муайян миқдордаги сарф-харажатлар билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган харажатларни бевосита ва билвосита турларга ажратиш мумкин.

Бевосита харажатлар муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, улар шу маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритилади. Хом ашё ва асосий материаллар, ёқил-ги, электр энергияси, бошқа корхоналардан сотиб олинадиган ярим-фабрикатлар, ишчиларнинг иш ҳақи ва шунга ўхшаш харажатлар бевосита харажатларни ташкил этади.

Билвосита харажатлар деб ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш, дастгоҳларни сақлаш ва эксплуатация қилиш, цех, умумкорхона ва ишлаб чиқаришдан ташқаридаги харажатларга айтилади.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатларига қуйидагилар киреди:

— янги ишга туширилган корхоналарни ўзлаштириш ва фойдасини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

— янги турдаги маҳсулот, илғор технологик жараёнларни тайёрлаш ва ўзлаштириш учун сарфланган харажатлар;

— янги, унумли техникани яратганлиги учун мукофот фонди ажратмалари ва бошқалар.

Дастгоҳларни сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатларига дастгоҳларни жорий созлаш, цех транспорти, иш жойларининг амортизацияси, цех асбоб-ускуналарини тиклаш ва мослаш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Цех харажатлари дейилганда, цехни бошқарувчи ходимларнинг иш ҳақи фонди ва ижтимоий муҳофаза учун ажратмалар, уни иситиш, ёритиш, сув ва канализация тармоқлари билан таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва ҳоказолар билан боғлиқ харажатлар тушунилади.

Умумкорхона харажатлари корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- бошқариш харажатлари;
- умумхўжалик харажатлари;
- тўлов ва ажратмалар.

Бошқариш харажатлари қуйидагилардан иборатдир:

— завод бошқармаси, бўлимлар ходимларининг тасдиқланган штат рўйхатига мувофиқ мансаб маошларининг йиғиндиси;

— ходимларнинг хизмат сафари харажатлари;

— соқчи ходимларнинг иш ҳақи, уларга бериладиган махсус кийимлар, ўт ўчирувчи машиналарга сарф қилинадиган ёқилғи қиймати, машиналарни созлаш учун зарур материаллар ва бошқа харажатлар;

— завод бошқармаси биноси, умумкорхона йўллари, омборлари, тиббиёт пунктига ажратилган хона, ошхона, буфет ва клубларнинг амортизация ажратмалари ва уларни жорий созлаш, ёритиш, иситиш ва сув билан таъминлаш харажатлари;

— кадрлар тайёрлаш, олий ва ўрта махсус мактабларидан келган талабалар билан ўтказиладиган ишлаб чиқариш амалиётларига сарфланадиган харажатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар маҳсулот миқдорига қараб тўғри мутаносибликда ўзгариб (кўпайиб ёки озайиб) туради. Шунинг учун уларни ўзгарувчан харажатлар деб юритилади.

Билвосита харажатлар фирма (корхона)да ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига қараб ўзгармаслик хусусиятига эга. Шунинг учун уларни доимий ёки ўзгармас харажатлар деб айтилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бир қанча харажатлар ишлаб чиқаришда тўғридан-тўғри қатнашмайди. Шунинг учун уларни „ишлаб чиқаришдан ташқаридаги“ харажатлар деб аталади. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

— маҳсулотни ўраш билан боғлиқ харажатлар;

— маҳсулотни жўнатиладиган жойларга ташиб бориш, вагонларга юклаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатларини доимий равишда камайтира бориш фирма (корхона) раҳбарлари, менежери ва муҳандис-техник ходимларидан биринчи навбатда тежамкорлик билан иш юритишни талаб қилади. Шу билан биргаликда фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё материалларидан, ёқилғи ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, янги технологик жараёнларнинг яратилиши ва уларнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва фирма (корхона) молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга шароит яратади.

6.2. Корхона даромадлари ва фойдаси

Корхона (фирма) маблағлари айланишининг ҳар бир цикли маҳсулотлар ёки хизматларнинг сотилиши билан яқунланади. Бунинг натижасида тушган пул маблағларига у яна иқтисодий ресурслар (хом ашё, материаллар, яримфабрикатлар, ёқилғи, ишчи кучи ва ҳоказолар) сотиб олади ва уларнинг ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсатади. Мана шундай тарзда содир бўладиган жараёнлар такрор ишлаб чиқариш деб юритилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш натижасида корхона (фирма) ҳазинасига тушган пул маблағларини *даромадлар* деб аталади. Корхонанинг жами даромади асосий фаолиятдан ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар йиғиндисидан иборатдир.

Асосий фаолиятдан олинган даромадларга маҳсулотларни, ишларни, хизматларни, товар-моддий захиралар ва бошқа активларни сотишдан олинган тушумлар киради.

Даромадларнинг иккинчи тури, яъни асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

— қимматли қоғозларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган даромадлар;

— фоизлар, дивидендлар ва ижара ҳақи кўринишидаги даромадлар.

Корхона даромадининг бир қисми маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплайди, қолган қисми корхонанинг соф даромади ёки фойдасини ташкил этади.

Маҳсулотни сотишдан келган тушумдан ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлаганда пайдо бўладиган фарқ маҳсулот сотишдан олинган *ялпи фойда* деб юритилади. Мазкур кўрсаткич, яъни ялпи фойдадан сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва бошқа операцион харажатларни айириб ташлаш йўли билан асосий фаолиятдан олинган *фойда* аниқланади.

Корхона томонидан бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан олинган дивидендлар, берилган қарзлар учун фоизлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар ва молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган бошқа даромадлар йиғиндиси молиявий фаолиятдан олинган фойдани ташкил этади.

Юқорида кўрсатилган икки хил фойда, яъни асосий фаолиятдан олинган фойда билан молиявий фаолият фойдасининг йиғиндиси умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдани ташкил этади.

Бундан ташқари корхонада фавқулодда фойда ёки зарар содир бўлиши ҳам мумкин. Фавқулоддаги фойда ёки зарар корхона молия-хўжалик фаолиятининг натижасида эмас, балки корхонадаги бизнес таваккалчилиги билан тўғридан-тўғри боғланмаган ҳолда вужудга келади. Фавқулодда фойда ёки зарарни келтириб чиқарувчи ҳодисаларни, одатда, олдиндан башорат қилиш ва режалаштириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан деҳқончиликда ҳар 3 — 5 йилда содир бўлиши мумкин бўлган қурғоқчиликни фавқулодда ҳодиса деб бўлмайти. Корхона бу ҳодисага олдиндан тегишли резервлар ташкил этиб, тайёргарлик кўриб бориши лозим. Ёки товар баҳосининг мавсумий кўтарилиши ёки пасайишини маълум даражада олдиндан башорат қилиш мумкин бўлгани учун фавқулодда ҳодиса деб қараш ҳам тўғри эмас.

Фавқулодда фойда ёки зарарни келтириб чиқариши мумкин бўлган аксарият ҳоллар халқаро бозордаги ўзгаришлар, масалан, нарх-навонинг кескин кўтарилиб ёки пасайиб кетиши ҳамда турли табиий офатлар билан боғлиқ бўлади.

Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда билан фавқулодда фойда (зарар) йиғиндиси солиқ тулангунга қадар фойдани ташкил этади. Солиқлар ва фойдадан бошқа мажбурий тўловлар бажариб бўлингандан сўнг қолган фойда корхонанинг *соф фойдасини* ташкил этади.

Солиққа тортиладиган фойда билан корхонанинг баланс фойдаси бир-биридан фарқланишини таъкидлаб ўтиш зарур. Молиявий ҳисоботларни ишлаб чиқиш қоидаларига мувофиқ ҳолда аниқланган умумхўжалик фаолиятдан олинадиган фойда билан фавқулодда фойда йиғиндиси солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан эътиборга олиниши лозим бўлган фойда миқдоридан фарқ қилади. Айрим харажатлар солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан харажат сифатида тан олинмайди, яъни солиқ суммасини аниқлашда уларни корхона даромадидан чегириб ташлаш мумкин эмас. Масалан, норма доирасидаги сафар харажатлари маҳсулот таннархига киритилишига рухсат берилади, нормадан юқори сарф қилинган қисми эса киритилмайди. Давлат манфаатлари бўйича ёндашилса, бу асосли, чунки корхона ўз ходимиغا кўшимча имтиёзлар берганда, бундан давлатнинг солиқ тушумлари камаймаслиги лозим. Агар шундай қилинмаса, корхона қанча маблағни кўп „совурса“, давлатга солиқларни шунча кам тўлаши мумкин бўлиб қолади.

Солиққа тортиладиган фойда миқдорини аниқлаш анча мураккаб иш. Чунки давлат солиқ сиёсатининг мақсади фақат солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва ундиришдангина иборат эмас. Солиқ сиёсати корхонада оқилона хўжалик юритилишини рағбатлантириш, ресурсларнинг самарасиз ишлатилишини жазолаш ва муайян ижтимоий мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши лозим.

Корхона ихтиёрида қолаётган соф фойда жамғариш ва истеъмол мақсадларига йўналтирилиши мумкин. Фойданинг истеъмол мақсадларига йўналтирилаётган қисми корхона эгаларига даромад сифатида берилиши, корхона ходимларини рағбатлантириш учун сарфланиши ёки бошқа истеъмол мақсадларига ишлатилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги рақобат муҳити корхона фойдасининг асосий қисмини мунтазам равишда инвестицион мақсадларга ажратишга мажбур этади. Бундан корхонада ишловчи ходимлар манфаатдордирлар дейиш мумкин, чунки уларнинг иш ўринлари сақлаб қолинади, кенгайтирилади ва такомиллашади. Корхона эгаларининг манфаатлари эса биринчи навбатда корхона капитали ортишида, унинг бозордаги мавқеи мустақамланишида ифодаланади. Давлат нуқтаи назаридан эса фойданинг қайта инвестицияланиши корхона фаолияти ҳажмларини, яъни солиққа тортиш базасини кенгайтиради ҳамда минтақадаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Корхона фойдасини тақсимлаш жараёнида унинг муайян мақсадларга мўлжалланган захиралари ва фондлар (жамғармалар) ташкил этилиши мумкин. Бозор иқтисодиётида бу *фойдани асигнациялаш* деб аталади. Мамлакатимиздаги кўплаб корхоналарда захира фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, ходимларни моддий рағбатлантириш фонди ва ижтимоий ривожлантириш фонди каби жамғармалар ташкил этилган. Корхона балансида бу фондлар „Тақсимланмаган фойда“ номли моддада акс эттирилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда билан фавқулудда фойда йиғиндиси хўжалик амалиётида корхонанинг баланс фойдаси ёки брутто-фойда деб аталади. Солиқлар тўлаб бўлингандан сўнг қолаётган фойда эса соф фойда ёки нетто-фойда деб юритилади.

Шундай қилиб, корхона даромадлари қуйидагича тақсимланади:

Биринчи навбатда моддий ва номоддий ресурсларга кетган сарфлар қопланади.

Иккинчи навбатда меҳнат ҳақи фонди шакллантирилади, ижтимоий суғуртага ажратмалар ва маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар тўловлари амалга оширилади.

Учинчи навбатда корхонанинг баланс фойдаси шаклланади ва унинг ҳисобидан фойдадан солиқлар тўланади.

Тўртинчи навбатда нетто-фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар қопланади.

Шундан сўнг қолган фойда жамғариш ва истеъмол мақсадларига ишлатилади.

6.3. Даромадларнинг ўсишида меҳнат унумдорлигининг роли

Микроиқтисодий даражада ҳар қандай корхона, фирма ёки компаниянинг асосий „бош оғриғи“ (муаммоси) олинаётган даромадларнинг мутгасил кўпайиб, ўсиб боришини таъминлашдир. Даро-

мадларнинг кўпайишига таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Уларга, асосан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, рекламани йўлга қўйиш, маҳсулотнинг янги бозорларини очиш, замонавий технологияларни жорий қилиш ва ҳоказолар киради. Даромадларни кўпайтиришнинг айтиб ўтилган омиллари ёки йўналишларининг ҳар бири ҳам муҳим. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган асосий омил меҳнат унумдорлигидир.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи корхона (фирма) ишини, унинг хўжалик фаолияти самарадорлигини кўрсатади. Бу кўрсаткични ўлчаш (ёки аниқлаш) жуда ҳам осон. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматини, яъни даромадлар суммасини ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда банд бўлган ишчилар ва ходимлар сонига тақсимлаш kiffoя.

Фикримизни янада ойдинлаштириш учун қуйидаги шартли мисолни келтирамиз. Фирмада ишловчи ишчи ва ходимлар сони 50 кишини ташкил этади ва унда бир ойда 50 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди, дейлик. Олдий арифметика йўли билан мазкур фирмада ишловчи ҳар бир кишининг ойлик меҳнат унумдорлиги 1,0 млн. сўмни ташкил этганини аниқлаш қийин эмас. Муайян тадбирларни амалга ошириш, масалан, янги технологияни жорий қилиш натижасида келгуси ойда ўша 50 киши меҳнат қилаётган фирмада 55 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, дейлик. Демак, фирмада меҳнат унумдорлиги 1,1 млн. сўмни ташкил этди ёки ўтган ойга қараганда 10 фоизга ўсди.

Хўш, меҳнат унумдорлиги корхона (фирма) даромадларини кўпайтиришнинг ҳал қилувчи омил бўлса, унинг ўзи нимага боғлиқ?

Ҳозирги даврда меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- меҳнат ресурсларининг сифати;
- машина ва технологик ускуналарнинг сифати;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги;
- меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш даражаси.

Энди ушбу омилларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Меҳнат ресурсларининг сифати — маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш билан банд бўлган ишчиларнинг маълумоти ва малакаси қанча юқори бўлса, улар маълум вақт (смена, ой, квартал ёки йил)да шунча кўп маҳсулот (хизмат) яратади ва аксинча. Шу сабабли мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида янги таълим андозалари ва дастурлари яратилаётгани, таълим тизимини чуқур ислоҳ қилиш асосида замон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш вазифаси ҳал этилаётганини узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иш деб баҳолаш мумкин.

Машина ва технологик ускуналарнинг сифати. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган техника воситаларининг сифат даражаси (унумдорлиги, ишончлилиги ва ҳоказо) қанча юқори бўлса, корхона

(фирма)да маълум вақт ичида шунча кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади, бинобарин, унинг даромадлари ҳам шунча кўп бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида мамлакатимизда фойдаланиб келинган ишлаб чиқариш техникаси аксарият ҳолларда эскирган, яъни 20 — 30 йиллар давомида ишлатиб келинаётган эди. Шу сабабли Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири эди, десак хато бўлмас. Шу муносабат билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ишлаб чиқаришни тубдан замонавийлаштириш, хорижий мамлакатлардан келаётган сармоялар (инвестициялар)ни, авваламбор, янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилгандир.

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. Ҳар бир корхона ёки фирма маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун муайян моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланади. Маҳсулот бирлигига сарфланаётган ресурслар харажати қанча камайса, даромадлар шунча кўпая боради.

Демак, ҳар қандай иқтисодчи ёки менежернинг, корхона (фирма) раҳбари ёки тадбиркорнинг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришга сарфланаётган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, яъни маҳсулот (хизмат) бирлигига сарфланаётган харажатларни камайтиришдир. Бозор иқтисодиётига асосланган ва ҳозирги кунда ривожланган деб тан олинган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан менежер — бошқарувчи фаолиятига боғлиқ. Ишчиларни ёллаш ва уларни ўқитиш, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ишчини тегишли тарзда моддий рағбатлантиришни таъминлаш, „имиллаган“ ишчи ёки ходимни ишдан четлатиш каби ўнлаб муҳим вазифаларга айнан менежер жавоб беради.

Меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш даражаси. Маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг барча бўғинлари ва босқичлари ишчи кучи сарфи билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир иш ўрнига касбий билим ва маҳорати етарли бўлган ишчиларнинг танланиши ва уларнинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг яратилиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Касбий билими ва маҳорати юқори бўлган ишчи малакасиз ва тажрибасиз ишчига нисбатан юқорироқ унумдорлик билан меҳнат қилади ва бинобарин, маълум вақт мобайнида корхонага кўпроқ даромад (фойда) келтиради.

Ишчи қанчалик малакали бўлмасин, унинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилмаган бўлса, у ё пастроқ унумдорлик билан ишлайди, ёки умуман бекор туриб қолади. Масалан, қурилиш объектига биноларни бўйаш учун зарур бўлган бўёқлар ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб берилмади, дейлик. У ҳолда нима бўлишини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект даромадларини кўпайтиришнинг бош омили бўлиб хизмат қилади.

VII БОБ | Ишлаб чиқаришни ривожлантириш омиллари

Ушбу мавзунинг ўрганиш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг:

- ◆ *Ишлаб чиқариш омиллари деганда нимани тушунамиз?*
- ◆ *Табиий омилга нималар киради?*
- ◆ *Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнат омилининг роли нимадан иборат?*
- ◆ *Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фан-техника тараққиёти қандай роль ўйнайди?*
- ◆ *Менежмент нима?*

7.1. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳияти

Ишлаб чиқаришнинг моддий мазмунини меҳнат жараёни ташкил этади. Меҳнат жараёнида инсон ўзининг мақсадига мувофиқ онгли фаолияти орқали (бу меҳнат деб аталади) табиат моддалари ёки ашёларни жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотларга (ёки хизматларга) айлантиради. Меҳнатни амалга ошириш учун инсон муайян жисмоний ва ақлий қобилиятларга, билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Инсоннинг меҳнат қила олиш қобилияти ишчи кучи деб аталади. Меҳнат инсоннинг ажралмас хусусияти бўлганлиги учун назарияда ва амалиётда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилар йиғиндисини меҳнат ресурслари деб юритилади. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ёки инсон омилини ташкил этади.

Меҳнат жараёнида фойдаланиладиган воситалар (бирламчи табиат моддалари ва қайта ишланган табиат моддалари) ҳамда меҳнат жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитлар ишлаб чиқаришнинг буюмлашган ёки моддий омилини ташкил этади. Бирламчи табиат моддалари ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда энг биринчи моддий манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ, ишлаб чиқариш ривожлана бориши билан кишилар табиат моддаларига бир марта ишлов бериш билан кифояланмасдан, уларга қайта ва қайта ишлов берадилар. Ишлаб чиқаришнинг табиат томонидан яратилган шарт-шароитларига қўшимча равишда кишилар меҳнати билан ҳам ишлаб чиқаришнинг янада мукамалроқ моддий шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Ишлаб чиқариш моддий омилини таърифлаш учун ҳозирги замон назариячилари ишлаб чиқариш воситалари тушунчасидан фойдаланадилар (кўп ҳолларда „капитал“ атамаси ҳам қўлланилади).

Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат буюмларидан ва меҳнат воситаларидан иборат. Меҳнат буюмларига ишлаб чиқариш жараёнида

ишлов бериледи. Улар илгари инсон меҳнати таъсирида бўлмаган табиий ресурслардан ёки инсон меҳнати натижаси бўлган моддий ашёлардан иборат бўлиши мумкин. Меҳнат воситалари эса меҳнат қуролига (ишлаб чиқариш қуролига) ва меҳнатнинг моддий шароитлари бўлиб хизмат қилувчи воситаларга бўлинади. Меҳнат қуроллари, албатта, инсон меҳнати билан яратилади.

Ҳозирги замон иқтисод фани ишлаб чиқариш омили деб ишлаб чиқариш натижаларини белгилаб берувчи объектлар, элементлар ёки шарт-шароитларни тушунади. Ишлаб чиқариш омиллари тўрт асосий гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади: ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти.

Ер табиий омил сифатида қаралади. У инсон фаолиятининг маҳсули эмас, балки табиатнинг инъомидир. Омилларнинг ер деб номланадиган гуруҳига барча табиий бойликлар, фойдали қазилмалар конлари, ишлов берилётган ерлар, ўрмонлар киради.

Капитал ишлаб чиқаришнинг омили сифатида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган неъматларнинг йиғиндисидан иборатдир. Уларга асбоб-ускуналар, машиналар, бинолар, омборлар, транспорт коммуникациялари, алоқа воситалари ва бошқалар киради. Кенг маънода олиб қаралганда, моддий капитал тушунчаси ўз таркибига хом ашё ва материалларни ҳам олса-да, тадқиқотчилар капитал тушунчасини ишлаб чиқаришда кўп марта ишга солинадиган моддий элементлар билан чеклайдилар. Фанда тадбиркорлик фаолиятида ишга солинаётган пул маблағлари ҳам *капитал* деб аталади. Назарий маънода эса пул тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда унинг омили сифатида иштирак эта олмайди. Шунинг учун назарий маънода қўлланаётган капитал тушунчасини пул маблағларини ҳам ўз ичига оладиган амалий ҳужалик фаолиятидаги капитал тушунчасидан фарқлаш учун моддий капитал атамасидан фойдаланадилар. Моддий капиталнинг техник ҳолати ва даражаси ишлаб чиқариш самарадорлигига жуда кучли таъсир этади ва унинг самарадорлигини белгилаб беради.

Товар ва хизматларни яратишда ишга солинадиган инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари *меҳнат* омилини ташкил этади. Қобилиятлар йиғиндиси ходимнинг маълумот даражаси, касбий таълим эгаллаганлиги, кўникмалари, жисмоний салоҳияти ва бошқа хусусиятлари билан белгиланади. Буларнинг ҳаммаси замонавий фанда инсон капитали тушунчаси билан ифодланади. Ходимнинг юқори малакасига, юксак меҳнат қобилиятига эришиш учун уни ўқитиш ва тарбиялаш лозим. Демак, меҳнат омилини яратиш учун ҳам моддий капитал талаб этилади. Ходимни тайёрлаш учун йўналтирилган харажатларнинг натижаси сифатида мужассамлашган шахслар инсон капитали бўлиб майдонга чиқадилар. Инсон капиталига сарфланадиган сармоялар ҳозирги пайтда энг самарали ва ўзини энг тез оқлайдиган маблағлар ҳисобланади.

Тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили бўлиб, инсоннинг ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини муайян

комбинацияларда ва усулларда бирлаштира олиш қобилиятини билдиради. Бу қобилият тадбиркорда мужассамлашади ҳамда инсон капиталининг алоҳида туридир. Тадбиркорлик қобилияти инсонда ўз-ўзидан пайдо бўла олмайди, у инсонга тадбиркорлик учун зарур билимлар ва кўникмаларни сингдириш йўли билан ҳосил қилинади. Тадбиркорлик фаолияти инсоннинг шахсий фазилатларига ҳам боғлиқ, чунки ишлаб чиқаришни ташкил этишда тадбиркорлик, топқирлик ва оқилона таваккалчилик талаб этилади. Ўз мазмунига кўра тадбиркорлик фаолияти инсон меҳнатининг ўта юқори малака талаб этувчи туридир. Тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш омили сифатидаги аҳамияти, айниқса, бозор муносабатлари шароитида ортади. Чунки бозор шароитида ишлаб чиқариш кучли рақобат мавжуд бўлган вазиятда олиб борилади, тижорат таваккалчилиги асосида маҳсулот янги турларини ишлаб чиқаришга, янги технологиялардан фойдаланишга, ресурсларни рақобат орқали қўлга киритишга тўғри келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда юқорида санаб ўтилган анъанавий омиллар билан бир қаторда ахборот олиш ва экологик омиллар ҳам ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилиш ва унинг юқори самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири сифатида тобора юксак аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча омиллари ишга солиниб, амалга оширилади. Муайян буюмни ёки хизматни ишлаб чиқариш учун ер, меҳнат ва капиталнинг бирон-бир комбинацияси зарур бўлади. Бу омиллар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишга тушади ва бир-бирини тўлдириб туради. Масалан, газлама тўқиш учун ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган фирма ташкил этиш, ер майдонини ижарага олиш, бу майдонда бинолар ва техникани (капитални) жойлаштириш, ходимлар ва менежерларни ёллаш зарур бўлади. Агар бирор омил ишлаб чиқаришга жалб этилмай қолса, ишлаб чиқариш жараёни содир бўлмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг бу хусусияти уларнинг бир-бирини тўлдириши деб аталади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш омиллари маълум чегараларда бир-бирининг ўрнини босиши ҳам мумкин. Муайян ҳажмдаги товарни ишлаб чиқаришга юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг турли-туман нисбатларда бир-бирига қўшилиши натижасида эришилиши мумкин. Омилларнинг бу хилдаги ўзаро ўринбосарлиги иқтисодийнинг кўплаб соҳалари учун хос. Тадбиркор ишлаб чиқариш технологиясини танлашда муайян ресурсларнинг камёблигини эътиборга олади ва шу ресурслар ўрнига бошқаларидан фойдаланишга интилади.

7.2. Табиий омил

Ишлаб чиқариш жараёни ҳар доим у ёки бу даражада табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган. Кенг маънода жамият ва инсон табиатнинг ажралмас қисмидир ва табиатдан ташқарида ўз фаолиятини

олиб бора олмайди. Табиий ресурслар ишлаб чиқаришнинг муқаррар шарти сифатида унинг ўсиши учун табиий негиз бўлиб хизмат қилади. Улар, шунингдек, жамият миллий бойлигини яратишнинг муҳим манбаидир. Инглиз иқтисодчиси У. Петти: „Меҳнат — бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси“, — деган эди.

Ер ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакатнинг беқиёс бойлигидир. У битмас-туганмас хазина бўлиб, келгуси авлодларга ҳам қоладиган асосий меросдир. Шунингдек, ер қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳамдир. Ерга икки жиҳатдан, биринчидан, ҳудуд, иккинчидан, тирикчилик манбаи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳаёти учун зарур бўлган тупроқ, инсон учун озиқ-овқат, саноат учун хом ашё етиштириб берадиган экин майдонлари сифатида қараш лозим.

Ўзбекистоннинг ер ресурслари хилма-хил. Қизилқум ва бошқа чўлларда чўл-қум тупроқлари катта майдонни эгаллайди. Бундай тупроқлар, асосан, қумдан иборат бўлиб, зич қатлам ҳосил қилмайди, чиринди (гумус) қисми 1 фоизга ҳам етмайди. Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги чўл зонасида сур-қўнғир, чўл-қум, тақир тупроқли ерлар учрайди.

Республикамиз умумий ер майдонининг 5 миллион гектардан ортиқроғи деҳқончиликда фойдаланилади. Бу, асосан, суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган қисми яйлов ва озроқ қисми тоғ ва ўрмонлардан иборат.

Суғориладиган ерларнинг катта қисми Фарғона ва Зарафшон водийлари ва Амударёнинг қуйи оқимини эгаллаган. Лалми ерларнинг катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари дарёлар, сел оқими, каналлар, қўл ва сув омборларидаги сувлардан таркиб топади. Унинг асосий манбаи дарёлар бўлиб, Ўзбекистоннинг бош сув ўзанлари Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Иккала дарёнинг суви ҳам республика ҳудудидан ташқарида ҳосил бўлади. Улардан ташқари йирик дарёлар жумласига кирувчи Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Шерободдарёлар ҳам мавжуддир. Бу дарёларнинг кўпчилиги ўзларининг ўрта ва қуйи оқимлари бўйича Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 50 га яқин дарё бўлиб, улардан 10 тасининг узунлиги 150 км дан ошади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди районларида сел оқими (тошқини) кўплаб учрайди. Ўзбекистонда сув хавфи кучлироқ район Фарғона водийси ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили, баъзан йилига бир неча марта сел бўлади. Кўпчилик сел тошқинлари апрель ва май ойларига тўғри келади. Чунки бу ойларда тоғда жуда кўп ёғин-сочин бўлади. Сел оқими ҳар йили минглаб гектар экин майдонларини вайрон этади. Шунинг учун ҳам ташқи хавф кучли тоғолди районларида сел оқимини ушлаб қоладиган қурилмалар (сув омборлари) қурилган. Ҳосил бўлган сув захираларидан кейинчалик экинларни ва айрим яйлов майдонларини суғоришда фойдаланилади.

Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ердан, ер ости бойликларидан, ўрмонлардан, сувдан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш талаб этилади. Мамлакатдаги ҳўжалик юритиш тизими улардан оқилона ва эҳтиёткорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланиш учун имконият яратиши ва ишлаб чиқариш иштирокчиларини шундай иш олиб боришга ундаши лозим. Табиий ресурсларни сақлаш ва кўпайтиришдан бутун жамият манфаатдордир.

Табиий ресурсларнинг бир қисмини, аввало, фойдали қазилма конларини қайта ҳосил қилиб, тиклаб бўлмайди. Улар ер остидан қазиб чиқарилган сари тугаб боради. Бошқа табиий бойликларни: тупроқ, сув, ўрмонлар, ҳайвонот дунёсини тиклаш учун кўплаб маблағ сарфлаш талаб қилинади. Масалан, тупроққа ўғит солинади, ер текисланади, чиқиндилардан ва зарарли моддалардан тозаланади, сув ресурсларини тиклаш учун ишлатилган сув тозаланади, ўрмонларни тиклаш учун кўчат ўтқазилади ва ҳ.к. Демократия тамойилларига асосланган жамиятда табиатни муҳофаза қилиш барчанинг ижтимоий бурчига айланади. Табиий ресурслардан, жумладан, ердан ношудлик билан, табиатга зарар етказган ҳолда фойдаланиш ўз мазмунига кўра жамият бойлигини нобуд қилишдир, чунки бу ижтимоий ишлаб чиқариш ўсишининг моддий негизига путур етказди.

Иқтисодчилар табиий ресурсларни икки тоифага ажратадилар. Булар ҳақ тўлаб ўзлаштириб олинadиган ва текинга ўзлаштирилиб олинadиган ресурслардир. Табиий ресурслар ҳақ тўлаб ўзлаштириб олинганда, фирма ёки ресурс истеъмолчиси унинг самарасини тўла равишда ўзи ўзлаштиради. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида ҳақ тўлаб ўзлаштириладиган табиий ресурслар қаторига биринчи навбатда ер киради. Ерни ҳақ тўлаб қўлга киритган фермер унда етиштирилган галла ёки пахтани тўла равишда эркин тасарруф қилади. Фойдали қазилмалар (нефть ва газ конлари)нинг эгалари қазиб олинган маҳсулотни ёки коннинг ўзини сотишлари мумкин. Табиий ресурслар ҳақ тўлаб ўзлаштирилганда, рақобатли бозор шароитларида улардан самарали, тежаб-тергаб фойдаланишга эришилади.

Табиий ресурсларнинг иккинчи тоифасини, ҳатто бозор муносабатлари тўла қарор топган иқтисодиётда ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, текинга ўзлаштириб олинadиган ресурслар ташкил этади. Бу ресурслардан фойдаланиш жараёнида жамият учун муайян муаммолар юзага келиши мумкин. Гал шундаки, мазкур ресурслар алоҳида фирма ёки шахслар учун текин ресурслар бўлиб майдонга чиқади, лекин улар бутун жамият учун бепул эмас. Ҳақ тўлаб ўзлаштириладиган ресурслар қўлга киритилишида ресурс эгасининг мазкур ресурсга оид харажатлари қоплаб борилади. Текин ўзлаштириладиган ресурслар бўйича эса бундай бўлмайди ва натижада ташқи оқибат (самара) ёки қўшимча оқибат деб аталadиган ҳодиса юз беради. Масалан, ҳавога захарли газлар чиқарилиши аҳоли саломатлигига зарар етказди. Бунга йўл қўйган фирма табиий ресурс — ҳаводан текинга фойдаланади ва айни пайтда иқтисодиётнинг бошқа субъ-

еклари бундан кўраётган зарарини қоплаб бермайди. Ёки оқар сувларга захарли чиқиндилар ташланганда дарё ёки сой ифлосланади, балиқлар нобуд бўлади, бошқа кишиларнинг сувдан фойдаланиш имкониятлари қисқаради. Кўриниб турибдики, табиий ресурслардан бепул фойдаланиш натижасида келиб чиқаётган ташқи оқибат, асосан, салбий характерда бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида салбий ташқи оқибатли товарлар кўпроқ, ижобий ташқи оқибатли товарлар эса камроқ ишлаб чиқарилади.

Пол Самуэлсон ва Виллям Нордхаус таъкидлашларича, АҚШда табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётдаги улуши 1987 йилда 4 фоизни ташкил этган. Бозор орқали қўлга киритиладиган табиий ресурсларнинг тўртдан уч қисмидан фермер хўжаликлари ва нефть-газ саноатида фойдаланганлар.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё ва аграр характери туфайли табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган тармоқлар улуши жуда юқори. Хусусан, ҳозирча қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи эканлигича қолмоқда. Аҳоли фаровонлиги ва мамлакатнинг экспорт имкониятлари кўп жиҳатдан мана шу тармоқдаги аҳволга боғлиқ.

Қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга. Одатда, бу ресурслар иқтисодий ўсишни ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бироқ, аёвсиз фойдаланиш натижасида улар бир кун тугаши ва уларнинг ўрнини боса оладиган ресурсларни топиш жуда ҳам қийинлашиб қолиши мумкин.

Баъзи иқтисодчилар қайта тикланмайдиган табиий ресурсларга техника тараққиёти натижасида мақбул ўринбосарлар топилиши муқаррар, деб ҳисоблайдилар. Масалан, нефтдан олинадиган суюқ ёқилғи ўрнига кўмирдан олиниши мумкин бўлган суюқ ёқилғи келиши мумкин. Углеводород қазилма бойликлар ишлатиб бўлингач, қуёш энергиясига ёки атом энергиясига, ҳатто, термоядро энергиясига ўтилиши мумкин. Энергиянинг охириги уч манбалари тугалмас характердадир.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда атроф- муҳитни муҳофаза қилиш тарафдорларининг қарашлари тобора устун мавқега эга бўлиб бормоқда. Уларнинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг зарур даражасини сақлаб туриш учун энергия ва бошқа табиий ресурсларни, шу жумладан, аҳоли жойлашмаган ҳудудлар ва асрий ўрмонларни ижтимоий капиталнинг алоҳида кўриниши сифатида асраш лозим. Ҳозирги авлод келажак авлодларга имкони борича капитал активларнинг кўпроқ захирасини қолдириши зарур. Бу активлар фақат юксак технологияли корхоналар, лабораториялар, кутубхоналар ва инсон капиталидангина иборат бўлмай, балки табиий ресурсларни ҳам ўз ичига олиши даркор.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, яъни ишчи кучи истеъмом қилинади. Ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан фарқли равишда инсон ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда, фаоллик ва ташаббускорлик билан иштирок этади. Инсоннинг замонавий иқтисодиётдаги яратувчилик роли меҳнат омили тушунчаси орқали ифода этилади.

Инсон иқтисодиётнинг бирламчи субъектидир. Иқтисодиётнинг алоҳида олинган инсондан фарқланувчи бошқа субъектлари ҳам пировард натижада кишиларнинг турли-туман гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи уюшмалар бўлиб майдонга чиқади. Инсон иқтисодиётнинг ташаббускор субъекти, у танлаш эркинлигига эга ва ўзининг нуқтаи назаридан иқтисодий оқилона ва самарали қарорлар қабул қилади, бунда ўзининг манфаатлари ва мақсадларига мувофиқ ҳолда мавжуд шарт-шароитларни эътиборга олади, керакли ахборотлардан фойдаланади. Иқтисодий адабиётда ўзининг иқтисодий манфаатларини англаб етган ва бу манфаатларга мувофиқ ҳолда ҳаракат қилувчи инсонни иқтисодий инсон деб атайдилар.

Инсон ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи сифатида ёки тадбиркор сифатида иштирок этади. Баъзан эса инсон ишлаб чиқаришда ҳам ишчи кучи, ҳам тадбиркор бўлиб иштирок этиши мумкин. Юқорида қайд этилганидек, ишчи кучи инсоннинг меҳнат жараёнида ишга солинадиган жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндисидир. Бу қобилиятларнинг бир қисми инсонда табиатан, аввалдан мавжуд бўлса, иккинчи қисми инсонни ўқитиш ва тарбиялаш натижасида шакллантирилади, учинчи қисми эса меҳнат жараёнида иштирок этиш мобайнида вужудга келади.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсон якка равишда эмас, балки жамиятнинг бошқа аъзолари билан биргаликда иштирок этади. Шунинг учун индивидуал ишчи кучи жамият миқёсидаги жами ишчи кучининг бир бўлаги сифатида ишга солинади. Жами ишчи кучининг таркиби унинг қандай касблардан ташкил топганлиги, уни ташкил этувчиларнинг билимлари ва малака даражаси, ижтимоий ишлаб чиқаришни техника билан қуролланганлиги, мавжуд технологиялар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши, концентрацияси, ихтисослашиши ва кооперациялашуви каби омилларнинг талабларига мос равишда шаклланади.

Мамлакат аҳолисининг меҳнатга яроқли ёшдаги, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун зарур жисмоний ва ақлий қобилиятларга, муайян маълумот даражасига эга бўлган қисми *меҳнат ресурслари* деб аталади. Меҳнат ресурслари миқдори мамлакатнинг меҳнат салоҳиятини ифодалайди. Бу салоҳият зарур моддий шароитлар мавжуд бўлса, дарҳол ишга солиниши мумкин. Меҳнат ресурсларининг

бозорда ишлаб чиқариш ресурси сифатида таклиф этилаётган қисми *инсон ресурслари* деб юритилади. Инсон ресурслари бошқа ишлаб чиқариш ресурслари (табiiй, моддий, молиявий) билан бир қаторда ишлаб чиқариш омили бўлиб майдонга чиқади, муайян чегараларда бу ресурс бошқа ресурслар билан алмаштирилиши мумкин (масалан, қўл меҳнати ўрнига машиналардан фойдаланиш).

Моддий ва табiiй ресурсларни бошқариш билан бир қаторда инсонларни бошқариш ҳар қандай корхона ва ташкилотни бошқаришнинг таркибий қисмидир. Бироқ ўзининг хусусиятига кўра, одамлар корхона (фирма)лар фойдаланадиган ҳар қандай ресурслардан жиддий фарқ қилади, бинобарин, бошқаришнинг алоҳида усуллари талаб қилади.

Биринчидан, одамлар интеллектга (ақл-идроққа)эга бўлиб, уларнинг ташқи муҳитга (бошқаришга) реакцияси механик тарзда эмас, балки ҳиссий-ўйланган, англаб етилган реакциядир, демак, корхона (фирма) билан ходим ўртасидаги ўзаро таъсир кўрсатиш жараёни икки томонламадир.

Иккинчидан, одамлар доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб боришга қодирдирлар. Инсон ўз ҳаётининг илк даврида юриш, гаплашиш, ўқиш ва ёзишни ўрганади. У ишга келар экан, касбий кўникмаларга эга бўлади, улар унинг мансаб вазифаларини бажариши жараёнида такомиллашиб боради. Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида технология, шу билан бирга касбий кўникмалар нисбатан қисқа давр мобайнида эскириб қолади. Шунинг учун ҳам ходимларнинг доимий равишда такомиллашиб ва ривожланиб боришга қодирлиги ҳар қандай корхона ва ташкилотнинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Учинчидан, инсоннинг меҳнат фаолияти ҳозирги жамиятда 30 — 50 йил давом этади, шунга кўра инсон билан корхона ва ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ҳам узоқ давом этиш хусусиятига эгадир.

Тўртинчидан, моддий ва табiiй ресурслардан фарқли ўлароқ, одамлар кўп ҳолларда корхона ва ташкилотга онгли равишда, муайян мақсадларни кўзлаб келадилар ва ташкилотдан ана шу мақсадларни амалга оширишда ёрдам беришини кутадилар. Ходимнинг корхона ва ташкилот билан ўзаро ҳамкорликда ишлашдан қаноат ҳосил қилиши ҳамкорликни давом эттиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Айни пайтда корхона ва ташкилот ҳам бу ҳамкорликдан манфаатдордир.

Ходимнинг корхона ва ташкилотдан қаноат ҳосил қилиши инсон ресурсларининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган кишининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Меҳнат омили ишлаб чиқаришга меҳнат бозори орқали жалб этилади. Бу бозорда меҳнат ресурслари товар сифатида майдонга чиқади. Меҳнатнинг баҳоси мазкур бозордаги талаб ва таклифга боғлиқ. Бозорнинг иштирокчилари (агентлари) — тадбиркорлар билан меҳнатга яроқли аҳоли бозорда ўзаро муносабатларга киришадилар. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф механизми орқали иқтисодиётдаги бандлик

ҳажми ва меҳнат ҳақи даражаси ташкил топади. Меҳнат аҳоли учун даромадлар ва фаровонликнинг энг асосий манбаидир. Миллий даромаднинг катта қисми меҳнат ҳақиға тўғри келади. Бошқа томондан эса меҳнат ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омилдир. Шунинг учун меҳнат бозори ижтимоий ва иқтисодий вазифани бажаради. Ижтимоий жиҳати шундаки, меҳнат омилнинг бозорда сотилиши орқали меҳнат қилувчиларнинг даромадлари ва фаровонлигининг жамият учун мақбул даражаси, ишчи кучининг нормал такрор ишлаб чиқарилиши шарт-шароитлари таъмин этилади. Иқтисодий жиҳат эса меҳнатнинг соҳалар, тармоқлар, корхоналар, касблар ўртасида оқилона тақсимланишида, меҳнат ресурсларининг зарур даражада ишлаб чиқаришга жалб этилишида, меҳнатдан оқилона ва тежаб фойдаланишда намоён бўлади. Меҳнат бозори иштирокчилари ўртасидаги рақобат юқори самарали меҳнатдан манфаатдорликни, юқори малакага эга бўлишни, касбни ижтимоий эҳтиёжларга монанд равишда янгилашни рағбатлантиради.

Меҳнат ресурсларининг меҳнат бозорига кириб келадиган беш гуруҳини кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчи гуруҳга нисбатан оз сонли, лекин миқдоран барқарор юқори малакали раҳбар ходимлар (менежерлар) киради. Иккинчи гуруҳ юқори малакали ишчилар ва хизматчилардан иборат. Бу гуруҳлар меҳнатига доимо юқори талаб мавжуд ва уларнинг меҳнатига юқори ҳақ тўланади. Айнан шу ходимлар корхона фаолиятининг натижаларини, корхоналар рақобатбардошлигини белгилайдилар. Учинчи гуруҳ таркибий ўзгаришлар содир бўлаётган ёки ишлаб чиқариш қисқараётган тармоқлар ва корхоналарнинг ишчиларини ўз ичига олади. Тўртинчи гуруҳга меҳнат унумдорлиги паст, меҳнатталаб тармоқларнинг, хизмат соҳаларининг ходимлари киради. Бу тармоқларда меҳнат ҳақи даражаси анча паст ва уларда кўпроқ аёллар ҳамда паст малакали ишчилар банд бўлади. Бешинчи гуруҳни эса меҳнаткашларнинг энг ожиз табақалари: биринчи марта иш ахтараётган ёшлар, кексалар, жисмоний нуқсонли кишилар, кўп марта ишдан маҳрум бўлганлар ташкил этади.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг илмталаб тармоқлари жадал ривожланмоқда. Натижада юқори малакали иш кучига талаб тез суръатларда ортиб бормоқда. Шунинг учун мамлакатдаги таълим тизимини ва кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни янада ривожлантириш меҳнат бозоридаги аҳволни тубдан яхшилашга, иқтисодиётда меҳнат омилдан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

7.4. Ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражаси

Инсон нималар ёрдамида меҳнат ашёси (предмети)га ўз таъсирини ўтказса, шу нарсалар меҳнат воситалари ҳисобланади. Унга биринчи навбатда меҳнат қуроллари киради. Улар қуйидагилардан иборат: ҳар хил машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, қурилмалар ва ҳоказо.

Меҳнат қуролларининг такомиллашиб бориши, табиатга инсон ҳокимлик даражасининг ўсиши ишлаб чиқариш тараққиётининг кўрсаткичи ҳисобланади. Кенг маънода меҳнат жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этмаса-да, лекин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш иншоотлари, турли ахборот воситалари, алоқа каналлари ҳам меҳнат воситалари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёни амалга ошиши учун ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари қўшилиши, истеъмол қилиниши зарур.

Ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ҳисобланиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва унинг бирдан-бир яратувчи элементиدير. Ишлаб чиқариш воситалари эса ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили илмий-техника тараққиёти таъсири натижасида такомиллашиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ва инсон меҳнати бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Ишчи кучи ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради, бунинг натижасида меҳнат жараёни рўй беради. Фақат инсонгина ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва улардан фойдаланиш усулларини аниқлайди. Худди шу жараён ишлаб чиқарувчи кучлар тизимида шахсий ва моддий омилларнинг ўзаро боғлиқликда умумий йўналишини ташкил этади.

Янги техника ва технология ҳеч қачон ўз-ўзидан дунёга келмайди, уларни одамлар ижод қилади. Бироқ, илғор меҳнат воситалари ва технологиялар ишлаб чиқаришда кенг тарқалгандан сўнг, ишчи кучининг умумий ҳолатини янги талаблар даражасига кўтариш керак бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш жараёни унинг омилларининг оддий йигиндиси эмас, чунки улар ўзаро таъсир қилувчи мураккаб тизимни ҳосил қилади. Ҳар қандай бир бутун тизим эса унинг элементларининг оддий йигиндисидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Ишлаб чиқаришни самарали бўлишига технология ва бошқариш таъсир этади.

Технология ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ифода этган ҳолда фан ютуқларига асосланиб, меҳнат ашёларига ўз таъсирини ўтказиши. Инсонлар ашёларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини ўрганиб, прогрессивроқ бўлган технологияни жорий қилиш натижасида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш сирларини билиб оладилар, бу эса ишчи кучига, ишчининг малакасини оширишга янгидан-янги талаблар қўяди. Ушбу жараён эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни доимо такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги ишлаб чиқариш жараёнида энергия ва ахборотнинг аҳамияти ошиб боради. Шубҳасизки, қудратли энергия манбаларини ўзлаштирмасдан туриб, ишчи кучи, меҳнат буюмлари ва воситаларининг ўзаро таъсирини самарали бўлишига эришиш мумкин эмас.

Корхоналарда фан-техника ютуқларини жорий этиш учун ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг техникавий, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси мавжуд бўлиб, уларни жорий этиш натижаси ўлароқ, энг илғор технологик жараёнлар юқори рентабеллик, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини яратиб беради. Ишлаб чиқариш корхоналарида технологик ва ташкилий тадбирлар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадқиқ қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда техник-иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилади, меҳнат, хом ашё ва материалларни кам сарф қилган ҳолда, юқори сифатли маҳсулотлар етказиб беришга имкон беради.

Ишлаб чиқаришда техникавий тайёргарликни ташкил этиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилади:

— энг илғор, прогрессив технологик жараёнларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш;

— янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик тизимларини яратиш, эскиларини эса янгилаш;

— юқори унумли технологик асбоб-ускуналарни танлаш ва жорий этиш;

— асосий ва ёрдамчи материаллар сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

— технологик жараёнлар таркибини лойиҳалаш;

— меҳнат ва ишлаб чиқаришни илмий даражада ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиш;

— юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлашдан кўзланган мақсад илмий ишлаб чиқариш циклини яратиш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг бир текисда, узлуксиз ва бир меъёрда ишлашини таъминлашдир.

Саноат корхоналарида асосий ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш режаси муҳим босқич бўлиб, у фан ва техниканинг замонавий ютуқлари, такомиллашган технология, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ҳажмини кўпайтиришга қаратилгандир. Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш режасини лойиҳалаш жараёнида унинг қуйидаги талабларга жавоб бериши назарда тутилади:

— юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш;

— технологик жараённинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини камайтириш;

— маҳсулот бирлигига хом ашёлар сарфини камайтириш;

— хом ашёдан тайёр маҳсулот олишни кўпайтириш ва нобудгарчиликни камайтириш;

— ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланиб, санитария талаби ва меъёрларига қатъий риоя қилиш;

— маҳсулот таннархини пасайтириш.

Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш корхона фаолиятини ташкил этиш, унинг истиқболини белгилаш ва ривожлантириш режалари асосида амалга оширилади. Бу режаларни амалга оширишга тегишли маблағлар ажратилади. Бунга қўшимча қилиб корхоналарда амортизация ажратмалари, ишлаб чиқариш, техника ва фанни ривожлантириш жамғармалари ташкил этилади.

7.5. Ишлаб чиқаришни бошқариш. Менежмент

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳаётимизга шиддат билан кириб келган тушунчалардан бири бу — менежментдир. Кенг маънода менежмент ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият туридир. Самарали менежментни ташкил этиш корхона ёки фирмада ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Маълумки, инсон якка тартибда, яъни бирон-бир жамоага бирлашмаган ҳолда меҳнат қилар экан, у ўз меҳнатини ўзи бошқаради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, якка тартибда амалга оширилувчи меҳнат фаолияти бошқарувга муҳтож эмас. Аммо одамларнинг меҳнат фаолиятлари бир жойга жамланиб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолатга келгач, бошқарувга эҳтиёж пайдо бўлади ва бошқарув аппаратини бунёд этиш зарурияти туғилади. Бу аппарат ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини бир бутун қилиб боғлаши ва тегишли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириши зарур бўлади.

Меҳнат жамоаси йириклашган сари бошқарувнинг вазифалари ҳам мураккаблаша боради ва бошқарув аппаратидан техник, технологик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг энг мақбул ечимларини топиш талаб этилади.

Бошқарув жараёни муайян мақсад сари йўналтирилган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник натижаларга эришишга қаратилгандир. Шунинг учун бошқарув аппарати ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлувчи турли хил ижтимоий, руҳий, ҳуқуқий, технологик ва бошқа тоифадаги масалаларни ҳал этади. Аммо жамоани бошқариш билан боғлиқ муносабатлар ичида ташкилий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, дейиш мумкин.

Хўжалик бошқарувининг вазифаларини, бошқарилаётган объектнинг қўлаидан қатъи назар, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- тадқиқотчилик ва лойиҳалаш;
- меъёрлаштириш ва режалаш;
- ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш;
- таъминотчилик;
- ҳисобот назорати.

Тадқиқотчилик ва лойиҳалаш вазифаларига илмий илганишларни ўтказиш, келажак режаларини тузиш ва унга оид иқтисодий маълумотларни ўрганиб чиқиш ишлари киради.

Меъёрлаштириш ва режалаш бошқарувни ташкил қилиш асосларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри йўлга солишда меҳнат ва харажатларни меъёрлаштириш, истиқболли, жорий, тезкор режаларни тузиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошқарув илмининг асосий вазифаларидан биридир.

Ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш вазифалари ишлаб чиқариш бошқаруви негизини ташкил қилиб, у бошқарув аппарати таркибини лойиҳалаш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишлаб чиқаришга муҳандислик раҳбарлиги каби масалаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш бошқарувида таъминотчилик вазифаси ҳам катта аҳамиятга эга, чунки корхона (фирма) ни керакли хом ашё, материаллар ва жиҳозлар билан таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишни амалга ошириш каби ишлар бошқарув аппаратининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Корхонанинг ҳисобот назорати статистик, бухгалтерия ва тезкор ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади. Аналитик таҳлил, молия-кредит муносабатларининг мукамаллиги бошқарув самарадорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардир.

Бошқарув тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув услубларига боғлиқ бўлиб, улар асосан қуйидагилардан иборат:

а) сиёсий услублар; б) иқтисодий услублар; в) маъмурий-ҳуқуқ услублари; г) ташкилий услублар; д) бошқарув қарорлари ва жараёнларини мақбуллаштириш (кибернетик) услуби; е) ижтимоий-руҳий, педагогик услублар; ж) график услублар.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқаришни кўрсатиб ўтилган услубларнинг фақат биронтаси ёрдамида ташкил қилиш ва бошқариш мумкин эмас. Бу услубларнинг мантиқий ва илмий асосланган ўзаро боғлиқлигигина ишлаб чиқаришни бошқаришда кутилган натижаларни бера олади.

Бошқарув аппаратининг таркибини бир-бири билан ўзаро боғланган бўлимлар ва бўгинлар билан тўлдириш натижасида унинг ташкилий тузилмаси шаклланади. Ҳар бир бўлинма ўз вазифаларига эга бўлиб, унинг фаолият чегаралари, ваколатлари ва жавобгарлигини корхона маъмурияти белгилайди.

Бошқарувнинг илмий асосланган ва тажрибада синаб кўрилган қоидаларига таяниб, корхоналарни самарали ривожлантириш бозор муносабатларини ўзлаштираётган мамлакатимиз учун жуда муҳим вазифадир.

Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи бўлмоғи, социология, психология, педагогика фанларидан ҳам хабардор бўлмоғи лозим. Бу ҳаётимиздаги

жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларда ўзини ўзи бошқариш тамойилларининг жорий этилишини тақозо қилади. Раҳбар ўз жамоаси ичида меҳнат жараёнида вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоат ташкилотлари билан биргаликда, юқори ташкилотларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қодир бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда раҳбарнинг қайси тоифада экани жуда муҳим аҳамият касб этади. Раҳбарларнинг қуйидаги тоифаларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. *Автократ ёки авторитар тоифадаги раҳбар.* Бундай раҳбар қўл остидагиларнинг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига тўлиқ олади, барча мавжуд ахборотларни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қилади, жамоа аъзолари билан бевосита мулоқотларни чегаралаб қўяди, ўзининг ноўрин ҳаракатларини танқид қилинишига йўл қўймайди. Ўзига бўйсунувчилар билан муомалада бўлганда, унинг раҳбарлик гурури баландлиги, ўзини катта тутиши сезилиб туради. Одатда, автократ раҳбарлар ўзига бўйсунувчилар олдида қовоғи солинган кайфиятда бўлади. Бироқ автократ раҳбарлик турини ҳар жиҳатдан ёмон, деб бўлмайди. Баъзи бир ҳолларда бўйсунувчиларнинг маданий даражаси, ахлоқи пастлиги сабабли мазкур бошқарув услубини танлаб олиш иш бериб қолиши мумкин. Аммо жамоада ҳар томонлама демократик муносабатлар пишиб етилган пайтда раҳбар ўз услубини ўзгартиришга мажбур бўлади.

2. *Анархик тоифадаги раҳбар.* Бундай раҳбар шахсан ўзи фаоллик кўрсатмайди. Ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ масалаларни қўл остидаги ходимларга расман тақсимлаб беради. Шунинг учун ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ҳам расмий характерга эга бўлади. У кўпроқ ташқи таъсирга мойиллиги билан ажралиб туради. Жамоанинг тақдири, ишлаб чиқаришнинг истиқболи каби масалалар уни кам қизиқтиради. У ёки бу масалаларнинг бажарилиши айрим бўйсунувчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади.

Бундай раҳбар бошқараётган жамоада танқид, ўз-ўзини танқид каби муҳим омиллар ўз ўрнига эга эмас, жамоа аъзоларининг ташаббускорлиги рағбатлантирилмайди.

Табиийки, бундай раҳбар тезда алмаштирилмаса, у бошқараётган корхона тез орада банкротга учрайди.

3. *Демократик раҳбар.* Бундай тоифадаги раҳбар ўз фаолиятини жамоа аъзоларига таянган ҳолда олиб боради. Фаолият учун жавобгарлик бўйсунувчилар орасида тақсимланади. Жамоа аъзоларининг бир-бири билан ижодий, ташаббускорона муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда раҳбар ўзига бўйсунувчилар билдирган фикрларга қулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий фикр-мулоҳазаларни инobatга олади, илгорларни мукофотлайди. Бундай раҳбарлик тури бўйсунувчиларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаолиятини ривожлантиради ва меҳнат жамоасида ўртоқлик ва ишчан муҳитни, соғлом маънавий-руҳий иқлимни яратади.

Ҳозирги кунда бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим масалаларидан бири менежмент (бошқариш)га оид вазифаларнинг замон талаблари даражасида бажарилишини таъминлай оладиган, ўз ишининг устаси бўлган менежерлар тайёрлашдир.

Менежерлар (бошқарувчилар) олдига қўйиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

1. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бир бутун, яхлит ишлаб чиқариш бирлигини яратиш, корхонани юқори малакали муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар билан бутлаш.

2. Корхонанинг заиф томонларини аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ишлаб чиқаришни юқори даражада ривожланишини таъминловчи хўжалик механизмини яратиш.

3. Жамoa аъзоларини юксак ишлаб чиқариш ва меҳнат натижаларига рағбатлантира олувчи моддий манфаатдорлик тизимини яратиш.

4. Корхона фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш ва унинг меъёрларига ўз вақтида ўзгаришлар киритиш.

5. Ўз фаолиятига оид давр талабларини ҳисобга олиш, мазкур соҳада содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни шунга олиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.

Менежер ўз қўл остидаги ходимларнинг меҳнат фаолиятини аниқ ташкил қилувчи ва шу билан бирга маълум ҳажмдаги бошқарув вазифасини бажарувчи шахсдир. Менежмент деганда, маълум корхона ёки фирма бошқаруви ёки уларга раҳбарлик қилиш тушунилади.

Менежерликнинг асосий мақсади корхона (фирма) фаолиятини ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдалана олишни таъминлайдиган даражада ташкил қилишдан иборатдир. Менежер ҳар доим одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ишини ташкил қилади. Унинг билим доираси қанчалик кенг ва маданияти юқори бўлса, ходимлар билан бўладиган муносабати шунчалик самарали бўлади.

Кўпгина ҳолларда бошқарув билимларининг етишмаслиги корхонани кам самара билан ишлаши ёки ўз фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир менежер (бошқарувчи)дан менежментга оид билимларни мукамал ўзлаштириш, бу билимларни мунтазам бойита бориш ва доимо янгиликка интилиш тўғрисида эга бўлиши талаб қилинади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, эндиликда менежментга оид билимлар доираси тобора кенгайиб, ўз навбатида ундан бир қатор махсус йўналишлар ажралиб чиқмоқда. Бинобарин, менежерлар ҳам муайян соҳалар бўйича ихтисослашмоқда.

Умумий менежмент бўйича мутахассислар, яъни менежерлар корхона ёки фирмада олинаётган фойданинг энг кўп миқдорига эришишнинг умумстратегик масалалари билан шуғулланади.

Молиявий менежмент мутахассислари корхона ёки фирманинг молиявий ресурсларидан юқори самарадорлик билан фойдаланиш, яъни ишлаб чиқаришга сарфланаётган ҳар бир сўм ёки доллардан максимум (энг кўп) фойда олишга эришиш масалалари билан шуғулланадилар.

Ишлаб чиқариш менежменти мутахассислари товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш операцияларининг самарадорлигини ошириш масалалари билан машғул бўладилар.

Менежмент фанининг муҳим тармоқларидан бири — персонал (ходимлар) ни бошқариш бўлиб, бу соҳа мутахассислари ишчи ва хизматчиларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, меҳнатни оқилона ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш каби масалалар билан шуғулланадилар.



Мазкур бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурлигини ёдда тутинг:

- ◆ *Аҳоли даромадларининг асосий манбалари нималардан иборат?*
- ◆ *Иш ҳақи нима ва унинг қандай шакллари мавжуд?*
- ◆ *Иш ҳақи тизимларининг меҳнат унумдорлигига қандай таъсири бор?*
- ◆ *Бозор иқтисодиёти шароитида оила даромадларининг 2 хил тури ҳақида нималар биласиз?*
- ◆ *Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат моҳияти нимадан иборат?*

8.1. Аҳоли даромадларининг таркиби ва уларни тартибга солиш

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у жамият аъзоларининг ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўла намоён бўлиши ва шу туфайли уларнинг турмуш фаровонлигини тобора ошира бориши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради. Бу тизимнинг инсонпарварлик жиҳати, айниқса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тўлароқ намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти, биринчидан, мамлакатнинг юксак иқтисодий тараққиётини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини муттасил юксалтира бориш имкониятини яратса, иккинчидан, аҳолининг кўпчилик қисмини мулк эгасига айлантиради. Натижада аҳоли даромадларини узлуксиз ортиб бориши учун мустаҳкам замин яратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма даромадлар пул шаклида ифодалангани ва ишлаб чиқариш омиллари баҳоси билан узвий алоқада бўлади. Ушбу баҳоларга талаб ва таклифнинг нисбати, рақобат ва монополия, албатта, таъсир кўрсатади.

Даромадлар маълум вақт мобайнида олинган ва шахсий истеъмол учун товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган пул маблағлари суммасидир. Аҳолининг яшаш даражаси унинг даромадлари миқдорига бевосита боғлиқдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида истеъмол неъматлари ва хизматларининг асосий қисми товар сифатида сотилади. Инсоннинг даромадлари қанча юқори бўлса, у ўз эҳтиёжларини шунчалик тўлароқ қондира олиш имкониятига эга бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли пул даромадларининг қуйидаги тўртта асосий манбалари мавжуд бўлиб, улар иш ҳақи, фойда, мулкдан олинadиган даромад ва ижтимоий тўловлардан иборатдир.

Ўзбекистонда оила даромадларининг таркиби ҳақида далолат берувчи рақамлар 8.1- жадвалда келтирилган.

8.1- жадвал

Ўзбекистонда оила даромадларининг таркиби (фоиз ҳисобида)¹

Даромад турлари	Йиллар			
	1996	1997	1998	1999
Иш ҳақи	30,6	33,7	35,3	36,7
Талбиркорлик фаолияти даромади	26,5	29,3	25,2	25,8
Пенсия, стипендия ва нафақалар	13,6	8,3	9,2	12,1
Мулкдан келган даромад	1,8	0,7	0,4	0,3
Томорқа ҳўжалигидан келган даромад	20,1	17,1	18,7	16,5
Якка тартибда меҳнат фаолиятидан олинган даромад	1,1	5,2	6,4	6,4
Бошқа даромадлар	6,3	5,7	4,8	2,2

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг 1/3 қисми иш ҳақига тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда у аҳоли даромадларининг 70 — 80 фоизини ташкил қилади.

Иш ҳақи уч қисмдан: асосий иш ҳақи, мукофот тарзидаги иш ҳақи ва белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун берилadиган пул тўловидан ташкил топган бўлади (бу тўғрида кейинги параграфда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз).

Ҳозирги ўтиш даври аҳоли жон бошига тўғри келadиган даромадлар табақаланишининг чуқурлашуви билан тавсифланади. Ўзбекистондаги турли ижтимоий гуруҳлар даромади таркибини кўриб чиқайлик (8.2- жадвал).

¹ Доклад о человеческом развитии. Т., „Ўзбекистон“, 2001

2000 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли ижтимоий гуруҳлари буйича ўртача оила даромадининг таркиби (фоиз ҳисобида)

	Ялпи даромадлар	Шу жумладан, пул даромадлари	Шу жумладан								
			Ишловчиларга меҳнат ҳақи тўлаш	Тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромадлар	Индивидуал меҳнат фаолиятидан олинadиган даромад	Жорий трансфертлар	Мулкдан олинadиган даромадлар	Шахсий томорқа хўжалигидан олинadиган даромад	Бошқа тушумлар	Шахсий томорқа хўжалиги ва фермер хўжалигидан шахсий натурал истеъмол	
Ўзбекистон Республикаси	100,0	84,3	29,9	20,7	5,0	10,0	0,4	17,2	1,2	15,7	
Шу жумладан:											
ишчилар	100,0	87,1	54,5	5,6	7,0	10,1	0,0	8,5	1,5	12,9	
хизматчилар	100,0	86,3	55,8	6,5	2,4	10,7	0,0	10,1	1,0	13,7	
деҳқонлар	100,0	73,3	15,1	5,3	6,7	11,5	0,0	34,3	0,5	26,7	
тадбиркорлар	100,0	86,4	14,0	50,2	2,7	3,8	0,7	14,3	0,8	13,6	
пенсионерлар	100,0	88,5	16,5	3,7	3,5	56,2	0,6	4,3	3,7	11,5	

Юқоридаги жадвал маълумотларидан аҳоли ижтимоий гуруҳларининг даромадлари уларнинг шаклланиш манбаларига кўра қатъий фарқланиши кўриниб турибди. Иш ҳақининг улуши жамоа хўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар ва пенсионерлар даромадларининг жуда оз қисмини ташкил этади. Пенсионерлардаги бу камчилик трансфертлар ҳисобидан, жамоа хўжаликлари аъзоларида эса шахсий томорқа хўжалигидан олинadиган даромадлар ҳисобидан қопланади.

Фойда тадбиркорликнинг пул сарфлаб, таваккалига иш қилиб ҳавф-хатарни зиммасига олгани учун уларга келadиган пул даромади ҳисобланади. Тадбиркорнинг фойдага эга бўлиши ёки уни бой бериши бошлаган ишининг натижасига боғлиқ. Иш юришиб кетса, яхши фойда кўрилади, агар иш ўнгидан келмаса, фойда ўрнига зарар кўриш мумкин. Табиатан фойда кафолатланмаган даромад бўлиб, тез-тез ўзгариб туради.

Дивиденд акция эгасининг корхона фойдаси ҳисобидан оладиган даромадидир. Дивиденд миқдори корхонанинг ишлаб чиқариш —

хўжалик фаолияти самарадорлигига боғлиқ бўлиб, у қанча юқори бўлса, акциядор шунча кўпроқ даромад олади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг тобора кўпроқ қисми акциядорларга айланиб боради. Шунинг учун аҳоли даромадларида дивиденднинг салмоғи ортиб боради.

Фоиз — вақтинча бўш бўлган пул маблағларини ўзгаларга, қоида тариқасида банкларга қарзга бериш ҳисобидан олинадиган даромаддир. Фоизнинг даражаси унга бўлган талаб қанча кўп бўлса, шунча юқори бўлади. Ривожланган мамлакатларда вақтинча бўш, яъни жорий сарф-харажатлардан ортиқча бўлган пулни банкларга қарзга бериш кенг ривожланган бўлиб, бунинг натижасида аҳолининг фоиз сифатида оладиган даромадлари сезиларли миқдорни ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида *рента* деган тушунча ҳам аҳоли даромадларининг бир тури сифатида муҳим аҳамият касб этади. У кўчмас мулк (ер, иморат, квартира ва бошқалар)ни муқобил ишлатиш учун ижарага беришдан олинадиган даромаддир. Масалан, хонадон соҳиби уни ҳар ойда 5000 сўмлик ижара ҳақи тўлаш шарти билан ижарага топширган эди, дейлик. Энди шу хонадонни 10000 сўмга ижарага олувчи талабгорлар пайдо бўлди. Демак, хонадон эгаси уни янги нарх билан ижарага топшириб, 5000 сўмга тенг бўлган қўшимча фойда олиши мумкин. Ана шу 5000 сўм рентани ташкил этади.

Даромадларнинг махсус тури ҳисобланувчи пенсиялар 2 хил бўлади: қарилик пенсиялари ва ногиронлик пенсиялари.

Қарилик пенсиялари ходимнинг меҳнат фаолияти даврида ишлаб топган даромадларининг бир қисмини пенсия жамғармасига ўтказиш натижасида тўпланган маблағлар ҳисобидан у қариган чоғида тўланадиган тўловлардир. Пенсиянинг миқдори ишлаб топилган даромадларнинг кўп-озлигига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ҳол ҳар бир кишидан меҳнатга лаёқатли даврида яхшироқ меҳнат қилиб, кўпроқ даромад топишга ундовчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ногиронлик пенсияси ишга яроқсиз кишиларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишнинг шакли бўлиб, унинг миқдори ишлаб топилган даромадга мутлақо боғлиқ эмас.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида нафақалар аҳоли даромадларининг махсус тури бўлиб, улар кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга давлат, фирмалар ва хайрия ташкилотлари томонидан пул ва натура (озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳ.к.) кўринишида берилади.

Стипендия давлат ва фирмалар томонидан олий ўқув юртлари талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга бериладиган ёрдам пули ҳисобланади.

Томорқа даромади. Томорқа Иттифоқ даврида ҳам қишлоқда оила учун муҳим даромад ресурси ҳисобланган. Томорқа табиатан бозор иқтисодиёти талабларига ҳам мос тушади, шу боис у бозор муносабатларини ўзига сингдира олади. Шунини айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳолига 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерлар ажратиб берилди.

Мамлакатимизда 2000 йил 1 апрель ҳолатига жами 3 млн. 322,6 минг шахсий томорқа хўжаликлари мавжуд бўлиб, улардан 1 млн. 800 мингтаси ёки 55 фоизи деҳқон хўжаликлари сифатида рўйхатдан ўтказилди. Шундан 8,3 мингтаси юридик шахс сифатида ўзларининг ҳисоб рақамларини очганлар. Уларга 287,3 минг га ер ажратилган бўлиб, ўрта ҳисобда битта деҳқон хўжалигига 0,16 га майдон тўғри келади.

Деҳқон хўжаликларида 1999 йилда картошканинг 81 фоизи, мевасабзавотнинг 66 фоизи етиштирилди.

Томорқа ҳақида гап кетганда, у келтирган пул даромади билан чекланиш хато бўлади, чунки бу хўжалик аҳолининг каттагина қисмини бозордан маҳсулот сотиб олишдан халос этади, яъни томорқада яратиладиган маҳсулотдан оиланинг ўзида ҳам истеъмол этилади. Буни натурал истеъмол деб аталади. Натурал истеъмол туфайли оила бозордан маҳсулот харид этиш ташвишидан қутулади, бу ишнинг харажатларидан ҳам озод бўлади.

Инфляция шароитида оила ўзини ўзи маҳсулот билан таъминлашга кўпроқ мойилдир, чунки жамғарилган пул ўз қадрини йўқотсада, жамғарилган маҳсулотнинг қадри ортиб боради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, пул даромадлари аниқланганда, одатда пул тушумлари, натурал истеъмол ва турли имтиёзлар ҳисобга олинади.

Амалиётда ҳар бир мамлакатда аҳолининг пул даромадлари ва сарфларининг баланси ҳисобланади. Ўзбекистонда 1999 йилда аҳоли пул даромадлари 1027,5 млрд. сўмни, сарфлари ва жамғармалари 997,4 млрд. сўмни ташкил этган. Орадаги 30,1 млрд. сўмлик фарқ аҳолининг қўлида қолган маблағни ташкил этади.

Аҳоли пул даромадларининг сарфланиши, биринчидан, мамлакатлараро кескин фарқ қилса, иккинчидан, бир мамлакатнинг ўзида йилма-йил ўзгариб туради.

Мамлакатимизда аҳоли даромадлари сарфланишининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги 3 — 4 йил ичида аҳоли сарф-харажатларининг ўрта ҳисобда 44 — 46 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ва 24 — 28 фоизи ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун сарфланган бўлса, 5 — 6 фоизини хизматлар учун тўловлар, 12 — 13 фоизини солиқлар, 0,6 фоизгача қисмини жамғармалар (банк депозитлари ва акциялар) ва 8 — 12 фоизини бошқа харажатлар ташкил этди.

Даромадларнинг номинал ва реал шакли фарқланади. Номинал даромад аҳолининг пул шаклида олган жами даромадлари миқдорини кўрсатади. Унинг миқдори ва даражасига товарлар ва хизматларнинг баҳоси ҳамда солиқлар таъсир этмайди. Реал даромадлар эса аҳоли томонидан амалда истеъмол қилинган неъматлар ва жамғарилган маблағлар миқдорини кўрсатади. Табиийки, аҳоли ўзининг пул даромадларидан турли тўловларни амалга оширади ва солиқлар тўлайди. Шунинг учун реал даромадлар номинал даромадлардан ҳаммиша кам

бўлади. Ундан ташқари реал даромадларга мамлакатдаги товар ва хизматларга мавжуд баҳолар даражасининг ўзгариши кучли таъсир кўрсатади. Агарда товар ва хизматларга баҳолар иш ҳақига нисбатан тез ўсса, реал даромадлар пасаяди ва аксинча.

8.2. Иш ҳақи. Унинг шакллари ва тизимлари

Ҳар қандай жамиятда, у қандай иқтисодий тизимга асосланганидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлаш жуда муҳим аҳамият касб этувчи масаладир. У умуман олганда, меҳнат бозорининг асосий унсурларидан бири бўлиб, амалда ишчи кучи баҳосини белгилаб беради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий шакли иш ҳақи бўлиб, у ишчи ёки ходимга унинг меҳнати учун давлат ёки фирма томонидан белгиланган тартибда бериладиган тўловлардан иборатдир. Иш ҳақининг миқдори ишчи ёки ходим томонидан сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. У аҳоли даромадларининг муҳим манбаи бўлиб, тўла-тўқис шахсий истеъмол учун сарфланади.

Амалиётда номинал ва реал иш ҳақи тушунчалари мавжуд. Номинал иш ҳақи ишчи ёки ходимнинг маълум вақт ичида сарфлаган меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб тўланадиган иш ҳақидир. Номинал иш ҳақининг товарлар ва хизматларнинг баҳосига алоқаси йўқ.

Агар номинал иш ҳақи бир неча йиллар давомида ўзгармай қолса-ю, товарлар ва хизмат баҳоси кўтарилиб борса, ишчи ёки ходимнинг моддий аҳволи ёмонлашади, чунки у ўша иш ҳақи учун камроқ товарлар (хизматлар) сотиб олади.

Иш ҳақининг амалдаги даражасини аниқлаш учун реал иш ҳақи қўлланилади. У номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини билдиради. Реал иш ҳақининг миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- номинал иш ҳақининг миқдори;
- товарлар ва хизматлар баҳосининг даражаси;
- тўланадиган солиқлар миқдори.

Амалиётда, шунингдек, ўртача иш ҳақи ва минимал (энг кам) иш ҳақи деган тушунчалар ҳам учрайди.

Ўртача иш ҳақи деганда, корхона, тармоқ ёки бутун иқтисодиёт бўйича ҳисоблаганда ишчи ва хизматчиларга ўртача тўғри келадиган иш ҳақи тушунилади. Масалан, корхонадаги ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш учун шу корхонанинг бир ойлик иш ҳақи фондиди корхона рўйхатидаги ишчи ва хизматчилар сонига бўлиш керак.

Минимал (энг кам) иш ҳақи деганда, малака талаб қилмайдиган меҳнатда банд бўлган ишчи ёки ходимга тўланадиган иш ҳақи даражаси тушунилади. Бу даража мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ёки бошқача айтганда, мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига боғлиқ бўлиб, вақт-вақти билан ўзгариб (одатда, ортиб) туради.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи уларнинг малакаси, касб маҳорати ва бажарилаётган иш турига қараб табақаланштирилган ҳолда тўланади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлди. Республиканинг барча корхона ва ташкилотларида 22 тоифали (тўлов гуруҳлари) ягона тариф сеткаси жорий этилди (8.3-жадвалга қаранг).

8.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэф-фициенти	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэф-фициенти
0	1,000	12	3,581
1	1,450	13	3,808
2	1,595	14	4,038
3	1,755	15	4,271
4	1,930	16	4,508
5	2,115	17	4,748
6	2,308	18	4,991
7	2,510	19	5,238
8	2,716	20	5,488
9	2,926	21	5,741
10	3,140	22	5,998
11	3,358		

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, ишчи ёки хизматчининг бир малака разрядидан иккинчисига ўтиши учун сезиларли манфаатдорлик мавжуд. Масалан, ишчига 4- тариф разряди билан ҳақ тўланмоқда, дейлик. У ҳолда унинг иш ҳақи 6619,9 сўмни ташкил қилади. Бу рақам қуйидагича аниқланади. Энг кам иш ҳақи га тенг бўлган 0- разряднинг тариф ставкаси, яъни маоши 4- разряддаги ишчининг 1,930 га тенг бўлган тариф коэффициентига кўпайтирилади, яъни $3430 \times 1,930 = 6619,9$ сўм. Энди малакаси ёки касб маҳорати ошган ишчи 5- разрядга ўтказилди, дейлик. У ҳолда унинг ойлик иш ҳақи ($3430 \times 2,115$) 7254,45 сўмни ташкил қилади.

Мазкур тариф сеткасидаги 1 — 8- разрядлар ишчилар меҳнати-ни тарификациялаш (баҳолаш) учун мўлжалланган бўлса, 9 — 16- разрядлар билан мутахассис ва хизматчиларга иш ҳақи тўланади.

Иш ҳақининг 2 та шакли мавжуд бўлиб, улардан биринчиси вақтбай иш ҳақи бўлса, иккинчиси ишбай иш ҳақидир.

Вақтбай иш ҳақининг мазмуни шундан иборатки, унда ишчи кучининг баҳоси, яъни иш ҳақи муайян маҳсулотни тайёрлаш ёки операцияни бажариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Одатда, иш ҳақининг мазкур шакли хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассис ва ишчилари учун ҳамда юқори даражада автоматлашган ишлаб чиқариш соҳаларида кўпроқ қўлланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳақи муайян вақт ичида тайёрланган маҳсулот (бажарилган иш)нинг миқдори ва сифатига қараб белгиланади. Иш ҳақининг бундай шакли, одатда, ишчининг меҳнат фаолияти кўрсаткичларини меъёрлаштириш имкониятлари мавжуд бўлган ҳолларда қўлланади.

Иш ҳақининг бирор-бир шаклини танлаш конкрет ишлаб чиқариш шароити ва ишчиларнинг меҳнат мазмунини батафсил таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришнинг техник даражасининг ўсиши вақтбай меҳнат ҳақи тўланадиган ишчилар сонининг кўпайишига олиб келади.

Иш ҳақининг ҳар икки шакли ҳам ўз навбатида муайян тизимларга эгадир.

Иш ҳақининг ишбай шакли қуйидаги тизимлардан ташкил топган:

Бевосита ишбай тизими. Бунда ишчининг маоши унинг ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки кўрсатган хизматининг миқдори ва сифатига бевосита, яъни тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Билвосита ишбай тизимида ишчининг иш ҳақи унинг шахсий иш унумига эмас, балки кўпроқ бошқа ишчиларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ.

Тўғри ишбай тизимида ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки кўрсатган хизмати учун доимий ишбай баҳолаш бўйича иш ҳақи тўланади.

Иш ҳақининг эгри ишбай тизимида ишчининг маоши бевосита у хизмат қилаётган ишчиларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотига ёки кўрсатган хизматига боғлиқ бўлади.

Мазкур тизим асосий ишчиларнинг иш унумдорлигини ошириш ва мумкин қадар ишни тезлатиш учун ёрдам тариқасида улар билан бир қаторда банд бўлган ёрдамчи ишчиларга меҳнат ҳақи тўлаш учун ишлатилади.

Иш ҳақининг ишбай-прогрессив тизимида бажарилган иш учун белгиланган бошланғич меъёрга асосан, қўшимча чиқарилган маҳсулот учун эса белгиланган меъёр (норма)дан юқорироқ бўлган баҳо билан ҳақ тўланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-ишбай тизимида иш ҳақининг миқдори (аккорд баҳоси) ишнинг умумий ҳажми учун белгиланади.

Меҳнат ҳақининг ишбай-мукофот тизимида алоҳида шахс ёки гуруҳга бажарилган иш учун бериладиган маошга қўшимча ҳақ (яъни мукофот) кўзда тутилади. Мукофот эришилган ютуқларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари билан белгиланади.

Энди вақтбай иш ҳақи тизимлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий вақтбай тизими ишчига берилган даража ва ишлаган вақти миқдорига яраша тариф ставкаси билан белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофотли тизими вақтбай ишловчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган тизимдир. Мукофотлаш кўрсаткичлари муайян ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, ускуналарнинг бекор туришини қисқартириш, хом ашё, материалларни тежаш ва ҳоказолар)га қараб турлича бўлиши мумкин.

Меёрлашган топшириқ билан вақтбай-мукофотли меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ҳам ҳозирги кунда кенг тарқалиб бораётган тизим бўлиб, уни қисқа қилиб меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-ишбай аралаш шакли, деб юритиш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг юқорида келтирилган шакллари ва тизимларининг иқтисодий тармоқларида қўлланиш кўламлари турлича. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ўртасидаги нисбат вақтбай иш ҳақи фойдасига ўзгариб боради. Чунки хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобат ахборот ва компьютер технологияларини жорий қилиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва хизмат соҳаларини кескин ривожлантиришга олиб келади. Натижада вақтбай иш ҳақининг қўлланиш соҳалари кенгайиб бораверади.

8.3. Оила даромадининг ўсиш омиллари

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида жамият аъзоларининг турмуш даражаси ва улар даромадларининг таркибида ҳам жиждий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзининг мулкий мақомини ўзгартирган ва мулк соҳибларига айланган фуқароларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Оилалар ижтимоий мақомининг ўзгариши натижасида тadbиркорлар, фермерлар ва ижарачилардан иборат янги ижтимоий қатламлар пайдо бўлмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида келтирилган кўйидаги рақамларга эътибор берсангиз, ана шу янги ижтимоий қатламларнинг бугунги иқтисодийтимизда тутган ўрни ҳақида ўз мулоҳазаларингиз пайдо бўлишига шубҳа қилмасиз ҳам бўлади. 2000 йилнинг бошида аҳолининг 12 фоизини ишчилар, 12 фоизини хизматчилар, 48 фоизини тadbиркорлар ва фермерлар, 20 фоизини ижарачилар ва 8,0 фоизини пенсионер оилалар ташкил этди.

Кўп укладди бозор иқтисодиёти шароитида оила даромадларининг 2 хил тури мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби ва истиқболлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Биринчиси, бозор даромадлари бўлиб, улар, асосан, бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлаб топилган даромадлардир. Уларга тадбиркорлик фаолиятидан топилган даромадлар, мулкни ижарага беришдан топилган даромадлар, қимматбаҳо қоғозлардан тушган дивидендлар, томорқа ва деҳқон хўжалигидан олинган фойда, корхона ва ташкилотлардаги ёлланма меҳнат эвазига олинган иш ҳақи ва бошқа шунга ўхшаш даромадлар киради.

Иккинчиси, бозор қонунларига алоқаси бўлмаган ва муҳтожлик сабабли юзага келувчи даромадлардир. Бу даромадларга аҳолига бериладиган турли хил пенсия ва нафақалар, стипендиялар, хайрия жамғармалари, корхоналар, фирмалар ва турли ташкилотлар томонидан пул ёки натура кўринишида бериладиган моддий ёрдамлар киради.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт суръатлари тезлашиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ўсиб бораверади. Бунинг натижасида ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган кишиларга муайян ишни бажаргани учун бериладиган иш ҳақи миқдорларини муттасил ошира бориш имкониятлари кенгая боради. Шу билан биргаликда, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойданинг мутлақ миқдорлари ҳам кўпая боради. Ундан ташқари тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони илгари бундай фаолият билан шуғулланмаган ишчи ва хизматчилар ҳисобига кўпая боради.

Булар ҳаммаси аҳоли даромадлари таркибида бозорий (шундай десак маъқулроқ бўлади) даромадларнинг салмоғини ортиб боришига олиб келади.

Яқин ва узоқ келажакда нобозор даромадлар аҳоли даромадларининг таркибида ўз салмоғини камайтирса ҳам, бироқ ўз ўрнини мутлақо йўқотмайди. Гап шундаки, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисми ҳар қандай жамиятда ҳам мавжуд бўлади. Булар, асосан, ногиронлар, пенсионерлар, вақтинча ишга яроқсизлар, ишсизлар ва бошқалар. Аҳолининг бу тоифадаги ижтимоий қатламлари, ҳатто, ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлиб, давлат, фирма ва компаниялар уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш чораларини кўради.

Аҳоли даромадлари, одатда, пул ва натура кўринишида бўлади.

Пул кўринишидаги даромадларга ёлланма меҳнат учун олинадиган иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинган фойда, пенсия, нафақа, стипендия ва шунга ўхшашлар киради.

Даромадларнинг натура кўринишидаги хилига ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг меҳнат фаолиятига тўланадиган ҳақ эвазига озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа кўринишда бериладиган неъматлар ва буюмлар ҳамда томорқа хўжалигидан шахсий истеъмол учун қолдирилган маҳсулотлар киради. Даромадларнинг бундай тури кўпроқ қишлоқ хўжалигида учраб туради.

Натура кўринишидаги даромадлар табиатан бозор иқтисодиётига тўла-тўқис мос тушмайди. Қишлоқ хўжалигини истисно қилганда, меҳнат ҳақини натура кўринишида тўлашни, умуман, мазкур тизим тамойилларига зид деса бўлади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти аҳолининг барча ижтимоий қатламлари турмуш даражасини яхшилаш, барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилгандир. Бунинг учун, авваламбор, аҳоли даромадларини муттасил ошира бориш учун давлат томонидан ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратилиши даркор.

Шу муносабат билан мамлакатимизда бир қатор қонунлар қабул қилиндики, улар аҳолини нафақат иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни назарда тутаяди, балки унинг меҳнат қилиш ҳуқуқини тўла-тўқис намоён бўлиши учун ҳуқуқий асос ҳам ҳисобланади. Булар жумласига „Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида“ги, „Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалик-лари) тўғрисида“ги, „Фермер хўжаликлари тўғрисида“ги, „Дехқон хўжаликлари тўғрисида“ги, „Тадбиркорлик фаолиятлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“ги ва бошқа қонунлар киреди.

Оила даромадлари ўсишининг ташқи ва ички омиллари мавжуд. Ташқи омилларга мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ва унинг ўсиш суръатлари ҳамда давлатнинг иқтисодий сиёсатида аҳолининг турмуш фаровонлигини ўстириш масаласига берилаётган эътибор киреди.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ва унинг ўсиш суръатлари қанча юқори бўлса, муайян бажарилган иш учун шунча кўпроқ иш ҳақи тўланади. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Англия, Япония ва ҳ.к.)да ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ривожланаётган мамлакатларга нисбатан бир неча баробар юқоридир.

Ўзбекистонда аҳолининг 2/3 қисми қишлоқ жойларида яшайди. Демак, мамлакат аҳолиси аксарият қисмининг турмуш даражаси қишлоқ хўжалиги, унинг ривожланиш даражаси ва суръатлари билан боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қишлоқларда саноат корхоналари ташкил қилиб, уларга иш билан банд бўлмаганларни жалб қилиш аҳоли даромадларини ўстиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатнинг муайян иқтисодий тараққиёт даражасида иш ҳақи учун ажратилаётган маблағлар ва бинобарин, оила даромадлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қураётган мамлакатлар (хусусан, Ўзбекистон)да давлатнинг иқтисодий сиёсатида аҳоли турмуш даражасини ошириш устувор йўналиш ҳисобланади. Бундай шароитда давлат имкони борича иш ҳақини ошира бориш чораларини кўради.

Оила даромадлари ўсишининг ички омилларига оиланинг иқтисодий фаолияти ва бу фаолиятнинг самарадорлик даражаси киреди.

Ҳозир оила даромади ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни иш ҳақи билан чегаралаб қўяди. Ваҳоланки, аслида иш ҳақи оила даромадларининг 36 — 38 фоизини ташкил қиляпти, холос. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимизда оила даромадларининг манбалари етарли даражада кўп. Муайян бир оилани олсак, унинг даромадини иш ҳақи, фойда, ижара ҳақи, дивиденд, стипендия, нафақа каби тушунчалар ташкил этади.

Республикаимизда гадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилгани туфайли ундан тушган даромад оила даромадларида салмоқли ўрин эгаллай бошлади ва ҳозирги кунда у 25 фоиздан ортиб кетди.

Тадбиркорлик даромади кичик бизнес соҳиблари, фермерлар ва якка тартибда ишловчиларнинг топган фойдаси ва акциялардан тушадиган дивидендлардан иборатдир.

Мазкур даромадлар ичида дивидендларнинг салмоғи ҳозирча етарли эмас, дейиш мумкин. Бунинг биринчи сабаби оилалар иқтисодий салоҳиятининг ҳозирги кунда етарли даражада юқори эмаслиги бўлса, иккинчи сабаби қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ҳали тўла-тўқис шаклланиб бўлмагани ва акцияларга аҳоли ишончининг етарли эмаслигидир.

Томорқа оила даромадларининг ресурси сифатида яқин орада ўз аҳамиятини йўқотмайдиган манба ҳисобланади, чунки ўз моҳиятига кўра бозор хўжалигидир.

Оила томорқаси табиатан тарқоқ ва тартибсиз хўжалик бўлганлиги сабабли баъзан маҳсулот кўп етиштирилиб, унинг бозори касод бўлиши ва арзон-гаров, ҳатто, харажатларни ҳам қопламайдиган нархда сотилиши ҳам мумкин. Сотилгани иложи бўлмаганидан баъзи бир маҳсулотлар нес-нобуд бўлиб, оила кутилган даромадга эриша олмай қолади. Оилалар томорқанинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқ ҳисобга олишлари, бозорнинг ҳолатига қараб нимани, қанча етиштириш, маҳсулотни қаерда ва қанчадан сотилишини ҳал этишлари томорқадан тушадиган даромадларни кўпайтиришнинг муҳим шартли ҳисобланади.

Ёлланиб ишлаш бор ерда меҳнат даромади мавжуд. Иш ҳақи табиатан меҳнат даромади ҳисобланади. Унинг миқдори меҳнат унумдорлигига боғлиқ, чунки бозор иқтисодиётида ҳар қандай даромад ресурсларнинг (капитал, ишчи кучи, ер) қанчалик унумли ишлатилганлигининг натижаси бўлади.

Шу боис иш ҳақи миқдори меҳнат унумдорлигининг даражасидан келиб чиқади. Бу қоида моддий ишлаб чиқариш соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказо)га тегишлидир. Номоддий соҳалар (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо)даги иш ҳақи ишлаб чиқаришда яратилган даромадларнинг бюджет орқали тақсимланишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасалардаги иш ҳақи бюджет имкониятларидан келиб чиқади.

Давлат бозор шароитида ўзини ўзи молиялаштирувчи, яъни топган пулига қараб кун кўрувчи корхона ва ташкилотлар берадиган иш ҳақини белгиламайди. У фақат иш ҳақининг энг кам миқдорини қонун йўли билан чегаралайди, унинг умумий миқдори, энг юқори даражаси корхонанинг ўзига боғлиқ. Бас, шундай экан, иш ҳақи ҳар бир меҳнат жамоасининг бозор талабига нақадар мослаша билишига, самарали ишлай олишига боғлиқ. Нобюджет корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг оз ёки кўп бўлиши табиий, чунки бозор қонидасига кўра ҳар бир кишининг даромади унинг меҳнатининг ҳосиласи бўлади. Бозорбоп, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарган ва меҳнат унумдорлигини ошира билган корхоналарда иш ҳақи юқори бўлса, бунинг уддасидан чиқмаганлар эса иш ҳақи бера олмайдилар.

Бозор иқтисодиётининг табиати ва моҳиятига кўра ҳамма фаровон яшаши керак. Бироқ оилаларнинг фаровонлик даражаси ҳар хил бўлади. Бозор иқтисодиётидаги тенгсизлик адолатли, чунки ҳамма топган-тутганига қараб даромадга эга бўлади. Аммо топиш-тутиш бир хил бўлмагани туфайли даромад ҳам ҳар хил бўлади. Маълумки, тадбиркорлар бошқалардан кўп пул топишади, лекин тадбиркорлик ҳамманинг қўлидан келавермайди. Даромаддаги тенгсизлик адолат деб баҳоланганда, албатта, оиланинг қонуний йўл билан топган даромадининг фарқланиши назарда тутилади. Фуқароларнинг корхона ёки давлатнинг ҳақиға хиёнат қилиб топилган даромадларини адолатли деб бўлмайди. Аксинча, у яширин иқтисодий фаолият меваси бўлади ва жамият буни қаттиқ қоралайди. Яширин, пинҳоний иқтисодий фаолиятнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш чора-тадбирларини амалга ошириш давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

8.4. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири сифатида белгиланган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молдий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли манфаатларини кўзилаб, уларни давлат, корхона ва ташкилотлар ўз ҳимоясига олади. Бу бозор муносабатлари тизимига ўтиш жараёнидаги энг муҳим муаммолардан биридир. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки оқибатлари нарх-навонинг кўтарилиши ва ишсизликнинг ошишидан иборат бўлди. Бундан биринчи навбатда аҳолининг камбағал ва иқтисодий жиҳатдан заифроқ табақалари кўпроқ зарар кўрди. 90- йилга келиб Ўзбекистонда жон бошига энг паст даромад тўғри келадиган кишилар сони умумий аҳолининг 45 фоизини, яъни 9 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган эди.

Ўзбекистон мустақилликни эълон қилган дастлабки даврдаёқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишини жаҳонга маълум қилди ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-


қувватлаш тамойили Президентимиз И. А. Каримов стратегиясининг асосий қоидаларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши давр тақозоси эди, десак хато бўлмайди. Чунки республикамиз собиқ Иттифок республикалари ичида охириги ўринлардан бирида эди.

Аҳолининг катта қисми, айниқса, қишлоқ аҳолиси жамиятда расман эътироф этилган қашшоқлик даражасида яшарди. Расмий статистик маълумотларга кўра, 1989 йилда жон бошига ҳисобланганда республикадаги оилаларнинг 44 фоизининг пул даромади расман белгиланган энг кам иш ҳақидан ҳам оз эди.

Бундай шароитда кучли ижтимоий кафолатни вужудга келтирмай туриб, ўтказилган ислоҳот барбод бўлиши муқаррар эди. Бозор иқтисодиётига зиддиятларсиз, силлиққина ўтиб бўлмаслигини олдиндан кўра билган республика Президенти И.А.Каримов: „Жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи ёмонлашадиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас“¹, — деб таъкидлаган эди.

Қуйида келтирилган чизмада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ва яқин келажакда ҳам сақланиб қолажак йўналишлари келтирилган.



8.1- чизма. Ижтимоий ҳимоя йўналишларининг таркибий қисмлари.

Даромад сиёсати ҳақида гап кетар экан, авваламбор, тоталитар тизим пайтида шаклланиб қолган боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш зарурлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Маълумки, тоталитар иқтисодий тизимда даромадлар бир текисда тақсимланиб, кишиларни иқтисодий жиҳатдан бараварлаштиришга интилиш етакчи ўринда турарди, бой бўлиш тақиқланарди, даро-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., „Ўзбекистон“, 1993, 73- бет.

мадлар маълум миқдор билан чекланарди. Бундай шароитда халқимиз „давлат ва ҳукумат, корхона ва хўжалик бор экан, улар ҳаммасини ўйлайди ва бизни кулфатда қолдирмайди“, деб ўз имкониятларини тўла-тўқис ишга солмасдан боқимандалик кайфиятида яшаб келдилар.

Бозор муносабатлари шароитида олинган даромадларни тақсимлаш тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида товар ва хизматларни яратишнинг ўсиши учун кучли рағбат бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг юқори даражаси чекланмаган бўлиб, уларни ҳар бир инсоннинг меҳнат натижалари ва сифатига қараб тақсимлаш тизими ҳукмронлик қилади.

Даромаднинг қобилият, билим, малака, маҳорат ва умуман, салоҳиятга қараб тақсимланишидан келиб чиққан тенгсизлик табиатан адолатли ҳисобланади. Яхши ишлаган ишчи ёки хизматчининг кўп даромад топиши табиий, чунки у ҳаётий неъматларни кўп ва сифатли яратгани учун уларни кўпроқ ўзлаштириши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат турли истеъмол моллари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларига дотациялар ўрнатади, яъни уларни ҳақиқий баҳосидан камроқ нархларда сотишни назарда тутаяди. Бундай дотациялар аҳолининг муайян қатламларини эмас, балки барча фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жорий этилиб, давлат бюджетига анчагина оғир юк ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари даражасида кескин табақалашувга йўл қўймаслик чоралари давлатнинг диққат марказида турувчи масалалардан ҳисобланади. Шуни назарда тутиш керакки, гап адолатсиз даромадлар тўғрисида борапти. Катта даромад фақат ҳалол ва унумли иш натижаси эвазига бўлиши керак. Нопок йўл билан даромад топувчилар давлат назоратида бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бирмунча ривожланиб кетган нопок даромад топиш йўллари бу тизим маданийлашиб борган сари тобора барҳам топиб боради ва адолатли даромадлар салмоғи ортиб боради.

Даромад сиёсати соҳасида индексация муҳим роль ўйнайди. Аҳоли даромадини индексация қилиш деганда, аҳоли буюмлари ва хизматларнинг қимматлашган бир қисмини ёки тўла қисмини қоплаш учун фуқароларнинг даромадини ошириш тушунилади.

Индексация бир йўла бериладиган иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги даромадларнинг даражаларини қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Жаҳон амалиётида индексациянинг автоматик ва ярим автоматик усуллари мавжуд.

Индексациянинг автоматик усулида иш ҳақи баҳо индексининг ўсиш суръатига мутаносиб равишда оширилади ва аҳоли даромадининг зарар кўрган қисми тўла қoplanади. Аммо бу усул иш ҳақининг самарали ташкил қилинишига салбий таъсир кўрсатади, чунки бунда иш ҳақининг ошиши меҳнат унумдорлиги билан боғланмаган ҳолда амалга оширилади.

Ярим автоматик усулда баҳонинг ошишини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақини қанчага ошириш уч томон (давлат, касаба уюшмаси ва ишловчилар) иштирокида шартнома тузиш йўли билан ечилади.

Индексацияни амалга оширишда „истеъмол саватчаси“ таркибини аниқлаш зарурияти туғилади. Инсонга зарур бўлган озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчилик учун кифоя қиладиган ҳажми „истеъмол саватчаси“ деб аталади.

Аҳолининг шундай қатламлари борки, улар қанчалик фаоллик қилмасинлар, ўз даромадларини ошира олмайдилар. Улар қаторига нафақахўрлар, болаликдан ногиронлар, уруш ногиронлари, ишсизлар, кўп болали оилалар, меҳнатда ва турли бахтсиз ҳодисалар сабабли майиб бўлган фуқаролар киради.

Республика мустақиллиги қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб ҳукуратимиз бу тоифадаги аҳолига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида: „Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга“, — деб таъкидланади.

Нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларга бериладиган нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари билан бирга имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги билвосита тўловлар ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, нафақахўрлардан солиқ олинмайди ва уларнинг ижтимоий аҳволи эътиборга олиниб, улар оладиган нафақанинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ортиқ бўлишига муттасил ҳаракат қилинмоқда.

Республикада ногиронларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ногиронлар ер юзидаги жами аҳолининг 7,5 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимизда эса бу кўрсаткич 2,5 фоиз атрофида. Уларнинг ҳар бирига нафақа ва бошқа имтиёзлар билан бир қаторда ўртача 2 — 3 минимал иш ҳақи миқдорида ёрдам бериб келинмоқда.

Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган „Нафақа тўғрисида“ ги, „Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида“ ги қонунлар уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилишга қаратилгандир. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан мадад бериш тизими муттасил такомиллаштириб борилмоқда. 1994 йилнинг октябрь ойидан бошлаб кам таъминланган оилаларга давлат нафақаси жорий этилди. Бу нафақа энг кам иш ҳақи миқдорининг 1,5 — 3 бараварига тенгдир.

Кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган ёрдамни тақсимлаш фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда истиқомат қилувчи оилаларнинг 10 — 12 фоизи нафақа олмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоялашнинг ноёб тизими шаклланди ва амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ижтимоий ҳимоянинг қуйидаги йўналишлари устувор ҳисобланади:

— ислохотларнинг биринчи босқичида соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият соҳасида яратилган тизимни янада ривожлантириш;

— давлат томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларини доридармонлар, вакциналар ва бошқа зарур тиббий ашёлар билан таъминлаш, касалланиш, ўлим ва болалар ўлими кўпайишининг олдини олиш;

— ижтимоий соҳани давлат томонидан пул билан таъминлашнинг камайишига йўл қўймаслик, уни бюджетдан ташқари маблағлар билан таъминлашнинг бозор механизмини яратиш;

— маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида бозор ўзгаришларини жадаллаштириш ва ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини юксалтириш чораларини амалга ошириш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан, айниқса, мушкул аҳволга тушиб қолади. Шу сабабли мамлакатимизда айнан шу соҳаларни устувор даражада ривожлантириш, уларда ишловчиларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш ва уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати амалга оширилмоқда.

Энг қизиқарли мавзулардан бирини ёритувчи ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг:

- ◆ *Бозор муносабатлари шароитида молия қандай функцияларни бажаради?*
- ◆ *Давлат бюджети нима ва у қандай манбалар ҳисобига шаклланади?*
- ◆ *Республикамизда давлат бюджети қайси мақсадлар учун тақсимланади?*
- ◆ *Солиқларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли нимадан иборат?*
- ◆ *Суғурта нима учун бозор тизимида хос унсур ҳисобланади?*
- ◆ *„Қимматли қоғозлар“ тушунчаси нимани билдиради ва уларнинг қандай турлари бор?*

9.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари

Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири пул бўлиб, у одамларни ҳаракатга келтирувчи асосий омил сифатида хизмат қилади. Пул аслида ўзи ҳам товар бўлиб, одамларни меҳнат қилишга, билим олишга, ўз малакасини муттасил ошира боришга, тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланишга ва ҳоказоларга ундайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул ўта муҳим иқтисодий восита сифатида намоён бўлади. У туфайли ишлаб чиқаришнинг такрорланиши амалга ошади, иқтисодий ўсишга эришилади. Пул шаклидаги маблағлар бозорда бошқа ресурсларга айланади, товарлар сотилиб, яна пулга айлантиради.

Пул маблағларини ҳосил қилиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатларни молия ёки молиявий муносабатлар деб юритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча иқтисодий жараёнларнинг амалга оширилиши пул маблағларининг ҳаракатланиши билан боғланиб кетган. Шунинг учун молиявий муносабатлар жамият иқтисодий ҳаётида марказий ўринни эгаллайди.

Ҳар қандай ижтимоий фаолият пул маблағларини талаб қилади. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, барибир, молияни юзага келтиради. Маҳсулотлар ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнг исътемом этилиши мумкин. Улар қиймат шаклида тақсимланганда, дастлаб турли мақсадларга мўлжалланган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айирбошланиб, шундан кейин исътемом қондирилади.

Масалан, қиймат шаклидаги маҳсулот тақсимланганда, уни яратиш учун сарфланган меҳнат қуроллари қийматини ифодаловчи қисми амортизация фонди шаклига киради. Бу ўз навбатида молиявий ресурсга айланади, йиғилиб боради, унга янги машина ва механизмлар сотиб олиниб, эскирганлари ўрнига тикланади.

Маълумки, умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади. Булар жумласига атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, мудофаа, миллий хавфсизлик, ижтимоий тартибни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқалар киради. Мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ. Аммо бундан молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан келиб чиқади, молиявий муносабатларни фақат давлат яратади, деган хулоса келиб чиқмайди. Давлат молияни яратувчи эмас, балки молия муносабатларининг иштирокчисидир.

Молиявий ресурсларни ташкил этишда ва ишлатишда иштирок этувчилар молиявий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Булар жумласига давлат идоралари, корхоналар, фирмалар, ташкилотлар, турли муассасалар, оилалар ва айрим шахслар киради. Улар молиявий муносабатларда умумдавлат эҳтиёжлари (аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг соғлиғини сақлаш, унга таълим бериш, мамлакат мудофаасини мустақкамлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва ҳ.к.) ҳамда корхона ва фирмаларни ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш мақсадида иштирок этадилар.

Молиявий муносабатларнинг объекти эса пул маблағларидан иборатдир.

Жамият тараққиётида молиявий муносабатларнинг ўрни беқиёсдир, зеро, уларни инсон организмни доимий равишда қон билан таъминлаб турувчи қон-томир тизимига ўхшатиш мумкин.

Иқтисодиётни ривожлантиришда молиявий муносабатларнинг роли улар томонидан бажариладиган қуйидаги функциялар (вазифалар) орқали намоён бўлади.

Тақсимлаш функцияси. Бу функция ўз навбатида бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш функцияларидан иборат.

Бевосита ишлаб чиқаришда юзага келадиган тақсимлаш бирламчи деб юритилади. Бундай тақсимлаш натижасида иш ҳақи фонди, социал суғурта учун ажратмалар, амортизация жамғармалари, фойда ва рағбатлантириш пуллари шаклланади.

Иккиламчи тақсимлаш давлат билан корхоналар (фирмалар), ташкилотлар ўртасида рўй беради. Бундай тақсимлаш жараёнида турли хил солиқлар ва ажратмалар воситасида давлат корхона ва ташкилотлар пул маблағларининг бир қисмини ўз бюджетида мужассамлаштиради ва юқорида кўрсатиб ўтилган умумдавлат эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Масалан, корхонада бир йилда 100 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бирламчи тақсимлаш натижасида унинг 60 млн. сўми амортизация фондига, 20 млн. сўми иш ҳақи фондига, 15 млн. сўми фойдага ва 5 млн. сўми ижтимоий суғуртага ажратилади, дейлик. 20

млн. сўмлик иш ҳақи фондининг 5 млн. сўми даромад солиғи сифатида, олинган 15 млн. сўмлик фойданинг тахминан 8 млн. сўми тўловлар шаклида давлат бюджетига тушади. Давлат ўз ихтиёрига ўтган 13 млн. сўми умуммиллий вазифалардан келиб чиқиб, турли мақсадларга тақсимлайди, яъни молиявий ресурсларни иккиламчи тақсимлаш содир бўлади.

Рағбатлантириш функцияси. Молия воситалари орқали давлат хўжалик субъектларини иқтисодий фаолликка ундайди. Солиққа тортишда имтиёзлар бериш ёки уларнинг миқдорини (фоизини) камайтириш корхона (фирма)лар ихтиёрида қоладиган пул маблағларини кўпайтиришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ҳолларда давлат томонидан корхона ва ташкилотларга молиявий кўмак (субсидиялар) ҳам ажратилади ва бу билан уларнинг фаолияти рағбатлантирилади.

Ижтимоий ҳимоя функцияси. Давлат жамият аъзолари маълум қатламларининг минимал тирикчилик юритишини молиявий жиҳатдан таъминлаб туради.

Жамиятда шундай ночор ижтимоий қатламлар борки, улар объектив сабабларга кўра, ўз-ўзини тўла таъминлай олмайди. Масалан, ногиронлар, кўп болали оилалар, ишсиз қолганлар. Уларнинг тирикчилиги махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан, масалан, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақалар, ногиронлик пенсиялари орқали таъминланади. Бу маблағларни нафақат давлат, балки корхона, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ўз маблағлари ҳисобидан ҳам уюштиради.

Молиянинг ижтимоий ҳимоя функцияси, айниқса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ёрқин намоён бўлади.

Иқтисодий ахборот бериш функцияси — хўжалик субъектлари ва жамият иқтисодий фаолиятининг молиявий яқунлари хусусида маълумот ва хабарлар бериб туришдан иборат бўлиб, иқтисодиётни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ҳолат молияда ўз ифодасини топади. Молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришнинг қандай бораётганини кузатиш мумкин. Молиявий фондлар ҳаракатига қараб, ишлаб чиқариш, тақсимот ва исътемом бир-бирига нақадар монандлигини, улар орасидаги мутаносибликни билиш мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатига қараб, уларнинг хўжалик фаолиятини яхши ёки ёмон эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Молиявий ахборотларга қараб тадбиркорлар ўз ишининг бориши, ўз шерикларининг аҳволи, рақобатчилар имконидан огоҳ бўладилар.

Молия ўз функцияларини аниқ молиявий воситалар орқали бажаради. Харажатлар, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, тўловлар, бож ҳақи, суғурта ҳақи, субсидия, дотация,

компенсация кабилар шулар жумласига киради. Улар айна вақтда молия ресурсларини ташкил қилади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик — молия фаолиятига таъсир этиш омиллари бўлиб хизмат қилади. Масалан, дивиденд миқдорининг ошиб бориши ўз акциясини чиқарган корхона молиявий аҳволининг яхшилигидан дарак беради, натижада акция курси ошади, корхонага ташқарилан пул оқиб кела бошлайди.

Молия ресурслари пул манбаи бўлиб хизмат қилади. Амортизация фонди ва фойдадан ажратилган пул маблағлари инвестиция учун хизмат қилади, уларни кўпайтириш ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш демакдир.

Молиявий ресурслар орасида фойда муҳим ўрин тутаети, чунки у соф даромад сифатида иқтисодий ўсиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳисобидан нафақат инвестиция фонди, балки ҳар хил резерв ва суғурта фондлари, шунингдек, ижтимоий фондлар ташкил этилади.

Молия ресурслари иқтисодиётни кутилмаган ҳодисалардан, масалан, табиий офатлар, фалокатлардан ёки жаҳон бозори нархининг пасайиб кетишидан ҳимоя қилади. Молиявий ресурслар пул шаклида бўлиб, бу пуллар иқтисодиётга амалий таъсир этиши учун, албатта, моддий жиҳатдан таъминланиши керак, яъни тўпланган пул ортида керакли моддий маҳсулотлар бўлиши шарт. Акс ҳолда улар пуллигича (қоғозлигича) қолиб, ишлаб чиқаришга наф келтирмайди.

Молиявий ресурслар икки турда бўлади: биринчиси — микроресурслар ёки марказлашмаган ресурслардир. Улар корхона, фирма, компания, концерн, ташкилот, жамоат уюшмалари ва бошқа хўжалик субъектларининг ўзига тегишли ёки улар қарзга олган пул маблағларидан иборат. Иккинчиси — макроресурслар бўлиб, улар умумдавлат миқёсида ташкил топади. Улар бюджет ҳисобидан ёки бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан пайдо бўлади ва давлат ихтиёрида туради. Микроресурслар корхона, ташкилот фаолиятига хизмат қилса, макроресурслар умумиқтисодий, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Бозор иқтисодиётида микроресурслар бирламчи (устуворлик) мавқега эга бўлади, чунки иқтисодий фаолият эркинлиги шароитида хўжаликнинг дастлабки бўғини бўлган корхона, фирма, компания ва хўжаликлар молияси иқтисодий ўсиш таянчи ҳисобланади. Аммо макроресурслар иқтисодиётни тартибга солишда асосий роль ўйнайди ва давлатнинг иқтисодий вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Молиявий ресурсларнинг турли даражада ташкил топиши ва ишлатилиши туфайли иқтисодий фаолиятни молиялаштириш усуллари ҳам турличадир. Биринчидан, иқтисодий субъектлар ўзини ўзи молиялаштиради. Улар ўз сарф-харажатларини ўзларининг пуллари билан қоплайдилар. Иккинчидан, иқтисодий субъектлар ўз маблағлари етишмаса, қилинган сарф-харажатларни банк кредити ҳисобидан қоплайдилар. Учунчидан, субъектлар фаолияти учун пул маблағлари

зарур бўлган ҳолларда давлат ҳисобидан ҳам бундай маблағлар ажратилади. Давлат бюджетдаги ёки бюджетдан ташқари ташкил этилган пул фондларини қайтариб олмаслик шарти билан корхона, ташкилотлар ва муассасаларга ажратиб бериб, уларни молиялаштирилади. Аммо бу бозор иқтисодиётида иккиламчи усул ҳисобланади.

Барқарор иқтисодий тараққиёт учун молия маблағларининг эркин ҳаракати талаб этилади. Бунга молия бозори орқали эришилади. Молия бозори миллий ва халқаро ҳўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шаклидир. У таркибан қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарзга бериладиган пул бозоридан иборат бўлади. Қарз пули табиатан бир хил эмас. У биринчидан, пулни ишлатиб, даромад топишни кўзлайди, бунда пул капитал шаклини олади. Иккинчидан эса пул шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади ва оддий тўлов ёки харид воситаси вазифасини бажаради.

Давлат ўз қўлидаги молия ресурсларидан фойдаланиб, бюджетдан молиялаштириш, дотация бериш, солиқлардан озод қилиш, солиқларни енгилаштириш орқали иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, молия муносабатларини такомиллаштириш бориш ва уни бошқариш иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш молиявий аҳволни соғломлаштириб, банк тизимини қайта куришни биринчи галдаги чора-тадбирлар сифатида кун тартибига қўйди. Шу муносабат билан молиявий бозорни шакллантириш ва ривожлантириб бориш объектив жараёнга айланди. Бу жараённинг муваффақияти банк соҳасидаги маркетинг ривожига, турли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабатларга, шунингдек, банк хизматлари бозорининг шаклланишига, банкларнинг фоизлар сиёсати ва бошқа хилдаги фаолиятига кўп даражада боғлиқдир.

9.2. Давлат бюджети. Унинг шаклланиши ва тақсимланиши

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, у муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий тизими, шунингдек давлат қурилишини акс эттиради.

Мамлакат бюджетининг таркиби, аввало, давлат қурилишига боғлиқдир.

Давлат бюджети мамлакат пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори белгилаб берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети иқтисодиётни тартибга солиш, ҳўжалик конъюнктурасига таъсир кўрсатиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига тушумлар таркиби ¹

Йиллар	Милр. сўм	% ҳисобида	Бевосита солиқлар			Билвосита солиқлар			Мулк солиқлари ва ресурс туловлари						
			Жами	Корхоналар фойда солиғи	Шу жумладан Даромад солиғи	Жами	ККС	Актив солиқлар	Шу жумладан Божхона туловлари	Жисм. шахслардан олинган бож туловлари	Жами	Шу жумладан			
												Корхоналардан	Фойдаланганлик учун туловлар	Сўвдан Фойдаланганлик учун туловлар	Ер ва ердан Фойдаланганлик учун туловлар
1998	440.1	100	31,5	18,9	12,7	51,0	30,0	19,0	2,0	0,0	11,9	2,6	6,0	2,9	5,4
1999	624.0	100	29,3	15,2	14,1	53,9	24,8	27,7	0,8	0,6	10,9	3,1	5,2	2,5	5,9
2000	910,1	100	26,4	13,0	11,6	56,0	24,9	28,6	1,2	1,3	9,9	3,1	4,4	2,4	7,7

¹ Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. Чораклик нашр, 2001 й.

Мамлакат бюджетининг таркиби, аввало, давлат қурилишига боғлиқ бўлиб, у даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборатдир.

Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этади. Уларнинг иштироқи, асосан, солиқлар тўлаш шаклида юз беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг шаклланиш манбалари юқоридаги 9.1- жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бевосита солиқларнинг бюджет тушумларидаги салмоғи камайиш тенденциясига эга, у охириги 3 йил ичида 31,5 фоиздан 26,4 фоизга камайган. Бу ҳол корхона фойдаси ва даромадларидан олинадиган солиқни 31 фоиздан 26 фоизга туширилиши ва аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг ҳам камайтирилиши натижасида содир бўлди. Айни пайтда бюджет тушумларида акциз солиғининг салмоғи 19,0 фоиздан 28,6 фоизга кўтарилди.

Давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг (маҳаллий) бюджетларини ўз ичига олади. У Ўзбекистон Республикасининг „Бюджет тизими тўғрисида“ги Қонунига биноан Олий Мажлис томонидан қабул қилинади.

Ҳар қандай мамлакат давлат бюджетининг тақсимланиши кўп жиҳатдан шу мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига, ундаги ўзига хосликлар ва устуворликларга боғлиқдир.

9.2- жадвалда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1998 — 2000 йилларда тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

9.2-жадвал

Ўзбекистон давлат бюджетининг тақсимланиши¹

	Жами	Маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, ижтимоий таъминот	Ижтимоий муҳофаза	Иқтисодиёт	Марказлаштирилган инвестициялар	Давлат бошқаруви	Бошқалар
1996	100,0	35,7	9,6	11,7	20,2	2,3	20,5
1998	100,0	37,0	9,3	11,5	21,2	2,5	18,6
2000	100,0	35,4	7,7	10,3	20,2	1,9	24,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда давлат бюджетининг деярли 1/3 қисми халқ таълими, аҳоли соғлиғини сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларининг эҳтиёжларини қондириш ва фуқароларни ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларни қоплаш

¹ 9.1- жадвалда келтирилган манбадан олинди.

учун сарфланади. Давлат бюджетда бу соҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар келажакда ҳам салмоқли улушга эга бўлиб қолади. Зеро, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қураётган мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши инсон омили билан боғлиқ.

Агар бюджет даромадлари харажатларни қоплай олмай, камомад ҳосил бўлса, бюджет тақчиллиги юзага келади. Аммо ҳар қандай тақчилликни хатарли деб бўлмайди. Агар тақчиллик ҳажми яратилган ялпи ички маҳсулот қийматининг 2 — 5 фоизига тенг бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги 3 йил ичида бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 1,5 — 2,0 фоизини ташкил этди.

Бюджет камомади, одатда, даромадлар ва харажатларни мувофиқлаштириш орқали бартараф этилади, яъни даромадлар кўпайтирилади ёки харажатлар камайтирилади. Аммо асосий йўл иқтисодиётни ўстириш орқали бюджет даромадларини кўпайтирган ҳолда камомадни нормал ҳолга келтиришдан иборатдир.

Бюджетдаги тақчилликка, авваламбор, иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар орқали барҳам бериш, шу жумладан, етиштирилган хом ашё ва материалларни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида „Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустақамлаш зарур“¹, деб таъкидлайди Президентимиз И. А. Каримов. Маҳаллий бюджетларга кенг иқтисодий эркинлик бериш туманлар, шаҳарлар, вилоятлар мустақиллигини таъминлайди. Бюджетларнинг шаклланиши ва ундан фойдаланишдан манфаатдорлик ошади. Шу билан бирга давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Бюджет тақчиллиги билан давлат қарзи бир-бирига боғлиқ бўлган тушунчалардир. Ҳозирги кунда деярли ҳамма мамлакатларда давлат қарзларининг ортиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан бюджетни тартибга солиш масаласи ҳар қандай ҳукуматнинг олдида турувчи марказий муаммолардан биридир.

Давлат бюджетини шакллантириш борасида тўпланган тажриба уни тартибга солишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон ҳукумати ўзининг давлат бюджети сиёсатини амалга оширишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш бюджет камомадини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Чунки иқтисодий ўсиш

¹ И. А. Каримов. „Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида“. Т., „Ўзбекистон“ 1995, 208- бет.

даврида бюджетга солиқлар тушуми автоматик равишда кўпаяди, макроиқтисодий барқарорлик эса буни рағбатлантиради. Демак, бюджет камомати автоматик равишда ўз-ўзидан йўқ бўлади.

Хукумат ўз мамлакатининг шароитларидан келиб чиққан ҳолда бюджет сиёсатини ишлаб чиқади. Бундай сиёсат мамлакатнинг пул салоҳияти доирасида молиявий ишларнинг аниқ дастурига эга бўлишни, бюджет камомати устидан назорат ўрнатилишининг ва уни қоплаш манбаларини қидиришни, катта самара берадиган иқтисодий дастурларга бюджетдан маблағ ажратишни талаб қилади.

9.3. Солиқлар ва солиқ тизими

Солиқлар умумдават эҳтиёжларини қондириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари ва мулкидан ундириб олинadиган мажбурий тўловлардир. Улар давлат молия ресурсларининг асосий манбаи бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Солиқ тизими деганда, солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа тўловлар ҳамда уларни ундиришнинг умумий тамойиллари мажмуи тушунилади.

Солиқлар ва солиқ тизими бозор муносабатларининг самарали амал қилиши учун муҳим ва қудратли омил ҳисобланади. Солиқлар пул ресурсларининг давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди. Бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдават ва минтақавий вазифаларини ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш ва даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида“ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетларига ва маҳаллий бюджетларга солиқ кўринишида тушадиган даромад манбаларини белгилаб беради.

Солиқларни жорий этишдан мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини яратиш, юридик шахсларнинг тadbиркорлик фаолиятини тартибга солиш, халқаро тўловларни марказлаштирилган йўл билан амалга ошириш, шунингдек, чет эл валютасининг мамлакат ҳудудида муомалада бўлишини барқарорлаштириш учун мустаҳкам молиявий манбаларни таъминлашдир. Солиқ тўлаш ҳўжалик юритувчи субъект билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни бозор иқтисодиётига мос бўлган асосий шакли, даромадларни ҳўжалик субъектлари билан давлат ўртасида тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиқлар, энг аввало, умумдават эҳтиёжларини қондиришни молиявий маблағлар билан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади. Давлат олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, хусусан, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш,

маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, мудофаа, ижтимоий ва миллий хавфсизликни таъминлаш жуда кўп молиявий ресурсларни талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва солиқ характериға эға бўлган тўловлар орқали амалға оширилади. Шунинг учун солиқ тўлаш ҳар бир хўжалик субъекти, меҳнат жамоаси, юридик ва жисмоний шахс учун мажбурий бўлиб қолмай, муқаддас бурч ҳамдир. Солиқларни тўламасликка, тўлов муддатларини кечиктиришға, уларнинг объектини яшириш ёки суммасини камайтириб кўрсатишға ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқсак, давлатнинг бажарган хилма-хил хизматлари учун мамлакат ичидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳақ тўлашлари керак, яъни давлатнинг хизмат кўрсатувчи муассасалари (мудофаа, хавфсизлик хизмати ва ҳ.к.) ўз хизматларини сотишлари зарур. Демак, мазкур хизматлар товар даражасига кўтарилиши ва бозорга чиқиши керак. Бироқ, бу хизматлар „ижтимоий товарлар“ бўлганлиги учун алоҳида корхоналар буларни кўрсатишдан бош тортади, чунки бу мураккаб ва қимматға тушади. Бошқа корхоналар, юридик ва жисмоний шахслар эса мазкур ижтимоий товарларни сотиб олишдан бош тортади. Демак, бозор бундай товарларни қабул қилмайди.

Лекин масаланинг иккинчи томонини олсак, ҳеч ким, яъни юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам „ижтимоий товарлар“ни истеъмол қилишдан бош тортмайди, уларнинг зарурлигини билади. Бироқ алоҳида корхоналар бу товарлар учун ҳақ тўлашға қодир эмас. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг жамиятға кўрсатадиган хизматлари ҳақини қоплаш учун мажбурий тўловлар сифатида солиқлар мақсадға мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси „Солиқ кодекси“нинг 5 — 8- моддаларига биноан солиқ тизими 9.3- жадвалда кўрсатилган.

Солиқлар ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижада улар ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади.

Солиқ нимаға солинади, яъни солиқ объекти бўлиб нималар ҳисобланади? Мамлакатимизда солиқ объектларини уч гуруҳға бўлиш мумкин. Булар товар айланмаси, олинган фойда ёки даромад ва мулкдир.

Солиққа тортиладиган объект солиқ номини ифода этади ва кўп ҳолларда солиқ манбаиға мос келади. Масалан, корхона фойдасига солиқ солишда солиқ объекти ҳам, манбаи ҳам фойдадир. Даромад солигининг объекти ҳам, манбаи ҳам фуқаро олган ялпи даромаддир. Солиқ муносабатларида қатнашувчи томонлар солиқ субъектлари ҳисобланади. Амалиётда, кўпинча солиқ субъекти деганда, солиқ тўловчиларнинг ўзи тушунилади. Аммо ҳеч қандай солиқ муносабатсиз бўлмайди. Муносабат бўлиши учун эса камида икки томон бўлиши керак. Демак, солиқ субъектлари бу солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) ва солиқ ундирувчилар (солиқ идоралари)дир.

Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1.Хуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ	1.Мол-мулк солиғи
2.Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ	2.Ер солиғи
3.Қўшилган қиймат солиғи	3.Реклама солиғи
4.Акциз солиғи	4.Автотранспорт воситаларини қайта сотиш солиғи
5.Ер остидан фойдаланиш солиғи	5. Кичик бизнес учун ягона солиқ
6.Экология солиғи	6.Социал инфратузилмани ривожлантириш солиғи
7.Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи	7.Савдо ҳуқуқи йиғими, шу жумладан, алоҳида товарлар турларини сотиш лицензия йиғими
8.Савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиғи	8.Ишбилармонлик билан шуғулланувчи ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими
9.Божхона солиғи	9.Автотранспортнинг вақтинчалик турар жойи йиғими ва солиғи
10.Давлат божи	10.Ободонлаштириш ишлари йиғими
11.Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими	
12.Бошқа даромадлар	

Солиқ нима ҳисобидан тўланса, ўша нарса солиқ манбаи бўлади. Масалан, ерга солиқ солинганда, ер майдони солиқ объекти ҳисобланади ва ердан келадиган даромад унинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин амалиётда ер солиғини ундиришда корхоналарнинг бошқа даромадлари (фойдаси) ёки фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан ҳам солиқ ундириш тартиби мавжуд.

Солиқ манбаларини тўғри, тўлиқ аниқлаш, уларнинг тегишли қисмини солиқ солиш усули билан давлат бюджетига ўтказиш, шу билан бирга корхона, бирлашма, ташкилот ва аҳолига солинадиган солиқ меъёри мутаносиблигини таъминлаш давлат учун энг мураккаб ва масъулиятли ишдир.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми *солиқ нормаси* деб аталади. Солиқ нормаси даромад (фойда) суммаси, мол-мулк қиймати ёки товар сотиш обороти миқдорига қараб белгиланади. Масалан, 2001 йил 7 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ги Ўзбекистон

Республикасининг Қонунига асосан фуқароларнинг даромад солиғида солиқ нормаси уларнинг олган даромадларига қараб, 13, 23 ва 33 фоиз қилиб белгиланди. Бу солиқ ставкаси деб аталади.

Солиқ нормаси олдиндан қатъий (сўмда ёки фоизла), яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив, яъни солиқ объекти миқдорига қараб ортиб боровчи, ўзгарувчан шаклларда белгиланади.

Солиқ оғирлиги ҳамма солиқли ва солиқсиз тўловлар йиғиндисини, солиқ нормаси эса фақат бир солиқ ёки тўловнинг бюджетга ўтказиладиган қисмини ифода этади.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб оборотдан олинадиган солиқлар, даромаддан олинадиган солиқлар ва мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқларга бўлинади.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ ҳам, оборотдан олинадиган ягона солиқ ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромади (фойдаси)га ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан ва рекламадан олинадиган солиқлар киради. Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи, ер остидан фойдаланиш солиғи, экология, автомобилларни қайта сотиш солиғи ва бошқалар киради.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар тўғри ва эгри солиқларга бўлинади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий адабиётларнинг бир қисмида бу солиқлар бевосита ва билвосита солиқлар деб аталади. Айрим ҳолларда, масалан, юқоридаги параграфда, мулк солиқлари ва ресурс тўловларини „бевосита солиқлар“дан ажратган ҳолда кўрсатиш ҳам учраб туради.

Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта. Тўғри солиқ юқини бошқаларга ортиш ҳолати бўлмайди. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан тўланадиган солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўпроқ қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратади. Бу солиқларнинг ставкалари кўпайтирилса, бизнес имкониятлари камая бориб, иқтисодий ривожланиш сусаяди. Демак, бу гуруҳ солиқларининг ставкалари тўғридан-тўғри бозор иқтисодиёти билан чамбарчас боғлангандир.

Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулотни ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилардир. Лекин солиқ оғирлигини ҳақиқатан ҳам бюджетга тўловчилари товар

(иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширинган. Бу солиқ товар (иш, хизмат) қиймати устига устама равишда қўйилади.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, ер остидан фойдаланиш солиқлари киради. Тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бири бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқ суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш иккинчисининг ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқ солиш амалиётида солиқ бирлиги деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у бутун объектдан солиқ ҳисоблаш учун зарур бўлган меъёр вазифасини бажаради. Масалан, аҳоли ихтиёридаги ердан солиқ ундирилаётганда ҳар „бир кв.метр“, корхоналар еридан ҳар „бир гектар“ солиқ бирлиги ҳисобланади.

Масалан, Наманган шаҳрининг 1 зонаси учун 1 кв. м. солиқ бирлигига 5,4 сўм солиқ ставкаси бўлса, 100 кв. м. ер учун 540 сўм тўланади. Демак, солиқ бирлигини асос қилиб олиб, солиқ ставкасига кўпайтирилса, йиллик жами солиқ суммаси ҳисобланади.

Солиқ объектининг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр *солиқ ставкаси* деб юритилади. Бу ставка қатъий суммаларда ёки фоизларда объектга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-сонли қарорига асосан, аҳолидан ундириладиган ер солиғи Фарғона водийсининг шаҳарлари учун, масалан, 3,2 сўмдан 5,4 сўмгача бўлган миқдорда солиқ ставкаси белгиланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул инфляцияси, яъни қадрсизланиши содир бўлиб тургани сабабли қатъий суммалардаги солиқ ставкаларини қўллаш анча мураккаб вазифадир. Шунинг учун ҳам солиқ ставкаларининг аксарияти фоизларда белгиланади. Масалан, 1998 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиқ ставкаси 20%, фойдага солиқ ставкаси 2002 йил 1 январдан 24%, юридик шахсларнинг мол-мулкига 2%ли ставка бўйича солиқ солинади.

Солиқ ставкалари мутаносиб, прогрессив ва регрессив кўринишларда бўлади.

Мутаносиб солиқ ставкаси усулида фойда ёки оборотга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бир хил мутаносибликда (улушда) солиқ тўлайдилар. Масалан, корхона асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати 200 минг сўм бўлиб, ундан ундириладиган солиқ ставкаси 4% белгиланганда, йиллик солиқ суммаси 8 минг сўмни ташкил этади.

Даромад ёки фойда ортиб бориши билан солиқ ставкаси ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай ставкаларни прогрессив солиқ ставкалари дейилади. Буни биз Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлардан олиннадиган даромад солиғи ставкасида кўришимиз мумкин (9.4-жадвал).

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг тўрт карраси миқдоригача	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг тўрт карраси (+1 сўм)дан саккиз карра миқдоригача	Тўрт каррасидан солиқ + энг кам иш ҳақи тўрт карра миқдоридан ошадиган суммадан 23 фоиз
Энг кам иш ҳақининг саккиз карраси (+1 сўм)дан ва ундан юқори	Саккиз каррасидан солиқ + энг кам иш ҳақининг саккиз карра миқдоридан ошадиган суммадан 33 фоиз

Кўриниб турибдики, прогрессив солиқ ставкалари қўлланганда, ишчининг даромади қанчалик ошиб борса, у бюджетга шунчалик кўпроқ даромад келтиради.

Регрессив солиқ ставкаси усулида даромаднинг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ёки экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан солиқ ставкаси камайиб боради ва корхона бюджетга камроқ солиқ тўлай бошлайди. Регрессив ставкалар бирор фаолият ёки соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки экспорт ҳажмларини оширишни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлаётган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш кабиларни солиқ қонунчилигида *солиқ имтиёзлари* ёки *сийловлари* деб юритилади.

Солиқ имтиёзлари аксарият ҳолларда бирор ишлаб чиқариш соҳасини, фаолият турларини рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

Солиқлар давлатнинг молия ресурслари миқдорини бевосита белгилаб беради. Агар давлатнинг молиявий ресурсларини оширишга зарурият бўлса, солиқ имтиёзлари камайтирилади. Ва аксинча, корхона, ташкилотларнинг фаоллигини ошириш керак бўлса, солиқ имтиёзлари кенгайтирилади. Лекин макроиқтисодиёт даражасида солиқ имтиёзларига кўп берилиб кетиш, бизнинг фикримизча, солиқ тўловчиларда боқимандачилик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин. Кўшниси солиқдан озод бўлган корхона ёки фуқаро шундай имтиёзни олиш учун ҳамма очиқ ва тақиқланган усулларни ишга солиши мумкин.

Корхона, бирлашма ва ташкилотларга солиқлардан бериладиган имтиёзларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Солиқдан батамом озод этиш.
2. Солиқдан қисман ва вақтинча озод этиш.
3. Солиққа тортиладиган (даромад) базасини камайтириш.

Масалан, корхонада ишловчи ходимлар таркибининг 50% дан ортигини ногиронлар, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари) даромад (фойда) солиғидан тамомила озод этиладилар.

Агар корхонанинг экспортга сотган товарлари улар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажмининг 15% дан 30% игача бўлса, солиқ ставкаси 30% гача камайтирилади, 30% ва ундан кўп бўлса, бундай корхоналар фойда (даромад) га солиқ ставкасини 2 марта камайтирилган ҳолда солиқ тўлайдилар.

Янги ташкил этилган корхоналар (биржа, тайёрлов-улгуржи, воситачи, савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) биринчи тузилган йили солиқни белгиланган солиқ ставкасидан 25 фоизини ва иккинчи йили 50 фоизини тўлайдилар.

Пул муомаласини мустаҳкамлашда, айниқса, пул инфляциясини жиловлашда солиқлар катта роль ўйнайди. Хусусан, солиқлар нақд пулсиз ҳисоб- китоблар орқали ундирилганда, муомалага чиқиши лозим бўлган пулларни камайтиради. Эгри солиқлар (акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) ёрдамида товарлар баҳоси оширилиб, муомаладаги пул массасининг харид қилиш қобилияти қисқартирилади, яъни муомаладаги бир қисм пуллар товар баҳоси орқали олинади.

Нақд пулда ундириладиган солиқлар (аҳолидан ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар) муомалага чиқиб кетадиган пуллар массасини камайтиради, товар билан таъминланмаган пулларнинг бир қисмини муомаладан олиб, марказлашган давлат пул фондига (бюджетга) қайтаради.

Пайдо бўлиш манбаига қараб солиқлар ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан, яъни корхона ва аҳолидан олинadиган солиқларга бўлинади.

Давлат бюджетига тушиши лозим бўлган даромадларнинг 80% га яқини корхоналардан олинadиган солиқлар, 14% ни фуқаролардан олинadиган солиқлар ва қолган қисмини солиқсиз тўловлар ташкил қилади.

Бюджетга ўтказиш нуқтаи назаридан солиқлар давлат ва маҳаллий солиқларига бўлинади. Давлат солиқлари тўғридан-тўғри республика бюджетига тушадиган солиқлардир. Бундай солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда (даромад) солиғи, фуқароларнинг даромад солиғи, божхона солиғи, божхона божи ва бошқалар кирadi.

Маҳаллий солиқлар эса тўғридан-тўғри маҳаллий бюджетларга тўлалигича тўланади. Уларга ер солиғи, мол-мулк солиғи, реклама

солиғи, автомобиль воситаларини олиб сотганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ кабилар киради.

9.4. Бозор иқтисодиётида суғуртанинг роли

Бозор иқтисодиётига хос бўлган унсурлардан бири суғурта бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш ва аҳолини кўнгилсиз ҳодисалардан ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Суғуртанинг асл мақсади табиий офатлар ҳамда тасодифий ҳодисалар натижасида хўжалик субъектлари ва аҳолининг кўрадиган зарарини тўла ёки қисман қоплашдир. Инсон яшаши учун моддий неъматлар яратиши лозим. Жамият истеъмол қилишни тўхтата олмаганидек, ишлаб чиқаришни ҳам инкор қилолмайди. Барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда жамият ҳаётининг моддий асоси ишлаб чиқариш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Лекин ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалар салбий таъсир кўрсатади, унинг ҳажмини камайтириб, маҳсулотнинг сон ва сифат даражасини пасайтириб юборади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун эса етказилган талафот ўрнини тўлдириш, фуқароларга эса зарар оқибатларини тугатишда ёрдам бериш зарур. Бунинг учун ташқаридан, биринчи навбатда, пулли ёрдам ташкил қилиш керак бўлади. Мана шундай пулли ёрдамнинг молиявий манбаи сифатида суғурта жамғармалари ташкил этилади. Улар, асосан, суғурталанувчиларнинг бадаллари асосида шаклланади.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши ва молия бозорида ҳам давлат монополиясининг тугатилиши оқибатида мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган суғурта компаниялари вужудга келди. Мамлакат Олий Мажлиси томонидан суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун қабул қилинди. Бозор муносабатларини тўлақонли амал қилишига кўмаклашувчи суғурта инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бошқармаси билан бир қаторда, „Мадад“ суғурта агентлиги ва 60 га яқин тижорат асосида фаолият юритувчи суғурта ташкилотлари амалий фаолият кўрсатмоқдалар.

Суғуртага Ўзбекистон Республикасининг „Суғурта тўғрисида“ги Қонунида куйидагича таъриф берилади: „Суғурта – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ва қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир“.¹

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 8- жилд, Т., „Адолат“, 1994, 38 — 39- бетлар.

Бу таърифдан кўриниб турибдики, табиий офатлар ва кўнгилсиз ҳодисалардан келтирилган зарарларни қоплаш учун пул жамғармаларини ташкил қилиш суғурта тизимининг амал қилиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан шаклланадиган бу жамғармаларни ҳосил қилишда суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар ўртасида муносабат юзага келади. Ўзбекистон шароитида бу муносабат юзлаб суғурта ташкилотлари билан минглаб корхона ва ташкилотлар, фуқаролар ўртасида шаклланади. Кўрсатилган шахслар тўлаган бадалларидан юзага келадиган пул жамғармалари улкан миқдорларни ташкил қилади. Жамғарма ҳосил бўлганидан кейин унинг ҳисобидан кўрилган зарарлар қопланади. Суғурта ташкилоти зарар миқдориغا қараб маблағ ажратади. Суғурталанувчи бу маблағлар ҳисобидан зарарларни ва уларнинг оқибатларини тугатишга ҳаракат қилади, суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасидаги бу муносабатлар, асосан, кредит муассасалари орқали амалга оширилади.

Суғурта муносабатларини шакллантириш ва уларни такомиллаштира бориш ҳар қандай давлатнинг ҳам муҳим вазифалари қаторига киради. Чунки, одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ривожлана боргани сари турли табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқалар) билан бир қаторда инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар (ёнғин, портлаш, Орол денгизининг қуриб қолиши каби ҳолатлар) кўпайса кўпаядики, аммо камаймайди. Булардан зарар кўрувчи корхоналар, фирмалар ва аҳолини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун, албатта, суғурта агентликлари ва ташкилотларининг ёрдами зарур бўлади.

Суғуртанинг муҳим хусусияти унинг муайян ҳудуд доираси билан боғлиқлигидир. Масалан, 1966 йил 26 апрелда Тошкентда бўлган кучли зилзиладан Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари ва унинг аҳолиси зарар кўрган бўлса, 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган террористик актлар натижасида кўплаб иморатлар вайрон бўлди, шу шаҳарлар аҳолисининг муайян қисми катта зарар кўрди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мана шундай катта талафотлардан кўриладиган моддий зарарнинг миқдорлари ҳам катта бўлади. Бундай ҳолларда суғурта агентликлари ва ташкилотларининг кўрилган зарарни қоплаш имкониятлари етарли бўлмай қолиши мумкин. Масалан, Тошкент зилзиласи юз берганда, республиканинг барча мавжуд захиралари ҳам етишмаган, шунда қўшни республикалардан, ҳатто, хорижий мамлакатлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилган.

Суғуртанинг яна бир хусусияти унинг вақт тушунчаси билан боғлиқлигидир. Мажбурий суғурта бир неча ўн йилга мўлжаллаб, шунингдек, маълум ёшга етгунга қадар тузилади. Шу билан бирга, бир йиллик, ҳатто, чораклик суғурта хиллари ҳам мавжуд. Суғурта муддати қанча кўп бўлса, шунга қараб суғурта тўловлари ҳам кўпайиб боради.

Суғурта бадаллари зарарни қоплашга сарфланади ва бу орқали суғурталанувчи ихтиёрига қайтарилади. Айрим суғурта хилларида бадалнинг бир қисми суғурта ҳодисаси содир бўлмаганда ҳам белгиланган миқдорда қайтарилади.

Республикамиз вилоятлари жуғрофий жиҳатдан ҳар хил табиий шароитга эга бўлганлиги сабабли турли жойларда ўзига хос суғурта ҳодисалари учраб туради, улар ўз кўлами жиҳатидан хўжаликка фавқулодда ва кескин зарар етказиши туфайли бир-биридан фарқ қилади. Суғурта жамғармаси фақат зарар оқибатини тугатиш эмас, балки уларнинг олдини олиш, аниқроғи, огоҳлантириш тадбирларига ҳам сарфланади. Бунинг учун суғурта бадаллари тушумларидан маълум фоизи огоҳлантириш фондини ташкил қилишга ажратилади ва бу фонд ҳисобидан ҳар йили қатор тадбирлар амалга оширилади.

Суғуртанинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни унинг бажарадиган функцияларида ўз ифодасини топади. Суғурта тушунчаси молия ва кредит тушунчалари билан ўзаро боғланиб кетганлиги сабабли, уларни тақсимлаш ва назорат функцияларини амалга оширишда суғурта ҳам иштирок этади. Шу билан биргаликда суғуртанинг фақат ўзига хос бўлган функциялари ҳам мавжуддир, булар хавф-хатар, огоҳлантириш, инвестиция, омонат ва ахборот функцияларидир.

Маълумки, инсоният қадим замонлардан буён жуда кўп табиий офатларни бошидан кечирган. Шу сабабли у маҳсулот, уруғлик, ёқилги ва бошқа моддий-молиявий захиралар ҳосил қилиб, улар ҳисобидан кўрилган зарарларни қоплаган. Суғуртанинг хавф-хатар функцияси айнан мана шунда намоён бўлиб келган. Келажакда ҳам унинг бу функцияси сақланиб қолаверади.

Суғуртанинг огоҳлантириш функцияси унинг хавф-хатар функцияси билан боғлиқ бўлиб, мазкур функция суғурта тўловларининг умумий тушумидан маълум қисмини хавф-хатарнинг олдини олиш учун қуйидаги мақсадларда фойдаланишида намоён бўлади:

1. Ёнғиндан огоҳлантириш ва ёнғинга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш.
2. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг камайишига қарши тадбирлар.
3. Чорва молларида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш тадбирларини бажариш.

Суғуртанинг инвестиция функцияси бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиб, суғурта ташкилотининг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам беради. Суғурта бадалларининг йиғилиши ва улар ҳисобидан зарарнинг қопланиши бир вақтда эмас, балки турли муддатларда содир бўлади. Ишлатилмай бўш турган маблағлар ҳисобидан захира фонллари ташкил қилинади ва уларнинг бўш турган қисмидан тижорат мақсадлари учун фойдаланилади.

Суғуртанинг омонат функцияси шундан иборатки, шахсий ва мулк суғуртасида суғурта бадаллари маълум муддатда суғурта

ташкilotи ихтиёрида бўлади. Агар суғурта даврида бирор суғурта ҳодисаси рўй берса, суғурта ташкilotи етказилган зарарни ўз ҳисобидан тўлайди, омонат кассаларида эса бундай хусусият мавжуд эмас. Омонат кассаларида омонатларга маълум муддатларга сақланган даврга нисбатан фоиз олиш ҳуқуқи берилади, холос.

Суғуртанинг ахборот функцияси бозор иқтисодиётига хос бўлган функциядир. Илгари, яъни Ўзбекистонда суғурта монополияси мавжуд бўлган шароитда, суғурта бундай функцияни бажармаган. Эндиликда республика ҳудудида ўнлаб янги суғурта компаниялари ва ташкilotлари пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос суғурта объектлари ва шартлари мавжудлиги муносабати билан суғурта ахборот функциясини ҳам бажара бошлади. Суғурта ташкilotларининг кўпчилиги мол-мулкни суғурта қилиш билан шуғулланади, тиббиёт, транспорт ва бошқа суғурта компаниялари мавжуд бўлиб, улар хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб боради. Шундай экан, булар ҳақидаги ҳолис ахборотларни суғурталанувчиларга етказиш, албатта, биринчи навбатда суғурта ташкilotлари зиммасига тушади.

9.5. Қимматли қоғозлар бозори

Қимматли қоғозлар бу — қонунда белгиланган тартибда чиқарилган ва номинал қийматга эга бўлган пулли ҳужжатлардир. Улар мулкчилик муносабатларини ифодалайди ва қандайдир мулк ёки пул миқдорига эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Қимматли қоғозлар дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда мазкур ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини ҳам назарда тутлади.

Бошқача қилиб айтганда, эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад олишни кўзловчи, эмиссия қилувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ўзаро мулкий муносабатни билдирувчи, бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи барча пулли ҳужжатлар *қимматли қоғозлар* деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида“ги Қонунида кўрсатилишича, мамлакатимиз ҳудудида қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари амал қилади: акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари, векселлар, ҳосилавий қимматли қоғозлар.

Акциялар акциядорлик жамиятининг устав жамғармасига муайян ҳисса қўшганликдан гувоҳлик берувчи, унинг эгасига жамият фойдасининг бир қисмини олиш ва уни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Акциялар бўйича уларнинг эгаси оладиган даромад *дивиденд* деб аталади. Дивидендларнинг миқдори акциядорлик жамиятининг йил давомида олган фойдасига бевосита боғлиқдир. Катта фойда олган

жамиятнинг ўз акциядорларига кўпроқ дивиденд тўлаш имконияти мавжуд бўлса, камроқ фойда олган жамиятларнинг тўлайдиган дивидендлари ҳам камроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чиқарилаётган акцияларнинг 2 хил тури мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акцияларидир. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциялари очиқчасига муомалага чиқарилиб, кейинчалик жамиятларнинг розилигисиз қўлдан-қўлга ўтиб, ўз эгасини алмаштириб туриши мумкин. Ёпиқ турдаги жамиятлар акциялари сармоядорлар ўртасидагина тақсимланиб, фақат компания умумий йиғилишининг розилиги билан қўлдан-қўлга ўтиши мумкин.

Акцияларнинг иккинчи тури бу — эгасининг номи ёзилган ва фақат унинг мулки ҳисобланадиган акциялардир. Акция эгаси жисмоний шахс бўлса, унинг фамилияси, агар юридик шахс бўлса, ташкилотнинг номи кўрсатилади.

Акциялар, шунингдек, оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акция эгаси акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, у оладиган дивидендининг миқдори жамиятнинг йил давомидаги иш натижаларига боғлиқ. Имтиёзли акциялар эгаси акциядорлар йиғилишида қатнашиш, демак, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Акция эгасига бериладиган имтиёз шундан иборатки, унга тўланадиган дивиденд миқдори кафолатланган бўлиб, жамиятнинг иш натижаларига боғлиқ эмас.

Облигациялар дейилганда, унинг эгаси маълум миқдордаги пул маблағларини қарзга берганлигини ва унинг эвазига маълум муддат ўтгандан кейин қарз белгиланган фоиз билан қайтарилишини тасдиқловчи қимматли қоғоз тушунилади.

Облигациялар, уларни чиқарувчи, яъни эмитентнинг хусусиятига кўра 3 хил бўлади: давлат облигациялари, муниципал (маҳаллий) облигациялар ва корхоналарнинг облигациялари.

Хазина мажбуриятлари бу — уларнинг эгалари томонидан бюджетга маълум миқдордаги пул маблағларини берилганини ва улар маълум муддат давомида белгиланган даромадни олиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Табиатан хазина мажбуриятлари давлат облигациялари билан ниҳоятда яқин бўлиб, одатда 3 хил кўринишга эга:

1. Узоқ муддатли — 5 ва ундан ортиқ йиллик муддат.
2. Ўрта муддатли — 1 йилдан 5 йилгача.
3. Қисқа муддатли — 3, 6 ва 9 ойлик.

Жаҳон амалиётида уларнинг биринчиси „Bond“, иккинчиси „Note“ ва учинчиси „Bill“ деб юритилади.

Депозит сертификатлари бу — пулни омонатга қўйилганлиги тўғрисидаги ва омонат муддати тугагандан кейин омонатчига депозит суммаси ва тегишли фоизларни қайтариб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномадир.

Депозит сертификатлари банк муассасалари томонидан қуйидаги икки хил кўринишда чиқарилади:

1. Юридик шахслар учун 1 йилгача бўлган муддат билан.
2. Жисмоний шахслар учун 3 йилгача муддатга.

Сертификат юридик шахсларга сотилганда, улар билан банк ўртасида шартнома имзоланиб, олди-сотди нақд пулсиз амалга оширилади. Жисмоний шахсларнинг депозит (жамғарма) сертификатлари уларнинг аризалари асосида расмийлаштирилади.

Вексель деганда, унинг эгасига белгиланган муддат келганда маълум миқдордаги суммани тўлаш ҳақидаги сўзсиз мажбуриятни тасдиқловчи ҳужжат тушунилади. Уларни мамлакатимизда белгиланган тартибга кўра, корхона ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқаришлари мумкин.

Ҳосила қимматли қоғозлар, одатда, шартнома кўринишида бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган ҳолда сотиб олади ёки сотади. Ўзбекистон Республикасида бу турдаги қимматли қоғозларнинг *опцион*, *фьючерс* ва *варрант* деб аталувчи хиллари чиқарилиши кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиёти тизимининг тўлақонли амал қилиши ва самарадорлигини товар-пул муносабатларисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, унинг муҳим унсури бўлган молия бозорини ҳам қимматли қоғозлар бозорисиз тасаввур қилиб бўлмайди. „*Қимматли қоғозлар бозори* бу — жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сундирилиши билан боғлиқ муносабатлари тизимидир“.¹

Ҳар қандай бозорда бўлганидек, қимматли қоғозлар бозорида ҳам 2 хил тоифадаги томонлар (субъектлар) қатнашади. Биринчи тоифага бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни кўпайтириш истагидаги сармоядорлар кирса, иккинчисига товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи ва айни вақтда уларни ривожлантириш учун қўшимча пул маблағларига муҳтож бўлган субъектлар киради.

Қимматли қоғозлар бозори молия бозорининг ажралмас қисми сифатида, пул маблағларини бир жойга тўплашга ва уларни кейинчалик халқ хўжалигига инвестиция қилишга, банк тизимидаги кредит ресурсларини тўлдиришга хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳам бозорларга ўхшаб талаб ва таклифга биноан амал қилади. Бу ерда талаб, асосан, икки йўналишда бўлади: биринчиси, инвестицияни молиялаштириш мақсадида корхона, корпорация ва давлат томонидан кредит олиш, иккинчиси, уй-жой, қўзғалмас мулк эгаси бўлиш мақсадида аҳоли ва шахсий сектор томонидан қимматли қоғозларни (қарз берувчи сифатида) сотиб олиш.

¹ **И. Бутиков.** Қимматли қоғозлар бозори. Т., „Консаудитинформ“, 2001, 61- бет.

Қимматли қоғозлар бозори ташкилий жараён нуқтаи назаридан бирламчи ва иккиламчи, шаклан эса биржавий ва нобиржавий бозорларга бўлинади.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори деганда, қимматли қоғозларни дастлабки эгалари (сармоядорлар)га, яъни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш мақсадида уларни илк бор ва такрор эмиссия қилиш ва муомалага чиқариш тушунилади. Бу бозор қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишини ташкил қилувчи ва таъминловчи бозордир.

Бошқача қилиб айтганда, бирламчи бозор бу — бирламчи ва такрор эмиссия қилинган қимматли қоғозларни дастлабки эгалари (сармоядорлар)га жойлаштирувчи бозордир. Бу бозорда давлат ва муниципал облигациялар, шунингдек, турли акциядорлик жамиятларининг акциялари ва облигациялари эмиссия қилинади.

Қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қуйидаги муассасалар сармоядорлар бўлиб ҳисобланади: инвестиция банклари, тижорат банклари, инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари ва бошқа инвестиция институтлари, суғурта компаниялари, фондлар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори деганда, эгаси бор қимматли қоғозларни талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда қайта олди-сотдисини ташкил қилиб ва таъминлаб берувчи бозор тушунилади. Унинг функцияси қимматли қоғозларнинг олди-сотдисини тезкорлик билан таъминлашдир. Бунда сотувчи ва харидорни учратиш, бўш капитални иқтисодиётнинг энг унумли соҳасига зудлик билан сафарбар қилиш, томонларнинг ўзаро манфаатларини таъминлаш иккиламчи бозорнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Иккиламчи бозор юқори ликвидликка эга, яъни қисқа муддат ичида катта миқдордаги қимматли қоғозларни улар курсининг сезиларсиз ўзгариши шароитида кам харажат билан олди-сотдига жалб қила олади. Иккиламчи бозор биржавий ва нобиржавий бозор кўринишида бўлади.

Қимматли қоғозларнинг биржавий бозори бу — фонд биржаси бўлиб, у белгиланган тартибда, қимматли қоғозлар эркин савдосини брокерлар (воситачилар), маклерлар (даллоллар), дилерлар (савдогарлар) томонидан амалга оширилишини таъминлаб берувчи бозордир.

Қимматли қоғозларнинг нобиржавий бозори уларнинг муомалада бўлишини таъминловчи муҳит бўлиб, унда фонд биржаларига сотувга қўйилмаган қимматли қоғозларнинг эркин савдоси дилерлар томонидан махсус телекоммуникация тармоқлари (телефон, телефакс, компьютер воситалари) ёрдамида амалга оширилади. Қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларни тўла қамраб олувчи нобиржавий бозорни стихияли бозор ва дилерлар бозорига бўлиш мумкин.

Стихияли бозорда олди-сотди харидор билан сотувчиларнинг шахсий контакти асосида пала-партиш тарзда юзага келади. Унинг иштирокчиларига нисбатан ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Савдо-сотик ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Дилерлар бозорида сотувчилар сотувга тушадиган қимматли қоғозларнинг нархини очиқдан-очиқ эълон қиладилар. Шу сабабли харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри очиқ мулоқот юз бермайди.

Ҳозирги кунда нобиржавий бозор республикамызда брокерлик идоралари, инвестиция компаниялари ва хусусийлаштириш миллий инвестиция фондлари қошидаги фонд дўконлари шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг ўта мураккаблиги, унинг тез ўзгарувчанлиги, иштирокчилар сонининг кўплиги, хилма-хиллиги, катта ҳажмларда шартномалар ва амалларнинг бажарилиши, ҳар хил турдаги ахборотларнинг мавжудлиги ва бошқа омиллар туфайли мазкур бозорда турли ғайриқонуний ишлар содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар инвесторларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини поймол қилишга, уларнинг фонд бозорига нисбатан ишончларининг камайишига, пировард натижада эса бозор нуфузининг пасайишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар бозори давлатнинг ваколатли органлари томонидан назорат қилинади ва бошқарилади.

Давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш, асосан, бозор фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорига бевосита таъсир кўрсатиш йўлини қўллашда давлатнинг ваколатли органлари қуйидагиларни амалга оширади:

— қимматли қоғозлар ва эмиссия проспектларини чиқаришни рўйхатга олиш, эмитентларнинг уларда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларга риоя қилишлари устидан назоратни амалга ошириш;

— эмитентлар ва қатнашчиларни қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш;

— мутахассисларни аттестациядан ўтказиш, инвестиция инсти-тулари фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш;

— инвесторлар ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари берган таклифларни кўриб чиқиш ва бозор иштирокчилари бажариши мажбурий бўлган хулосалар чиқариш.

Қимматли қоғозлар бозорига билвосита таъсир кўрсатишда қуйидагилар қўлланилади:

— пул-кредит сиёсатини юритиш ва шу орқали фоиз ставкаларига таъсир қилиш;

- солиқ сиёсатини ўтказиш;
- хусусий секторнинг депозитлари ва кредитлари бўйича кафолатларни мувофиқлаштириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳолатни инобатга олиш.

Қимматли қоғозлар бозорини бошқариш Молия вазирлиги, давлат банки ва бошқа давлат органлари ваколатига киради.

Қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Лицензия берган орган инвестиция институтларининг фаолиятини назорат қилиб туради ва қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда берилган лицензияни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу боб мавзуси ҳам ўта қизиқарли бўлиб, уни ўрганиш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур:

♦ *Пул нима ва уни бошқа товарлардан қайси хусусиятлар ажратиб туради?*

♦ *Инфляция ва унинг сабабларини изоҳлаб беринг.*

♦ *Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг роли нимадан иборат?*

♦ *Кредитнинг қандай турлари мавжуд?*

♦ *Иқтисодиётни ривожлантиришда кредит қандай роль ўйнайди?*

♦ *Кредит учун тўланадиган фойзалар миқдори (даражаси) нимага боғлиқ?*

10.1. Иқтисодиётнинг амал қилишида пулнинг тутган ўрни

Инсоният тараққиётининг деярли барча босқичларида пул одамларга иқтисодий ҳаётни ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қилиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳар қандай жамиятда ҳам улар пул топиш учун меҳнат қиладилар ва унга ўзлари учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматлар (товарлар ва хизматлар) сотиб оладилар. Хўжалик алоқалари ва бозор муносабатларининг ривожлана боргани сари пулнинг жамият ҳаётидаги роли ортиб боради. Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг пойдеворини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам пул муомаласини оқилона ташкил қилиш ва унинг қадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошира бориш давлат иқтисодий сиёсатида муҳим ўрин тутати.

Пул ҳам аслида товар бўлиб, у барча товарларга хос бўлган хусусиятларга эга. Шу билан бирга, уни бошқа товарлардан ажратиб турувчи жиҳатлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, ҳар қандай товар, одатда, кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондиради, пул эса махсус товар ҳисобланади, шу боис у бошқа товарларга тўғридан-тўғри айирбошланиш хусусиятига эга. Ҳар қандай товарга айирбошланиш, яъни инсонларнинг товарларга бўлган барча эҳтиёжларини қондира олиш қобилияти пулни жозибадор товарга айлантиради.

Иккинчидан, оддий товар аниқ меҳнат (этиклдўз, новвой, деҳқон, олим меҳнати) маҳсули ҳисобланади. Пул ҳам аниқ меҳнат маҳсули, лекин ана шу меҳнат натижаси (маҳсулот ёки хизмат)нинг сотишдан

олинган эквивалентидир. Унинг истеъмол қиймати кишиларнинг муайян жисмоний ёки маънавий эҳтиёжларини қондира олишда эмас, балки товарлар айирбошлашда ишончли восита бўла олиш қобилиятидадир.

Инсон ҳаётидаги муаммолар ичида энг асосийси пул топишдир. Айнан шу муаммони ечиш инсоннинг барча бошқа муаммоларининг аксариятини ҳал этиш калити ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, яъни бош муаммони ҳал қилиш мақсадида одамлар товар ишлаб чиқарадилар, турли хизмат кўрсатиш билан банд бўладилар, улар билан бозорга чиқадилар ва бошқалар билан иқтисодий (пул) муносабатларга киришадилар. Бозорда ишлаб чиқариш воситалари пулга сотиб олиниб, улар ёрдамида яратилган товарлар пулга айирбошланиб, истеъмолга ўтади. Товарлар шахсий истеъмолга ёки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарф этиладими, барибир уларни ҳаракатга келтирувчи куч пулдир.

Бозор муносабатлари шароитида пул ўта муҳим иқтисодий воситадир. У туфайли ишлаб чиқаришнинг такрорланиши амалга ошади, иқтисодий ўсишга эришилади. Пул шаклидаги маблағлар бозорда рерурсларга айланади, товарлар сотилиб, яна пулга айлантирилади.

Пулнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти у бажараётган қуйидаги вазифаларда ўз аксини топади:

Авваламбор, пул қиймат ўлчови вазифасини бажаради. Ҳар қандай товар ишлаб чиқарилганда ёки хизмат кўрсатилганда муайян меҳнат сарфланади. Ана шу сарфланган меҳнат бозор нархи орқали ўлчаниб, пулда ифодаланади.

Товарнинг бозордаги нархи орқали уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат ва барча сарф-харажатларнинг нафақат миқдори, балки сифати ҳам ўз ўлчовини топади. Яхшироқ хом ашёдан тайёрланган товарнинг сифати ҳам, одатда, яхшироқ бўлади ва бинобарин, унинг қиймати ҳам юқорироқ бўлгани учун юқори нархда сотилади. Бундай товарлар ўз эгасига кўпроқ даромад (яъни пул) келтиради.

Товарнинг бозордаги қадри, унинг харидоргирлиги ва рақобатбардошлилиги ҳам пул орқали ўз ифодасини топади. Бозорга чиққан товар қанча юқори нархда ва тез ўз истеъмолчисини топса, бу нарса шу товарнинг сифати яхшилигидан ва унинг харидоргирлигидан далолат беради.

Ҳеч қандай товар пул каби бозордаги маҳсулотлар ва хизматларнинг кадр-қиймати ва баҳосини ўлчаб бера олмайди.

Пулнинг иккинчи вазифаси (ёки функцияси) унинг муомала воситаси эканлигидир. Чунки пул ёрдамида товарни сотиш, уни пулга алмаштириш ва бу пулга яна бошқа товар сотиб олиш мумкин. Пул ёрдамида товарни товарга айирбошлаш (бартер) бартараф этилади, олди-сотди ишлари, маданийлашган ҳолда ва юқори самара билан амалга ошади.

Ва ниҳоят, пул жамғариш воситаси вазифасини бажаради, чунки пул бойлик шаклига кириб, ўз эгасига керак бўлганда, харид этиш воситасига айланади. Пул қоғоз ёки танга бўлгани учун эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ҳамда сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади,

Пул иқтисодиётнинг самарали амал қилишини таъминловчи восита сифатида, авваламбор, ўзи соғлом бўлиши, яъни унинг қадр-қиймати барқарор бўлиши керак. Соғлом бозор иқтисодиёти пулга бўлган талаб ва таклифни мувозанатда бўлишини тақозо этади. Аммо ушбу мувозанат бузилса, яъни пул керагидан ортиб кетса, у қадрсизланади, иқтисодиёт касалликка учрайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пулнинг айланиш тезлиги ва нарх ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Ишлаб чиқариш ўсмаган ҳолда пул миқдори кўпайса, бунга жавобан нарх ошади. Агар ишлаб чиқариш ўсиб, пул кўпайса, нарх пасаяди. Керакли пул миқдори фақат нархга қараб эмас, балки иқтисодиёт аҳволига ва пулнинг айланиш тезлигига қараб белгиланади. Иқтисодий юксалиш юз берганда, пул кўп бўлса, унинг товар билан таъминланиши ортади, пул қадри тушмайди. Аммо пул тез айланиб борса, унинг бир қисми ортиқча бўлиб қолади.

Нархнинг пул миқдорига таъсири қисқа даврда сезилмайди, узоқ муддатда намоён бўлади. Агар пул миқдори иқтисодий ўсишга монанд равишда кўпайса, у қадрсизланмайди. Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул айланмаси ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради.

Керагидан ортиқча пул ишлаб чиқариш натижасида нархларнинг тўхтовсиз ўсиши ва пул бирлигининг қадрсизланиши *инфляция* деб аталади.

Инфляция асосида, одатда, пул талаби билан товар массасининг бир-бирига номувофиқлиги ётади. Товарларга ва хизматларга бўлган талаб товар айланиш ҳажмидан ошиб кетадики, бу нарса товар ишлаб чиқарувчилар ва уни етказиб берувчиларнинг сарф-харажатлари қанчалигидан қатъи назар, нарх-навонинг кўтарилиши учун шароит яратиб беради. Давлат бюджетининг тақчиллиги (давлат сарф-харажатларининг ортиб кетиши), ҳаддан ташқари инвестициялаш (инвестициялар ҳажмининг имконият даражаларидан ортиб кетиши) шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига қараганда иш ҳақи кўпроқ ўсади. Натижада талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанат бузилади, пулнинг қадрсизланиш жараёни содир бўлади.

Пул инфляциясининг сабаблари, асосан, қуйидагилардир:

Биринчидан, кўп ҳолларда мутасадди банк ташкилоти томонидан нотўғри пул сиёсатининг ўтказилиши ва натижада товарлар билан таъминланмаган пулнинг муомалада пайдо бўлиши. Масалан, иқтисодий ўсишнинг пасайишининг олдини олиш ёки фонд биржасида акциялар курсининг тушиб кетишини тўхтатиш мақсадида Марказий банк пул таклифини кўпайтиради, яъни пул эмиссияси амалга ошади.

Иккинчидан, бюджет тақчиллиги ҳам муқаррар равишда пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқаради. Тўғри, пул сиёсати бўлмаган ҳолларда бундай тақчилликни қоплаш учун янги пуллар чиқарилиб, хўжалик оборотига киритилади.

Учинчидан, бозорларнинг монополлашуви, яъни рақобатнинг йўқлиги инфляциянинг авж олишига сабаб бўлади. Монополиялар бозордаги нарх-навони юқори белгилаб, товарларни ишлаб чиқиш ва таклиф этишни ҳам камайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу нарса умумий талаб билан таклиф нисбатига салбий таъсир ўтказди ва улар ўртасидаги номутаносибликни кучайтиради.

Улардан ташқари инфляцияга ташқи омиллар ҳам таъсир қилади. Масалан, хом ашё ва энергоресурслар баҳосининг кўтарилиши, хорижий сармоялар (кредитлар) фоиз ставкасининг ортиши, халқаро аҳволнинг танглашуви ва ҳоказо.

Шуни айтиб ўтиш керакки, пулнинг қадрсизланиши эркин бозор иқтисодиёти шароитида юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли, албатта, содир бўлиб турадиган ҳодисадир. Бундай шароитда уни жиловлаб туриш ва иқтисодиёт тараққиёти ҳамда халқнинг турмуш даражасига таъсирини камайтириб туриш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

У ёки бу мамлакат иқтисодиётида чуқур инқироз содир бўлса, у ҳолда инфляция ҳам чуқурлашади ёки бошқача қилиб айтганда, унинг жиловли давлат қўлидан чиқиб кетади. Ўз пайтида тегишли чоралар кўрилмаса, гиперинфляция содир бўлади, яъни пулнинг қадрсизланиши ойига 50 фоиздан ортиб кетади.

Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг дастлабки ва оғир йилларида ҳам гиперинфляцияга йўл қўйилмади. Бунинг асосий омили бўлиб Ўзбекистондаги кучли антиинфляцион (инфляцияга қарши) сиёсат хизмат қилади.

Биринчидан, ишлаб чиқаришни жонлантириш, яъни унинг ўсишини рағбатлантириш чоралари кўрилди. Хорижий сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Иккинчидан, пул массасининг ортишини чеклаш ёки тўхтатиб қолиш чоралари кўрилди. Шу мақсадда пул даромадлари: иш ҳақи, нафақа, пенсия ва бошқа тўловларнинг ўсиши устидан назорат кучайтирилди, ортиқча пулни товар бозоридан қайтариш учун банкка қўйиладиган депозит пулларга банк тўлайдиган фоизлар оширилди.

Пул деганда, биз, одатда, кўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш мумкин бўлган қоғоз ёки танга пулларни тушунамиз. Бироқ бу пулнинг бир тури, яъни *нақд пуллардир*. Шу билан бир вақтда нақд бўлмаган пуллар ҳам мавжуд бўлиб, улар аҳолининг банк депозитларида, кредит карточкаларида, корхона, фирма ва ташкилотларнинг банк ҳисоб рақамларида турувчи пуллариدير. Бу пулларни *нақд бўлмаган пуллар* деб юритилади.

Пулнинг бу тури, яъни нақд бўлмаган пулларнинг нақд пулга нисбатан бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими бу пулларни асрашнинг қулай ва хавфсизлигидир, айтишлик, сафарга чиққанда уларни кўтариб юришга эҳтиёжнинг йўқлигидир. Ундан ташқари аҳолининг банкка қўйган пуллари доимо кўпайиб боради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор муносабатларининг жорий этилиши ва ривожланиши билан „кредит карточкалари“ деган тушунча ҳаётимизга кириб кела бошлади. Бундай карточкаларга қўйилган пулни мамлакатимизнинг истаган шаҳрида нақд пулга айлантириш мумкин. Модомики, унга қўйган пулингиз эркин алмаштириладиган валюта бўлса, истаган хорижий мамлакатда карточкадаги пулингиз ҳисобидан ўзингизга керакли миқдорда нақд пул олишингиз мумкин.

Нақд бўлмаган пуллар, айниқса, корхона, ташкилот ва фирмалар учун ҳисоб-китобнинг энг қулай шаклидир. Масалан, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ёки автомобиллар ишлаб чиқарувчи корпорациянинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган пул маблағларининг миқдори бир неча юз миллион, ҳаттоки миллиард сўмни ташкил қилиши мумкин. Бу пулларни фақат банк ҳисоб рақамларида сақлаш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги ўз-ўзидан равшан.

Шундай қилиб, мамлакат миқёсида ҳаракатда бўлган пул массаси нақд пуллар ва нақд бўлмаган пуллар йиғиндисидан иборатдир.

Муомала доирасига қараб, пулларни икки турга — миллий ва байналмилал (халқаро) пулларга ажратиш мумкин.

Миллий пуллар (валюталар) — айрим мамлакатларнинг пуллари ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон сўми, Россия рубли, АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Қозоғистон тенгеси ва ҳоказолар.

Ўз навбатида миллий пуллар ҳам икки хил бўлади — эркин алмаштириладиган (масалан, АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги ва бошқалар) ва фақат ўз мамлақати доирасида амал қиладиган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг пуллари ҳозирча иккинчи турдаги, яъни фақат ўз мамлақати доирасида амал қиладиган пуллар жумласига киради.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўзбек валютаси (сўм)нинг кучи ва қадрини оширишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш натижасида яқин йилларда бизнинг миллий валютамыз ҳам эркин алмаштириладиган пуллар қаторидан ўрин олиши муқаррардир.

Байналмилал пуллар деб, халқаро (яъни мамлакатлараро) муносабатларда ишлатиладиган пулларни тушуниш керак. Бундай пуллар вазифасини бажарувчи пуллар ҳам икки хил кўринишга эга. Биринчиси — айрим миллий валюталар (масалан, АҚШ доллари) бўлса, иккинчиси бир неча давлатларнинг ўзаро келишуви асосида жорий этилган ва уларнинг барчасида бирдек фойдаланиладиган валюталар. Бундай пулларнинг илк намунаси Евро валютаси бўлиб, у 2002 йил 1 январдан бошлаб, Европа қитъасининг 12 давлати

(Австрия, Бельгия, Германия, Нидерландия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, Финляндия ва Франция)да жорий этилди.

10.2. Кредит ва унинг турлари

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида кредит муҳим роль ўйнайди. Кредит деб пул ёки товар кўринишида тегишли фоишлар билан қайтариладиган қарзни тушунилади. Қарзга берувчи (кредитор) билан қарз олувчи ўртасида пайдо бўлувчи муносабатларни кредит муносабатлари деб айтилади.

Кредит муносабатларининг моҳияти шундан иборатки, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи ҳамма вақт ҳам бирдай бўлавермайди. Айрим субъектларнинг вақтинча бўш бўлган пул маблағлари ва товар ресурслари мавжуд бўлган бир пайтда, бошқаларнинг уларга эҳтиёжи бор. Масалан, фирма (корхона) ўз маҳсулотини сотишдан олган пул маблағларини бирданига сарфлайди. Бу пуллар хом ашё ва материаллар сотиб олгунча, иш ҳақи ва мукофотлар тўлангунига қадар маълум вақт давомида бўш туради. Ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантиришга мўлжалланган маблағлар ҳам жамғарилиб боради. Аҳолининг вақтинча бўш бўлгани учун банкка қўйган жамғармалари ҳам мамлакат миқёсида каттагина маблағларни ташкил этади.

Кредит механизми воситасида мамлакатдаги вақтинча бўш бўлган маблағлар унга муҳтож бўлган хўжалик субъектларига маълум муддатга қарзга бериледи. Эркин тadbиркорликка кенг йўл очиб берувчи бозор иқтисодиёти шароитида пул ёки бошқа моддий ресурсларни қарзга олишга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта. Бундай эҳтиёж нафақат янгидан иш бошлаётган тadbиркорларда, балки муайян даврдан бошлаб фаолият кўрсатаётган фирма (корхона)ларда ҳам мавжуддир.

Кредитнинг муҳим вазифаси инвестиция жараёнларини фаоллаштиришдир. Кредит механизми воситасида корхоналарнинг жамғараётган фойдаси ва аҳолининг жамғармалари тезроқ муддатларда капиталга айланади. Кредит туфайли ишлаб чиқаришнинг янгиланиш жараёнларини тезлаштиришга имконият яратилади.

Кўриниб турибдики, кредит ишлаб чиқаришнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Кредит илмий-техника тараққиётига, капиталнинг айланиш тезлигига, ишлаб чиқариш харажатларининг қисқариши ва самарадорликнинг ортишига ёрдам берувчи омилдир.

Иқтисодиётнинг ривожланишида ўз-ўзини молиялаштириш манбаларининг, амортизация ажратмалари ва жамғарилган фойданинг роли жуда катта. Шу билан бирга бу манбаларни кредит билан қўшиб олиб бориш ишлаб чиқариш корхоналари учун энг яхши натижалар беради. Бунда корхона (фирма) эҳтиёжларининг асосланганлиги,

маблаглардан фойдаланиш масъулиятининг кучлилиги, кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш учун реал жавобгарлик муҳим аҳамият касб этади.

Кредит мамлакат ташқи алоқаларининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат кредитлаш жараёнларига фаол аралашади. Иқтисодийётни жадал ривожлантириш мақсадларида давлат қарз олувчиларнинг муайян гуруҳлари учун кредит олишнинг қулай шароитларини яратиб беради. Бу кредит учун фоиз даражаларини табақалаштириш, ҳукумат кафолатлари ёки имтиёзларини бериш, айрим тармоқлар ва корхоналар учун давлат маблагларидан кредит ресурслари ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Кредит алоқалари пул (товар) эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда эса уларнинг алоқаси воситачилар орқали юз беради. Шунга кўра, кредитнинг қуйидаги асосий шакллари келиб чиқади: тижорат кредити, банк кредити, истеъмолчи кредити, давлат кредити, халқаро кредит ва бошқалар.

Тижорат кредити бу — сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексель (қарзнинг мажбуриятномаси)ни беради. Кредитнинг бу тури, одатда, маҳсулотни сотувчиси билан унинг харидори ўртасида бевосита содир бўлувчи кредит муносабатларига тааллуқлидир.

Бевосита кредитнинг оммавий қўринишларидан бири қиммат-баҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер ва ҳоказо) аҳолига насияга сотишдир. У товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ бозорда қўлланилади.

Банк кредити — ҳўжалик юритувчи субъектларга қарз беришнинг асосий ва энг кўп тарқалган тури бўлиб, у билвосита кредит ҳисобланади. Бунинг сабаби шундан иборатки, бунда пул эгалари билан уни қарз олувчилар ўртасида банк ташкилотлари воситачилик қилади. Улар пулни унинг эгаларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлларида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоизлар оладилар. Бунда уч субъект (пул эгаси, кредит ташкилоти ва қарз олувчи)нинг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишлатишга қодир бўлган ҳўжалик субъектларига берадилар. Улар ўз навбатида пулни инвестиция учун сарфлаб иқтисодийётни ўстиришга кўмаклашадилар.

Банклар фирмаларга тадбиркорлик учун қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида *истеъмолчи кредити* пайдо бўлади. Масалан, АҚШда банкларнинг истеъмолчиларга берадиган кредити ҳисобига нархи 2500 АҚШ долларигача бўлган товарлар харид қилиш мумкин. Харид қилинган

товар пулини банклар магазинларнинг берган счётига қараб тўлайдилар. Бундай кредит гоёт имтиёзли бўлади. Унинг фоизи бошқа кредитлар фоизидан кам, ҳатто фоизсиз бўлиши мумкин.

Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, у товар ёки пул кўринишида бўлиши мумкин.

Давлат кредити дейилганда, бир нарсага эътибор бериш керакки, давлат унда қарз берувчи (кредитор) сифатида эмас, балки қарз олувчи сифатида қатнашади. Қарз берувчи вазифасини аҳоли, фирма (корхона) ва ташкилотлар ўтайди. Давлат қарзни турли шаклда, эн аввал давлат заёмлари (заём (русча) — қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб бериш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жиҳатидан фоиз тўланадиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондиди ташкил қилади, ҳазинадан ҳам қарз беради. Ҳазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларни молиявий санация қилиш (соғломлаштириш) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз гоёт имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди.

Халқаро кредит — ссуда (қарз) капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилиқ ва ҳақ тўлашлиқ асосида бериш билан боғлиқ.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар бўлиб тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари ҳисобланадилар. Халқаро кредит муносабатларининг иштирокчилари сифатида, иккинчи томондан, одатда, хорижий мамлакатлар фирма ва компаниялари, хусусий банклар ҳамда халқаро ташкилотлар (Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон гизланиш ва тараққиёт банки, Осие ривожланиш банки ва бошқалар) қатнашадилар.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамиз олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори билан таълим кредитлари бериш бошланди.

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилади.

Кредит ташкилотлари пул ва капитал бозорининг фаол иштирокчиси сифатида бозор иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Жаҳон

амалиётида кредит ташкилотлари сифатида, асосан, турли хил банклар фаолият кўрсатадилар ва улар бозор инфратузилмасининг муҳим унсури ҳисобланади.

10.3. Банклар ва уларнинг иқтисодийни молиялаштиришдаги роли

Иқтисодиёт тараққий эта борган сари жамиятдаги пул муносабатлари ҳам ривожланиб боради, яъни жамият қанча бой бўлса, унинг пул маблағлари ҳам шунча кўп бўлади. Ҳар қандай бой давлатда, бинобарин, вақтинча бўш пулларга эга бўлган фирма (корхона), компания ва ташкилотлар, шунингдек аҳолининг сони ҳам кўп бўлади. Ана шу пулларни бир ерга жамлаш ва уларни иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида қайта тақсимлаш, яъни пул маблағларига эҳтиёжи бор бўлган хўжалик субъектларига қарзга бериш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолиятдир. Айнан шу фаолият билан шуғулланувчи муассасалар *банк* деб юритилади. Демак, банклар пул муносабатларини ривожланиши билан юзага келган муассасалардир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида барча иқтисодий жараёнларни амалга ошириш, хусусан иқтисодиётни молиялаштириш, яъни пул маблағлари билан таъминлаш банклар фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Ўзбекистон Республикасининг „Банк ва банк фаолияти тўғрисида“ги Қонунда уларга қуйидагича таъриф берилган: „Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.“

Банк фаолияти иқтисодиётда инвестицион жараёнларни ва товарларнинг сотилишини тезлаштиради, муомала харажатларини камайтиришга кўмаклашади. Пул муомаласи тезлашуви ва тўловларнинг нақд пулсиз бажарилиши пировард натижада хўжалик юритувчи субъектлар учун катта қулайликлар яратади. Кредит муассасалари орқали маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш натижасида уни кенгайтириш, замонавийлаштириш, фан-техника ютуқларини жорий этиш имкониятлари кенгайди.

Кредит операциялари орқали капитал энг кўп фойда келтирадиган соҳаларга оқиб ўтади ва оқибатда миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг такомиллашуви содир бўлади.

Ҳозирги кунда банк, одатда, акциядорлар жамиятидан иборат бўлиб, молиявий операциялар заминида ётадиган ўз капиталига эга бўлган ташкилотдир.

Банкларнинг асосий вазифалари вақтинча бўш турган пул маблағларини тўплаш ва турли фирма (корхона), ташкилот ва муассасаларга қарз бериш эканини биз юқорида айтиб ўтилганлардан билиб олдик. Шу билан биргаликда, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш, миллий иқтисодиётда пул тўловлари ва ҳисоб-

китобларни амалга ошириш, кредит пуллари ва бошқа муомала воситаларини чиқариш (банкнотлар, чеклар ва ҳ.к.), молиявий маслаҳат ва иқтисодий ахборот бериш кабилар ҳам уларнинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Банк операциялари актив ва пассив операцияларга бўлинади. Пассив операциялар натижасида банкнинг ресурслари шаклланади. Уларга банкнинг ўз маблағлари, жалб этилган маблағлар (омонатлар, депозитлар ва бошқалардан олинган кредитлар) ҳамда эмиссия туфайли ҳосил бўлувчи маблағлар (муомалага пул, акциялар ва облигациялар ҳамда бошқа қарз мажбуриятномаларини чиқариш) қиради. Пассивларда жалб этилган маблағлар асосий ўринни эгаллайди.

Банкнинг актив операциялари натижасида унинг ихтиёридаги маблағлар турли йўналишларда жойлаштирилади: буларга кредитлар бериш, векселларни ҳисобга олиш ва қимматли қоғозларни сотиб олиш каби операциялар қиради.

Банклар воситачилигида миллий иқтисодиётда нақд пулли ва нақд пулсиз ўзаро ҳисоб-китоблар олиб борилади. Кўпгина мамлакатларда ҳисоб-китобларнинг энг муҳим қуроли бўлиб чек (банкдаги маблағидан бошқалар ҳисобига ўтказиш ҳақида ёзма фармойиш) хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурсларнинг ҳаракатланиши соҳасида ҳам рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш талаб этилади. Бунга эришишнинг асосий йўлларида бири банкларга тижорат муассасаси мақомини беришдир. Тижорат мақоми банкка кредитлаш мақсадлари, шартлари ва муддатларини танлашда, ўз фаолиятининг турли шакллари ривожлантиришда, ўз штатлари ҳамда ходимларининг иш ҳақи даражасини белгилашда ва бошқа ҳолларда мустақиллик учун имконият яратади.

Фойда олиб ишлаш банк фаолиятининг тижорат мақсадига айланиши мижозларни ўзига жалб этиш учун курашишга, актив, пассив ва воситачилик операцияларини бажаришда тадбиркорлик билан ҳаракат қилишга мажбур қилади. Натижада ишбилармонлик рақобати ривожланади, банк хизматларининг турлари кўпайиб боради ва сифати ҳам яхшиланади.

Тижорат банклари тизимининг яратилиши ва амал қилиши натижасида қуйидаги муҳим иқтисодий вазифалар ҳал этилади:

Биринчидан, тижорат банклари тизимининг фаолияти орқали ижтимоий ишлаб чиқаришдаги макроиқтисодий мувозанатларга иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатилади, яъни иқтисодиёт пул-кредит дастаклари воситасида тартибга солинади.

Иккинчидан, молиявий ресурсларнинг улар энг юқори самара берадиган соҳалар ва корхоналарга эркин ўта олиши учун шароит вужудга келади.

Капиталнинг манбаи бўйича давлат банклари ва хусусий банклар, операцияларининг характери бўйича эса универсал ва ихтисослашган (ипотека, омонат, инвестицион ва ҳ.к.) банклар мавжуд.

Ҳозирги кунда банклар томонидан бажариладиган траст, лизинг ва факторинг операциялари кенг тус олмоқда. *Траст* (ишонч) операцияларида мижозлар банкларга банкдаги ўз маблағларига қимматли қоғозлар сотиб олиш ҳуқуқини ёки банкка топшириб қўйилган қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини ишониб топширадилар. Бу операциялардан келган даромадлар мижоз билан банк ўртасида тақсимланади. *Лизинг* операцияларида банк ўз ихтиёридаги моддий мулкни кредит шартлари асосида ижарага топширади. *Факторинг*да компания ўз дебиторлик қарзларини бошқариш бўйича операцияларни банк ихтиёрига бериб қўяди.

Ҳозирги кунда банклар фақат хусусий бизнес билангина эмас, балки давлат билан ҳам чамбарчас боғланиб кетган. Банклар ҳукумат харажатларини маблағ билан таъминлашда, давлат бюджетининг камомадини қоплашда қатнашадилар, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини бозорда сотадилар ёки ўзлари сотиб оладилар. Кўпчилик мамлакатларда пул эмиссияси билан шуғулланувчи ва кредит тизимини назорат қилувчи Марказий банк билан бир қаторда кўпгина йирик тижорат банклари ҳам давлат ихтиёридадир. Бундан ташқари иқтисодиётнинг айрим соҳаларини (қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, уй-жой қурилиши ва ҳ.к.) кредитловчи махсус давлат муассасалари ҳам мавжуд.

Фаолият характериға кўра банклар эмиссия, тижорат ва ихтисослашган банклардан иборат. Мамлакат кредит тизимининг марказий бўғини эмиссион банк бўлиб, давлат унга монопол равишда муомалага пул чиқариш ҳуқуқини берган. Эмиссия банки бошқа банкларни кредитлаш билан шуғулланади ва шу маънода у банкларнинг банкидир. Ўзбекистон Республикасида бу вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бажаради.

Марказий банк эмиссия вазифалари билан бир қаторда бошқа кредит муассасалари пул резервларини, мамлакат олтин ва валюта резервларини сақлаш билан шуғулланади, давлатнинг қимматли қоғозларини сотиб олади, банклараро клиринг (бир-бири билан қарзларни эътиборга олиб ҳисоб-китоб қилиш) ҳисоб-китобларини амалга оширади.

„Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида“ги Қонунга биноан Марказий банк давлатнинг бош банки ҳисобланади. Ўз сарф-харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан қоплайди ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банклари юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш ҳамда тўловларни амалга ошириш билан шуғулланувчи тижорат ташкилотларидир.

Тижорат банклари банк тизимининг қўйи бўғини бўлиб, улар тижорат қоидалари асосида мижозларга кредит ва ҳисоб-китоб хизмати

кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда тижорат банклари универсал характерда, яъни банк фаолиятига оид барча ёки кўпчилик операцияларни ижро этадилар.

Молия-кредит операцияларини муайян турларини бажаришга ихтисослашган тижорат банклари *ихтисослашган банклар* деб аталади. Масалан, инвестицион банклар капитал қўйилмаларни молиялаш ва кредитлаш билан, экспорт-импорт банклари ташқи иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Банкнинг асосий вазифаси пул маблағларини уларнинг эгаларидан қарз олувчиларга, яъни сотувчилардан харидорларга стказилишида воситачилик қилишдир. Бу вазифани банклар билан бир қаторда бошқа молиявий муассасалар (инвестиция фондлари, сугурга компаниялари, брокерлик, дилерлик фирмалари ва бошқалар) ҳам бажаришлари мумкин. Бироқ, банкларга хос молиявий таваккалчиликнинг икки муҳим белгиси мавжуд:

Биринчидан, банклар ўз қарз мажбуриятномаларини (депозитлар, омонат гувоҳномалари, омонат сертификатлари ва бошқалар) жойлаштириш орқали ўзларига маблағларни жалб этадилар. Жалб этилган маблағлар ўзгаларнинг қарз мажбуриятномаларига жойлаштирилади. Инвестиция фондларининг акциялари қарз мажбуриятномалари эмас, балки умумий мулкдаги улушни ифодалайди. Молиявий брокерлар эса ўз қарз мажбуриятномаларини чиқармайдилар.

Иккинчидан, банкнинг омонатчилар ва мижозлар олдидаги мажбуриятлари суммаси олдиндан белгилаб қўйилган ва бу мажбуриятлар банк эришадиган молиявий натижадан қатъи назар бажарилиши лозим.

Ўзбекистонда тижорат банклари, одатда, очиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида ташкил этилган бўлиб, уларни бошқаришнинг олий органи акциядорлар умумий йиғилишидир.

Тижорат банкларининг фаолияти тижоратчилик қонун-қоидаларига асосланади, улар ўз ихтиёридаги маблағлар доирасида ва фойда олиш мақсадида иш олиб борадилар. Тижорат банки қонунда белгилаб қўйилган чегараларда иқтисодий мустақилликка эга ва ўз фаолияти натижалари учун масъулдир. Тижорат банкларининг мижозлар билан ўзаро муносабатлари бозор муносабатларига, яъни ихтиёрийлик ва ўзаро манфаатдорликка асосланади.

10.4. Банк кредитлари ва фойзалари

Жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатини нотекислиги туфайли пайдо бўладиган пул жамғармаларини тармоқлар ва корхоналар ўртасида қайта тақсимлашда банк кредитлари муҳим роль ўйнайди. Вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жамғариш, уларни қарз (суда) капиталига айлантириш, белгиланган муддатларда қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун фойзалар ундириш бозор қоидалари асосида амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк кредитлари қуйидаги 4 хил вазифани бажаради:

Биринчи — пулга тенглаштирилган тўлов воситалари (вексель, чек, сертификат, ва ҳ.к.)ни юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қилади.

Иккинчи — бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, „пулни пул топади“ деган қонидани амалга оширади.

Учинчи — қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаб ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

Тўртинчи — қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

Кредит механизми орқали маблағлар юқори фойда берадиган тармоқлар (корхоналар)га ёки умумдавлат дастурларида белгилаб берилган мақсадларга йўналтирилади.

Банк кредити мамлакатда пул массаси ҳажми ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласининг тезлигига жуда катта таъсир кўрсатади. Банклар векселлар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа муддатли мажбуриятли қимматли қоғозлар чиқариш орқали кредит пулларини вужудга келтиради ва кредит маблағлари бозорини шакллантиради.

Банк кредити бозори давлат томонидан тартибга солинади. Кредитлаш тартиб-қоидаларини ўз ваколати доирасида Марказий банк белгилайди. Муайян тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчиларнинг турли гуруҳларига давлат кафолатлари ва имтиёзлари жорий этилади. Кредитлаш мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, уй-жой қурилиши, капитал қўйилмаларни рағбатлантириш, ҳудудларни жадал ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади.

Тижорат банкларининг кредитлари давлат ҳокимият органларига, хўжалик юритиш субъектларига ва аҳолига берилиши мумкин.

Муддатлилиқ ва берилишини табақалашганлиги банк кредитининг муҳим тамойиллари ҳисобланади.

Муддатлилиқ қарзга берилган маблағнинг қатъий белгиланган муддатда қайтарилишини билдиради. Муддатида қайтарилмаган кредит пул муомаласига салбий таъсир кўрсатади. Чунки у муомалада товар таъминотига эга бўлмаган пул мавжудлигини билдиради. Кредитга берилган пул маблағи банкка қайтиб келмаслиги туфайли шу кредит ресурсларидан бошқа хўжалик юритиш субъектлари маҳрум этиладилар. Тижорат банкининг ликвидлиги ёмонлашади. Булардан ташқари қарздорнинг ўзи ҳам банкдан янги кредитлар олиш имкониятидан маҳрум бўлади ва кечиктирилган кредит учун оширилган фоизлар тўлашга мажбур бўлади.

Кредитлашни табақалашда тижорат банки кредит беришда мижозларнинг молиявий аҳволи, баланси, ликвидлиги, ўз маблағларига эга эканлиги, ҳозирда ва келажакда рентабеллик даражаси ва кредитдан самарали фойдаланиш ҳамда уни қайтариш имкони-

ятларини характерловчи бошқа сифатларини эътиборга олиши лозим. Банк кредит беришда ҳар бир мижозга алоҳида ёндашади.

Кредит берилиш муддатига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача);
- ўрта муддатли кредитлар (муддати бир йилдан уч йилгача);
- узоқ муддатли кредитлар (муддати уч йил ва ундан ортиқ).

Халқаро кредитлар берилиш муддатига кўра бирмунча фарқ қилади. Бунда бир йилдан беш йилгача муддатга берилган кредитлар ўрта муддатли, беш йил ва ундан ортиқ муддатга берилган кредитлар эса узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун энг асосий муаммолардан бири берилган ссудаларни ўз вақтида қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни мижоз томонидан кредитни қайтара олмаслик хавфини камайтириш йўлларида бири мижоз мулкнинг маълум қисмини берилган ссуда учун гаров сифатида қабул қилишдир. Масалан, ер, қимматли қоғозлар, дебитор қарздорлик йиғиндилари, тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар ва бошқалар шундай гаров сифатида қўйилиши мумкин. Айниқса, ер гаров учун муҳим объект ҳисобланади, чунки у ҳеч қачон ўз қийматини йўқотмайди.

Қимматли қоғозлар банклар учун маъқулроқ таъминлаш воситаси ҳисобланади. Чунки қимматли қоғозларни бозорда осонгина сотиш, мулк эгасини тезда ўзгартириш мумкин. Уларни банкда сақлаш ортиқча харажатлар талаб қилмайди. Шулар билан бир қаторда уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмиятчиликнинг йўқлиги қимматли қоғозларни гаров объекти сифатида аҳамиятини оширади.

Дебитор қарздорлик йиғиндиси деганда, очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндиси тушунилади. Бу пул банкнинг мижози жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш объекти жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

Хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан республикамизда кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминланиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан тўланган балаллар йиғиндиси уни тўлаган шахсга қайтарилади. Банк суғурта полисини ҳам йиғилган бадаллар йиғиндиси миқдорида гаров сифатида қабул қилади.

Кредитни беришда қуйидаги тартибларга риоя қилинади:

- кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва бўлғуси мижоз билан яқиндан танишиш;
- мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини аниқлаш ва ссуда бўйича хавф-хатарни баҳолаш;
- кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш;
- шартномада белгиланган шартларнинг бажарилиши ва кредитнинг қопланиши устидан назорат олиб бориш.

Мижоз банкдан кредит (қарз) олиш учун дастлаб ариза ёзади. Унинг аризасида қарз олишдан кўзланган мақсад, унинг миқдори ва қайтариш муддатлари ўз аксини топади. Ариза банкнинг кредит сиёсатига мос тушса, у ҳолда банк мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини аниқлашга киришади.

Банк мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини аниқлаш учун куйидаги маълумотлардан фойдаланади:

— мижознинг бевосита ўзидан олинган маълумотлар;

— банкнинг архивида ушбу мижоз тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар;

— мижоз билан шартномавий алоқада бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;

— турли хусусий ва давлат муассасаларининг ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

Банкнинг кредит бўлими ходимлари банкдаги архив материаллари билан танишадилар. Агар ариза берувчи олдин ҳам банк кредитидан фойдаланган бўлса, унда, албатта, архивда бу ҳақда маълумотлар бўлади.

Мижоз тўғрисида муҳим маълумотларни бошқа молиявий муассасалардан ҳам олиш мумкин. Масалан, инвестиция компаниялари мижоз депозитларининг миқдори тўғрисида, тўланмаган мажбуриятлари тўғрисида ва бошқа маълумотларни бериши мумкин.

Мижоз кредитни тўлашга лаёқатли деб топилганда, банк у билан кредит шартномасини тузади.

Кредитнинг асосий шarti бу — қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни *қарз фоизи* ёки *кредитнинг фоиз ставкаси* деб юритилади. Бу ставка кредит (қарз) олувчининг маълум эҳтиёжини қондиргани учун тўлаши шарт бўлган ҳақдир. Қарз пули капитал сифатида, одатдаги тўлов ёки харид воситаси сифатида ишлатилади.

Мана шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди.

Кредитнинг фоиз ставкаси мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Халқаро кредитнинг фоиз ставкаси эса жаҳон ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Бу бозорларнинг асосий қисми Лондон, Токио, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Брюссель шаҳарларида жойлашган.

Фоиз даражаси (ёки ставкаси) унга таъсир этувчи омиллар туфайли ўзгариб туради. Уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қанча миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қанча миқдорда қарзга бериладиган пул мавжуд. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса, у камаяди.

2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган наф, аниқроғи, шу пулнинг истеъмол қиймати. Қарз пули тadbиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса,

фоиз юқорироқ бўлади, акс ҳолда у камайиб кетади. Бунда пулни ҳозир ишлатиш ва келажақда ишлатишдан кўзланган наф таққосланади. Агар ҳозир пулни 10% ҳисобидан қарз олиб, келажақда ундан 25% ҳисобидан фойда кўрилса, қарз олувчига шу фоиз маъқул бўлади.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори фоизга рози бўлади. Агар қарз қисқа вақтга берилса ва уни бир йўла тўлаш шарти бўлса, қарз олувчи пастроқ фоизни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, уни ишлатиб, шунчалик кўпроқ даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш енгил бўлади.

4. Қарзни қандай пул билан берилиши. Агар қарз эркин алмаштириладиган валютада берилса, фоиз юқори, агар у оддий валютада берилса, фоиз нисбатан паст белгиланади. Эркин алмаштириладиган валюта обрў-уътиборли бўлганидан уни ишлатиш осон, ундан тез даромад кўриш ва қарзни қайтариш мумкин.

5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, қарзга берилган пул эгаси ютқазади. Шу сабабли фоиз инфляцияни ҳисобга олиб белгиланади. Фоиз инфляция шилдатига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради.

6. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш тамойили амал қилади. Агар акция дивиденди кўтарилса, фоиз пасаяди ва аксинча. Агар акцияга 15 фоиз дивиденд берилса, фоиз ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.

7. Қарз беришнинг хатар даражаси. Агар қарзининг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юқори бўлади. Одатда, молиявий бақувват ва нуфузли фирмалар учун паст фоиз тайинланади. Юқори ва паст фоизлар ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз хатарини камайтиради, чунки бир ерда фоизнинг камлиги бошқа ерда унинг ортиқ бўлиши билан қопланади.

Кредит ташкилотлари пул ва капитал бозорининг фаол иштирокчилари бўлиб, бозор иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Улар ўз мижозларига хизмат кўрсатганликлари учун фойда оладилар. Банк фойдаси банк тўлаган фоиз билан у олган фоиз ўртасидаги фарқдан унинг харажатларини чегириб ташлагандан сўнг қолган суммага тенг бўлади. Банк даромадининг асосий манбаи фоиз ҳисобланади. Банк берадиган ва оладиган фоизлари ўртасидаги фарқ *маржа* деб юритилади. Банклар фоиз сиёсатини ишлаб чиқадилар, фоизни ўзгартириш орқали пул оқимиغا таъсир этадилар. Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда Марказий банк етакчилик қилади.

XI БОБ | Меҳнат ва меҳнат муносабатлари. Бандлик

Ушбу боб мавзусини ўрганишдан мақсад қуйидаги саволларга жавоб топши эканини ёдингизда тутинг:

- ◆ *Қандай фаолиятни меҳнат фаолияти деб юритилади?*
- ◆ *Меҳнатнинг предмети нима ва қандай воситалар меҳнат воситаларига киритилади?*
- ◆ *Меҳнат бозори нима ва у бозорнинг бошқа турларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?*
- ◆ *Меҳнат муносабатлари Ўзбекистонда қандай ҳужжатлар асосида тартибга солинади?*
- ◆ *Аҳоли бандлиги нима ва уни оширишнинг қандай йўллари бор?*
- ◆ *Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликнинг асосий сабаблари нима?*

II.1. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат фаолияти

Кишилар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қиладилар. Меҳнат кишиларнинг маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, унинг натижасида моддий неъматлар ва бойликлар яратилади. Шу билан бирга, ҳар қандай жамиятда ҳам меҳнат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Кишиларнинг меҳнати йўналтирилган табиатдаги барча нарсалар *меҳнат предмети* деб айтилади. Ер ости табиий қазилма бойликлари, табиий ва сунъий хом ашё ва материаллар, яримтайёр, бутловчи маҳсулотлар ва бошқа шунга ўхшашлар меҳнат предметларини ташкил этади.

Инсоннинг меҳнат предметларига ўз таъсирини ўтказишда қатнашувчи асбоб-ускуналар, машиналар, жиҳозлар, бинолар, иншоотлар, ер ва шу кабилар *меҳнат воситалари* деб юритилади. Ишчи улар ёрдамида меҳнат предметларини ўзгартиради, яъни истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради.


Меҳнат предмети билан меҳнат воситалари биргаликда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади. Улар ҳар қанча замонавий, ривожланган ва мукамал бўлмасин, ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди. Фақат ишчи кучи билан улар бирлашгандан кейингина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлади ва товарлар (хизматлар) яратилади.

Демак, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида кишиларнинг меҳнати муҳим роль ўйнайди. Меҳнат жараёнида кўзда тутилган мақсадга эришиш учун ишчи кучи, меҳнат

предметлари ва меҳнат воситалари ҳамда атроф-муҳит ўзаро мулоқотга киришади ва бирлашиб кетади.

Атроф-муҳит ва унинг ҳолати меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатнинг санитария-гигиена ва эстетика талабларига риоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу талаблар ва уларга амал қилиш мезонлари мажмуи меҳнатнинг ўзига хос микроэкологиясини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, инсоннинг меҳнат жараёнидаги биз юқорида кўриб ўтган элементлари билан ўзаро алоқадорлигини қуйидаги чизмадан билиб олиш мумкин:



11.1- чизма. Инсоннинг меҳнат жараёни элементлари билан ўзаро алоқадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий турмушда „меҳнат“, „меҳнат фаолияти“ тушунчалари билан бир қаторда „иш“ тушунчаси ҳам учраб туради ва кенг фойдаланилади. Меҳнат ва ишнинг миқдори сарфланган вақт билан ўлчанса-да, уларни бир-бирлари билан тенглаштириб бўлмайди.

Меҳнат инсоннинг ақлий ва физиологик фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида муайян иш бажарилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, иш одамлар меҳнат фаолиятининг натижаси ёки маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва тегишли қонунлар билан ҳимояланиб қолмай, балки бу ҳимоя кафолатланади ҳам. Давлат меҳнат бозорининг шаклланиши ва самарали амал қилишига, хавфсиз меҳнат шарт-шароитини яратишга, меҳнат сифати ва унумдорлигини оширишга ва пировард натижада мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ўстиришга ҳар томонлама кўмаклашади.

Ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, белгиланган иш вақти, дам олиш ва йиллик таътиллاردан фойдаланиш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган

шароитларда меҳнат қилиш, малақасини ошириш, қарилик пенсиясини олиш ва бошқа зарур ҳуқуқларга эгадир.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, одамларнинг меҳнат фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилувчи шарт-шароитларда муайян ишни бажаришга қаратилган бўлади. Шу нуқтаи назардан меҳнат фаолиятининг турлари ниҳоятда кўп. Уларни бир-биридан фарқловчи белгиларга қараб 4 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Меҳнатнинг табиати ва мазмуни бўйича.
2. Меҳнатнинг предмети ва мақсади бўйича.
3. Меҳнат воситаси ва усули бўйича.
4. Меҳнат шароитлари бўйича.

Энди ана шу гуруҳларга меҳнатнинг айнан қайси турлари киришини кўриб чиқамиз.

Меҳнатнинг табиати ва мазмуни бўйича:

- ёлланма ва хусусий меҳнат;
- якка тартибдаги ёки жамоодаги меҳнат;
- жисмоний ва ақлий меҳнат;
- такрорий ва ижодий меҳнат;
- мураккаб таркибли меҳнат.

Меҳнатнинг предмети ва мақсади бўйича:

- илмий-муҳандислик меҳнати;
- бошқарувлик меҳнати;
- тадбиркорлик фаолияти;
- инновацион (фан-техника ютуқларини жорий этиш билан боғлиқ) меҳнат фаолияти;
- саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш тармоқларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат фаолияти;
- транспорт ва алоқа тизимидаги меҳнат.

Меҳнат воситаси ва усули бўйича:

- қўл меҳнати (техника воситалари билан қуролланмаган);
- механизациялашган ва автоматлаштирилган меҳнат;
- компьютерлашган меҳнат;
- инсон иштирокида турли даражадаги меҳнат;
- қуйи даражада, ўртача ва юқори даражада технологиялаш-тирилган меҳнат.

Меҳнат шароитлари бўйича:

- тургун ва кўчма меҳнат;
- ер ости ва ер устидаги меҳнат;
- енгил, ўрта ва оғир меҳнат;
- ёқимли ва ёқимсиз меҳнат;
- эркин ва турли даражада чегараланган (регламентлаштирилган) меҳнат.

Шуни айтиб ўтиш керакки, меҳнат барча ижтимоий-иқтисодий тизимларда ҳам жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлиб келган. Юқорида айтиб ўтилганидек, у ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг асосий зарурий шартини ҳисобланади. Бироқ бозор иқтисодиёти

шароитида меҳнат муносабатлари, уни ташкил қилиш ва бошқариш ҳамда ундан фойдаланиш усулларида муайян жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Булар, авваламбор, меҳнат фаолиятининг эркинлиги, яъни кимнинг қаерда, қандай меҳнат фаолияти билан ва қанча муддат давомида шуғулланишининг ихтиёрийлиги. Эркин меҳнат бозорининг мавжудлиги, меҳнат муносабатларининг ишчи кучига талаб ва унинг таклифи асосида шаклланиши ва бошқалар шу ўзгаришлар жумласига киради.

11.2 Меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари

Меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг муҳим унсури ҳисобланади. Унда ишчи кучини олди-сотди жараёни содир бўлиб, ишга ёлланувчилар билан ишга ёлловчилар учрашиб, ўзаро меҳнат муносабатларига киришади.

Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи шаклланади ва тартибга солинади. Ишга ёлланувчилар бу бозорда ўз меҳнатларини сотувга таклиф этадилар, ишга олувчилар эса ўзига маъқул бўлган меҳнат турларини сотиб оладилар. Шундай қилиб, ишчи кучининг, аниқроғи меҳнатнинг олди-сотди жараёни содир бўлади.

Меҳнат бозорининг самарали амал қилиши учун, биринчидан, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиб, улар ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки уни кенгайтириш иштиёқдаги мулк эгаларининг мавжудлиги зарур бўлса, иккинчидан, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва иш билан банд бўлмаган кишиларнинг мавжудлиги зарур. Ана шу икки хил тоифадаги одамлар меҳнат бозорида асосий субъектлар, бозор қатнашчилари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бозорда ишчининг меҳнатга лаёқатидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олади. У ишчи маълум миқдорда пул тўлаб, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиши, бутун иш куни давомида ишлатиши мумкин. Демак, меҳнат бозорида ишчи кучи сотилганда, мулк субъекти ўзгармайди, яъни ишчи кучи ўз эгасининг мулкилигича қолади.

Иккинчи тоифадаги кишилар яшаш учун ўзларининг ишчи кучларини ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига сотади. Ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси кўмир, темир ва бошқа хом ашёларни қандай сотиб олса, ишчи кучини ҳам шундай сотиб олади. Меҳнат бозори ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ишчи кучини исталган жойдан топиши ва сотиб олиши мумкин бўлгандагина вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган меҳнат бозорини шакллантириш учун муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Хусусан:

- талаб ва таклифнинг эркин амал қилишини кафолатловчи ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги;
- меҳнат бозори инфратузилмасининг мавжудлиги;
- иш ҳақи миқдорининг чегараланмаслиги;
- уй-жой бозорининг мавжудлиги.

Республикамизда ўтган йиллар давомида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, ҳар бир фуқаро учун ўз қобилиятига ва хоҳишига қараб фаолият соҳаси ва турини танлаш имкониятлари яратилди. Қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари туфайли ҳамда ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги натижасида меҳнат бозоридаги вазиятнинг кескинлашиб кетиши ва оммавий ишсизлик вужудга келишининг олди олинди. Меҳнат бозори иқтисодий ислохотларнинг аниқ йўналишлари ва уларни чуқурлаштириш билан боғлиқ равишда шаклланди.

Бозор механизми бир неча ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан: истеъмол бозори, ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи бозори, инвестиция ва молия бозорлари ҳамда меҳнат бозоридан ташкил топиши керак. Иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун барча юқорида келтирилган бозорларда, шу жумладан, меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанати зарур.

Меҳнат бозорининг ресурслар бозорининг бошқа турларидан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, меҳнат бозоридаги таклиф билан талабнинг мувозанати мамлакатдаги демографик вазиятга кўп жиҳатдан боғлиқ. Мазкур вазият аҳолининг ҳар 1000 киши ҳисобига туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш каби кўрсаткичлар билан белгиланади. Масалан, қайси мамлакатда ҳар 1000 киши ҳисобига туғилиш қанча кўп бўлса-ю, ўлим эса кам бўлса, аҳолининг табиий ўсиши шунча юқори бўлади ва бинобарин, меҳнат бозорида ишчи кучининг таклифи ҳам ортиб бораверади.

Иккинчидан, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга сезиларли таъсир кўрсатувчи омил бу — меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга, аниқроғи жойма-жой кўчиб юришини билдирувчи миграциядир.

Муайян ҳудуд ёки мамлакатга кўчиб келаётган аҳоли билан ундан кўчиб кетаётган аҳолининг сони, албатта, меҳнат бозоридаги талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатда ўз аксини топмай қолмайди.

Мазкур мувозанатга таъсир қилувчи яна бир муҳим омил иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва ўсиш суръатларидир. Янги тармоқлар ва корхоналарнинг пайдо бўлиши янги иш жойларини барпо этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида ишчи кучига бўлган талабни орттиради.

Ишлаб чиқаришда содир бўлаётган илмий-техника тараққиёти ҳам меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбатига муайян таъсир ўтказиши. Янги технологияларни жорий қилиш бир томондан компьютер техникаси, электрон жиҳозлар ва бошқаларни ишлатувчи малакали кадрларга бўлган талабни орттирса, иккинчи томондан, эскириб қолган касбларда ишловчиларга бўлган талабнинг қисқариб, айрим ҳолларда йўқолиб кетишига олиб келади.

Меҳнат бозори ўзининг маконий хусусиятига кўра жаҳон меҳнат бозори, халқаро меҳнат бозори ва ҳудудий меҳнат бозорига бўлинади.

Жаҳон меҳнат бозори дейилганда, умумжаҳон ҳўжалиги миқёсида ишчи кучини олди-сотдиси билан боғлиқ ҳолда содир бўлувчи жараёнлар ва муносабатлар мажмуаси тушунилади.

Халқаро меҳнат бозори дейилганда эса айрим қитъалар, жаҳоннинг айрим ҳудудлари ва давлатлари орасидаги миграцион ишчи кучини ёллаш ва ёлланишга тааллуқли муносабатлар мажмуасини тушунмоқ керак.

Муайян мамлакат ҳудудида содир бўлувчи олди-сотди муносабатлари *ҳудудий меҳнат бозорини* ташкил қилади.

Меҳнат бозорида ишга ёлланувчилар билан ишга олувчилар ўртасидаги олди-сотди муносабатлари *меҳнат муносабатлари* деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг „Меҳнат кодекси“га биноан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал (маҳаллий) меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишига, хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғини ҳимоя қилишга, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш сифатининг яхшиланишига ва пировард натижада аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасининг юксалишига кўмаклашади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, қонунларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларининг энг паст даражаси белгилаб қўйилган. Жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларда ҳамда ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида ишга ёлланувчилар учун қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқлари ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Ҳеч кимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди ёки ижтимоий келиб чиқиши меҳнат ҳуқуқларидан фойланишда тўсиқ бўла олмайди.

Меҳнат муносабатларининг субъектлари, бир томондан, ишловчилар (ходимлар) бўлса, иккинчи томондан, иш берувчилар ҳисобланади. Улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатлар хусусида тўхталиб ўтамыз.

Меҳнат шартномаси — ишга ёлланувчи билан ишга олувчи ўртасида якка тартибда тузилади ва унда ишнинг мазмуни, иш ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби, меҳнат шароитлари, ҳар икки томоннинг мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Жамоа шартномаси — фирма (корхона) билан ишчи-хизматчилар ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб, унда ҳар икки томоннинг

мажбуриятлари, чунончи, ишнинг сифати ва унуми, иш вақти, меҳнат шaroитлари ва хавфсизлиги, малакани ошириш, пул инфляциясига қараб иш ҳақини индексациялаш (яъни ошириш) каби масалалар қайд этиб қўйилади.

Бош битим Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши билан иш берувчилар бирлашмалари ўртасида тузилиб, унга кўра меҳнат муносабатларининг асосий жиҳатлари умумдавлат доирасида белгилаб қўйилади.

Меҳнат муносабатлари жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг таркибий ва муҳим қисми бўлиб, уларни тўғри ва оқилона ташкил қилиш иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилidir.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан меҳнат муносабатларини тубдан қайта қуриш амалга оширилди. Шу билан биргаликда, ўтган йиллар тажрибаси кўрсатмоқдаки, меҳнат муносабатларини бозор механизми талабларига мослаштириш биратўла амалга ошириладиган тadbир бўлмай, давлат иқтисодий сиёсатининг доимо диққат марказида турувчи масаладир.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи (талаби) таркибида ҳам муайян ўзгаришларга сабабчи бўлмоқда. Хусусан, янги замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида юқори малакали ишчи кучига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу муносабат билан ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим вазифага айланиб қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг янги тамойиллари асосида ҳаракат қилувчи инфратизимни кўзда тутлади. Уларга товар-фонд биржалари, банк хизмати, брокерлик идоралари, маркетинг хизмати, аудиторлик ва маслаҳатчи фирмалар, мустақил илмий марказлар ва бошқалар кирати. Бундай тузилмаларнинг самарали амал қилишига мос келувчи кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, меҳнат бозори ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида мамлакат макроиқтисодий ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бандлик ва ишсизлик тушунчаларидан кенгрок мазмунни қамраб олади. Меҳнат бозори ишсиз юрганларни меҳнатда банд қилишнинг шунчаки бир воситаси бўлиб қолмасдан, балки бандлар ҳамда меҳнатда банд бўлмаганлар кенг оммасини ўз ичига олувчи жараён ҳисобланади. Меҳнатда бандлик ва ишсизлик ана шу жараёнда бозор қонунларининг амал қилиши натижасида келиб чиқади.

11.3. Бандлик

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, чунки иш билан бандлик аҳоли турмуш даражасини

юксалтиришнинг асосий омили бўлиб қолмай, балки унинг соғлом турмуш тарзини ташкил қилишнинг шарти ҳамдир.

Аҳолининг иш билан бандлиги дейилганда, мамлакатнинг барча фуқаролари эмас, балки аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми назарда тутилишини алоҳида айтиб ўтиш керак. Меҳнатга лаёқатли аҳоли дейилганда эса мамлакат аҳолисининг маълум ёшга етган ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми тушунилади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг бу гуруҳига 14 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар, бир қатор мамлакатларда, хусусан, Россия ва Ўзбекистонда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар кириди. Бироқ биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва имтиёзли нафақа олувчилар меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига киритилмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммаси ҳам иш билан банд бўлавермайди. Унинг бир қисми таълим олиш билан банд бўлса, бир қисми уй хўжалиги билан шуғулланади. Шу билан биргаликда, меҳнат қилиш қобилиятига ва истагига эга бўла туриб, ҳозирги кунда иш билан банд бўлмаган кишилар ҳам борки, улар ҳар бир мамлакатнинг „ишсизлар армияси“ни ташкил қилади.

Иқтисодий адабиётларда ва илмий доираларда тез-тез учраб турадиган яна бир атама — „иқтисодий фаол аҳоли“ тушунчаси бўлиб, унга ҳам ойдинлик киритиб олиш зарур. Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида банд бўлган ҳамда ҳозирги кунда ишламаётган, бироқ ўзига маъқул иш топса, дарҳол иш фаолиятини бошлай оладиган шахслар иқтисодий фаол аҳоли деб юритилади.

Демак, аҳоли бандлигини ошириш деганда, ишлаш истагида юрган аҳолининг тобора кўпроқ қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, муайян меҳнат турлари билан банд этиш тушунилади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш билан аҳолининг бандлик даражасини бирмунча ошириш имкониятлари яратилди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шу нарсдан далолат бермоқдаки, меҳнат муносабатларида аҳолининг ўзи истаган соҳада бандлиги юқори қадрланади. Чунки айнан шундай бўлгандагина инсон юқори самарадорлик ва сифат билан меҳнат қилади. Бозор иқтисодиёти аҳоли бандлиги муаммосини тўла-тўқис ҳал эта олмайди, ишсизлик муаммоси ҳамisha сақланиб қолади. Бу бозор иқтисодиётининг қонунидир.

Аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги деган тушунча ҳам мавжуд. Бироқ бу аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг барчасини ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳаларига тўлиқ жалб қилишни билдирмайди. Тўлиқ бандлик тушунчаси барча фуқароларнинг билим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини ва ўзи танлаган касб соҳаларида ишга жойлашиш бўйича давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини ифода этади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини асосан 2 хил тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифага меҳнат бозори орқали ёлланиб ишловчилар кирса, иккинчи тоифага ўзини ўзи иш билан банд қила оладиган одамлар — уй хўжалигида иш билан банд бўлганлар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ишбилармонлар, фермерлар, бизнесменлар, қимматли қоғозлар, омонатлардан фойда олувчилар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда ишсизлик муаммоси мавжуд бўлса-да, ишсизлар сони тобора камаймоқда. Бу эса жамиятимиз ҳар бир аъзосини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат томонидан изчил сиёсат юритилаётганини, ҳар бир оила ҳақида ғамхўрлик қилинаётганлигини кўрсатади. Шунини айтиб ўтиш кифояки, 1995 — 2000 йиллар мобайнида иш билан банд бўлганларнинг сони мамлакатимиз иқтисодиётида 6,3% га ошди.

Меҳнат лаёқати ёшигача ва меҳнатга лаёқат ёшидан катта бўлганлар аҳолининг иқтисодий нофаол қисмини ташкил этади. Лекин бу нисбийдир, чунки ҳар иккала гуруҳда ҳам меҳнатга лаёқатлилар, яъни ишчи кучига эга бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Жамият ривожланиб борган сари меҳнатга лаёқат ёшининг юқори чегараси пасайиб бораверади. Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ёш чегаралари турли мамлакатларда турлича белгиланган. Меҳнатга лаёқат ёшида бўлмаган, лекин иш кучига эга бўлган бундай аҳоли гуруҳларини биз иқтисодий фаол деб ҳисоблашимиз мумкин. Улар меҳнат ресурслари билан биргаликда жамиятнинг меҳнат салоҳиятини ташкил этади. Исталган пайтда уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш мумкин.

Ўз навбатида меҳнат ресурслари ҳам иқтисодий фаол ва нисбатан фаол бўлмаган гуруҳларга бўлинади. Иқтисодий фаол қисмида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ва банд бўлмаган аҳолининг фаол иш излаётган қисми назарда тутилади. Булар очиқ меҳнат бозори иштирокчиларидир. Иқтисодий фаол аҳоли гуруҳларига яна шундай кишиларни, яъни расмий равишда ҳеч қерда ишламайдиган, бироқ иш ҳақи кўринишида бўлмаса-да, маълум миқдорда даромад олаётганларни ҳам киритиш мумкин. Буларни меҳнатда банд бўлмаганлар тоифасига кирита олмаймиз, чунки улар ўз турмушини таъминлайдиган даромад манбаига эга бўлган иқтисодий фаол аҳолидир. Уларга шахсий томорқасида банд бўлганлар, бозорда ҳеч қандай ҳужжатсиз „тадбиркорлик“ билан шуғулланиб юрганлар, мардикор бозорига ишлаш учун чиқаётганлар ва бошқалар кирази. Уларни „норасмий бандлар“ деган гуруҳга бирлаштириш мумкин. Улар яширин меҳнат бозори иштирокчиларидир.

Меҳнатга лаёқатлиларнинг нисбатан нофаол бўлган қисмида ҳеч қерда ишламайдиган, ишлашни хоҳламайдиган ва иш изламаётган, шу билан бир қаторда, маълум шароитларда оила учун ҳеч қандай наф келтирмаётган, ғирт бекорчи гуруҳлар назарда тутилади. Улар,

асосан, оиланинг бошқа аъзолари ҳисобидан ёки нопок йўллар билан кун кўрадилар. Лекин бу умрбод шундай бўлиб қолади, дегани эмас. Чунки одамларнинг руҳий кечинмалари ва ишга муносабатида муайян ўзгаришлар содир бўлиб туради. Шу сабабдан вақт ўтиши билан улар бир гуруҳдан қайсидир бир гуруҳга кириб қолишлари мумкин. Масалан, меҳнатда банд бўлмаганлар маълум вақт ўтгандан кейин ё бандларга (ишга жойлашса), ё ишсизларга (иш изловчи сифатида меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтса), ёки норасмий бандлар (оила даромадига норасмий йўллар билан ҳисса қўшса) гуруҳига кириши мумкин.

Бандлик анъанавий бандлик ва анъанавий бўлмаган, яъни эгилувчан бандликка бўлинади. Анъанавий бандлар 8 соатли иш куни давомида тўлиқ ишловчилар ва қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларда банд бўлганлардир. Улар ҳар куни, ҳар соатда банд бўлиши шарт эмас. Масалан, экиш мавсуми келганда, экинни парвариш қилишда, ҳосилни йиғиштириб олишда ва ҳоказоларда қишлоқ хўжалиги ишчилари иш билан банд бўладилар, қолган пайтларда эса бўш бўладилар.

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан меҳнат ресурсларидан фойдаланишда янги ҳодисалар рўй бермоқда. Бу эса бандлик тўғрисидаги тушунчаларни янада кенгайтириб юборади. Ҳозирги пайтда тўлиқсиз ёки қисман бандлик, қўшимча ёки иккиламчи бандлик тушунчалари пайдо бўлди. Тўлиқсиз бандлик деганда, ишлаб чиқаришда ишловчилардан тўлиқсиз, яъни давомийлиги меҳнат қонунчилигида белгиланган вақтдан кам бўлган ҳолда фойдаланиш тушунилади. Иккиламчи бандлик эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўриндошлик асосидаги фаолиятидир. Уларга ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлгани ҳолда ўриндошлик асосида ва бошқа шароитларда ишловчилар, қўшимча иш билан шуғулланувчи ўқувчи ёшлар, қарилик пенсиясига чиқиб ишлаётганлар ва бошқалар кириди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли бандлигининг таркибини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки у меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўлидир. 11.1-жадвалда мамлакатимиз аҳолисининг тармоқлар бўйича бандлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг 30 фоизидан зиёдроқ қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Меҳнат унумдорлигининг пастлиги сабабли бу соҳада ишловчиларнинг сони кўп.

Худди шундай аҳволни, яъни ишловчилар сонининг нисбатан кўплигини саноат, қурилиш каби моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин. Республикамизда моддий ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат унумдорлигининг паст бўлишига асосий сабаб бу соҳаларда меҳнатнинг техникавий қуролланиш даражаси ва ишловчилар касб маҳоратининг пастлигидир.

Тармоқлар бўйича иш билан банд бўлганлар таркиби
(жами иш билан банд бўлганларга нисбатан фоиз ҳисобида)¹

Соҳалар	Жами иш билан банд бўлганлар (%)				
	1996	1997	1998	1999	2000
Жами	100	100	100	100	100
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	40,9	40,5	39,4	38,5	34,3
Саноат	12,9	12,8	12,7	12,9	12,7
Транспорт ва алоқа	4,2	4,1	4,1	4,2	4,3
Қурилиш	6,3	6,3	6,5	6,6	7,5
Савдо ва умумий овқатланиш	8,3	8,2	8,1	8,3	8,4
Уй-жой коммунал хўжалиги	2,6	2,6	2,7	2,7	2,7
Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя	5,8	5,8	5,7	5,7	6,3
Маориф, маданият, санъат, илм-фан	12,5	12,3	12,2	12,4	12,5
Банк, сугурта	0,5	0,6	0,6	0,6	0,6
Бошқалар	4,7	5,6	6,9	7,1	8,7

Кейинги йилларда республикаимиз деҳқончилигида уруғчилик ва агротехника ишларини тубдан яхшилаш, деҳқонларнинг ерга бўлган эгалик ҳиссини кучайтириш масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги бандликни қисқартириб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандликни ўстиради.

11.4. Ишсизлик ҳақида

Ҳаётда ва иқтисодий адабиётларда тез-тез учраб турадиган тушунчалардан бири „ишсизлик“ бўлиб, у меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисмини иш билан банд эмаслигини билдиради. Ишсизлик кўпчилик олимлар ва сиёсатчилар томонидан жаҳон тараққиётининг бош муаммоси сифатида қаралади. Шунингдек, ишсизлик даражасининг юқорилиги, яъни ишсизлар сонининг кўплиги ҳар қандай

¹ Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. Чораклик нашр, 2001 йил, 38- бет.

давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига хавф солувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Халқаро Меҳнат Тақсимоти (ХМТ)нинг таърифига кўра, иш жойига эга бўлмаган ҳолда иш қидириб юрган ва маълум вақт ичида иш бошлашга тайёр бўлган шахслар ишсизлар тоифасига киритилади.

Ишсизлик муаммосини ўрганишдан кўзланган мақсад аҳолининг иш билан бандлик даражасини янада ошириш орқали мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча ишчи ўринларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқала қолмаслиги керак. Акс ҳолда ишсизлик кучаяверади. Республикамиздаги демографик вазиятга назар соладиган бўлсак, давлатимиз нафақат Ўрта Осиёда, қолаверса, дунёнинг бошқа давлатлари ўртасида ҳам аҳолисининг жадал ўсиб бораётгани билан ажралиб туради. Ўзбекистон аҳолиси сони ҳар йили ўртача 400 — 450 минг кишига кўпаймоқда. Пастда келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, республикамиз аҳолиси кейинги 10 йил ичида 20,3 млн. дан 24,8 млн. кишига, бошқача қилиб айтганда, 22,2% га ортди. Туғилишнинг камайиш тенденцияси (1990 йилда ҳар бир минг кишига 33,7, 2000 йилда 21,5 туғилиш тўғри келди) ўз навбатида меҳнатга қобилиятли ёшдан кичик бўлган аҳоли салмоғининг пасайишига сабаб бўлди.

11.2- жадвал

Ўзбекистон Республикасида айрим демографик кўрсаткичлар динамикаси¹

Демографик кўрсаткичлар	1990	1995	2000
Аҳолининг сони (млн.киши)	20,3	22,9	24,8
Шу жумладан, аёллар (млн.киши)	10,3	11,53	12,2
Шаҳар аҳолиси (млн.киши)	8,3	8,86	9,29
Туғилиш (ҳар 1000 кишига)	33,7	29,8	21,5
Ўлим (ҳар 1000 кишига)	6,1	6,4	5,5
Табиий ўсиш (ҳар 1000 кишига)	27,6	23,4	16,0

Келтирилган маълумотлар аҳолининг меҳнатда бандлигини ошириш учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги иш ўринларини яратишга ҳозирдан замин тайёрлаб боришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. Чораклик нашр, 2001 йил, 94- бет.

Акс ҳолда аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар кескинлашиб қолиши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишсизлик деганда, ишчи кучининг иш жойи билан таъминланмаганлиги ва натижада унинг бирон-бир қонуний даромад манбаига эга эмаслиги тушунилади. Ўзбекистонда ишсизлик тушунчаси расман 1992 йили Ўзбекистон Республикасининг „Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида“ги Қонунининг қабул қилиниши билан меъёрий кучга эга бўлди.

Иш билан банд бўлмаган барча кишилар ҳам ишсизлик мақомини ололмайдилар. Халқаро андозалардан келиб чиқиб, бутун мамлакат аҳолисини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- а) 16 ёшгача бўлган болалар ва махсус муассасаларда (қамоқхона, руҳий касалликлар шифохоналарида) сақланаётган шахслар;
- б) ишчи кучи таркибидан чиққан кишилар. Бу гуруҳга пенсияонерлар, ўқувчилар, уйга иш олиб ишловчилар киради;
- в) ишлаётганлар ҳамда ишлашни хоҳловчи ва ишлаши мумкин бўлган кишилар гуруҳи.

Бутун аҳоли сонидан юқоридаги икки гуруҳ айириб ташланса, мамлакатдаги ишчи кучи гуруҳи ҳосил бўлади.

Ишчи кучи гуруҳи ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Ишлайдиганлар ёки иш билан банд аҳоли.
2. Ишсизлар гуруҳи.

Демак, ишсиз деб расмий равишда иш билан банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳлайдиган ва фаол иш излаётган, меҳнатга лаёқатли кишиларга айтилади. Меҳнат биржаларида рўйхатга олинган кишиларгина ишлашни хоҳлайдиган ва фаол иш излайдиган ишсизлар деб расман тан олинади.

Меҳнат биржаларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, ўн кун ичида таклиф этилган ўзига мақбул ишни икки марта рад этган шахслар рад этган вақтларидан бошлаб, 30 календарь кундан кейингина ишсиз сифатида такроран рўйхатдан ўтиши мумкин.

Ишсизлар сафига, одатда, нафақат турли сабабларга кўра ишдан бўшатирилганлар, балки ўз ихтиёрига кўра ишдан кетганлар ва янги иш топишга ҳаракат қилаётган шахслар ҳам киритилишини қайд этиш лозим. Ишсизлик таркиби ўзининг келиб чиқиш сабабларига кўра ишчи кучининг 4 та асосий тоифасини ўз ичига олади: ишдан бўшатирилиши натижасида ўз иш жойини йўқотганлар, ишдан ихтиёрий равишда бўшаганлар, танаффусдан сўнг меҳнат бозорига келганлар ва меҳнат бозорига биринчи бор келганлар.

Ишсизликнинг сабабларидан бири ишчи кучининг таркиби билан бўш иш жойлари ўртасида ҳамма вақт ҳам мувофиқлик бўлавермаслигидир. Меҳнат бозорининг мувозанати ишчи кучининг малакаси ва бўш иш жойлари ўртасида аниқ мувофиқликни назарда тутаяди, яъни ишчи кучи иш жойига мос тушиши, яъни тўғри келиши керак. Бироқ реал ҳаётда ишчилар турлича лаёқат ва қобилиятга эга бўлишади, ҳар бир иш жойига аниқ касбий талаблар қўйилади. Ундан

ташқари иш жойига даъвогарлар ва бўш иш ўринлари ҳақидаги ахборотларни тарқатиш яхши йўлга қўйилмагани ҳам ишсизлик даражасига муайян таъсир қилувчи омилдир.

Баъзида ишсизлик ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг камлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Агар иш изловчилар сони бўш иш жойлари сонидан ортиб кетса, меҳнат бозоридаги мутаносиблик бузилади ва ишчи кучига бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг камлиги ишсизлик даражасига салбий таъсир қилади.

Ишсизликнинг бундан бошқа ҳам сабаблари кўп. Уларнинг айримлари ва асосийлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. *Иш ҳақи даражасининг камлиги.* Ҳар қандай одам ҳам ўз меҳнати учун кўпроқ иш ҳақи олишни истайди. Бироқ давлатнинг ҳам, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи бошқа иқтисодий субъект (тадбиркор, фермер ва ҳоказо)нинг ҳам белгиланган миқдордан юқорироқ даражада иш ҳақи тўлаш имконияти чекланган. Шунинг учун таклиф этилган иш ҳақи миқдорига рози бўлмаган шахслар ишсизлар тоифасида қолаверади ва кўпроқ ҳақ тўланадиган иш қидиради.

2. *Солиқ тизимининг такомиллашмагани.* Аҳоли даромад солиқларининг юқори ставкаси (миқдори) ишчи ва хизматчилар ихтиёрида қоладиган даромад ҳажмини камайтириб, уларнинг ишга бўлган қизиқишини сусайтириб юбориши мумкин. Бу ўз навбатида ишсизлик даражасининг ўсишига таъсир этувчи омил бўлиб қолади.

3. *Иш жойига қўйилган касбий талаблар ва меҳнат шароитларидан қониқмаслик.* Иш берувчи томонидан меҳнат сифатига қўйиладиган талаблар ёки меҳнат жараёнида содир бўладиган шароитлар ҳамма вақт ҳам ходим (ишчи)га маъқул бўлавермайди. Шу муносабат билан у ишдан бўшаб кетиб, ишсизлар сонини кўпайтиради ёки унга таклиф этилган ишни рад этади. Бу тоифа шахсларга болалар тарбияси билан банд бўлган кўпчилик уй бекаларини ҳам киритиш мумкин.

4. *Янги техника ва технологияларни жорий этиш.* Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳорат сифатини яхшилаш янги техника ва технологияни жорий этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида иш жойларининг қисқаришига олиб келади. Демак, корхонада олдиндан ишлаб келган бир гуруҳ ишчиларни ишдан бўшатиш лозим бўлиб қолади.

Ишсизлик даражаси расмий равишда ишсиз деб тан олинган, яъни меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтганлар билан иқтисодий фаол аҳоли сони ўртасидаги нисбат билан аниқланади, яъни:

$$I_d = \frac{A_b}{A_\phi} \times 100\%.$$

Бу ерда: I_d — ишсизлик даражаси;

A_b — меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган ишсизлар сони;

A_ϕ — иқтисодий фаол аҳоли сони.

ф

Ўз-ўзидан равшанки, ишсизлик даражаси мамлакатлараро бир-биридан кескин фарқ қилади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларга нисбатан анча паст. Масалан, Японияда ишсизлик даражаси 3,0 — 3,5 фоизни, АҚШда 6 — 7 фоизни, Буюк Британия, Австралия, Швеция каби мамлакатларда ҳам бундан юқори бўлмаган фоизларни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичлар мамлакатимизда ҳозирча бирмунча юқори. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ жойларида саноат корхоналарини кўпроқ жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган тадбирлар кўп ўтмай ўз самарасини беради ва мамлакатимизда ишсизлик даражасини пасайтириш омили бўлиб хизмат қилади. Хусусан, ҳисоб-китобларга қараганда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ҳукумат чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида 2005 йилгача бўлган даврда 1 млн. 200 мингдан зиёдроқ киши меҳнат фаолиятига жалб этилади.

XII БОБ | **Иқтисодийётни давлат томонидан тартибга солиш**

Мазкур боб мавзусини ўрганиш жараёнида қуйидаги саволларга жавоб топиш зарурлигини унутманг:

♦ *Нима сабабдан бозор муносабатлари шароитида иқтисодийётга давлатнинг аралашуви зарур?*

♦ *Давлат иқтисодийётни қандай воситалар ёрдамида тартибга солади?*

♦ *Иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва режалаштиришнинг моҳияти нимадан иборат?*

♦ *Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қандай ваколатли органлар томонидан бошқарилади?*

♦ *Бозор муносабатлари нима сабабдан ривожланиб ва такомиллашиб боровчи тизим ҳисобланади?*

12.1. Иқтисодийётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли

Бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда иқтисодийётни тартибга солиш борасида давлат муҳим вазифаларни бажаради. Давлат иқтисодийётга фаол аралашиб, бозор механизмнинг амал қилишига кўмаклашади, рақобатчилик муҳитини яратиб, аҳолини салбий оқибатлардан ҳимоялаш чора-тадбирларини кўради. Бозор иқтисодийётини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад бозор муносабатларини муайян ва маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш чораларини кўришдан иборатдир.

Режали иқтисодийёт тизимидан халос бўлган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодийётини шакллантириш давлатнинг бош вазифаси ҳисобланади. Шу муносабат билан ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнини давлат бош ислохотчи сифатида бошқариб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов: „Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодийётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўйбга чиқариши керак“,¹ — деб таъкидлаган эди.

¹ **И. А. Каримов.** Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1995, 10 — 11- бетлар.

Давлатимизнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш бўйича ривожланган мамлакатларда ҳозиргача тупланган бой тажрибаларни ўрганиши ва уларни республикаимизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тадбиқ этишининг мақсадга мувофиқлиги бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари қуйидаги чизмада келтирилган.



12.1- чизма. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари.

Бозор муносабатлари шароитида баҳо (нарх)лар иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Бунда баҳо бозор посонгиси, регулятори бўлиб, икки асосий вазифани бажаради. Биринчидан, у ресурслар, товарлар ва хизматлар истеъмолини чеклайди ва иккинчидан, товар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун рағбат вазифасини ўтайди.

Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол товарлари, кўрсатиладиган хизматлар қанчалик камёб бўлса, уларнинг баҳоси шунчалик юқори бўлиб, шунга мувофиқ равишда уларни харид қилиш чекланган бўлади. Бошқача айтганда, товарлар ва хизматлар уларнинг нархларига биноан истеъмол қилинади, тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Нархларнинг ўзгариб туриши, яъни кўтарилиб ёки пасайиб туриши ишлаб чиқарувчиларнинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бинобарин, бирон-бир товар (хизмат) нархининг ўсиши уни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига, ушбу тармоққа муайян товар бозорига янги ишлаб чиқарувчиларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Бозор иқтисодиётида фақат фойда олишни таъминлайдиган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчи учун фойда келтирмайдиган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилмайди. Муайян товар нархининг пасайиши, уни ишлаб чиқариш фойдани таъминлай олмай қолганлигидан далолат беради. Бундай товарларни ишлаб чиқариш камайиб боради, ушбу тармоқ ва бозорни ишлаб чиқарувчилар тарк эта бошлайдилар. Демак, нархнинг бозор посонгиси, регулятори вазифасини ўташи туфайли ишлаб чиқарувчилар фойдасиз ёки кам фойда келтирадиган тармоқдан юқори фойда келтирадиган тармоққа, соҳага ўтиб туради. Юқори фойда келтираётган тармоқ ёки бозорлардаги иқтисодий субъектлар ўзгаларнинг кириб келишига тўсқинлик қиладилар. Иқтисодий субъектлар аниқ товарлар бозоридан ўз мавқеларини сақлаш, мустаҳкамлаш, яхшилаш мақсадларида ўзаро рақобатга қиришадилар.

Кўп сонли ўзаро рақобатлашувчи иқтисодий субъектларнинг фаолияти натижасида бозор муносабати бузилиб, ундаги талаб ва таклиф ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Бу номутаносиблик ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддиятда ўз ифодасини топади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ижтимоий истеъмолга нисбатан ўсиб кетиши натижасида даврий танглик пайдо бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бозор механизми бозордаги мувозанатни муттасил сақлаб туришга қодир бўлмай қолади. Ана шу ҳолат иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмидан ташқари давлат механизмига зарурат туғдиради.

Давлат иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушқунлик ва тангликнинг олдини олиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмининг самарали ишлаши учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимини сақлашни ўз зиммасига олади. Чунки эркин тадбиркорлик ва уни бошқарувчи талаб ва таклиф қонунларининг амал қилиши кўп жиҳатдан рақобатга боғлиқ бўлади. Рақобатчилик муҳитини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг давлат механизми қуйидагиларни назарда тутаяди:

- иқтисодий субъектларнинг фаолият қоидаларини белгилаш;
- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати туғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиш;

— иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги баҳс ва зиддиятларни ҳал қилишга кўмаклашиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бозор механизми хусусий тадбиркорлар учун фойда келишини таъминлайдиган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Аммо жамият тараққиёти учун зарур бўлган, аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматлар хусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқарилиши мумкин эмас. Бундай ижтимоий товарлар ва хизматларга мактаблар, йўллар, ёнғиндан ҳимоя қилиш, мудофаа, миллий хавфсизлик ва бошқалар киради. Бинобарин, уларни ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланишни давлатнинг ўзи ташкил қилиши, тартибга солиши зарур бўлади.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизмини тақозо этувчи сабаблардан бири аҳолини инсон саломатлигига ва табиатга зиён етказувчи омиллардан ҳимоя қилиш заруратидир. Масаланинг моҳияти шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи тадбиркор, аввало, ўзини ўйлайди, ўз манфаати йўлида фаолият кўрсатади. Бу фаолият айрим ҳолларда табиатга ёки инсон саломатлигига зиён етказиши, давлат манфаатларига зид келиши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳам иқтисодиётга давлатнинг аралашувини, кўп сонли тадбиркорларнинг манфаатларини барча жамият аъзолари манфаатларига муштарақлигини таъминлаш чораларини кўришни тақозо этади.

Хўш, давлат иқтисодиётни қандай воситалар ёрдамида тартибга солади? Бунинг учун давлат ихтиёрида турли хил ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар мавжуд бўлиб, улардан конкрет вазият ва вазибалардан келиб чиқиб фойдаланилади.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим ва асосий воситаси амалдаги қонунчилик ҳисобланади. Мамлакатимизда қонун устуворлиги, яъни унинг барча учун баб-баравар кучга эга эканлиги ва унга барча хўжалик юритувчи субъектларнинг сўзсиз амал қилиши шарт эканини яна бир бор таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳозирга қадар иқтисодий ҳаётга тааллуқли бўлган юзлаб қонунларнинг қабул қилингани иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Шу билан биргаликда давлат ихтиёрида бир қатор молиявий, яъни иқтисодий воситалар ҳам мавжудки, улар ёрдамида давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига бевосита таъсир кўрсата олади. Солиқлар, санация ва субсидиялар ана шундай воситаларга киради.

Солиқлар давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг энг кучли ва таъсирчан воситаси ҳисобланади. Улар ҳар қандай ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилади. Шунинг учун солиқ ставкаси кўтарилса, корхона (фирма) фойдаси камайди ва аксинча, бу ставкалар камайса, олинаётган фойда кўпаяди. Демак, товар ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўп жиҳатдан унди-

рилаётган солиқлар ставкасига бевосита боғлиқ. Солиқлар ставкасини ошириш ёки камайтириш орқали муайян ишлаб чиқариш тармоқлари ривожини секинлаштириш (ҳатто тўхтатиш), бошқа тармоқлар ривожини эса рағбатлантириш мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг молиявий воситаларидан бири *санация* ҳисобланади. У, асосан, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, давлат корхоналарига кўрсатиладиган молиявий ёрдамдир. Корхона қарзини кечиб юбориш ёки уни ўзга субъектлар ҳисобидан қоплаш, қарзни тўлаш муддатларини кечиктириш, қарз учун тўланадиган фоизларни камайтириш, корхонага буюртма бериб, унинг ҳақини олдиндан тўлаб қўйиш ва ҳоказолар санация шакллари ҳисобланади.

Давлат томонидан аниқ мақсадлар учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган молия маблағлари *субсидиялар* деб юритилади. Иқтисодиётни таркибан ўзгартириш (диверсификациялаш), экспорт ва импорт мувозанатини таъминлаш, айрим ҳудудларга ёрдам бериш каби мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар (субсидиялар) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Божхона тўловлари давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш, аниқроғи, экспорт ва импортни чеклаш ёки рағбатлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Уларнинг ставкалари кўпайса, чегарадан ўтаётган товарлар миқдори камаяди ва аксинча, ставкаларнинг камайиши товарлар оқимининг кўпайишига олиб келади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, давлат ўзининг кредит сиёсати орқали иқтисодиёт тараққиётига ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб туради.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш механизмида жамиятда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутаети. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш учун жамият миллий иқтисодиёт тармоқларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги даромадлар давлат томонидан қайта тақсимланади. Даромадларнинг қайта тақсимлаш тизимида давлат муҳим ўрин тутаети. Давлат томонидан даромадларнинг қайта тақсимланиши иқтисодиётни тартибга солиш механизмининг муҳим унсури ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмида макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутаети. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик фаоллиги ўзгариб туради, иқтисодий ўсиш унинг пасайиши билан алмашилиб туради. Унинг оқибатида фирмаларнинг синиши ва ишсизларнинг кўпайиши ортади, аҳоли турмуш даражаси пасаяди, улар кўп қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш механизми ёрдамида иқтисодий ўсиш

циклидан тангликка (пасайишга) ўтишдаги салбий оқибатларни чеклаш, шунингдек, тангликдан иқтисодий ўсиш сари ўтиш имкониятлари вужудга келади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат механизми жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсир кўрсатувчи ва кўмаклашувчи чора-тадбирлар тизимидан иборат, деган хулоса қилиш мумкин.

12.2. Иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва режалаштириш

Марказлашган режали иқтисодиёт тизими шароитида хўжалик юритиш тўла-тўқис давлатнинг директив, яъни юқоридан тушириладиган кўрсатмалари ва режа топшириқлари асосида амалга оширилар эди. Режалар қонун кучига эга бўлиб, уларни бажариш шарт ва мажбурий ҳисобланар эди. Ҳамма нарсани юқоридан туриб режалаштириш амалиёти корхонанинг хўжалик мустақиллиги, эркинлиги ва ташаббускорлигини чеклаб қўяр, бу ўз навбатида иқтисодиёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатар эди.

Бозор иқтисодиётига ўтилгач, табиийки, хўжалик юритишни юқоридан туриб режалаштириш тизими барҳам топди. Айни вақтда иқтисодий тараққиёт масалаларини бозор муносабатлари ўзи ҳал қилади, уларга ҳеч ким, ҳатто давлат ҳам аралашмаслиги керак, деган нотўғри тушунча ҳам пайдо бўлди.

Бироқ ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, иқтисодий тараққиётни, умуман, корхона (фирма)лар иқтисодий фаолиятининг, хусусан, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган режаларининг йўқлиги бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Хўжалик юритишдаги қатор қийинчиликлар, корхона (фирма)нинг банкротга учраши, айрим товарлар нархининг „осмон“да экани, ишсизлар сонининг кўпайиши ва бошқалар режалаштириш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлигининг оқибати, деб баҳолаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам иқтисодиётни бошқариш ва қўйилган мақсадга йўналтиришни давлат томонидан тартибга солиб турилиши муҳим эканлиги аён бўлиб қолди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим шаклларида бири иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва ривожлантиришдир. Мамлакат миқёсида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ҳудудий ва тармоқлараро меҳнат тақсимооти, давлат мулкчининг мавжудлиги, иқтисодиётга жалб этилаётган сармоялар ҳаракатини мувофиқлаштириш зарурати ва бошқалар иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва режалаштиришни тақозо этади.

Башорат қилиш истиқболни олдиндан кўра олишнинг қуроли сифатида бошқарувнинг самарали дастаги ҳисобланади. Ундан фойдаланмаслик ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келувчи сабаблардан биридир. Шунинг учун мулкчилик шаклидан қатъи назар,

корхоналар (фирмалар) ривожланишини ўрта ва узоқ муддатга башоратлаш ва давлат томонидан тартибга солиш тизимини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий тараққиёт истиқболини аниқлаш башорат қилиш деб юритилади ва у, одатда, узоқ муддатга (10 йилгача) ва ўрта муддатга (5 йилгача) мўлжалланади. Бунда ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиш ҳолати ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлилидан келиб чиқиб ва бозор конъюнктурасининг ўзгариш тенденцияларига асосланиб, келажакда иқтисодий ривожланишнинг қандай бўлиши ва у қандай натижаларга олиб келиши башорат қилинади.

Иқтисодий тараққиётни башорат қилишда бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш жуда муҳим. Гап шундаки, иқтисодий башорат марказлашган режали иқтисодиёт тизими ҳукмрон бўлган даврда ҳам мавжуд эди. Бироқ у даврда башорат қилиш ва режалаштиришнинг бош масаласи ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эди. Эндиликда, яъни бозор муносабатлари шароитида, бош масала истеъмол бозори талабини қондиришдир. Бозор муносабатлари шароитида истиқболни белгилашнинг олдинги даврдаги башоратлашдан асосий фарқи ҳам шундан иборат.

Иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва режалаштиришни истеъмол бозори талабига қаратилиши корхона (фирма)ларни яхши самара бермаётган ишлаб чиқаришдан воз кечиб, юқори самарадорликни таъминловчи ишлаб чиқариш билан шуғулланишга мажбур этади.

Бозор иқтисодиётининг бу хусусиятини эътиборга олиш билан бир қаторда башоратлаш ва режалаштиришнинг илмий асосда амалга оширилиши, маркетинг тадқиқотлари ва ишончли маълумотларга асосланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Башоратлар асосида иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Уларда иқтисодиёт ривожланишининг моддий ва ижтимоий мақсадлари белгиланади. Мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган сармоялар режалари тузилади, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, ишлаб чиқариш билан импорт, ишлаб чиқариш билан экспорт, экспорт билан импорт ўртасидаги боғлиқликлар аниқланади. Иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат дастурлари асосида режалар қабул қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида дастур ва режалар давлат корхоналари учун директив, хусусий сектор учун тақлиф характерига эгадир. Тадбиркорларнинг режаларга амал қилишларини рағбатлантириш мақсадида уларга солиқ тўлашда, кредит ва субсидиялар олиш, хом ашё, ёқилғи, энергия, асбоб-ускуналар харид қилишда, товарларни экспорт қилишда имтиёзлар берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида истиқболни белгилаш тизими маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигига асосланади. Катта ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари ташаббускорлик қиладилар.

Истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг аралашуви кредит хизмати кўрсатиш, хом ашё, ёқилғи ресурсларини ажратиш, оқилона солиқ сиёсатини ўтказиш ва давлат эҳтиёжи учун маҳсулотлар сотиб олишдан иборат бўлади. Иқтисодий ривожланиш истиқболлини белгилашда давлат ресурслари ва маблағларининг нодавлат секторида хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари билан биргаликда иштирок этишини таъминлаш ҳамкорликдаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутиш катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий тараққиётни белгилаш тизими қуйидаги вазифа ва масалаларни бажаришга қаратилади:

— миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари ҳамда минтақаларнинг яқин ва узоқ муддатдаги ривожланишининг асосий кўрсаткичларини белгилаш;

— ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини ривожлантириш истиқболларини белгилаш.

Иқтисодий тараққиётни башорат қилишдан қўзланган мақсад ишлаб чиқаришни бошқариш ва тартибга солишни таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш учун зарур шароитларни яратиш ва пировард натижада истеъмол бозори талабларини тўлароқ қондиришдан иборат бўлиб, бу вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан башоратлаш усулларига боғлиқ.

Жаҳон амалиётида башоратлашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар, асосан, қуйидагилардан иборатдир:

— дастурий-мақсадли усул;

— индикатив (тавсиявий) усул;

— ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур сармояларнинг ўсиш истиқболларини белгилаш усули.

Дастурий-мақсадли усул кўпроқ мамлакат миқёсидаги йирик ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш учун қўлланса, индикатив (тавсиявий) усул ишлаб чиқариш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг истиқболларини белгилашда асқотади. Сармояларнинг ўсиш истиқболларини белгилаш усули мамлакат, унинг ҳудудлари ва вилоятлари миқёсида ҳам, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналари даражасида ҳам қўлланиши мумкин.

Иқтисодий тараққиётни белгилашнинг энг нозик томонлари бу — башоратлаш кўрсаткичларига эришиш учун ишлаб чиқаришни кафолатланган моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланганидир. Бу муаммо тўлиқ ҳал этилмаганлиги ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳаларнинг кўп ҳолларда қисман бажарилиб ёки умуман бажарилмай қолишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иқтисодиёт тармоқларини оқилона бошқариш, мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий тараққиётидаги нозик жиҳатларни олдиндан белгилаб олиш, тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишдан иборатдир.

12.3. Иқтисодий тартибга солиш ва бошқариш органлари

Миллий иқтисодий тартибга солиш ва бошқариш зарурати муайян вазифаларни бажарувчи ва муайян ваколатларга эга бўлган бошқариш органлари фаолиятини тақозо этади. Мамлакат миқёсида иқтисодий бошқариш республика ҳукумати, яъни Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. У ўз ваколатлари доирасида нафақат иқтисодий жараёнларни, балки ижтимоий жараёнларни ҳам бошқаради.

Иқтисодий бошқариш ва уни умумдавлат манфаатларига асосланган ҳолда тартибга солиш, табиийки, оддий вазифалар сирасига кирмайди. Бунинг учун ҳукумат томонидан бозор иқтисодийнинг ҳуқуқий механизмини рўйбга чиқариш асосида мулкчилик шаклларининг тенглигини таъминлаш, эркин тадбиркорлик учун зарур шароитлар яратиш, иқтисодий монополиядан чиқариш сиёсатини ўтказиш, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига қўмаклашиш талаб қилинади. Шу мақсадда ҳукумат пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш сиёсатини ишлаб чиқади, ягона нарх сиёсатини ўтказди, меҳнат миқдори ва ижтимоий таъминот даражаси борасида белгиланган кафолатларни таъминлаш чора-тадбирларини кўради. Вазирлар Маҳкамаси ўзига бўйсунувчи вазирликлар ва идоралар ишини мувофиқлаштириб, уларнинг ижтимоий сиёсатни рўйбга чиқариш борасидаги масъулияти даражасини ва бунинг учун зарур бўлган функция ва ваколатларни белгилайди, республика бюджети, шунингдек, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини ишлаб чиқади.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ мамлакат ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг пировард натижалари уни амалга ошириш объектдан (республика, тармоқ, корхона) қатъи назар, мужассамлашган ҳолда ҳудудий бирлик (вилоят, туман, шаҳар)лар даражасида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш олий мақсад қилиб белгиланди. Бунинг учун иккита муҳим вазифани ҳал этиш талаб қилинади. Буларнинг биринчиси, бозор муносабатларига асосланган ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодий бошқариш барпо этиш бўлса, иккинчиси, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг янги тизимини яратишдир.

Ўтган давр ичида республикаимизда бозор ислохотлари чуқурлашиб, ҳуқуқий-демократик институтлар ривож топди ва айни вақтда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти ҳам такомиллашиб борди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти бир-бирига бўйсунмаган давлат ва вакиллик органларидан иборат бўлиб, улар ўз фаолиятларини ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айнаи бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодий ривожланишида кўпроқ эркинликка эга бўлиши, ишлаб чиқариш натижаларидан, аввало, ушбу ҳудуд аҳолиси манфаатдор бўлиши лозим. Маълумки, республикамизда бозор муносабатларига ўтиш жараёни янги-янги ижтимоий муносабатларнинг, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойили жорий этилиб, хўжалик юритишнинг мутлақо янги усуллари вужудга келдики, буларга эскича усул билан, эски органлар билан раҳбарлик қилиб бўлмай қолди. Шу муносабат билан янгича ишлаш қобилиятига эга бўлган, яъни масъулиятни ўз зиммасига олиб, масалаларни тезкорлик билан ҳал қила оладиган давлат органлари зарур бўлиб қолди. Бу зарурат маҳаллий бошқарув амалиётида мавжуд бўлган органларни вакилликка асосланган ва якка бошчилик тамойили асосида иш юритувчи органлар билан алмаштиришни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига қуйидагилар киради:

— қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

— маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқдар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

— маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

— норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Юқоридагилар маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг биргаликда амалга оширадиган вазифалари бўлиб, уларнинг ваколати шу вазифалардан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик мустақиллигини кенгайтириш боришини тақозо этади. Бу ўз навбатида уларнинг горизонтал хўжалик алоқаларининг ривожланишига олиб келади. Натижада марказий бошқарув органларининг ваколатлари торайиб боради.

Ҳозирга қадар сақланиб қолган тармоқ бошқарув органлари мамлакатимизнинг стратегик иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланади:

- тармоқ ривожланишининг умумий йўналишларини аниқлаш;
- илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш;
- чет эл инвестицияларини жалб этиш;
- экологик муаммоларни ҳал қилиш.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мамлакат миқёсида макроиқтисодий барқарорлик ва ривожланишга оид вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ўзларининг алоҳида ўрнига эга бўлиб, бозор муносабатларининг ривожланиши уларнинг мақсадига салбий таъсир кўрсата олмайди.

Республикамиз миллий иқтисодиётида ўнлаб тармоқлар, минглаб корхоналар фаолият кўрсатади. Уларни бир-бири билан мувофиқлаштириш, мамлакатимиз ҳудудида жойлаштириш ва маҳсулот (хизмат)га бўлган талабни аниқлаш ҳар бир тармоқ олдида турган кенг қамровли масалалар ҳисобланади. Буларни самарали ва оқилона ҳал қилиш бошқаришнинг тармоқ органлари ҳисобланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, консорциумлар, ассоциациялар ва холдинг компаниялари зиммасига юклатилган.

Вазирлик — ўзига тегишли тармоқнинг хўжалик тизимида бошқаришнинг энг олий бўғини ҳисобланади. У тармоқнинг аҳволи, ривожлантириш истиқболлари, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш (хизмат)нинг технологик даражаси, маҳсулотнинг сифати ва унинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабни қондириш учун масъулдир. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган вазир раҳбарлик қилади.

Давлат қўмиталари — вазирлик ва идораларнинг фаолиятини тартибга солиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишга раҳбарлик қилишга мўлжалланган марказий тармоқ бошқарув органларидир.

Концерн — ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси (ўзгариши, хилма-хиллигининг кўпайиши) асосида таркиб топадиган кўп тармоқли корпорациядир. Унинг таркибига турли тармоқлар (саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси)га тегишли корхона ва муассасалар ихтиёрийлик асосида киради.

Корпорация — бу ривожланган йирик акциядорлик жамиятлари ва трестлар бирлашмасидир. Корпорацияларнинг негизи бўлиб акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Улар муайян маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради. Корпорациялар сармоялар капиталининг марказлашувига ёрдам беради, илмий-техника тараққиётига туртки бўлади, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва ҳаётий циклини узоқ давом этишини таъминлайди.

Консорциум — аниқ вазифаларни, яъни фан-техника, қурилиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича ва бошқа йирик дастурларни амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган бирлашмадир. У мустақил фирмаларнинг вақтинчалик иттифоқи ёки молиявий муаммоларни

ҳамкорликда ҳал қилиш мақсадида тузилган банклараро ва саноат корхоналариаро битим кўринишида бўлиши мумкин. Консорциум кўпинча авиация, космос, компьютер, алоқа каби юксак технологик ва кагта сармояли соҳалар бўйича ташкил қилинади. Дастур бажарилгандан сўнг консорциум ўз фаолиятини тўхтатади ёки бошқа турдаги бирлашмага айлантирилади.

Ассоциация — корхоналарнинг пайчилик асосидаги ихтиёрий бирлашмасидир. У бир ёки бир неча ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларини биргаликда амалга ошириш мақсадида корхоналарнинг шартнома асосида бирлашиши натижасида ташкил топади. Ассоциациялар таркибига, одатда, муайян ҳудудда жойлашган ва турдош касбга ихтисослашган корхоналар киради.

Холдинг компанияси — бу, энг аввало, молиявий жамғарма бўлиб, корхоналарни эмас, балки сармояларни бирлаштиради. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларининг назорат пакети компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишида фойда олишдир.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда иқтисодиётнинг бирламчи ва асосий бўғини корхона ва фирмалар ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиётни бошқариш деганда, энг аввал шу корхона ва фирмалар фаолиятини бошқариш тушунилади. Бозор муносабатлари шароитида бошқариш тушунчаси хўжалик субъектлари фаолиятини фақат юқори ташкилот ва органлар томонидан тартибга солишни қамраб олмайди. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси бозордаги талаб ва таклиф асосида уларнинг ўзини ўзи бошқаришидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, корхона ва фирмалар бошқарув тизимида шунчаки ижрочигина эмас, балки шу тизимнинг фаол иштирокчиси сифатида майдонга чиқади.

Корхона — юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик субъекти бўлиб, ўзига тегишли мулк асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади ёки алмашади, ишлар бажаради, хизмат кўрсатади.

Фирма — корхонадан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги турли-туман тadbиркорлик фаолиятини амалга оширади. Бундай номни саноат корхонаси ёки давлат муассасаси учун ҳам, савдо-воситачилик фаолияти учун ҳам, сайёҳлик ва бошқа ташкилотларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

12.4. Бозор муносабатларини янада ривожлантириш зарурати

Республикамизда вужудга келган вазиятга назар солар эканмиз, Ўзбекистон қисқа давр ичида ўзининг давлатчилики, сиёсий ва иқтисодий қурилишида мутлақо янги босқичга ўтганлигини, миллий иқтисодиёт тараққиётида реал ижобий ўзгаришларга эришганлигини

кўрамиз. Хусусан, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришилди, иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлди, кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Ялпи ички маҳсулотнинг 70 фоиздан, саноат маҳсулотининг 65 фоиздан зиёдроқ қисми ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99 фоизи нодавлат сектори улушига тўғри келаётгани фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, ўтган давр ичида мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш ва уларнинг самарали амал қилишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Қабул қилинган қонунлар иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда муҳим роль ўйнади.

Булар собиқ Иттифоқнинг барча мамлакатларини қамраб олган иқтисодий бўҳронлар даврида вазиятни енгиллаштиришга хизмат қилди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк даврида (1991 — 1995 йиллар) мамлакатимиз иқтисодиётида юз берган таназзул МДХнинг бошқа давлатларидаги сингари оғир кечмади. Макроиқтисодий барқарорлик 1995 йилда бошланди ва 1996 йилдан бошлаб иқтисодий вазиятнинг жонланиши содир бўлди. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш тенденцияси кўзга ташланади. Бу ҳақда куйида келтирилган жадвал маълумотлари далолат беради.

12.1-жадвал

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

(олдинги йилга нисбатан % ҳисобида)

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
ЯИМнинг йиллик ўсиши	-0,9	1,7	5,2	4,4	4,3	4,0	4,5
Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши	--	6,3	6,5	5,8	6,1	6,4	8,1
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши	--	--6,5	5,8	4,0	5,9	3,2	4,5

Кўриниб турибдики, 1997 йил Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг бошланиш йили ҳисобланади. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг тадқиқотлари шу нарсадан гувоҳлик берадики, айнан шу йили собиқ Иттифоқ республикалари ичида Ўзбекистон 1989 йилга нисбатан ЯИМнинг энг юқори даражасига эришган (86 — 88%). Мазкур кўрсаткич Белорусда 72 — 74 фоиз, Россияда 61 — 64 фоиз, Қозогистонда 63 — 66 фоиз, Туркманистонда 55 — 57 фоиз, Қирғизистонда 68 — 70 фоизни ташкил этган бўлса, айрим МДХ мамлакатларида ҳатто 50 фоиздан ҳам кам бўлган.

Марказнинг хом ашё базаси ва тайёр маҳсулотлар бозори ролини бажариб келган Ўзбекистонда мустақилликнинг қисқа даври ичида бундай муваффақиятга эришилиши, авваламбор, давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсати натижасидир. Бу сиёсат ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра бозор муносабатларига инқилобий йўл билан (бирданига) эмас, балки эволюцион йўл билан, босқичма-босқич ўтишни назарда тутди. Ўтган даврга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётгани ва ўтиш даврининг асосий қийинчиликлари ортда қолганини кўраемиз.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда бозор муносабатларининг қарор топиши ниҳоясига етди ва улар тўлақонли тарзда амал қилмоқда, деб бўлмайди. Мамлакатимиз олдида турган бир қатор долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантиришга боғлиқ.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат?

Биринчи навбатда, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унинг экспортга мўлжалланган таркибини шакллантириш зарур. 1991 — 2001 йиллар давомида етиштирилаётган пахта толасини мамлакат ичида қайта ишлаш 12 фоиздан 24 фоизга кўпайган бўлса-да, унинг асосий қисми ҳанузгача қайта ишловсиз қолмоқда. Бу иқтисодиётни ҳамон хом ашё етказиб берувчи йўналишда қолаётганидан далолат беради.

Ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия ва материаллар сарфлаш миқдори ҳозирга қадар юқори даражада, бу ривожланган давлатлардагига нисбатан 2,5 — 3,0 марта ортиқдир. Асосий фондларнинг ўртача эскириш даражаси 40 — 50 фоизга тенг. Кўпгина корхоналарда янги техника ва технологияларни жорий қилишга эътибор етарли эмас.

Иқтисодиётга жалб этилаётган йирик инвестицияларнинг, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги айрим ҳолларда паст. Чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш талаб қилинади. Шу мақсадда ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, иқтисодиётнинг шу соҳага масъул давлат тизимлари жавобгарлигини ошириш, хўжалик субъектларини молиявий-кредит таъминоти, жумладан, микрокредитлар билан таъминлашни кучайтириш зарур.

Экспорт қилишга мўлжалланган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, қайта ишловчи саноат улушини кўпайтириш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан бозор муносабатлари тизимининг мукамаллик даражасига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кутилган натижаларга ҳали тўла-тўқис эришилгани йўқ. Зарар кўриб ишлаётган ва кам самарали қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Бироқ, фермерлик фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд тўсиқларга барҳам бериш ўта долзарб вазифага айланиб қолди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришда аниқ дастур тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишнинг ташкилий, ҳуқуқий механизмларини яратиш лозим.

Бу тадбирлар қаторига пахта ва ғалла етиштириш бўйича давлат буюртмасини аниқ шартномалар асосида белгилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннарҳини камайтириш, табиий монополиялар фаолиятини давлат томонидан бошқариш, маркетинг ва баҳолар конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, кредит ва молия тизимларини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишни киритиш мумкин.

Давлат қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда, товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришда муҳим роль ўйнаши керак. Айниқса, инвестиция сиёсатини амалга оширишда, солиқ ва кредит имтиёзларини қўллашда, сув иншоотларини самарали ишлатишда, санация жараёнларини амалга оширишда ўзининг аниқ режаларини амалга ошириши лозим.

Бозор муносабатларининг самарали амал қилишида рақобат муҳитининг аҳамияти, айниқса, катта. Рақобат йўқ жойда иқтисодий ўсиш ҳам бўлмайди. Шу муносабат билан монополияларга қарши курашнинг аниқ ва таъсирчан чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш талаб қилинади.

Ишлаб чиқаришга ва тадбиркорликка хизмат қиладиган кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишларни ниҳоясига етказиш бозор муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айниқса, молия ва банк тузилмалари, улгуржи бозорлар, инвестиция фондлари, лизинг ва консалтинг компаниялари, суғурта ташкилотлари ишининг ҳам самарадорлигини ошириш талаб қилинмоқда.

Молия ва банк тизимини янада эркинлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, мазкур тизимнинг самарадорлиги ҳанузгача талаб даражасида эмас. Бу соҳадаги асосий муаммолардан бири банк тизими самарадорлигини ошириш учун хусусий банклар тармоғини кенгайтириш ва банклараро рақобатни янада кучайтиришдан иборатдир. Хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорликда қўшма банклар ташкил қилиш ҳам бу йўналишдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш, унинг тизимини қайта кўриб чиқиш, маъмурий чеклаш усулларидан иқтисодий бошқариш усуллариغا ўтишни тезлаштириш зарур. Фақат шу йўл билан республика Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, унинг имкониятлари ва афзалликларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Бозор муносабатларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши бу — иқтисодиётни эркинлаштиришдир. Шу муносабат билан хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган иқтисодий эркинлик ва мустақилликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фаолияти учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий муҳит яратиш, бу фаолиятни тартибга солишда фақат бозор механизмидан фойдаланиш бозор иқтисодиёти тизимининг тамойили ҳисобланади. Корхона ва фирмалар хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур.

Давлатнинг жойлардаги ҳокимият ва назорат органлари хусусий бизнесни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беришлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига беҳуда аралашмасликлари даркор.

Иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини бозор муносабатлари талабларига тўла-тўқис жавоб беришини таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

XIII БОБ | **Халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий алоқалар**

Яқунловчи мавзуни ўрганувчи ушбу бобни ўқиганда, қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг:

- ◆ *Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти нимадан иборат?*
- ◆ *Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва истиқболлари қандай?*
- ◆ *Ташқи иқтисодий фаолият нима ва унинг қандай йўналишлари мавжуд?*
- ◆ *Божхона хизмати қандай вазифаларни бажаради?*
- ◆ *Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?*

13.1. Халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг ўрни

Халқаро меҳнат тақсимоти деган тушунчанинг маъноси шундан иборатки, у мамлакатларни маълум товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ва улар билан жаҳон бозорида қатнашувини билдиради. Халқаро меҳнат тақсимотида муайян товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашув ҳар қандай давлатнинг жаҳон бозорида ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Масалан, самолётсозликда АҚШ, аудио ва видеоаппаратура ишлаб чиқаришда Япония, чинни идишлар ишлаб чиқаришда Хитойнинг жаҳон бозорида салмоқли нуфузга эга эканлиги юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади. Бу деганимиз, ушбу давлатлар фақат шу маҳсулотлари билангина машҳурдирлар, деган маънони билдирмайди. Улар, хусусан, ўзларининг юқори сифатли автомобиллари, электрон-ҳисоблаш машиналари, тўқимачилик ва енгил саноат моллари билан ҳам жаҳон бозорида фаол қатнашиб келадилар.

Муайян товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашув орқали жаҳон бозорида қатнашиш, асосан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятига боғлиқ, яъни бунинг учун мустаҳкам хом ашё базаси, замонавий ишлаб чиқариш воситалари ва малакали ишчи кучи мавжуд бўлиши керак. Ҳар қандай давлат ҳам халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг ихтисослашувини белгилар экан, кўрсатиб ўтилган ресурсларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимоти ҳар бир мамлакат иқтисодиёти билан интеграциялашуви (қўшилиши) ва унинг таркибий қисмига айланишини таъминлайди. Бошқача қилиб айтганда, турли мамлакатлар иқтисодиёти халқаро меҳнат тақсимоти натижасида яққаланган ҳолатдан чиқиб, давлатлараро хўжалик тизимига кириб боради. Бу жараён миллий доирадаги хўжаликлар ва алоқидалашган товар ишлаб чиқарувчиларни умумжаҳон бозорига тортади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг такомиллашиб бориши мамлакатлар ўртасида фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўта бошлаган Ўзбекистон учун халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнини топиб олиш ва жаҳон бозорининг фаол иштирокчисига айланиш нақадар муҳим вазифа экани энди ўқувчига маълум бўлгани шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси майдони бўйича жаҳон давлатлари орасида 55- ўринни эгаллайди. Унинг майдони Германия, Буюк Британия, Италия каби етакчи мамлакатлардан каттароқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, сайёрамизнинг умумий ер майдони 135,6 миллион кв.км.ни ташкил этади. Ўзбекистон улушига унинг 0,3 фоизи тўғри келади. Мамлакатимиз Осиё қитъасининг 1 фоиз майдонини эгаллайди.

Ўзбекистонда табиий ресурслар салоҳияти кўп тармоқли хўжаликни ривожлантириш учун етарли бўлиб, унинг таркибида энергетика ва бошқа таянч тармоқларни юксак суръатлар билан ривожланишига имкон берувчи бойликлар салмоқли ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда жаҳон олтин захирасининг 5 фоизи, табиий газнинг 2 фоизи мавжуд. Қатор рангли металллар ва уран захиралари бўйича ҳам Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Умуман олганда, минерал хом ашё ресурсларининг аниқланган захиралари 3 триллион доллардан кўпроқ деб баҳоланмоқда.

Ўзбекистон бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳон миқёсида ажралиб туради. Мамлакатимиз қорақўлнинг умумжаҳон миқдорининг деярли чоракини, пахта толасининг 7 фоизини, қазиб олинаётган олтин ва табиий газнинг 3 фоизини, ипак хом ашё ва қуруқ меваларнинг 2 фоизини, узум, каноп, жуннинг тахминан 1 фоизини ишлаб чиқаради. Авиация техникаси, олтингурт кислотаси, минерал ўғитлар, рангли металллар, калава ип, газламалар, ўсимлик ёғи, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам Ўзбекистон муайян улушга эга. Ўзбекистон саноатининг айрим тармоқлари техникавий мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқара олади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон газ қазиб чиқариш бўйича МДХ давлатлари ичида 3- ўринда ва жаҳон миқёсида газ қазиб чиқарувчи йирик давлатлар ўнлигида, олтин захиралари бўйича 4- ва уни қазиб чиқариш бўйича 7- ўринда, уран захиралари бўйича 7, кумуш ишлаб чиқариш бўйича 11-ўринда туради.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон бир қатор товарлар ишлаб чиқариш ва улар билан жаҳон бозорида қатнашиш учун катта экспорт салоҳиятига эга. Бинобарин, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва таркибий қайта қуришда ташқи бозорга кўпроқ маҳсулотлар чиқариш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунини эътиборга олиб, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг илк давридан бошлаб мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳукуматнинг ташқи

иқтисодий фаолият соҳасидаги ишларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Ҳукуматнинг бу соҳада олиб бораётган сиёсати савдо балансида ижобий сальдога эришиш, экспорт ва импортнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришга қаратилган. Шу билан биргаликда, тайёр маҳсулотлар экспортини кескин оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатлар, ҳудудлар ва алоҳида шахслар у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уни кейинчалик бошқа буюмга алмаштиришдан фақат ютадилар. Чунки мамлакатлар, биринчидан, табиий ва меҳнат ресурслари ҳамда сармоялар билан таъминланганликларига кўра бир-бирларидан анча фарқ қиладилар, иккинчидан, турли товарларни бирдек самарали ишлаб чиқариш учун етарли технологик имкониятларга эга эмаслар.

Масалан, Япония табиий ресурсларга эга бўлмаган ҳолда юқори малакали ишчи кучига эга, шу сабабли у юқори малака талаб қиладиган кўплаб товарларни кам меҳнат сарф этиб тайёрлаши мумкин. Аксинча, Австралия катта ресурсларга эга бўлган ҳолда етарли меҳнат ресурслари ва капиталга эга эмас. Шунинг учун у ерда буғдой, гуруч, гўшт етиштириш самаралироқдир. Бразилияда арзон кофе етиштириш учун ҳамма шароит етарли бўлса, Канада арзон буғдой етиштириш имкониятига эга.

Вақт ўтиши билан мамлакатнинг турли товарлар ишлаб чиқаришдаги имкониятлари ва самарадорлиги ўзгариши мумкин. Масалан, бирор давлат асосан хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, кейинчалик ишчи кучи сифатининг ўсиши, асосий капиталнинг кўпайиши натижасида саноат маҳсулотлари, тайёр товарлар ишлаб чиқариши мумкин. Масалан, Иттифоқ даврида Ўзбекистонда етиштирилган пахтадан олинган толанинг 4 — 4,5 фоизигина мамлакатда қайта ишланган бўлиб, унинг асосий қисми арзон баҳоларда кўпроқ Россия ип-газлама корхоналарига етказиб берилган ва бошқа хорижий давлатларга сотилган эди. Эндиликда мамлакатга кўп миқдорда хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларнинг кириб келиши туфайли пахта толасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва товар айирбошлашда мамлакатлар, юқорида таъкидланганидек, бир хил имконият ва шароитларга эга эмаслар. Бу ҳол уларнинг жуғрофий жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ва захиралари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг тузилиши, ички бозорнинг ҳажми каби омиллар билан белгиланади.

Ана шу омиллар таъсирида турли мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат жаҳон бозорига ўзида ишлаб чиқариш учун харажат кўпроқ бўладиган, табиий ёки бошқа шароитларга кўра, умуман, ўзида ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш қатта ўрин эгаллаганлиги сабабли, мамлакатнинг ташқи савдо ҳажми ва баланси ҳам кўп жиҳатдан ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. 2000 йилда мамлакатимиздан ташқи бозорга чиқарилган товарлар ҳажми 3 млрд. 264,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ундан 897,7 млн. АҚШ доллари ёки 27,5 фоизи пахта толаси ҳиссасига тўғри келди. Бундан 5 йил муқаддам, яъни 1996 йилда пахта толасини экспорт қилишдан тушган валюта маблағлари жами экспортнинг 38 фоизини ташкил этган эди. Пахта толасининг мамлакат экспортидаги улушининг камайиши 2 та сабаб туфайли содир бўлди. Биринчидан, ўтган йиллар ичида пахта толасининг жаҳон бозоридаги нархи деярли 2 баробар тушиб кетди. Иккинчидан, толани мамлакат ичида қайта ишлаш ҳажмлари кўпайгани туфайли уни экспорт қилиш бирмунча камайди.

Пахта толасининг экспортдаги улушининг камайиши келажакда ҳам сақланиб қолиши мумкин. Чунки у тайёр маҳсулот эмас, балки хом ашё ҳисобланади. Четта, яъни жаҳон бозорига хом ашё чиқаришга қараганда, тайёр маҳсулот чиқариш кўпроқ фойда келтиради. Бу ҳақда республика Президенти И. А. Каримов ҳам кўп марта уқтириб ўтган. Шунинг учун тайёрланаётган пахта толасининг тобора кўпроқ қисмини мамлакатимизда қайта ишлаб, ундан тайёр газламалар ва кийим-кечаклар тайёрлаш, мамлакат эҳтиёжларидан ортиғини экспорт қилиш стратегик вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон экспортида электр энергия ва ёнилғи, кимё маҳсулотлари, рангли металллар, машина ва ускуналар, енгил автомобиллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Экспорт салоҳияти мавжуд бўлган тармоқларга йирик сармояларнинг киритилиши туфайли экспортбоп машиналар, нефть маҳсулотлари ва пахтадан тайёрланаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламлири йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари МДХ мамлакатлари билан бир қаторда АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Япония, Франция, Италия, Туркия, Малайзия, Швейцария, Бельгия ва бошқа ўнлаб мамлакатлар билан ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларида Россия муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Икки давлат ўртасида имзоланган „1998 — 2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳақида“ги шартнома икки томонлама ривожланишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистоннинг АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби мамлакатлар билан савдо айланмаси кенгайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Шарқ ва Ғарбни боғловчи минтақада жойлашганлиги ташқи савдо алоқаларининг изчил равишда олиб борилишига шароит яратади. 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. 1999 йилга келиб мазкур шартнома Европа Иттифоқига кирган барча

мамлакатлар томонидан ратификация қилинган, кучга кирди ҳамда Ўзбекистон товарлари учун Европа бозорларига йўл очилди.

Ўзбекистон халқаро транспорт коммуникацияларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида Ўзбекистоннинг Европага, Форс қўлтиғига, Ҳиндистон, Япония ва Тинч океан минтақаларига чиқишига ва жаҳон ҳамжамияти билан ташқи алоқаларни мустақамлашига катта имкониятлар туғилади.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирча мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи мақомига эга. Бу ташкилот жаҳон савдо тизимини тартибга солишда марказий ўринни эгаллайди. Жаҳон савдосининг 95 фоизидан ортиғи унга аъзо мамлакатларга тўғри келади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга қабул қилиниши масаласи ўрганилмоқда. Унга аъзо бўлиш Ўзбекистонга дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари билан мустақам савдо алоқалари ўрнатишига ва ўзининг товарлари билан жаҳон бозорларига ҳеч қандай тўсиқларсиз чиқишига имкон яратади.

13.2 Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг турлари

Бозор муносабатларига асосланган мамлакатлар учун ташқи иқтисодий фаолият ҳаётий заруратдир. Умумжаҳон ҳўжалиги тобора ривожланиб, такомиллашиб боргани сари мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг доираси ва қўлами ҳам кенгая боради. Мамлакат иқтисодиётининг умумжаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви (қўшилиши)нинг асосий шарти ҳам ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишидир.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда, мамлакатдаги юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар билан олиб борадиган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалари (фаолияти) тушунилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланганлик даражаси, асосан, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига, давлатнинг ташқи сиёсати ва стратегиясига бевосита боғлиқдир. Ҳар қандай давлат ўзининг ташқи иқтисодий фаолият стратегиясини ишлаб чиқар экан, ўз халқининг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг муҳофаа хавфсизлигини таъминлаш каби ҳаётий манфаатларни кўзлайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари ва объектлари мавжуддир. Бундай фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг объектларига эса олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, қимматли қоғозлар, валюталар ва валюта қимматлик-

лари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари ва интеллектуал мулк объектлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг „Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида“ги Қонунига кўра, бундай фаолиятнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган:

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- ташқи савдо фаолияти;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестицион фаолият.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, экология ва гуманитар соҳаларда хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти *халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик* деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестицион фаолият йўналиши ҳозирча мамлакатимизда ўз ривожини топа олгани йўқ. Хорижий мамлакатларда юридик шахслар ёки уларнинг филиалларини ташкил этиш, хорижий компанияларнинг мол-мулки ва акцияларини, қимматли қоғозларни сотиб олиш, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш, табиийки, катта миқдордаги эркин алмаштириладиган хорижий валюта эгаларига насиб этади. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар, ўйлаймизки, яқин йиллар ичида ўз натижаларини беради ва ўзбекистонлик сармоядорлар хорижий мамлакатларда кенг қўламли фаолият кўрсата бошлайдилар.

Мамлакатлараро товарлар айирбошлаш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини *ташқи савдо фаолияти* деб юритилади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу йўналиши энг қадимий, анъанавий ва кенг ривожланган йўналиш ҳисобланади.

Ташқи савдо жаҳон халқларини турли товарлар билан таъминлаш имкониятини беради ва шу билан биргаликда ҳар бир мамлакатнинг ихтисослашувини ривожлантириш, ўз ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Халқаро савдода миллатнинг диди, қизиқиши ва мамлакат аҳолисининг харид қилиш қобилияти муҳим роль ўйнайди. Масалан, ўзбеклар яхши кийинишни ёқтирадиган ва ўзига зеб берадиган миллатлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам мамлакатга четдан келтиралаётган товарларда хушбичим кийим-кечагу замонавий матоларнинг улуши каттагина. Қадимдан халқимиз менталитетида илм олиш иштиёқи кучли бўлган, шу сабабдан истиқлол йилларида таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бундай шароитда Япония, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлардан замонавий компьютерларни сотиб олишга катта маблағлар сарфланмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, халқаро савдо, яъни товарларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан товар келтириш (импорт) бизнинг мамлакатимизда жуда қадим замонлардан буён мавжуд.

„Буюк ипак йўли“ нинг анчагина қисми мамлакат ҳудудидан ўтгани туфайли тадбиркор аждодларимиз хорижий давлатлар билан савдо-сотик ишларини яхшигина ривожлантирганлар ва уни халқаро савдода жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирганлар.

Ташқи (халқаро) савдонинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрнини ялпи миллий маҳсулотда экспорт ва импортнинг ҳиссасига қараб аниқлаш мумкин. Умуман олганда, мамлакат иқтисодий аҳволига баҳо беришда импорт ва экспорт ўртасидаги нисбатни аниқлаш зарурати юзага келади. Ушбу нисбат мамлакатнинг тўлов балансини тузаётганда аниқланади. Савдо баланси тўлов балансининг таркибий қисми ҳисобланади. Тўлов балансини умумлаштирувчи кўрсаткич унинг сальдоси ҳисобланади. У импорт ва экспорт орасидаги фарққа тенг. Балансда импортнинг экспортдан ошиб кетиши тўлов балансини манфий сальдога эга эканлигидан далолат беради. У ташқи савдо дефицитига олиб келади. Уни тўлаш учун давлат қарз олади. Қарзни тўлаш учун эса ички истеъмол камайтиради.

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил экспорт ва импорт маҳсулотларининг таркиби, яъни мамлакат нимани четга чиқаряпти-ю, нимани четдан олиб келаётганидир. Четдан сотиб олинаётган товарлар ичида қайта ишлашга мўлжалланган хом ашёнинг улуши қанча катта бўлса, шу мамлакатда импортдан кўриладиган наф шунча юқори бўлади. Четга чиқарилаётган товарлар ичида хом ашёнинг улуши қанча кўп бўлса, шу мамлакат экспорти шунча самарасиз бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг экспортида пахта толаси улушининг йилдан-йилга камайиб бораётгани шу нуқтаи назардан ижобий тенденция ҳисобланади. Жаҳон бозорига тайёр газлама, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари чиқаришни кўпайтириш ҳам ташқи савдо соҳасида ижобий баҳоланаётган йўналишлар ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг импорт таркиби ҳам жиддий ўзгарди. Бунга, албатта, мамлакатда импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришга қаратилган сиёсат катта таъсир кўрсатди. Жумладан, энергия манбалари импортининг улуши 1994 — 2000 йилларда 25,7 фоиздан 3,8 фоизгача, озиқ-овқат маҳсулотлари 18,4 фоиздан 12,3 фоизгача қисқарди. Нефть, бензин импорти бутунлай тўхтади, дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари импорти сезиларли даражада қисқарди.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири — иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришишдан иборат. Бу эса замонавий ва илғор техника ҳамда технологияларни талаб қилади. Шу сабабли мамлакатимиз импортида машина ва ускуналар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан кўплигига эришиш, яъни хорижий давлатларга кўпроқ товарлар сотиб, улардан камроқ сотиб олиш ҳар қандай давлат ташқи савдо стратегиясида муҳим аҳамият касб этади. Изчиллик билан амалга оширилаётган ташқи савдо сиёсати туфайли Ўзбекистонда кейинги йилларда мусбат сальдога эришилди. Масалан, экспорт ҳажми импорт ҳажмига нисбатан 1999 йилда 125,1 млн. ва 2000 йилда 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорига кўпроқ бўлди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг худудий-жуғрофий таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, унда МДХ давлатлари улушининг пасаяётгани ва ривожланаётган давлатлар салмоғининг ўсаяётганини кузатамиз. 1994 – 2000 йилларда МДХ давлатларининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги ҳиссаси 58,1 фоиздан 37,0 фоизгача қисқарган бўлиб, бунга бир қатор омиллар таъсир кўрсатган.

Биринчидан, республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз маҳсулотларини нафақат МДХ давлатларига, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларига эркин алмашинадиган валютада сотиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, ўтиш даври ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган республикамиз учун илғор ва замонавий технологияларни, айнан ривожланган мамлакатлардан сотиб олиш мумкин. Иқтисодиётининг таркиби бир-бирига яқин бўлган МДХ давлатларида бундай техника ва технологиялар мавжуд эмас.

Мустақиллик йилларида ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг муҳим йўналишларидан бири бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш бўлди. Бу табиий ҳол, албатта. Негаки ўтиш даврини бошидан кечираётган ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда инвестицияларнинг етишмаслиги кузатилади. Бундай етишмовчиликни фақат бевосита хорижий инвестициялар воситасида тўлдириш мумкин эди. Бу эса ҳар иккала томон учун манфаатли. Ривожланган мамлакатлар учун бевосита инвестициялар капитал чиқариш шакли ҳисобланса, уларни қабул қилаётган мамлакат учун янги иш жойларини ташкил этиш, янги саноат тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш, илғор технологияларни жалб этиш ҳисобланади.

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсирини кучайтириш манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда экспортни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинган. Улар учун, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилган:

— экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганида, белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизгача камайтирилади;

— 50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида, мулк солиғи умуман ундирилмайди.

Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур имтиёзлар пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қилувчи корхоналарга тадбиқ этилмаган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг устидан давлат монополиясини ўрнатиш заруратини англаш қийин эмас. Чунки мамлакатга четдан нималар келтириляётгани ва мамлакатдан хорижга нималар олиб чиқиб сотиляётганига бепарқ қараш мумкин эмас.

Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, ташқи савдони амалга оширишда миқдорий чекловлар белгилангани ва товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш устидан давлат назорати ўрнатилганини айтиб ўтиш лозим.

Қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан нима учун экспорт назорати ўрнатилганини ҳам тушуниш қийин эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти унинг иқтисодий ва мудофаа хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий суверенитетини ҳимоялаш, миллий иқтисодиётнинг ривожини рағбатлантириш ва халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилгандир.

13.3. Ташқи савдони тартибга солишда божхона хизматининг ўрни

Савдо-сотик ишларининг бир мамлакат доирасидан чиқиб, дунё мамлакатлари ўртасида ривожланиб бориши бу ишларни тартибга солиш ва назорат қилиб боришни амалга оширувчи божхона хизматини ҳаётий заруратга айлантиради.

Жаҳон амалиётида божхона хизматининг тарихи ташқи савдонинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, дастлабки даврларда у мамлакатларнинг фақатгина хазинасини тўлдиришга хизмат қилган эди. Бироқ кейинчалик халқаро савдонинг ривожланиши, сайёҳлар сонининг кўпая бориши билан унинг вазифалари ҳам кенгайиб кетди. Давлатчилик такомиллашиб, иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоялаш, мамлакат ички бозорини сифатсиз моллардан асраш, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи қўлёзма ва ашёларнинг ҳамда турли кўпорувчилик қуроллари, наркотик ва психотрон моддаларнинг кириб келишини олдини олиш каби ишлар ҳам божхона хизмати зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати мустақил давлатчилик асослари билан бирга ва унинг таркибий қисми сифатида шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ўтган йиллар ичида божхона хизмати фаолиятига дахлдор бўлган ҳуқуқий негизлар яратилдики, улар ислоҳ қилинаётган иқтисодиёт, ҳаётга жорий этилаётган демократик тамойиллар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг „Божхона кодекси“ ва „Бож тарифи тўғрисида“ ги Қонуни қабул қилинди. Уларда божхона хизматининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солиб турилишини таъминловчи асосий тамойиллар белгилаб берилди.

Ҳозир мамлакатимизда 230 дан зиёд, шу жумладан, республика чегараларида 150 тадан кўпроқ божхона масканлари давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминляпти. Айни пайтда темир йўл станциялари, аэропортлар, халқаро ўтиш жойлари, дарё портларида нозирлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистонда божхона иши жаҳонда эътироф этилган халқаро меъёрлар ва амалиётга асосан ривожланмоқда. Бу ҳол Ўзбекистоннинг божхона ҳуқуқи субъекти сифатида тан олинишига сабаб бўлиб, давлатимизнинг Жаҳон Иқтисодий Ҳамдўстлигига киришига ёрдамлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда 142 мамлакатни бирлаштирувчи Жаҳон Божхона Ташкилоти (ЖБТ) аъзолитига қабул қилинган ва унинг сиёсий комиссиясига сайланган.

Божхона чегара орқали ўтадиган жами юклар ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган, текширадиган ва улардан божхона йиғимларини ундириш билан шуғулланувчи давлат идорасидир.

Божхона муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаатларининг таъминланишини назорат қилади ҳамда мамлакат чегараларидан тақиқланган юклар ва буюмларни ғайриқонуний тарзда олиб ўтишга қарши кураш олиб боради.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб борган сари ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг иқтисодий усуллари тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Улар орасида бож тарифи асосий ўрин эгаллайди. *Бож тарифи* — бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, у мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан белгиланган ставкаларда ундириладиган пул йиғимлари (тўловлари)дир.

Ўзбекистон Республикасида божхона божининг импорт ва экспорт, мавсумий, махсус, демпингга қарши, компенсация ва алоҳида турлари қўлланилади.

Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда жорий этилади.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкорлик билан тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган ставкалар қўлланилмайди.

Мавсумий божлар белгиланган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўлланилади.

Махсус божлар мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларига зиён етказувчи товарлар импортидан уларни ҳимоя қилиш чораси сифатида ҳамда бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид бўлган ҳаракатларига жавоб чораси сифатида қўлланилади.

Муайян товарларни олиб кириш худди шу товарларни мамлакатда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва кенгайтиришга ёки улар ўртасида соғлом рақобат ўрнатишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолларда *демпингга қарши божлар* деб аталувчи тўловлар қўлланилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ва алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда *компенсация божлари* деб аталадиган тўловлар ҳам амалиётга жорий этилган.

Алоҳида божлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади. Уларнинг ставкалари ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида белгиланади.

Божхона қиймати Ўзбекистон Республикасининг „Бож тарифи тўғрисида“ги Қонунига мувофиқ белгиланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона қиймати божхона органига декларант томонидан белгиланган тартибда маълум қилинади (декларацияга киритилади). Уни аниқлаш ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотларга асосланиши лозим.

Мамлакатга олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини шу тўловлар бўйича тузилган шартномага мувофиқ аниқлаш бу — товарнинг божхона баҳосини чиқаришнинг асосий усулидир.

Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:

— айни бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;

— ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш ва ҳоказо.

Давлат ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини *тариф ва нотариф усуллар* билан бошқариб боради. *Нотариф усул* деганда, лицензия бериш, квоталаш, декларациялаш ва эмбарголарни қўллаш тушунилади.

Лицензия — ваколатли давлат идораларига ташқи савдо ҳара-

катларини олиб бориш учун бериладиган рухсатнома бўлиб, у экспорт ва импортни, валюта сарфларини назорат қилиш усулларида биридир.

Айрим ёки бир гуруҳ товарлар бўйича квота (муайян миқдор, ҳажм) ўрнатилиб, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳининг белгиланган миқдордаги товарларни ишлаб чиқариш ва уни четга сотиш *квоталашган усул* деб юритилади. Квота шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади.

Бу усул ҳозир Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига қарашли мамлакатлар ташқи савдо амалиётида кенг қўлланилади.

Декларациялаш бу – миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилладиган ҳужжат бўлиб, унда чегара орқали ўтаётган юк (экспорт, импорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анжомлар, валюта, қимматбаҳо буюмлар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Эмбарго давлат томонидан айрим товарлар, хизматлар, валюта ёки бошқа бойликларни мамлакатга келтириш ёки бошқа мамлакатларга чиқаришни тақиқлаб қўйишдир.

Тариф усули деганда, асосан, бож тарифи ва бож тарифлари тўпламини қўллаш тушунилади. Бу усул билан, энг аввало, давлат хазинасига маблағ туширилади, экспорт ва импорт товарларининг ҳаракати мувофиқлаштирилади.

Тарифсиз чора-тадбирларнинг айримлари иқтисодий алоқаларни тартибга солиш билан бевосита боғланмаган, аммо барибир, ташқи савдога жиддий таъсир ўтказди.

Тартибга солишнинг тарифсиз усуллари моҳиятига кўра маъмурий бўлиб, у биринчи галда иқтисодий фаолият тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар бўлиши кераклигини назарда тутди. Тартибга солишнинг тарифсиз усуллари давлатнинг савдо баланси ва фискал мақсадларини белгилаш имконини беради.

Божхона тўловлари фақатгина хазинани тўлдириш мақсадида қўлланилмай, балки ички истеъмол бозорини ва ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий ҳимоялаш вазифаларини ҳам бажаради. Масалан, Ўзбекистоннинг иқлим шароитида полиз маҳсулотлари жуда сифатли ва витаминларга бой. Бундай шароитда четдан, айтайлик, помидор импорт қилишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Лекин айрим савдогарлар учун сифатсиз арзон томат соки ёки пастасини (кетчуп) четдан олиб келиш фойдали бўлиб туюлади. Бунинг олдини олиш учун импорт қилинадиган ана шундай маҳсулотлар учун импорт божидан ташқари акциз солиғи ҳам жорий этилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ҳамда унинг халқаро майдондаги мавқеига мос тушиши лозим. Ана шундагина ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш вазифалари ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш самарали ҳал этилиши мумкин.

Халқаро иқтисодий алоқалар ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарорлиги ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатувчи омилга айланиб қолди. Шунинг учун хўжалик алоқаларини халқаро миқёсда интеграциялашувини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга берилаётган эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларни тараққий эттириш мустақил ривожланиш йўлига ўтган республикамиз учун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган вақтда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа қилиш имкониятидан маҳрум эди. Хўжалик юритишнинг ёпиқ шароитида мамлакатга чет эл сармояларини жалб қилиш тўғрисида фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Ишчи кучининг халқаро миқёсда миграцияси мутлақо ривожланмаган эди. Шунинг учун ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар энг қисқа муддатларда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши ва барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъминлашга қаратилган.

Бу бир томондан янги технологияларни, бошқариш тажрибаси ва билимларни, хорижий сармояларни мамлакатимизга олиб киришини таъминласа, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Жаҳоннинг 40 дан ортиқ йирик давлатлари қаторида хом ашёнинг катта захираларига, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланган тармоқларига, шунингдек, шаклланган ишчи кучига эга бўлган мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги дастлабки қадамлари ўзининг самарасини бера бошлади.

XX асрнинг сўнгги йилларида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётидаги туб сифат ўзгаришларининг кучайиб бориши халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичида қуйидаги хусусиятларни белгилаб беради:

Биринчидан, халқаро айирбошлашнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотиқ олиб боришга ўтдилар.

Иккинчидан, капитални четга чиқарилишининг кўпайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашнинг кенгайиши замонавий халқаро иқтисодий алоқаларни мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди. Бундай хусусият ўз фаолиятини бир қанча давлатлар ҳудудида амалга оширадиган трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва трансмиллий банклар (ТМБ) сонининг кўпайиб боришида ўз аксини топди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 20 миңдан ортиқ ТМК мавжуд бўлиб, улар жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тўртдан уч қисмидан кўпрогини, ташқи савдонинг эса ярмидан кўпрогини назорат қилиб туради. Масалан, „Дженерал Моторс“, „Ройл Датч Шелл“, „Эпсон“ каби йирик ТМКлар обороти ҳажми Ўзбекистонда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдоридан ортиқдир. Ўз иختиёрида беҳисоб моддий ва молиявий қудратни жамлаган бундай корпорациялар ва банклар кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида яна бир муҳим хусусият намоён бўлди, яъни айирбош-лашда мамлакатлар тутган ўрнини қайта тақсимлаш жараёни содир бўлмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон хўжалиги ва халқаро айирбошлашнинг умумий йўналишлари ва ўсиш суръатларини ривожланган мамлакатлар белгилаб туради. Бу мамлакатлар ер юзидаги давлатларнинг 15 фоизини ташкил этади ҳамда уларда жаҳон аҳолисининг 25 фоизи истиқомат қилади. Бу мамлакатлар дунёда ҳосил қилинаётган электр қувватларининг 75 фоизини, ёқилғининг 80 фоизи, ёғоч маҳсулотларининг 85 фоизи ва пўлатнинг 72 фоизини истеъмол қилишади. Саноати тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро савдоси жаҳон савдосининг 70 фоизини ташкил этади.

Маълумки, яқин ўтмишда мамлакатимиз иқтисодиёти собиқ иттифоқдош республикалар иқтисодиёти билан чамбарчас боғланган эди. Шу боис Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳозирги кунда иккита йўналиш бўйича ривожланиб бормоқда. Уларнинг биринчиси МДХ мамлакатлари деб аталувчи собиқ иттифоқдош республикалар билан бўлса, иккинчиси мамлакатимизнинг ўзаро иқтисодий алоқалари илгари умуман ўрнатилмаган хорижий давлатлар билан олиб борилмоқда. Агар биринчи йўналиш Ўзбекистонни кам харажатлар сарфлаб, кенг қўламда хом ашё, тайёр маҳсулотлар, технологиялар, фан-техника ахборотлари бозорига кириб боришини таъминласа, иккинчи йўналиш республика иқтисодиётини кенг равишда жаҳон ҳамжамиятига бирлашувини таъминлаб беради.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши мамлакатимиздаги мавжуд имкониятларни объектив баҳолаш ва улардан миллий манфаатлар йўлида имкони борича тўлиқ фойдаланишни талаб қилади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки давридаёқ ўз ташқи иқтисодий сиёсатининг қуйидаги мақсадлари ва асосий йўналишларини белгилаб олди:

— экспортни ривожлантириш ва унинг оқилона таркибини шакллантириш. Чунки экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш миллий ишлаб чиқаришни техник-иқтисодий жиҳатдан жаҳон даражасига кўтаради, унинг тузилишини такомиллаштиради, республика валюта захирасини кўпайтиради;

— импорт тузилишини такомиллаштириш, яъни уни миллий иқтисодиётни замонавийлаштириш ва ривожлантириш омилига айлантириш;

— ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун чет эл сармояларини жалб этиш;

— Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, яъни маълум даражада ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт-импорт операциялари, валютани олиб чиқиш, бошқа халқаро битимлар устидан давлат назоратини ўрнатиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб республикамизнинг ташқи иқтисодий сиёсати аниқ белгиланган мақсадлар ва уларни амалга оширишга қаратилган қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминловчи соҳаларни аниқлаш.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт бўғинида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулларида кенг фойдаланиш. Бу усуллар қуйидагилар:

— экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича кўп муддатли кредитлар ажратиш, инвестицияларни суғурталаш;

— давлат томонидан республикамизга илғор технологиялар, тажрибалар, билимларнинг кириб келишига субсидиялар ажратиш;

— экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга товар чиқаришга ва четдан уни олиб киришга рухсатномалар бериш;

— ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтирилдиган хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар улушини босқичма-босқич камайитириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсат миллий валютани мустақамлаш ва унинг бошқа валюталар билан эркин алмашинувини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутати.

Фойдаланилган адабиётлар

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1995.

Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзланган нутқ. „Халқ сўзи“, 2002 йил, 15 февраль.

Каримов И. А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., „Ўзбекистон“, 1996.

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., „Ўзбекистон“, 1997.

Каримов И. А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., „Ўзбекистон“, 1993.

Амалий иқтисодиёт (ўқув қўлланмаси). Таржимонлар **И. Фозилов** ва бошқалар. Т., „Шарқ“, 1996.

Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори. Т., Консаудитинформ, 2001.

Доклад о человеческом развитии. Т., „Ўзбекистон“, 1993.

Курс экономики (учебник). М., „Инфра-М“, 2000.

Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т., „Ўзбекистон“, 1999.

Эргашев Т., Исмаев Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. Т., „Шарқ“, 2001.

Юрьева Т.В. Социальная рыночная экономика (учебник). М., „Русская деловая литература“, 1999.

Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Т., „Меҳнат“, 1997.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т., „Меҳнат“, 1995.

Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари. Чораклик нашр, 2001.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Муқаддима	5
I боб. Бозор иқтисодиётига кириш	
1.1. Иқтисодиёт деганда нимани тушунамиз?	7
1.2. Ишлаб чиқариш — иқтисодиётнинг асос	9
1.3. Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт	13
1.4. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турлари	17
II боб. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва тамойиллари	
1.1. Бозор иқтисодиёти тушунчаси ва унинг моҳияти	20
2.2. Бозор иқтисодиётининг тараққиёт босқичлари ва турлари	23
2.3. Бозор муносабатлари ва иқтисодий рақобат	26
2.4. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари	29
III боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойил- лари ва ўзига хосликлари	
3.1. Бозор муносабатларига ўтиш ва тараққиётнинг „ўзбек модели“	34
3.2. Мулкчилик шаклларидаги ўзгаришлар	37
3.3. Аграр муносабатлар ислоҳоти	40
3.4. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузил- масини яратиш	43
IV боб. Бозорни ўрганиш (Маркетинг)	
4.1. Маркетинг деганда нимани тушунамиз?	47
4.2. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маркетингнинг роли	51
4.3. Стратегик ва халқаро маркетинг	54
V боб. Тадбиркорлик ва бизнес	
5.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти	59
5.2. Тадбиркорлик тамойиллари ва турлари	64
5.3. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асослари	67
5.4. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ..	71

VI боб. Ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари

6.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти ва турлари ..	75
6.2. Корхона даромадлари ва фойдаси	78
6.3. Даромадларнинг ўсишида меҳнат унумдорлигининг роли	80

VII боб. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш омиллари

7.1. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳияти	83
7.2. Табиий омил	85
7.3. Меҳнат омили	89
7.4. Ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражаси	91
7.5. Ишлаб чиқаришни бошқариш. Менежмент	94

VIII боб. Аҳоли даромадлари ва уларнинг ўсиш омиллари

8.1. Аҳоли даромадларининг таркиби ва уларни тартибга солиш	99
8.2. Иш ҳақи. Унинг шакллари ва тизимлари	104
8.3. Оила даромадининг ўсиш омиллари	107
8.4. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари	111

IX боб. Бозор иқтисодиётининг молия тизими

9.1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари	116
9.2. Давлат бюджети. Унинг шаклланиши ва тақсим- ланиши	120
9.3. Солиқлар ва солиқ тизими	124
9.4. Бозор иқтисодиётида суғуртанинг роли	131
9.5. Қимматли қоғозлар бозори	134

X боб. Пул-кредит тизими ва банклар фаолияти

10.1. Иқтисодиётнинг амал қилишида пулнинг тутган ўрни	140
10.2. Кредит ва унинг турлари	145
10.3. Банклар ва уларнинг иқтисодиётни молиялашти- ришдаги роли	148
10.4. Банк кредитлари ва фоизлари	151

XI боб. Меҳнат ва меҳнат муносабатлари. Бандлик

11.1. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат фаолияти	156
11.2. Меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари	159
11.3. Бандлик	162
11.4. Ишсизлик ҳақида	166

XII боб. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш

- 12.1. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли 171
- 12.2. Иқтисодий тараққиётни башорат қилиш ва режалаштириш 176
- 12.3. Иқтисодиётни бошқариш органлари 179
- 12.4. Бозор муносабатларини янада ривожлантириш зарурати 182

XIII боб. Халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий алоқалар

- 13.1. Халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг ўрни .. 187
- 13.2. Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг турлари 191
- 13.3. Ташқи савдони тартибга солишда божхона хизматининг ўрни 195
- 13.4. Халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарурати ва асосий йўналишлари 199
- Фойдаланилган адабиётлар 202

ТОШТУРҒУН ЭРҒАШЕВ
БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик

Тошкент „Ўқитувчи“ 2002

Таҳририят мудири *С. Мирзахўжаев*
Муҳаррир *С. Пулатов*
Бадий муҳаррир *М. Калинин*
Тех. муҳаррир *С. Турсунова*
Кичик муҳаррир *М. Иброҳимова*
Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*
Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова*

ИБ № 8088

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 8.07.2002. Бичими 60x90 1/16. Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т.13,0. Шартли кр. отт. 13,25. Нашр. т.12,4. 8000 нусхада босилди. Буюртма № 2022

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07-77-2002.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1- босмахонасида босилди. Тошкент, Сағбон кўчаси, 1- берк кўча, 2- уй. 2002.

65.011.3

Э74

Эргашев Т.

Бозор иқтисодиёти: /Касб-хунар коллежлари
учун дарслик/ С. С. Фуломов таҳрири остида. -Т.:
„Ўқитувчи“, 2002. 208 бет.

ББК 65.011.3я722

„Ўқитувчи“ наشريёти Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун 2002—2003 ўқув йилига қуйидаги дарслик ва қўлланмаларни нашр этади:

1. **К. Турсунметов, А. Худойберганов.** Физика (Лаборатория ишлари).
 2. **М. Арипов, А. Ҳайдаров.** Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
 3. **А. Ганиев, А. Авлиёқулов, Г. А. Алимардонов.** Физика (I қисм)
 4. **М. Гадоева.** Инглиз тили.
 5. **Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Холиқбердиев.** Педагогика.
 6. **И. Тиркашев, С. Машарипов.** Кимё.
 7. **Қ. Суяров, А. Ҳ. Ҳусанов, Л. Худойберганов.** Физика (механика ва молекуляр физика).
 8. **Ж. Ҳ. Ҳусанов.** Алгебра (Прогрессия ва лимитлар).
 9. **А. У. Абдуҳамидов, А. Н. Насимов, У. М. Носиров, Ж. Ҳ. Ҳусанов.** Алгебра ва математик анализ асослари.
-

"O'QITUVCHI"

